

# SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI

“BUXGALTERIYA HISOBI” KAFEDRASI



## “BUXGALTERIYA HISOBINI MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARI ASOSIDA TASHKIL ETISH MASALALARI”

MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA

MATERIALLARI TO'PLAMI

(2023 YIL 2-NOYABR)

SAMARQAND – 2023

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN  
VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGIZIRLIGI**

**SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS  
INSTITUTI**

**“BUXGALTERIYA HISOBI” KAFEDRASI**

**“BUXGALTERIYA HISOBINI MOLIYAVIY  
HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARI ASOSIDA  
TASHKIL ETISH MASALALARI”**

**MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA**

**MATERIALLARI TO’PLAMI**

**(2023 yil 2-noyabr)**

**SAMARQAND – 2023**

**РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО  
ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И ИННОВАЦИЙ**

**САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКА И СЕРВИСА**

**КАФЕДРА “БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ”**

**«ВОПРОСЫ ОРГАНИЗАЦИИ БУХГАЛТЕРСКОГО  
УЧЕТА НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ  
СТАНДАРТОВ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ»**

**РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ**

**СБОРНИК МАТЕРИАЛОВ**

**(2-ноябрь 2023 г.)**

**САМАРКАНД – 2023**

UO 'K: 657:006

B 97

KBK: 65.052+30.10

*Buxgalteriya hisobini moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida tashkil etish masalalari // Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari (I-qism). 2023 yil 02-nayabr. Samarqand, SamISI, 2023. 232 – bet.*

*i.f.d., professor S.N.Tashnazarovning umumiy taxriri ostida*

**Nashr uchun mas'ullar:**

- 1. D.X.Aslanova- i.f.f.d., professor**
- 2. S.N.Tashnazarov – i.f.d., professor**
- 3. D.J.Pashaxadjayeva – PhD, dosent**

**To'plovchi va nashrga tayyorlovchi: G.Djumayeva – Assistent**

**Sahifalovchi: G. Djumayeva, F.Nurniyozov**

An'anaviy ilmiy-amaliy konferensiya materiallarida yangi O'zbekistonda innovatsion iqtisodiyotni rivojlantirish sharoitida moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini (MHXS) jadal joriy qilish va tashkil etish, Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida korxonalarda aktivlar, majburiyatlar, xususiy kapital, daromadlar va xarajatlarni tan olish va baholash hamda moliyaviy hisobotda aks ettirish, auditni xalqaro standartlar asosida tashkil etish va o'tkazishning tashkiliy dastaklari hamda metodologik masalalari, xizmat ko'rsatish tarmoqlari iqtisodiyotini rivojlantirish hamda iqtisodiy tahlil, moliya, sug'urta, soliqqa tortish, investitsiya va bank sohalarini xalqaro standartlar asosida tashkil etish va rivojlantirish masalalari yoritilgan. To'plamda MHXSlariga o'tish borasida erishilgan natijalar tahlil qilinib, biznes sub'ektlarida, jumladan tijorat banklari, sug'urta tashkilotlari va boshqa korxonalarda xalqaro standartlarni muvoffaqiyatli joriy qilish bo'yicha xulosa va takliflar keltirilgan. MHXSlarini joriy qilish bo'yicha metodologik tartiblar hamda MHXS asosida moliyaviy hisobot formatlari, hisob siyosati, schyotlar rejasining tuzish borasidagi amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan.

**Maqolalar mualliflar tahririda bosilmoqda. Ularda keltirilgan raqamlar, faktlar, xulosa va tavsiyalarga mualliflar ma'suldir. Ularning ayrim fikrlari tashkiliy guruh qarashlariga to'g'ri kelmasligi mumkin**

**ISBN: 978-9910-752-07-0**

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2023.

© "STEP-SEL" MChJ. Nashriyoti, 2023.

## КИРИШ

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga murojaatnomasida "Iqtisodiyot – bu hisob-kitob degani. Har bir ishimizda puxta hisob-kitob birinchi o'rinda turishi lozim. Aks holda, hamma ishimiz eski hammom, eski tos bo'lib qolaveradi" – deb ta'kidlaganlari ham buxgalteriya hisob-kitob ishlarini zamonaviy darajaga ko'tarishni ko'zda tutadi.

Shu munosabat bilan mamlakatimizda buxgalteriya hisobini xalqaro standartlar darajasiga olib chiqish uchun bir qancha me'yoriy-huquqiy hujjatlar qabul qilindi. Jumladan, mamlakatimizda MHXSlariga o'tishni ta'minlash maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2015 yil 24 apreldagi PF-4720-son "Aktsiyadorlik jamiyatlarida zamonaviy korporativ boshqaruv uslublarini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi farmoni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 3 martdagi PQ-4265-son "Kimyo sanoatini yanada isloh qilish va uning investitsiyaviy jozibadorligini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori va 2019 yil 17 yanvardagi PQ-4124-son "Kon-metallurgiya tarmog'i korxonalarini faoliyatini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorlari bilan yillik moliyaviy hisobotning MHXSlariga muvofiq e'lon qilinishi va uni Auditning xalqaro standartlari (AXS) asosida tashqi auditdan o'tkazilishi bo'yicha vazifalar yuklatildi.

Bugungi kunda O'zbekistonda buxgalteriya hisobi va hisobotini jahon andozalari darajasiga chiqarishning yagona yo'li bu moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini va ilg'or xorijiy tajribalarni, sohaga doir jahon adabiyotlari va hujjatlarini o'rganish hamda ularni mamlakatimiz iqtisodiyotining xususiyatlarini hisobga olgan holda joriy qilishdan iboratdir. Bu yo'l eng dolzarb va o'ta muhim yo'ldir.

Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarining joriy qilinishi moliyaviy hisobotlardagi axborotlarning ishonchliligi va ob'ektivligini oshirish bilan bir qatorda xorijiy investitsiyalarni mamlakatimiz iqtisodiyotiga kiritishda muhim vosita bo'lib xizmat qiladi.

Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tishining zaruriyati yana shu bilan belgilanadiki, dunyo bozorlariga chiqish, mamlakatimiz eksport salohiyatini yuksaltirish, dunyo xom-ashyo va valyuta birjalariga kotirovka qilish, dunyo banklaridan kredit olish uchun kompaniya va tashkilotlar tomonidan MHXSGa muvofiq moliyaviy hisobot tuzishni talab etilishi bilan belgilanadi.

Ushbu ustuvor vazifani hal qilish maqsadida MHXSlarni to'liq tizimli joriy qilinishini hamda bu borada kadrlar tayyorlashni tubdan yaxshilashga qaratilgan alohida qaror qabul qilinishiga zaruriyat yuzaga keldi. Shu munosabat bilan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24 fevralda PQ-4611 "Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" Qarori qabul qilindi. Ushbu Qarorning maqsadi MHXSlarga o'tish orqali:

mamlakatimizda xorijiy investitsiyalarning kirib kelishi uchun investitsion muhitni yaxshilash, kompaniyalarning investitsiyaviy jozibadorligini oshirish;

xorijiy investorlarni zarur axborotlar bilan ta'minlash, hisobotlarning mazmuni va tarkibini axborot foydalanuvchilarning ehtiyojlariga uyg'unlashtirish; korporativ boshqaruv tamoyillarini joriy qilishni ta'minlash;

O'zbekiston kompaniyalari va banklarining xalqaro fond va moliya bozorlariga kirish imkoniyatlarini kengaytirish;

aktsiyadorlik jamiyatlari, xolding kompaniyalar va boshqa korxonalarining eksport operatsiyalari hajmini oshirish;

kompaniyalarning raqobotbardoshligini oshirish;

buxgalteriya hisobi va audit sohalari mutaxassislarini tayyorlash tizimini xalqaro standartlar darajasiga ko'tarish.

Mazkur Qaror mamalakatimizda buxgalteriya hisobini rivojlantirishdagi juda katta tarixiy ahamiyatga ega bo'lgan hujjat hisoblanadi. Bu hujjatning qabul qilinishi uchun mamlakatimizda hayotiy zaruriy shart-sharoitlarga quyidagi omillarni kiritishimiz mumkin:

mamlakatimizga xorijiy investitsiyalarning kirib kelishi uchun juda katta imkoniyat yaratildi. Qonuniy muhit yuzaga keldi. 2019 yil 26 dekabrda "Investitsiyalar va investitsiya faoliyati to'g'risida" Qonunning yangi tahriri qabul qilindi. Qonunda oshkorlik va ochiqlik, investitsiya faoliyatini amalga oshirish erkinligi, yanada kengaytirildi, ularning kafolatlari yanada mustahkamlandi.

O'zbekiston innovatsion iqtisodiyotga va raqamli iqtisodiyotga bosqichma-bosqich o'tmoqda. Raqamli iqtisodiyot yagona axborot bazasiga tayanadi, qaysiki ushbu axborotlarning salmoqli qismi buxgalteriya hisobida shakllanadi. Buxgalterlik va boshqaruv tizimlarining yagona bazada elektron integratsiyalashuvi raqamli iqtisodiyotning asosiy belgisidir. Buxgalteriya hisobining axborot bazasining shakllanishi MHXSlariga tayanadi. Shu bois, raqamli iqtisodiyot mamlakatimizda MHXSGa o'tishni zaruriyat qilib qo'ydi. Shu bois, to'liq asosda aytish mumkinki MHXSlariga o'tish raqamli iqtisodiyotning muhim va ajralmas qismidir. MHXSlariga o'tish iqtisodiyotimizning asosiy to'sig'i bo'lib kelayotgan korruptsiyaga qarshi kurashishning eng samarali vositasidir.

Prezident Qarorida qo'yilgan vazifalarni amalda ijrosini ta'minlash uchun quyidagi ishlarni amalga oshirish lozim, deb o'ylaymiz:

O'zbekistondagi buxgalteriya hisobi va audit sohasida professional tashkilotlarning MHXS Kengashiga hamda Buxgalterlarning Xalqaro Federatsiyasiga a'zo bo'lish, ularga a'zolik badallarini to'lash, davlat darjasida hamkorlik olib borish, delegatsiyalar aloqalarni o'rnatish, O'zbekistonda MHXSlariga o'tishni xalqaro tashkilotlar tomonidan e'tirof etilishiga erishish lozim;

MHXSlari va standartlarga interpretatsiyalarni o'zbek tiliga rasmiy tarjima qilish, MHXSlari Kengashi tomonidan ushbu MHXSlarning o'zbek tilidagi versiyalarini rasmiy tan olinishiga erishish;

Mamlakatimizdagi aktsiyadorlik jamiyatlari, mas'uliyati cheklangan jamiyatlar va boshqa korxonalarining ixtiyoriylik asosida o'z tashabbuslari bilan MHXSlari asosida moliyaviy hisobotga o'tishlariga erishishimiz lozim. Korxonalar va tashkilotlar o'zlari MHXSlariga o'tishda naf olishlari, uning afzalliklarini his qilishlari lozim. MHXSlar orqali investitsiyaviy jozibadorligiga erishish yo'li bilan

korxonalarining moliyaviy barqarorligini ta'minlash strategik ahamiyatga ega bo'lgan vazifa sifatida qaralishi lozim;

MHXSlari talablariga to'liq javob beradigan O'zbekiston Moliyaviy hisobotning milliy standartlari (MHMS)ni ishlab chiqish lozim. MHXSlari va MHMSlari o'rtasidagi tafovutlarga barham berish kerak. Imkon qadar muvofiqlashtirish kerak. MHXSlarda mavjud bo'lgan, lekin MHMSlar tarkibida bo'lmagan standartlarni ham ishlab chiqish kerak. Standartlarga interpretatsiyalar ishlab chiqishni yo'lga qo'yish kerak. Buxgalteriya hisobi bo'yicha boshqa qonun osti me'yoriy-huquqiy hujjatlarni, jumladan Nizomlar va qoidalarni ham standartlarga aylantirish kerak. O'zbekistonda mukammal moliyaviy hisobotning milliy standartlari tizimi shakllanishi lozim;

moliyaviy hisobotda aks ettirilayotgan axborotlarning sifatini oshirish maqsadida uning tarkibi va mazmunini axborot foydalanuvchilar manfaatlariga muvofiqlashtirish, axborotlarga ishlov berish va ularni uzatishda eng ilg'or usul va uslublardan foydalanish, xalqaro instrumentlar va standartlarini hamda MHXSlar talablariga to'liq muvofiq keladigan takomillashgan namunaviy moliyaviy hisobot formatlarini joriy qilish;

buxgalterlar va auditorlarni MHXSlari bo'yicha sertifikatlashning samarali milliy tizimini joriy etish, akkreditatsiyalangan o'quv markazlarida ilg'or xorijiy tajribalar asosida o'quv jarayonlari va o'quv-uslubiy ta'minotini tashkil etish, imtihonlarni o'tkazish va natijalarini baholashning shaffofligini ta'minlash. oliy ta'lim muassasalarida buxgalteriya hisobi va auditga oid fanlarning mazmunini rivojlangan mamlakatlar universitetlardagi o'quv rejalari va dasturlariga (selabbus) muvofiqlashtirish, o'quv dasturlarini xalqaro akkreditatsiyadan o'tkazish, pedagog kadrlarni qayta tayyorlash, pedagog kadrlarni xalqaro sertifikatlash maqsadida o'quv markazlarida va xorijiy universitetlarda malaka oshirishini va imtihonlarni topshirishini tashkil etish, ilg'or universitetlardagi darsliklar bilan ta'minlash.

Xalqaro tajribalarda buxgalteriya hisobi tizimi moliyaviy hisob (financial accounting) va boshqaruv hisobi (management accounting) kabi tarkibiy qismlardan tashkil topgan. Shu nuqtai nazardan bugungi kunda buxgalteriya hisobi fani ham moliyaviy hisob va boshqaruv hisobiga bo'lib o'rganilmoqda. Moliyaviy hisob bu asosan tashqi axborot foydalanuvchilarga moliyaviy hisobot ko'rinishida axborotlarni taqdim qilish bo'lsa, boshqaruv hisobi esa ichki axborot foydalanuvchilar, ya'ni menejerlarga qarorlar qabul qilishlari uchun foydali axborotlarni yetkazib berish quyitizimiga aytiladi.

Albatta, ushbu qo'yilgan vazifalarni mukammal darajada bajarish uchun MHXSlarini jadal joriy qilish masalalari bo'yicha xalqaro va respublika ilmiy amaliy anjumanlarini o'tkazish taqozo etiladi. Mazkur ilmiy-amaliy konferensiyada yangi O'zbekistonda innovatsion iqtisodiyotni rivojlantirish sharoitida moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini (MHXS) jadal joriy qilish va tashkil etish, Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida korxonalarda aktivlar, majburiyatlar, xususiy kapital, daromadlar va xarajatlarni tan olish va baholash hamda moliyaviy hisobotda aks ettirish, auditni xalqaro standartlar asosida tashkil etish va o'tkazishning tashkiliy dastaklari hamda metodologik masalalari, xizmat

ko'rsatish tarmoqlari iqtisodiyotini rivojlantirish hamda iqtisodiy tahlil, moliya, sug'urta, soliqqa tortish, investitsiya va bank sohalarini xalqaro standartlar asosida tashkil etish va rivojlantirish masalalari muhokama etiladi.



# I-SHO'BA. O'ZBEKISTONDA MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARINI JADAL JORIY QILISH VA TASHKIL ETISH MASALALARI

**С.Н.Ташназаров**  
“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси  
муdiri, и.ф.д., профессор

## **МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШДАГИ ТАЖРИБАЛАР ВА ЖАДАЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 4611-сон қарорида белгиланган вазифаларни бажаришдаги ютуқлар, СамИСИда “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” йўналиши бўйича ўқув режалари ва дастурларини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)ларига мувофиқлаштириш борасида амалга оширилган ишлар, жумладан молиявий бухгалтерия ҳисоби фани дастурига киритилган янгиланган мавзулар, тадқиқот мавзулари, аккредитация талаблари баён этилган. Эришилган ютуқлар билан бир қаторда жадаллаштириш лозим бўлган ишлар, жумладан профессионал ташкилотлар фаолиятини жадаллаштириш, МҲХСлар асосида методологик ишларни кучайтириш, амалиёт билан ҳамкорликни кучайтириш, кейс стадилар ва масалалар тўпламларини ишлаб чиқишда амалиёт ходимларини жалб қилиш таклифлари берилган.

**Калитли сўзлар:** Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС), бухгалтерларни халқаро сификатлаш, молиявий бухгалтерия ҳисоби, акциядорлик жамиятлари, молиявий ҳисобот, бизнесда бухгалтер, менежементлик бухгалтерия ҳисоби.

Мамлакатимизда бошқа соҳалар каби МҲХСларига ўтиш долзарб масала ҳисобланади. Бу эса хорижий инвесторлар учун қўлай инвестицион муҳитни юзага келтириш, халқаро биржаларда котировка қилиш, акциядорларни инвестиция киритишга жалб этиш, ҳисоботларнинг ҳаққонийлигига эришишни таъминлайди. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига жадал ўтишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги 4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори қабул қилинди.

Қарорда қуйидаги муҳим вазифалар юклатилган:

акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш ва молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаш;

бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида «МХХС бўйича молиявий ҳисобот» фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд «Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)», «Сертификатланган дипломли бухгалтер (ACCA)», «Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (CPA)» ва «Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DipIFR)» сертификатларини олишга тайёрлаш;

МХХС соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича жаҳоннинг муваффақиятли тажрибаларини оммалаштириш, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича нодавлат таълим ташкилотларини ҳамда соҳага оид олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўтказиш;

ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаси асосида ўқув жараёнининг сифатини, имтиҳонларни ўтказиш ва натижаларини баҳолашнинг шаффофлигини таъминловчи МХХС бўйича сертификатлашнинг самарали тизимини жорий этиш;

бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МХХСга мувофиқ уйғунлаштириш;

бакалаврият таълими йўналишлари ва магистратура мутахассислигидаги «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича МХХСни чуқур ўрганишни назарда tutувчи янгиланган ўқув дастурларини таълим жараёнига жорий этиш ва халқаро аккредитациядан ўтказиш;

ва бошқа қатор вазифалар белгиланди.

Бугунги кунда МХХС ўтиш борасида қилинган ишлар ва жадаллаштириш борасида вазифалар тўғрисида тўхталиб ўтайлик.

Акциядорлик жамиятларида МХХСлари асосида молиявий ҳисобот тузиш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда. Бу ишларга хорижий мутахассислар, халқаро аудиторлик компаниялари жалб қилинмоқда. МХХСларини жорий қилиш катта маблағлар билан боғлиқ. Жумладан кафедрамиз томонидан “Акциядорлик жамиятларида Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий қилиш масалалари” мавзуси бўйича лойиҳанинг зарурияти ва аҳамияти, амалга ошириш механизмлари ва амалиётга қўллаш доираси асосланган ҳолда тақдим этилди.

Олий таълим муассасаларида халқаро аккредитация талабларига жавоб берадиган ўқув режалар ва фан дастурлари, дарсликлар ишлаб чиқилди. 2021/2022-ўқув йилидан “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналишининг ўқув режасига ACCA халқаро ташкилотининг аккредитация талаблари асосида ўзгартиришлар киритилди. Ушбу талаблардан келиб чиқиб янгиланган ўқув режага қуйидаги фанлар киритилган:

“Бизнесда бухгалтер (F-1-Accountant in Business)”;

“Менежментлик бухгалтерия ҳисоби (F-2-Management Accounting)”;

“Молиявий бухгалтерия ҳисоби (F-3-Financial Accounting)”;

“Корпоратив ва бизнес ҳуқуқи (F-4-Corporate and Business Law)”;

“Самарадорликни бошқариш (F-5-Performance Management)”;

“Солиққа солиш (F-6-Taxation)”;

“Молиявий ҳисобот (Ф-7- F-7-Financial Reporting)”;

“Аудит ва кафолат (F-8-Audit and Assurance)”;

“Молиявий менежмент (F-9-Financial Management)” фанлари киритилди.

Бу фанларнинг барчаси мазмунан янги фанлар ва янги ўқув дастурларини тузишни талаб этади. Жумладан, кафедрамизда бизнесда бухгалтер, молиявий бухгалтерия ҳисоби, бошқарув бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот каби фанлар бўйича янги мазмундаги дастурлари ишлаб чиқилди.

Масалан, Молиявий бухгалтерия ҳисоби дастурига қуйидаги мавзулар киритилди (1-жадвал):

1-жадвал

**Молиявий бухгалтерия ҳисоби фани дастурига киритилган асосий мавзулар**

<b>1-БОБ</b>	<b>МОЛИЯВИЙ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТАРИХИ ВА РИВОЖЛАНИШИ</b>
1.1	Бухгалтерия ҳисоби тарихий ривожланиши
1.2	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш давр талаби
<b>2-БОБ</b>	<b>МОЛИЯВИЙ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ</b>
2.1	Бухгалтерия ҳисоби муҳити (Accounting Environment) ва бухгалтерия ҳисобининг роли. Бухгалтерия ҳисоби - бизнес тили.
2.2	Молиявий ҳисоботлар ва бизнес қарорлари
2.3	Молиявий бухгалтерия ҳисоби концептуал асослари (Conceptual framework). Молиявий ҳисоботнинг сифат тавсифи.
2.4	Молиявий ҳисобот элементлари
2.5	Ҳисоб цикли ва трансформацион жадвал
<b>3-БОБ</b>	<b>ТУШУМЛАР ҲИСОБИ</b>
3.1	Тушумлар таърифи, турлари ҳамда асосий қоидалари
3.2	Харидорлар билан тузилган шартномаларни идунтификация қилиш, бажарилишларга оид мажбуриятлар, операция нархи
3.3	Операция нархи ва операция нархини бажарилишларга оид мажбуриятларга тақсимлаш
3.4	Тушумни тан олиш
<b>4-БОБ</b>	<b>ОЛИНАДИГАН СҲЁТЛАР ВА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ</b>
4.1	Олинадиган ҳётлар (Receivables)
4.2	Тўланадиган ҳётлар (Payables)
4.3-	Жорий активлар: пул маблағлари ва пул эквивалентлари
<b>5-БОБ</b>	<b>ЗАХИРАЛАР ҲИСОБИ</b>
5.1	Жорий активлар: захиралар таърифи, таркиби ва баҳоланиши
5.2	Захираларнинг даврий ва узлуксиз ҳисоб тизимлари

<b>6-БОБ</b>	<b>УЗОҚ МУДДАЛИ АКТИВЛАР: МУЛК (ЕР, БИНО), МАШИНА ВА АСБОБ-УСКУНАЛАР</b>
6.1.	Мулк (ер, бино), завод ҳамда машина ва асбоб-ускуналар (Property, Plant and Equipmen) таърифи, тан олиш ва класслари
6.2.	Мулк (ер, бино), завод ҳамда машина ва асбоб-ускуналар (Property, Plant and Equipmen) харид ва бошланғич таннархи
6.3.	Мулк (ер, бино), завод ҳамда машина ва асбоб-ускуналар (Property, Plant and Equipmen) бўйича давомий харажатлар ҳисоби
6.4.	Мулк (ер, бино), завод ҳамда машина ва асбоб-ускуналар (Property, Plant and Equipmen) қайта баҳолаш
6.5.	Мулк (ер, бино), завод ҳамда машина ва асбоб-ускуналар (Property, Plant and Equipmen) депресиацияси (амортизацияси) ҳисоби
6.6.	Мулк (ер, бино), завод ҳамда машина ва асбоб-ускуналар (Property, Plant and Equipmen) ҳисобдан чиқарилиши ва молиявий ҳисобот
<b>7-БОБ</b>	<b>УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР: НОМОДДИЙ АКТИВЛАР</b>
7.1.	Номоддий активларнинг таърифи, тан олиниши ва турлари
7.2.	Номоддий активларнинг бошланғич таннархи
7.3.	Ташкилотнинг ўзи томонидан яратилган ва хирид қилинган номоддий активларнинг ҳисоби
7.4.	Гудвил. Номоддий активларни қайта баҳолаш.
7.5.	Номоддий активларнинг амортизация ва чиқими ҳисоби. Номоддий активларга оид молиявий ҳисобот
<b>8-БОБ</b>	<b>БОШҚА МОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ. ИНВЕСТИЦИЯ ҲИСОБИ. ИЖАРА ҲИСОБИ. АКТИВЛАРНИНГ ҚАДРСИЗЛАРИНИ ҲИСОБИ</b>
8.1.	Инвестициявий мулк (investment property) таърифи, тан олиш ва бошланғич қиймати
8.2.	Инвестициявий мулкни баҳолаш, қайта таснифлаш, чиқиб кетиши ҳисоби
8.3.	Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ҳисоби
8.4.	Тугалланган фаолият натижалари ва уларнинг ҳисоби
8.5.	Биологик активлар
8.6.	Таббий ресурслар ҳисоби
8.7.	Инвестициялар ҳисоби
8.8.	Ижаранинг моҳияти, тан олиниши ва бошланғич баҳоланшини
8.9.	Ижаранинг давомий ҳисоби. Молиявий ижара ҳисоби
8.10.	Шартли мажбуриятлар
8.11.	Активларнинг қадрсизланиши ҳисоби
<b>9-БОБ.</b>	<b>МОЛИЯВИЙ ИНСТРУМЕНТЛАР ҲАМДА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТА ВА ХОРИЖИЙ ФАОЛИЯТ</b>

9.1.	Молиявий инструментлар таърифи, мазмуни ва ахборотларни тақдим этиш
9.2.	Молиявий активлар, молиявий мажбуриятлар ва ҳиссали инструментлар ҳисоби
9.3.	7-сон МҲХС “Молиявий инструментлар: ахборотларни очиқлаш” стандартининг мазмуни ва моҳияти
9.4.	9-сон МҲХС “молиявий инструментлар” стандартининг мазмуни ва моҳияти
9.5.	Хорижий валюта бўйича курс фарқи
9.6.	Хорижий фаолият ҳисоби
<b>10-БОБ</b>	<b>ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ. ФОЙДА СОЛИҒИ ВА АКЦИЯГА ФОЙДА</b>
10.1.	Одатдаги фаолияти билан боғлиқ даромадлар ҳисоби
10.2.	Одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган даромадлар ҳисоби
10.3.	Бошқа умумлашган даромадлар ҳисоби
10.4.	Одатдаги фаолияти билан боғлиқ харажатлар ҳисоби.
10.5.	Одатдаги фаолияти билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ҳисоби
10.6.	Соф фойда ҳисоби
10.7.	Фойда солиғи ҳисоби.
10.8.	Акцияга фойда
<b>11-БОБ</b>	<b>ХОДИМЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ</b>
11.1.	Ходимларни рағбатлантириш турлари ва моҳияти
11.2.	Меҳнат ҳақи ҳисоби
11.3.	Меҳнат ҳақидан ушланмалар ва ажратмалар ҳисоби
<b>12-БОБ</b>	<b>ЎРТОҚЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ</b>
12.1.	Ўртоқлик жамиятларида ҳиссали капитал ҳисоби
12.2.	Ўртоқлик жамиятларида фойданинг тақсимооти ҳисоби
<b>14-БОБ</b>	<b>КОРПОРАЦИЯЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ</b>
14.1.	Корпорациялар тавсифи ва бухгалтерия ҳисоби хусусиятлари
14.2.	Акциядорлик капиталини баҳолаш ва ҳисоби
14.3.	Акциядорлик жамиятларида дивидендлар ҳисоби
14.4.	Нодавлат ва нотижорат ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратилди. Ушбу фанларни тўлиқ халқаро стандартлар асосида ўқитиш амалиёти жорий этилди. Натижада, молиявий бухгалтерия ҳисобини МҲХСлар асосида ўзбек тилида дарслик ишлаб чиқиш борасида ишлар бошланди. Бошқарув бухгалтерия ҳисобидан янгиланган ўқув режага мувофиқ келадиган дарслик яратилди. Ҳозирги кунда Молиявий бухгалтерия ҳисобидан юқоридаги мавзуларни қамраб оладиган дарслик яратиш устида ишляпмиз. Ўқув йилининг охиригача тайёр булади. Кафедрамиз илмий тадқиқотчилар мавзулари ҳам бевосита халқаро стандартлар асосида тадқиқ қилиш мавзуларига бағишланган:

**“Бухгалтерия ҳисоби” кафедрасига бириктирилган илмий  
тадқиқотчиларнинг тадқиқот мавзулари**

	<b>Ф.И.Ш</b>	<b>Тадқиқот мавзуси</b>
1	Джумаева Гўзал	Корхоналарда ижара ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш (PhD)
2	Эшонқулов Акмал	Корхоналарда пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни такомиллаштириш (PhD)
4	Сагторов Тохир	Фармацевтика тармоғи субъектларида дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш ва сотиш ҳисобини такомиллаштириш (PhD)
5	Нурниёзов Феруз	Электр-энергияни аҳолига сотиш ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш (PhD)
6	Ташназарова Дилфуза	Таннарх бухгалтерия ҳисоби методологиясини такомиллаштириш (DSc)
7	Шамсиқулова Моҳинабону	Корхоналарда хусусий капитал ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш (PhD)
8	Неъматова Дилноза	Корхоналарда асосий воситалар ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш (PhD)
9	Юсупова Фаризабону	Корхоналарда молиявий натижалар ҳисоби ва таҳлилинини такомиллаштириш (PhD)
10	Турабоев Темурбек	Корхоналарда товар-моддий захиралар ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш (PhD)
11	Ахмедов Миржалол	Корхоналарда молиявий фаолият натижалари ҳисобини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш (PhD)
12	Эшпулатова Зайнаб	Иқтисодий субъектларда даромадлар бухгалтерия ҳисоби методологиясини такомиллаштириш (халқаро стандартлар асосида) (DSc)
13	Раҳманова Юлдуз	Корхоналарда инвестициявий кўчмас мулк ва сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ҳисобини такомиллаштириш (PhD)
14	Алимова Нигора	Меҳмонхона фаолиятида иқтисодий самарадорлик ва унинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш (PhD)
15.	Ниятов Жаҳонгир	Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш (PhD)

16	Шониёзов Шерзод	Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни халқаро стандартлар такомиллаштириш (PhD)
17	Мисиров Аслиддин	Иқтисодий эркинлаштириш шароитида экспорт ва импорт операциялари ҳисобини такомиллаштириш (PhD)
18	Папахаджаева Дилдора	Иқтисодий субъектларда фойда солиғи бухгалтерия ҳисоби методологиясини такомиллаштириш (DSc)

Институтнинг “Бухгалтерия ҳисоби” ва “Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедралари профессор-ўқитувчилари тасдиқланган ўқитиш жадвалига асосан аккредитасиядан ўтган “Tashkent Institute of Business Administration” МЧЖ ўқув марказида АССА бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида “МҲХС бўйича молиявий ҳисобот” ҳамда “Аудитнинг халқаро стандартлари” ўқув курсини муваффақиятли якунлаб, тегишли сертификатларни олишди.

Профессор-ўқитувчиларимиз мустақил равишда МҲХСларни ўрганишлари йўлга қўйилган. Ҳафтада бир марта МҲХСлар асосида молиявий ҳисобот фани бўйича ўқитувчилар учун дарслар ташкил этганмиз.

Барча тадқиқотчиларимизнинг DSc ва PhD докторлик диссертациялари МҲХСлари билан узвий боғланди. Кейинги 3 йил ичида МҲХСлари асосида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришга бағишланган 4 та PhD ва 2 та DSc докторлик диссертациялари ёқланди. Йирик акциядорлик жамиятлари амалиётига жорий этилди. МҲМСларини лойиҳаларини ишлаб чиқишда таклиф ва тавсиялар тақдим этилди. Республикамиздаги илмий журналларда ҳамда халқаро эътироф этилган СКОПУС ва юқори импакт факторли журналларда Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга ўтказиш борасидаги мақолалар чоп этирилди.

Эришилган ютуқларимиз билан бир қаторда МҲХСларни жорий қилишни янада жадаллаштириш бўйича бир қанча ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Мамлакатимиздаги АЖлари, йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналарда ҳозиргача тўлиқ МҲХСлари асосида молиявий ҳисоботни тузишга эришилмаган. Корхоналарда тўлиқ МҲХСлари асосида ҳисоб сиёсати, счётлар режаси, молиявий ҳисоботларнинг МҲХСдаги форматлари ишлаб чиқилмаган. Корхоналар БҲМСлари бўйича ҳисобни юритишни давом этмоқда.

2. Корхоналарда молиявий бухгалтерия ҳисобини солиқ мақсадлари учун юритиладиган ҳисоб деб қараш ҳолатлари ҳам мавжуд. Молиявий ҳисоботнинг асосий мақсади инвесторлар, акциядорлар ва таъсисчилар учун шаффоф, жозибадор, уйғун ва ҳаққоний ахборотларни тақдим этиш эканлиги, солиқ ҳисоби эса солиқ қонунчилиги талабларига тўлиқ бўйсинганлигини аниқ бир ифода этадиган методологик аҳамиятга молик ишлар етарли эмас, деб ҳисоблайман.

3. Бугунги кунда корхоналар МХХСлари асосида тузилган молиявий ҳисоботларнинг афзаллик томонлари, уларда акциядорлар ва инвесторлар учун фойдали бўлган ахборотларни акс эттириш, энг муҳими ҳаққоний баҳолашга асосланган ҳисобот эканлиги, унинг асосида нафақат ўтган ҳодисалар бўйича хулоса чиқариш, балким келгуси фаолиятга доир бўлган қарорлар ҳам қилиш мумкинлиги, унинг самарали тизим, бошқарувда муҳим дастак эканлигини ҳис қилиши ва реал ҳаётда жорий қилишларига эришиш керак. Шундаги корхоналарнинг ўзларида МХХСга қизиқиш ҳамда уни қўллаш бўйича реал имкониятлар юзага келади.

4. Ҳозирги кунда масъулият чекланган жамиятларда молиявий ҳисобот БҲМСлари асосида юритилмоқда. АК ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналарда МХХСлар асосида юритиш жорий қилинган. Ушбу ҳужжатлар ўртасида тафовут катта. Бундай ҳолларда МХХСларни жадал жорий қилишга эришиб бўлмайди. Ҳозирги кунда МХМСлари лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилинишини кечиктирмаслик керак. Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари халқаро стандартларнинг қисқартирилган ва мақбул бўлган варианты деб баҳолаш мумкин. Бу борада жуда катта иш қилинган. Уларни тезроқ амалиётга жорий этишимиз керак, деб ҳисоблаймиз.

5. МХХСларини жадал жорий қилишда муҳим жиҳати малакали инсон ресурслари билан боғлиқ масала ҳисобланади. МХХСлари асосида молиявий ҳисобот тузиш компетенциясига эга бўлган мутахассислар етишмайди. Хўш бугунги кундаги замонавий бухгалтер қандай билим, кўникмалар ва компетенцияларга эга бўлиши керак? Айниқса булғуси мутахассисларда халқаро стандартлар асосида молиявий бухгалтерия ҳисоби концептуал асослари (conceptual framework) ва уларнинг қўлланилиши, молиявий ҳисоботлар, жумладан молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, даромадлар тўғрисидаги ҳисобот, пул оқими тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботларнинг мазмуни, таркиби ва тақдим этилиши; молиявий ҳисобот элементлари, жумладан активлар, мажбуриятлар хусусий капитал, даромадлар ва харажатларнинг таърифи, тан олинishi, баҳоланиши ва молиявий ҳисоботларда акс эттирилиши тартиби бўйича юқори малакадаги компетенциялар шаклланган бўлиши керак. Бундан ташқари мутахассис молиявий ҳисоботларга очиқлашлар, изоҳлар ва тушунтиришлар тақдим эта олиши лозим. Молиявий ҳисоботни таҳлил қилиш, хулосалар, бошқарув қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш, молиявий бошқарувга жиддий таъсир кўрсата олиш, бошқарувчилик салоҳияти лозим бўлади. Бугунги молиявий ҳисобот тайёрлайдиган мутахассис албатта солиқ қонунчилигини мукамал ўзлаштирган бўлиши керак. Чунки, солиқ қонунчилиги ва талаблари шаффоф молиявий ҳисоботни тайёрлашда муҳим омил ҳисобланади. Ахборот технологияларини юқори савияда қўллай олиш, хорижий тилларни ўзлаштириш ҳам бугунги кунда қўйилаётган муҳим талаблар ҳисобланади.

6. Бугунги кунда бухгалтерия ҳисобига оид стандартларни ишлаб чиқишда профессионал ташкилотлар иштирокини кенгайтириш керак.



Стандартларни ишлаб чиқиш ваколатини нодавлат ва нотижорат ташкилотларига бериш керак. Вазирлик эса уни тасдиқлашлари ва давлат рўйхатидан ўтказишлари керак, деб ҳисоблайман. Миллий сертификатлаш тизимини жорий қилиш керак. Бунинг учун профессионал имтиҳон талаблари ишлаб чиқилиши керак. Айниқса баҳолаш тизими, масалалар тўплами, уларга тайёргарлик кўриш, имтиҳонларни ўтказиш масалалари ечим топиш керак. Бу вазифаларни ҳам профессионал бухгалтерия ҳисоби институти томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

7. Амалиёт билан илм-фан, олий таълим муассасалари ўртасида кенг қамровли алоқаларнинг сустиги ҳам МҲХСларни жадал жорий қилишда маълум бир қийинчиликларни туғдирмоқда. Бугун олий таълим ўз йўли билан амалиёт ўз йўли билан кетмоқда. Бунинг жипслигини ва ҳамкорлигини кенгайтириш керак. Амалиёт ҳар доим билимли, жумладан МҲХС асосида ишлай оладиган мутахассисларга эҳтиёж сезади. Бизга олий таълим яхши мутахассисларни етказиб бермаяпти деб эътироз билдирувчи иш берувчилар ҳам топилади. Битта ҳақиқатни айтиш керак, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда корхона ва ташкилотлар олий таълим жараёнига суст қатнашади. Амалиёт билан ҳамкорлик бир қанча йўналишларда ташкил этилиши керак. **Бу биринчиси**, потенциал иш берувчилар талабаларни контракт билан ўқитишда салмоқли ҳиссани ташкил этмайди. Асосий контракт тўловчилар ота-оналар бўлиб қолмоқда. **Иккинчидан**, ўқув режа ва фан дастурлари иш берувчиларнинг талабларига мувофиқ бўлиши керак. Биронта ташкилот келиб ўқув режага бу фанларни киритингизлар, ушбу фанларнинг ўқув дастурида бугунги кунда қуйидаги мавзулар долзарб деган масалани қўймайди ёки бугунги кун мутахассиси қуйидаги билим, тажриба, кўникма ва компетенцияларга эга бўлиш керак деган талабни қўйишлари керак. **Учинчидан**, илмий-ўқув соҳадаги ҳамкорлик. Талабаларнинг олдиндан амалиёт жойлари аниқ бўлиши керак. Кўплаб йирик ташкилотлар талабаларга амалиёт учун шароит яратиб бериш у ёқда турсин, ҳатто амалиётга қабул қилишдан ҳам бош тортмоқда. Чунки, унда контракт тўламасдан меҳнат бозорида энг яхши мутахассисни танлаш имконияти бор. Амалиёт ходимларида илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланувчилар ҳиссаси кам. Амалиёт билан лойиҳалар қилиб МҲХСларига ўқитишни ташкил қилиш ҳам етарли самара бермаяпти.

8. Масалалар тўплами, кейслар ишлаб чиқилмаганлиги. Кейс стади, масалалар тўплами, халқаро стандартлар бўйича мисоллар, имтиҳон масалалари аниқ амалиёт мисоллари асосида тузилиши керак. Шартли мисоллар бўлмайди. Улар оригинал бўлиши керак. АССА аккредитация талаблари шундай. Тузилган масалалар плагиатдан холи бўлиши керак. Бу борада амалиёт ходимларининг, амалиётдаги мутахассисларнинг катта ёрдами керак.

Юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларни ҳал қилиш учун бир қанча ишлар амалга оширилиш лозим. Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларини жорий қилишни жадаллаштириш керак бўлади. ОТМларида

бухгалтерия ҳисобига оид фанларни тўлиқ дунё рейтингида юқори ўринда турувчи университетлар тажрибалари асосида ташкил этиш керак. Янги дарслик ва ўқув қўлланмаларни МҲХСлари асосида тайёрлашимиз керак бўлади. Амалиётнинг тўлиқ мисолларига асосланган кейслар ва масалалар тўпламини ишлаб чиқиш керак. Ўқув режа ва фан дастурларини АССА аккредитация талабларига тўлиқ мувофиқлаштириш керак. Профессор-ўқитувчиларни илғор хорижий университетларда тажриба орттиришини ташкил этиш керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, МҲХСларини жорий қилиш давомий амалга ошириладиган иш бўлиб мамлакатимиз компанияларининг халқаро даражага чиқишида муҳим восита сифатида хизмат қилади. МҲХСлари ҳисоботларнинг объективлиги, ҳаққонийлиги ва сифатини оширишда энг муҳим омил бўлиб хизмат қилади. МҲХСларини жадал жорий қилиш учун фанларнинг мазмунини тўлиқ МҲХСларига уйғунлаштиришимиз, илғор халқаро тажрибаларни оммалаштириш, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган профессионал институтлар фаолиятини кенгайтириш, ОТМлари билан амалиёт ўртасидаги ҳамкорликни жадаллаштиришимиз керак, деб ҳисоблаймиз.

#### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги 4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори. <https://lex.uz/docs/4746047>
2. Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари. [https://www.imv.uz/media/budget\\_activity\\_files/%D0%9C%D2%B2%D0%9C%D0%A1\\_%D0%9B%D0%BE%D0%B9%D0%B8%D2%B3%D0%B0.pdf](https://www.imv.uz/media/budget_activity_files/%D0%9C%D2%B2%D0%9C%D0%A1_%D0%9B%D0%BE%D0%B9%D0%B8%D2%B3%D0%B0.pdf)
3. С.Н. Ташназаров. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Дарслик. Тошкент молия иқтисод нашриёти. 2019. 584-бет.

**К.Б.Уразов**  
и.ф.д., профессор (СамИСИ)

### **МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ ИЛК БОР ҚЎЛЛАШ БОСҚИЧЛАРИ, УЛАРДА ҲАЛ ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ТАШКИЛИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАР**

**Аннотация:** мақолада Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га ўтиш bosқичлари, уларда амалга ошириладиган ишлар, IFRS 1 “МҲХСларни илк бор қўллаш”да белгиланган талаблар, шунингдек корхона томонидан ушбу стандартга мувофиқ амал қилиниши лозим бўлган методологик тартиб-қоидалар очиб берилган .

**Калит сўзлар:** МҲХС, МҲХСга ўтиш санаси, МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисобот, МҲХС бўйича биринчи ҳисобот даври, ҳисобот санаси,

параллел ҳисобни юритиш, молиявий ҳисоботни трансформациялаш, таксономия; ретроспектив ёндашув, бошқа МҲХСларни ретроспектив қўллаш талабларидан ихтиёрий ва мажбурий четга чиқишлар

**Аннотация:** в данной статье раскрыты этапы перехода на МСФО, работы, осуществляемые на этих этапах, требования, установленные IFRS 1 “Первое применение МСФО”, а также методологические порядки, которые должны быть соблюдены со стороны предприятия в соответствии с этим стандартом.

**Ключевые слова:** МСФО, дата перехода на МСФО, первая финансовая отчетность по МСФО, первый отчетный период по МСФО, отчетная дата, параллельный учет, трансформация финансовой отчетности, таксономия; ретроспективный подход, добровольное и обязательное исключение требований ретроспективного применения других МСФО.

**Annotation:** the article describes the stages of transition to IFRS, the work carried out in them, the requirements specified in IFRS 1 "The first application of IFRS", as well as the methodological procedures that should be followed by the enterprise in accordance with this standard.

**Key words:** IFRS, date of transition to IFRS, first financial statements under IFRS, first reporting period under IFRS, reporting date, parallel accounting, transformation of financial statements, taxonomy; retrospective approach, voluntary and mandatory exclusion of requirements for retrospective application of other IFRSs  
**Annotation:**

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га ўтиш ва уларни корхоналар амалиётида кенг қўллаш бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ривожланиш йўлини танлаган дунёнинг барча мамлакатлари, чунончи бизнинг республикамиз олдида турган энг долзарб ва устувор вазифалардан биридир.

Таъкидлаш жоизки, МҲХСга ўтиш ва уларни илк бор қўллаш кўплаб ташкилий, ҳуқуқий, молиявий, техник, технологик, шунингдек методологик ва бошқа масалаларни ҳал қилишни тақоза этади. Чунончи, ушбу масалаларни маълум бир кетма-кетликда босқичма-босқич амалга оширилиши талаб қилинади.

Бизнингча, МҲХСларга ўтиш ва уларни илк бор қўллашни бажариладиган ишлар ва амалга ошириладиган тадбирлар мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб, шунингдек улар ижроси кетма-кетлигига кўра қуйидаги тўртта босқичга ажратиш мақсадга мувофиқ (1-расмга қаранг).

МҲХСларга ўтиш ва уларни амалиётда қўллаш корхонанинг умуммақсади бўлган бизнесни ривожлантириш ва юқори самарадорликга эришишга қаратилгандир. Айнан шу мақсаддан келиб чиқиб, таъкидлаш жоиз бўладики, МҲХСга ўтиш яхлит корхонага доир жараён бўлиб ҳисобланади. Мазкур жараён корхоналарнинг барча ташкилий бўлинмаларига тегишлидир. Бу жараённи амалга оширишга корхонанинг нафақат бухгалтерия ҳисоби хизмати бўлими, балки режа-иқтисод, молия, кадрлар, маркетинг ва бошқа бўлимлари ходимлари ҳам жалб этилиши талаб қилинади. Шу боис, МҲХСларга ўтиш ва уларни илк бор қўллаш жараёнининг 1-босқичини, бизнингча, **МҲХСларга ўтиш ва уларни илк бор қўллашнинг ташкилий**

**босқичи”** деб номлаш тўғрироқ ҳисобланади. Ушбу 1 - чи босқичда, умуммақсаддан келиб чиқиб, корхона раҳбари томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилиши ва улар тегишли фармойиш берувчи ҳужжатлар билан, чунончи буйруқ билан расмийлаштирилиши лозим:



**1-расм. МҲХСга ўтиш ва уларни илк бор қўллаш босқичлари**

\*МҲХСлар ўтиш бўйича ишчи гуруҳни тузиш ва унинг аъзолари функционал мажбуриятларини белгилаш;

\*МҲХСлар бўйича маслаҳатчилар ва ҳолис аудиторларни танлаш ҳамда улар функционал вазифаларини шартномалар асосида белгилаш;

\*корхона ходимларини МҲХСга ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил қилиш.

МҲХСлар ўтиш бўйича ишчи гуруҳига раҳбарликни корхона бошлиғининг ўзи ёки унинг молиявий ишлар бўйича ўринбосори олиб бориши мақсадга мувофиқ. Ишчи гуруҳга раҳбарликни МҲХС бўйича тайёргарлик курсларини ўтаган ва тегишли халқаро сертификатлардан бирига (DipIFR АССА, СРА, СІРА, АСА) эга бўлган корxonанинг бош бухгалтерига ҳам юклаш мумкин.

МХХСлар ўтиш бўйича ишчи гуруҳ таркибига МХХС бўйича тайёргарлик курсларини ўтаган ва тегишли халқаро сертификатлардан бирига (DipIFR ACCA, CPA, CIPA, ACA) эга бўлган корхонанинг етук бухгалтерлари, молия, режалаштириш ва бюджетлаштириш бўлимлари мутахассислари, маркетинглар ва бошқа ходимлар киритилиши мақсадга мувофиқ. Бироқ, халқаро дипломларга эга бўлган бундай мутахассислар танқислиги шароитида МХХСларга ўтиш учун етук халқаро сертификатларга эга бўлган консултантлар ҳамда аудиторларни меҳнат шартномалари ёки хўжалик шартномалари асосида жалб этиш объектив зарурат ҳисобланади. Айнан ушбу консултантлар ва аудиторлар корхона ташкилий бўлинмалари ходимларини МХХСларга ўтиш, уларни илк бор қўллашга тайёрлаш, уларда МХХСлар бўйича малакавий кўникмаларни ҳосил қилишда катта кўмак берувчилар бўлиб ҳисобланади.

МХХСларга ўтиш ва уларни илк бор қўллаш маълум вақт давомида тегишли ишларни режа асосида изчил амалга оширишни тақоза этади. Ушбу ишлар муваффақияти МХХСларга ўтиш ва уларни қўллаш бўйича тегишли йўл харитасини, шунингдек молиявий бюджетини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни тақоза этади. Айнан шу талабдан келиб чиқиб, биз МХХСларга ўтиш ва уларни корхоналар амалиётида қўллашнинг иккинчи босқичини **“МХХСларга ўтиш ва уларни илк бор қўллаш йўл харитаси ва молиявий бюджетини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш босқичи”** деб номлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Мазкур босқичда ишлаб чиқиладиган йўл харитасида МХХСларга ўтиш даврида бажарилиши лозим бўлган барча ишлар рўйхати, уларни бажариш муддатлари, бажарувчи масъул ходимлар, молиялаштириш манбалари, эришилиши лозим бўлган ютуқлар, ишларни бажарилишини назорат қилиш тартиблари ўз аксини топиши лозим. МХХСларга ўтиш ва уларни илк бор қўллаш бўйича молиявий бюджетда йўл харитасида белгиланган ишларни молиялаштириш учун зарур бўлган барча маблағлар миқдори, шунингдек уларнинг манбалари ўз аксини топиши керак. МХХСларга ўтиш бўйича йўл харитаси ва молиявий бюджет, уларнинг ижроси ва назорати механизмлари корхона раҳбарининг тегишли буйруғи билан тасдиқланиши мақсадга мувофиқдир.

МХХСларга ўтиш ва уларни корхоналар амалиётида илк бор қўллашнинг 3-босқичини биз **“МХХСларга ўтиш ва уларни илк бор қўллаш йўл харитасида белгиланган ишларни бажариш босқичи”** деб номлашни мақсадга мувофиқ деб топдик. Ушбу босқичда МХХСларга ўтиш ва уни илк бор қўллаш жараёнига тегишли барча ички меъёрий ҳужжатлар, дастурлар ва иш ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ҳамда улар амалиётга тадбиқ этилиши лозим. Уларнинг асосийлари сирасига қуйидагилар киради:

1. Ҳисоб объектларининг МХХСлар талабларига мос келувчи таснифлаш, тан олиш, баҳолаш ҳамда уларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш тартибларини ўзида ифодаловчи корхона ҳисоб сиёсати;

2. Хўжалик операцияларини расмийлаштиришга мўлжалланган бошланғич ҳужжатлар тизими, ҳужжатлар айланиши ва уларни архивлаштириш тартиби;

3. ТМЗ, асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий ва капитал инвестициялар, савдо ва носавдо дебиторлик ҳамда кредиторлик қарзлар, пул маблағлари ички назоратини ўтказиш тартиблари;

4. Халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисобни юритиш ва ҳисоботни тузиш талабларига мос келувчи ишчи счётлар режаси;

5. “1 С:Бухгалтерия” амалий дастурлар пакет(АДП)нинг такомиллаштирилган версиялари асосида ҳам миллий стандартлар, ҳам халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ўтиш даври учун вақтинчалик параллел ҳисобни юритиш.

МҲХСга ўтиш ва уларнинг тўғри қўлланишида, корхона ҳисоб сиёсатининг ўрни бекиёсдир. Мазкур ички меъёрий ҳужжатнинг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

\*МҲХС бўйича тайёрланадиган молиявий ҳисоботни ишончилигини таъминлаш бўйича компания сиёсатини баён килади;

\*пул оқимларини ҳосил қилувчи бирликларни белгилайди;

\*бухгалтерия ҳисобини юритишни молиявий ҳисоботнинг ҳар бир халқаро стандарти ва унинг шарҳига мос келишини таъминлайди;

\* ҳисоб жараёнини мақбуллаштиради;

\* тақдим қилинадиган ахборотлар сифатини яхшилади ва бошқалар.

ёрқин намоён бўлади:

МҲХСларга ўтиш корхона ҳисоб сиёсати асосий параметрларини белгилашда турли умумбелгиланган ва хусусий концептуал, ташкилий ва методологик тартибларга амал қилишни тақоза этади. Чунончи:

\*ҳисоб сиёсатида молиявий ҳисобот элементлари бўлган активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромадлар, харажатлар, фойда ёки зарарларнинг МҲХСлар талабларига мос келувчи таснифлаш, тан олиш ва баҳолашнинг яхлит тартиблари ретроспектив тарзда ифодаланиши лозим.

\* МҲХС бўйича тайёрланадиган молиявий ҳисоботни ишончилигини таъминлаш бўйича компания сиёсатини шаффоф (очик) намоён этиши;


\* активларни бошланғич ёки қайта баҳолаш қийматлари асосида ҳисобга олиш учун танланган усулга таяниши;

\*активлар қийматини қайта баҳолаш усулида вужудга келадиган бошқа даромадларни капитал элементи сифатида ҳисоботда акс эттириш тартибини белгилаши;

\*активлар қадрсизланишидан зарар суммасини ҳисоб-китоб қилишнинг аниқ тартибларини белгилаши, шунингдек ушбу зарар суммасини пул оқимларини ҳосил қилувчи бирликлар ўртасида тақсимлашнинг аниқ усули белгиланиши

Шунингдек, МҲХСларга ўтиш ва уларни илк бор қўллашда ушбу стандартларга жавоб берувчи ҳисоб сиёсатига эга бўлиш учун корхона бухгалтерия аппаратини аниқ ташкилий-техник ва методологик бўлимларга

ажратиш ҳамда ушбу бўлимларга МҲХСлар йўл қўядиган умумий ёндашув ва хусусий ёндашувга таянилган ҳолда аниқ функцияларни бириктириш мақсадга мувофиқдир. Чунончи, бухгалтерия аппаратининг ташкилий-техник ва методологик бўлимларига МҲХСларда белгиланган умумий ёндашувга асосан қуйидаги ишларни бириктириш мақсадга мувофиқдир (2-расмга қаранг).



**2-расм. МҲХСларига ўтиш ва уларни илк бор қўллаш жараёнида корхона бухгалтерия аппарати бўлимлари функциялари**

Шуни ҳам эътироф этиш жоизки, МҲХСга ўтиш ва уларни илк бор қўллашда хусусий ёндашув асосан иккита ҳолат учун ўта зарур ва муҳим дастак бўлиб ҳисобланади. Булар:

- (1) МҲХСларни ретроспектив қўллаш тартибини белгилаш;
- (2) МҲХСларни ретроспектив қўллашда бошқа МҲХСлар талабларидан ихтиёрий ва мажбурий четланишларга йўл қўйиш тартибларини келишиш.

“МҲХСларни илк бор қўллаш” номли 1-сон МҲХС (AFRS 1)га мувофиқ МҲХСларни ретроспектив қўллашда камида учта ҳисобот санаси (ўтиш санаси, таққослама сана, ҳисобот санаси), шунингдек камида иккита ҳисобот даври (ўтган давр ва ҳисобот даври) молиявий ҳисобот кўрсаткичлари (моддалари)ни таққослаш мақсадида қамраб олиниши лозим (3-расмга қаранг).



**МХХСга ўтиш санаси** деганда корхонанинг МХХС бўйича тузилган ва ўзида тўлиқ такқослама ахборотларни мужассамлаштирган биринчи ҳисоботи тақдим этилган энг дастлабки даврнинг боши тушунилади. 3-расмда ушбу сана сифатида 31.12.2020 йил олинган. Ушбу санада молиявий ҳолат тўғрисида ҳисобот (МНТХ)да МХХСга мувофиқ барча моддалар ретроспектив тарзда тан олинади ва баҳоланади

**Такқослама сана** - бу корхонанинг МХХС бўйича тузилган ва ўзида тўлиқ такқослама ахборотларни мужассамлаштирган биринчи ҳисоботи тақдим этилган энг дастлабки даврнинг охири (3-расмда ушбу сана бўлиб 31.12.2021 йил ҳисобланади). Ушбу такқослама санада ҳам МНТХда МХХСга мувофиқ барча моддалар ретроспектив тарзда тан олинади ва баҳоланади.

**Ҳисобот санаси** – бу молиявий ҳисобот тақдим этилгандан кейинги энг охириги ҳисобот даврининг охириги санаси. 3-расмда ушбу сана бўлиб 31.12.2022 йил ҳисобланади.

**МХХС бўйича биринчи ҳисобот даври** – бу корхонанинг биринчи молиявий ҳисоботини МХХС бўйича тақдим этгандан кейинги энг охириги ҳисобот даври. 3-расмда МХХС бўйича биринчи ҳисобот даври бўлиб 2022 йил келтирилган.

МХХСларга ўтиш ва уларни илк бор қўллаш жараёнининг охириги 4-босқичини, бизнингча, “ **МХХСлар илк бор қўлланилганлиги ва уларга тўлиқ этилганликни эътироф этиш**” деб номлаш мумкин. Ушбу босқични тасдиқловчи сана бўлиб ҳисобот санаси ҳисобланади ва ушбу санадан бошлаб корхона МХХСларга тўлиқ ўтган деб ҳисобланади. Ҳисобот санасида:



\*корхонанинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи (МХТХ), яъни олдинги бухгалтерия баланси МХХСга мувофиқ келувчи форматга трансформацияланади; ушбу ҳисобот илк бор МХХСга мувофиқ тузилган дастлабки МХТХ деб тан олинади;

\* МХТХни илк бор МХХСга мувофиқ келадиган ҳисоб сиёсати асосида ретроспектив тартиб қоидаларга таянилганлиги эътироф этилади;

\*МХТХни илк бор тузишда шу санага амалда бўлган барча МХХСлар талабларига тўлиқ амал қилинганлик эътироф этилади;

\* МХХС бирламчи қўлланган бўлиб ҳисобланади.

**МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисобот** – бу биринчи йиллик молиявий ҳисобот бўлиб, шу санадан кейин корхона МХХСларни доимий қўллайди, молиявий ҳисоботини тўлиғича МХХСга мос келишини эътироф этади.3-расмда МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисобот бўлиб 2022 йил якуни бўйича тузилган ҳисобот ҳисобланади.

МХХСларига ўтиш ва уни илк бор қўллаш пайтида амалга ошириладиган энг муҳим тадбирлардан бири бўлиб, корхонанинг ҳисобот ва олдинги давр ҳисоботларида халқаро стандартларга зид келадиган барча жиҳатларни, хатоликларни, камчиликларни бартараф этиш ҳисобланади. МХХСларга зид ҳолатлар МХТХда тан олинмаслиги керак, хатоликлар ва ва камчиликлар мавжуд моддалар эса фақатгина улар тузатилган суммаларда тан олинishi лозим.

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, МХХСларга ўтиш ва уларни корхоналар амалиётида илк бор қўллаш юқорида келтирилган ишлар ва тадбирларни босқичма-босқич тизимли равишда амалга оширилишини талаб қилади. Ушбу талабларга асосан МХХСга ўтиш корхоналар томонидан молиявий ҳисоботларни реал тузиш ва тақдим этишнинг муҳим гарови бўлиб ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4611-сон қарори.

2. 1-сон МХХС (AFRS 1 “МХХСларни илк бор қўллаш”).

3. Tashnazarov. S.N.Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari: Oliy o’quv yurtlari magistratura mutaxassisliklari uchun darslik. – Toshkent: “IQTISOD-MOLIYA”,2019. – 584-b.

4. Ergasheva Sh.T., Ibragimov A.K., Rizayev N.K., Ibragimova I.R. Moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari. O.,quv qo,,llanma. – T.: TDIU, 2019. – 227 b.

## 8-СОНЛИ МҲХС “ОПЕРАЦИОН СЕГМЕНТ”НИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Бугунги кунда мамлакатимизда инвестициялар оқимини оширишда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга ўтказиш ўта долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Жумладан, ҳисоб тизимида Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўлланилиши ва халқаро стандартлар асосида корхоналар молиявий ҳисоботларини тузиш ўта муҳим масалалардан бири бўлиб турибди. Бу эса ўз навбатида 8-сонли МҲХС “Операцион сегмент”ни мамлакатимиз корхоналари фаолиятида қўллашда бир мунча мунозарали ҳолатларни пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Халқаро бухгалтерия ҳисоби амалиётида сегментар ҳисоботнинг турлари, таркиби, уни тузиш ва тақдим этиш тартиблари махсус 8-сон МҲХС «Операцион сегмент»да белгиланган. Бундан ташқари ривожланган мамлакатларда алоҳида сегментлар ҳисоб ва ҳисоботи бўйича стандартлар, низомлар ва қоидалар мавжуд. Чунончи, Россия Федерациясида “Сегментлар ҳақида маълумот” ПБУ 12/2000, АҚШда SFAS 131 “Бизнес сегментлари ва тегишли маълумотларни ошкор этиш”, Хитой Ҳалқ Республикасида 35 сон “Сегмент бўйича ҳисобот”. Мамлакатимизда эса, бошқарув сегментар ҳисоботининг турлари, таркиби, уни тузиш ва тақдим этиш тартиблари махсус меъёрий ҳужжатлар билан белгиланмаган.

Хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан сегмент ҳисобини юритиш тартиби, сегментар ҳисоботларни тузиш кетма-кетлиги, тамойиллари ва афзалликлари бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Чунончи, хорижий олимлардан Berton L., Boersema John M., Susan J., Emmanuel C., Garrod N., Frost C., Clive R., Stanley J., Валошина С.В., Бакаев А.С., Бахрушина М.А., Клинов Н.Н., Раметов А.Х., Соколов А.А., Суйц В.П., Шанк Джон К. мамлакатимиз олимларидан эса Уразов К.Б., Ташназаров С.Н., Пардаев А.Х., Хасанов Б.А., Хасанова Р.Б. ва бошқалар.

Иқтисодчи олим А.А.Соколов **Бизнес сегментлари** корхона фаолият турлари сифатида, таркибий бўлинмалар, жавобгарлик марказлари ёки ташқи муҳитнинг қисмлари, сегментар ҳисоб учун белгиланган деб мулоҳаза юритган. **Сегментар ҳисобот** бу фаолиятнинг сегментлари томонидан тузилган ва улар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қиладиган ташкилот молиявий ҳисоботининг бир қисми бўлиб, ҳисоботнинг манфаатдор фойдаланувчиларига ташкилотга нисбатан мақбул бошқарув қарорларини қабул қилиш, шунингдек амалга ошириш учун керакли маълумотларни тақдим этиш ҳамда молиявий натижаларни, актив ва мажбуриятларни келажакдаги башоратларини қилишга хизмат қилади.

Профессор А.Х.Пардаев **Бизнес сегменти** – бу корхонанинг маълум қисмини ёки нисбатан мустақил бўлинмасини муайян ваколатлар ва масъулият бериш мақсадида ажратишди деб таърифлаган.

Рус иқтисодчиси Н.Ю.Базалейнинг таъкидлашича **Сегментар ҳисобот** ички ва ташқи ҳисоботнинг ажралмас қисми бўлган ва молиявий ҳисоботни батафсилроқ ва пухта ўрганишга имкон берадиган ва шу асосда тижорат ташкилоти фаолиятининг айрим сегментларида рационал ва самарали операцион бошқарув қарорларини қабул қилиш учун тузилади.

Иқтисодчи олим Белоглазованинг фикрича, **Сегментлар бухгалтерияси** бу ўзаро боғлиқ бўлган таннарх ва харажатлар, даромадлар ва ташкилотнинг ўз фаолиятини амалга оширишдаги фаолият натижаларини ҳисобга олишдир.

Профессор Б.А.Ҳасановнинг фикрича **Географик сегмент** – бу муайян иқтисодий муҳитда товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда иштирок этувчи, риск ва фойда каби иқтисодий шарт шароитлар таъсирида, маълум маконда ҳаракат қилувчи ажратиб қўйилган компонентлардир.

Тадқиқотларимиз натижасида, **сегмент (лотинча segmentum)**нинг бир бўлак, яхлит нарсанинг бир қисми эканлигидан келиб чиқиб, сегментар ҳисоб ва сегментар ҳисобот қуйидагича таърифлар берилди:

**\*сегментар ҳисоб** – иқтисодий бирликнинг таркибий қисмлари фаолият турлари, даромадлари, харажатлари, фойда ва бошқа муҳим кўрсаткичларини турли ўлчов бирликларида миқдор жиҳатдан ўлчаш ва сифат жиҳатдан тавсифлашга мўлжалланган ички ҳисоб тизими.

**\*сегментар ҳисобот** деганда яхлит иқтисодий бирликнинг таркибий қисмлари фаолият турлари, улар даромадлари, харажатлари, фойда ва бошқа муҳим кўрсаткичлари бўйича тузиладиган ҳисобот тушунилади.

Сегментларни ҳисобга олиш ягона бухгалтерия хужжатлари, ягона маълумот базасига асосланган бўлиб, унда батафсил маълумот, келиб чиқиш жойлари, харажатлар омиллари ва даромад олиш учун унга қўшимча талаблар қўйилади. Агар бундай маълумотлар бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун кейинги гуруҳлаш учун қўшимча тафсилотларни талаб қилмаса, бундай тафсилотлар етарли бўлади.


Ахборот базасига сегмент бўйича бухгалтерия ҳисобига қўйиладиган талаблар умуман бухгалтерия ҳисобига қараганда анча муҳимроқ бўлиши керак. Шунинг учун сегментларни ҳисобга олиш ва ҳисоботларни нафақат ички фойдаланувчилар учун, балки бутун ташкилот учун бухгалтерия ҳисоби учун маълумот ишлаб чиқарадиган тизим сифатида талқин қилиш мумкин.

Шундай қилиб, бир томондан, сегмент бухгалтерияси бир томондан ташкилот учун умуман бухгалтерия тизими доирасида маълумотларни умумлаштириш учун маълумотларни қайта ишлашга тайёргарлик босқичи сифатида талқин этилади. Бошқа томондан, сегментларни ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш натижалари асосида бошқарув қарорлари қабул қилинади, алоҳида тузилмалар-ташкилот сегментлари ва умуман ташкилот фаолияти самарадорлиги таҳлили амалга оширилади.

Замонавий қарашга кўра хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимида сегментар ҳисоб ва ҳисоботнинг ўрнини қуйидагича белгиладик (1-расм).

Бошқарув ҳисобида яхлит иқтисодий бирлик ҳисобланган корхонанинг таркибий қисмлари сифатида унинг жавобгарлик марказлари, масалан, таъминот бўлими, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари, сотиш бўлими, савдо шаҳобчалари ёки марказлари (уйлари), турли бошқа хизмат кўрсатувчи бўлинмалари қаралади. Яхлит бизнеснинг таркибий қисмлари сирасига асосий фаолият, инвестиция фаолияти, молиявий фаолият, ижтимоий фаолият кабилар киради.

Мос равишда, бизнесдан олинган даромаднинг ўзи алоҳида фаолият турларидан, шу жумладан, одатий фаолият, янги инновацион фаолият, тугатилаётган фаолиятдан олинган даромад, ички бозор ва экспорт фаолиятидан олинган даромад, алоҳида товарларни сотишдан олинган даромад кабилардан ташкил топади. Бошқарув учун ҳар бир фаолиятнинг, маҳсулот турининг харажатлилиги, фойдалилиги ўта муҳим ҳисобланади. Шу боис ҳам ҳар бир фаолият, маҳсулот тури бўйича «даромад-харажат-фойда» кўрсаткичлари занжирини ўзида мужассамлаштирувчи ҳисобот шаклларини тузиш ва улардан самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда бевосита фойдаланиш ўта муҳим ҳисобланади.



**1-расм. Корхоналарнинг яхлит ҳисоб тизимида сегментар ҳисоб ва ҳисоботнинг ўрни.<sup>1</sup>**

Юқоридагилар ва бошқа омиллар корхоналарда ташқи ахборот фойдаланувчилар учун тузиладиган молиявий ҳисоботдан ташқари ўзлари учун самарали бошқарув қарорларини ўз вақтида қабул қилиш мақсадида атрофлича ахборотларни берувчи ички бошқарув сегментар ҳисоботларни

<sup>1</sup>Муаллиф ишланмаси

тузишни ҳам объектив зарурат қилиб қўяди. Бундай бошқарув сегментар ҳисоботларнинг бош мақсади бўлиб барча ички ахборот фойдаланувчиларнинг корхона фаолияти самарадорлигини янада ошириш учун энг зарур бўлган атрофлича ахборотларга бўлган талабини қондириш ҳисобланади.

Бошқарув мақсадида тузиладиган бошқарув сегментар ҳисобот корхоналар томонидан мажбурий тарзда тузиладиган молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми ҳисобланмайди. Шу боис ҳам бошқарув сегментар ҳисоботини тузиш мажбурий ҳисобланмайди. Бошқарув сегментар ҳисоботнинг мажбурий эмаслиги ҳамда унга доир ягона тартибларни белгиланмаганлиги сабабли дунё мамлакатларида уни турли шакл ва мазмунда, таркибда, услубларда тузилаётганлиги кўриш мумкин.

Рақамли иктисодиётга ўтиш, замонавий АКТларни қўллаш бошқарув сегментар ҳисоботлари форматлари, уларни ички ахборот фойдаланувчиларга етказиш усуллари ҳам ўзига хос талабларни қўймоқда. Бугунги кунда сегментар ҳисоботларни фақат қоғоз шаклида узатиш ўз долзарблиги йўқотмоқда, унинг ўрнига ҳисоботларни бевосита компьютер экранига турли ранглардаги жадвал, диаграммалар, графиклар кўринишларида тақдим этиш авж олмоқда.

Бошқарув сегментар ҳисоботлар шакл ва мазмунан ихчам, оптимал бўлиши, жуда кўп сонли ҳисоб-китобларни қамраб олмаганлиги ҳам мақсадга мувофиқдир. Бошқарув сегментар ҳисоботларига тушунтириш хатларида, қилинган таҳлил натижаларида мавжуд четланишлар ҳисоб-китоблари, сабаблари ва сабабчилари, бу четланишларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар аниқ бўлиши лозим.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги йирик акциядорлик жамиятлари, жумладан “Ўзбектелеком” АЖ ўз ҳисоб тизимида 8-сон МХХС «Операцион сегмент»дан фойдалиб келмоқда. Бу эса корхона ҳисоботларини янадан шаффоф тарзда тузилаётганидан далолат бермоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 2020 йил 24 февраль. ПҚ-4611.

2. МСФО № 8 «Операцион сегмент»

3. Базалей, Н.Ю. Развитие концепции сегментарного учета, отчетности и анализа в системе управления коммерческими организациями : специальность 08.00.12. «Бухгалтерский учет, статистика» : диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук / Базалей Наталья Юрьевна ; Ростовский государственный экономический университет «РИНХ». — Ростов-на-Дону, 2008. — 187 с. — Библиогр.: с. 153-163.

4. Варламова, Е.Н. Сегментирование бухгалтерской информации при аудите организаций оптовой торговли : специальность 08.00.12.

«Бухгалтерский учет, статистика» : диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук / Варламова Елена Николаевна ; Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации. — Москва, 2012. — 193 с. — Библиогр.: с. 157-169.

5. Ибрагимова, Д.А. Учет и отчетность по сегментам в торговле: специальность 08.00.12. «Бухгалтерский учет, статистика» : диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук / Ибрагимова Динара Асхатовна ; Московский государственный торгово-экономический университет. — Москва, 2007. — 171 с. — Библиогр.: с. 157-166.

6. Вахрушина, М.А. Внутрипроизводственный учет и отчетность. Сегментарный учет и отчетность: Российская практика (проблемы и перспективы) / М.А. Вахрушина. — Москва: АКДИ «Экономика и жизнь», 2000. — 192 с. — ISBN 5-7911-0021-3.

7. Cagnur, K.B. SFAS No.131 segment disclosures and the strategy-structure-performance relationship = Стандарт 131 раскрытие информации о сегментах и взаимосвязь стратегия-структура-эффективность : Dissertation / K.B. Cagnur // Boston University School of Management. — 2004. — 208 p.

## **2-SHO'BA. KORXONALARDA AKTIVLAR, MAJBURIYATLAR, XUSUSIY KAPITAL, DAROMADLAR VA XARAJATLARNI MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARI ASOSIDA TAN OLIISH VA BAHOLASH HAMDA MOLIYAVIY HISOBOT MASALALARI**

**Уразов Комил Бахрамович  
СамИСИ**

**“Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси  
профессори, и.ф.д.**

**Абдурасулов Жамшидбек Ахмад уғли  
СамИСИ**

**“Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси таянч  
докторанти**

### **БИЗНЕСНИ ҚЎШИШ НАТИЖАСИДА ВУЖУДГА КЕЛГАН ЯНГИ СУБЪЕКТДА АКТИВЛАР, МАЖБУРИЯТЛАР ВА ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада Республикамиз иқтисодиётининг бош бўғини, мос равишда, бухгалтерия ҳисобининг асосий субъектлари бўлган корхоналарни қайта ташкил қилиш шакллариининг моҳияти, хусусиятлари ва уларни амалга ошириш тартиблари очиб берилган. Шунингдек, мақолада корхоналарни қайта ташкил этиш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантиришга қўйиладиган умумий талаблар кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** бошқарув, бирлаштириш, йириклаштириш, корхона, қайта ташкил этиш, қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот.

**Аннотация:** В данной статье раскрываются сущность, характеристика и порядок реорганизации предприятий, которые являются основным звеном экономики республики, соответственно, основными субъектами бухгалтерского учета. В статье также изложены общие требования к бухгалтерскому учету и финансовой отчетности в условиях реорганизации предприятий.

**Ключевые слова:** управление, слияние, объединение, предприятие, реорганизация, добавление, добавление, разделение, выделение, изменение, бухгалтерский учет, финансовая отчетность.

**Abstract:** This article reveals the essence, characteristics and procedure for the reorganization of enterprises, which are the main link in the economy of the republic, respectively, the main subjects of accounting. The article also sets out the general requirements for accounting and financial reporting in the context of enterprise reorganization.

**Key words:** management, merger, merger, enterprise, reorganization, addition, addition, division, separation, change, accounting, financial reporting.

Корхоналар, маълумки, ҳар қандай кишилиқ жамияти иқтисодиётининг асосий бўғини, мос равишда, бошқарув воситаси бўлган бухгалтерия ҳисобининг муҳим субъектлари бўлиб ҳисобланади. Корхоналар орқали моддий ва номоддий неъматлар яратилади, турли ишлар бажарилади, хизматлар кўрсатилади ҳамда улар истеъмолчиларга етказиб берилади. Корхоналар сонини кўпайтириш, уларни бирлаштириш, йириклаштириш, ҳамкорликдаги фаолият турларини ривожлантириш мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмини ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадини ошириш, одамлар ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Корхоналарни қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантириш маълум тартиб-қоидаларга амал қилишни тақоза этади. Бундай тартиб қоидалар ҳар бир давлатнинг тегишли қонунлари ва қонуности ҳужжатларида, шунингдек қўлланилиши тан олинган ҳалқаро стандартларда белгиланган. Чунончи, корхоналарни қайта ташкил этиш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантириш масалалари бизнинг республикамизда махсус 23-сон БҲМС «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш»да, шунингдек бошқа стандартлар, қоидалар ва тартибларда ўз аксини топган. Қуйида республикамизда амалда бўлган 23-сон ва бошқа миллий стандартларига асосланган ҳолда корхоналарни қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантиришнинг асосий қоидалари ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этиш механизмларига тўхталамиз. 23-сон БҲМСга мувофиқ (9-банд) қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида молиявий ҳисоботни шакллантириш қуйидагиларга асосланади:

а) муассислар ёки тегишли органларнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорлари;

б) қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари;

в) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳолларда қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш ва ташкилий-ҳуқуқий шаклни ўзгартириш тўғрисидаги шартномалар;

г) топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси;

д) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, рўйхатга олувчи орган: қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиш ва ўзгартириш



шаклида қайта ташкил этишда янги вужудга келган корхоналар ҳақидаги ёзувни; қўшиб олиш шаклидаги қайта ташкил этишда қўшиб олинган корхоналарнинг охириги фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзувни Реестрга киритганини тасдиқловчи ҳужжат ва бошқалар.

Корхоналарни қайта ташкил этишда топширилувчи (қабул қилинувчи) активлар ва мажбуриятларни баҳолаш муассисларнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори (шартнома)да белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади. Активлар ва мажбуриятларнинг ҳар бир тури учун активларнинг бошқа турлари учун қўлланадиган баҳолаш усулларида фарқли алоҳида баҳолаш усули белгиланиши мумкин.

Топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансида акс эттирилган активлар қиймати топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансида иловалар (хатлаш ҳужжатлари, расшифровкалар)да келтирилган маълумотлар билан тегишли қиймат баҳосида мос келиши лозим.

Муассислар қарори (шартномаси)га мувофиқ қайта ташкил этишда топширилувчи мол-мулкни жорий бозор баҳоси бўйича баҳолаш қайта ташкил этилаётган корхона томонидан топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансини тузиш чоғида амалга оширилиши мумкин.

Топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансида қайта ташкил этилаётган корхона мажбуриятларининг баҳоси кредиторлик қарзи инвентаризация натижаларига кўра бухгалтерия ҳисоби счётларида ифодаланган суммада акс эттирилади, бунда корхона қайта ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ кредиторларга қопланиши керак бўлган зарарлар суммаси ҳисобга олиниши лозим.

Акциядорлик жамиятларининг корхоналар устав капиталидаги акциядорларнинг талабига биноан сотиб олиниши лозим бўлган акцияларини баҳолаш уларнинг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ аниқланган жорий бозор баҳосидан паст бўлмаган нарҳда белгиланган тартибда акциядорлик жамиятлари томонидан амалга оширилади.

Назарда тутилган барча таомиллар бажарилганидан кейин, белгиланган тартибда сотиб олинган, қайта ташкил этилаётган корхоналарга тегишли акциялар бекор қилинаётганида бухгалтерия ҳисобида устав капиталининг акциялар номинал қийматига камайиши акс эттирилади.

Агар акцияларни сотиб олишга амалдаги харажатлар миқдори акциялар номинал қийматидан катта бўлса, юзага келувчи фарқ қўшилган капиталнинг камайиши ҳисобига, қўшилган капитал миқдори етарли бўлмаган тақдирда

эса, молиявий натижаларга (молия фаолияти бўйича харажатларга) қайта ташкил этилаётган корхона кўрган зарар сифатида киритилади.

Агар акцияларни сотиб олишга амалдаги харажатлар акциялар номинал қийматидан кам бўлса, юзага келувчи фарқ молиявий натижаларга (молия фаолияти бўйича харажатларга) қайта ташкил этилаётган корхона олган даромад сифатида киритилади.

Ўз фаолиятини тўхтатаётган қайта ташкил этилаётган корхона Реестрга тегишли ёзув киритилган санадан олдинги кунгача бўлган ҳолатга кўра якуний молиявий ҳисобот тузади.

Якуний молиявий ҳисобот "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари, "Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари"га мувофиқ, корхона илгари қабул қилган йиллик молиявий ҳисобот шакллари ҳажмида, ҳисобот йили бошланганидан то Реестрга янги вужудга келган корхоналар ҳақидаги (қўшиб олинган охириги корхона фаолиятини тўхтатиши ҳақидаги) ёзув киритилган вақтга қадар ўтган давр учун тузилади.

Қайта ташкил этилаётган корхоналар бухгалтерия ҳисоби счётлари бўйича маълумотларни эмас, балки ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ахборот беришлари лозим. Шу боис бухгалтерия ҳисобининг барча тартибга солувчи (контр-актив ва контр-пассив) ва баҳолаш счётлари ёпилган бўлиши керак. Якуний молиявий ҳисобот тузиш учун фақат мол-мулк ва мажбуриятларни ҳисобга олиш счётлари бўйича қолдиққа эга бўлиши лозим.

Агар қайта ташкил этиш натижасида янги тузилган корхона муайян объектга нисбатан ўз ҳуқуқларини тасдиқлаш ва амалга ошириш имкониятини йўқотган бўлса, мазкур мол-мулкни қайта ташкил этилган корхона зарарларга ҳисобдан чиқариши лозим.

Топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансига асосан қайта ташкил этилаётган корхонанинг активлари ва мажбуриятларини топшириш санаси билан вужудга келган корхоналар ҳақидаги (қўшиб олинган корхоналарнинг охиригиси ўз фаолиятини тўхтатганлиги ҳақидаги) ёзув Реестрга киритилган сана мос келмаганлиги туфайли мазкур саналар оралиғидаги даврда қайта ташкил этилаётган корхона томонидан белгиланган тартибда йиллик (ёки оралик) молиявий ҳисобот тузилади ва тақдим этилади.

Бунда оралик ва йиллик, кейинчалик эса якунловчи молиявий ҳисоботнинг миқдорий кўрсаткичлари топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси маълумотлари билан мос келмаслиги мумкин.

Оралик ва (ёки) йиллик молиявий ҳисоботга, якуний молиявий ҳисоботга тушунтириш ёзувида ёхуд топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансига изоҳларда шу даврда топширилаётган активлар ва мажбуриятлар қийматида содир бўлган ўзгаришлар ёритилиши лозим.

Хулоса қилиб юқоридаги қискача шуни таъкидалаш мумкинки, корхоналарни қайта ташкил қилиш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш мураккаб жараён ҳисобланади. Ушбу шароитда, бир томондан, тугатилаётган корхоналарда, иккинчи томондан эса, янги ташкил қилинаётган корхонада кўплаб жараёнларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш лозим ҳисобланади. Чунончи, барча тугатилаётган корхоналарда тугатиш жараёнлари ҳисобда акс эттирилиши, тугатиш ва тақсимлаш баланслари тузилиши лозим. Қайта ташкил этишда вужудга келган янги корхоналарда уларнинг давлат рўйхатидан ўтган кунига таъсис ҳужжатлари (устав, таъсис шартномаси) ҳамда кўшиб обориш тўғрисидаги қарорлар ва шартномалар асосида дастлабки таъсис баланси тузилиши, шунингдек, ушбу баланс моддаларини ташкил қилувчи барча узоқ ва қисқа муддатли активлар, устав капитали, маблағларни ташкил топтириш ўз манбаларининг бошқа турлари (кўшилган ва захира капитали, тақсимланмаган фойдаси ва бошқалар), узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятларни тан олиш, баҳолаш, кирим қилиш ва ҳисобга олиш ишларини белгиланган тартиб-қоидалар асосида бажариш керак бўлиб ҳисобланади. Кўшиб олувчи корхонада тугатилаётган корхоналарни ихтиёрий равишда ёки харид усулларида кўшиб олиш жараёнларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш зарурати пайдо бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси қонуни "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида" (Янги тахрири), 26.04.1996 й. 223-І-сон;
2. Ўзбекистон Республикаси қонуни "Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида", 06.12.2001 й. 310-ІІ-сон;
3. 3-сон МҲҲС (IFRS) "Бизнес бирлашувлари";
4. 10-сон МҲҲС «Консолидацияланган молиявий ҳисобот»;
5. 23-сон БҲМС "Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш";
6. 8-сон БҲМС ["Консолидацияланган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар"](#).
7. [Плотников В.С., Плотникова О, В.](#) Объединение бизнеса и консолидированная финансовая отчетность, Учебное пособие, -М.: Издательство: [ИНФРА-М](#), 2018 г.

8. S.N.Tashnazarov Moliyaviy hisobotning nazariy va metodologik asoslarini takomillashtirish. Monografiya. - Publisher SIA OmniScriptum Publishing. GlobeEdit Publishing house. 2018. 280 p. ISBN-13:978-613-8-24050-1, 87-107-betlar

9.Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Дарслик – Т. “Иқтисод-Молия”, 2019.

10. Уразов К.Б. Бухгалтерия молиявий ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Самарқанд, СамИСИ, 2013. - 226 бет.

11. 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”. <http://lex.uz/nsbu>

12.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2005 йил 27 июнда 1484-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2005 йил 12 апрелдаги 37-сон буйруғи билан тасдиқланган 23-СОНЛИ БҲМС.

**Бобур Боронов,**

**СамИСИ, доцент в.б.**

**e-mail: [bobur-boronov@mail.ru](mailto:bobur-boronov@mail.ru)**

**Ахмедов Миржалол,**

**СамИСИ, стажёр тадқиқотчи**

**e-mail: [mirjalolabdusamadovich@gmail.com](mailto:mirjalolabdusamadovich@gmail.com)**

## **КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада молиявий активларнинг таркибини белгилаш бўйича халқаро стандартлар ва хориж тажрибалари тадқиқ қилинган. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган, бухгалтерия балансининг таркиби такомиллаштирилган.

**Калитли сўзлар:** молиявий активлар, молиявий инструментлар, ҳиссали инструментлар, олинган счёта, пул маблағлари ва пул эквивалентлари.

**Аннотация:** В этой статье исследуются международные стандарты и зарубежные опыта по вопросам определения состава финансовых активов. Были разработаны предложения по приведению национальных стандартов в соответствие к международным стандартам, а также усовершенствованы состав бухгалтерского баланса.

**Ключевые слова:** финансовые активы, финансовые инструменты, долевые инструменты, счёта к получению, денежные средства и денежные эквиваленты.

**Annotation:** This article examines international standards and foreign experience in determining the composition of financial assets. Proposals have been developed to bring national standards in line with international standards, and the composition of the balance sheet has been improved.

**Key words:** financial assets, financial instruments, equity instruments, accounts receivable, cash and cash equivalents.

Молиявий активлар халқаро ҳисобда муҳим объектлардан саналган молиявий инструментларнинг таркибий қисми ҳисобланади. Мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий омилларидан бири ҳисобланадиган хорижий инвестицияларни жалб қилишда молиявий инструментларни таҳлил қилиш ва уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш алоҳида ўрин эгаллайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда чоп этирилган адабиётларда молиявий активларнинг таркибий қисмлари масалалари суств ёритилган. 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” стандартининг 77-бандида бухгалтерия балансининг мажбурий элементлари қаторига 77.3 “Молиявий активлар” ҳам киритилган. Ушбу стандартнинг молиявий ҳисоботга тушунтириш хатидаги ҳисоб сиёсати тўғрисидаги бўлимда 96.9. “Молиявий инструментлар ва инвестициялар” баён қилиб берилиши лозимлиги таъкидланган. Лекин стандартда ушбу модданинг таркибий қисмлари белгилаб берилмаган. Бундан ташқари молиявий инструментларни тан олиш, баҳолаш ҳамда молиявий ҳисоботларда акс этириш қоидаларини белгиловчи миллий стандартлар ишлаб чиқилмаган. Шу боис, даставвал молиявий инструментларнинг асосий элементи бўлган молиявий активларнинг таркибий қисмларини белгилаб олишимиз керак бўлади. Бунинг учун эса, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва илғор хорижий тажрибаларни тадқиқ қилиш ва унинг натижалари бўйича тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимчалар киритиш, молиявий инструментлар ҳисобига оид миллий стандартларни ишлаб чиқиш ўта долзарб масала ҳисобланади.

32-сон БҲХС “Молиявий инструментлар: ахборотларни тақдим этиш” стандартида молиявий активларнинг умумтан олинган таркиби очиб берилган: “Молиявий актив – ҳар қандай актив бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- (a) пул маблағлари;
- (b) бошқа корхоналар ҳиссали инструментлари;
- (c) шартномалардан келиб чиқадиган:
  - (i) бошқа корхоналардан пул маблағлари ва бошқа турдаги молиявий активларни олишга доир ҳуқуқлар;
  - (ii) корхона учун потенциал фойдали шартларда бошқа корхоналар билан молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятларни алмаштиришга доир ҳуқуқлар;
- (d) шартномалар бўйича ҳуқуқлар, қайсики бунда ҳисоб-китоблар хусусий ҳиссали инструментларни таъмин этиш билан амалга оширилади ёки оширилиши мумкин ва бу:
  - (i) нодериватив инструментлар, қайсики бунда корхона ўзгарувчан хусусий ҳиссали инструментларни олади ёки олишга мажбур бўлади;
  - (ii) дериватив инструментлар, қайсики бунда ҳисоб-китоблар пул маблағларининг қатъий суммасига ёки бошқа молиявий активларни хусусий

ҳиссали инструментларнинг қатъий миқдорига алмаштириш билан эмас, балки бошқача усул билан амалга оширилади.”<sup>2</sup>

Тадқиқотлар корхона ва ташкилотларнинг бухгалтерия балансида ҳамда молиявий ҳисоботга очиқлашларда акс эттириладиган ахборотлар қаторини миллий ва халқаро стандартларимизда акс эттириш тартиби билан танишиб чиқишни тақозо этди ва ушбу солиштиришлар асосида қуйидаги хулосалар ишлаб чиқилди:

**Биринчидан**, миллий стандартимизда 77.3. “Молиявий активлар”, 77.5. “Дебиторлик қарзлари”, 77.6 “Пул маблағи ва пул эквивалентлари” албатта бухгалтерия балансида акс эттирилиш шартлиги кўрсатилган. Лекин бухгалтерия балансининг амалдаги шаклига “Молиявий активлар” моддаси киритилмаган.

**Иккинчидан**, 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” стандартида 77.5 “Дебиторлик қарзлари”, 77.6 “Пул маблағи ва пул эквивалентлари” молиявий активларнинг таркибига киришига қарамасдан алоҳида ажратилган. Шунинг учун 77.3 “Молиявий активлар (77.5 ва 77.6 дан ташқари)” деб номлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Учинчидан**, миллий стандартда 77.5 “Дебиторлик қарзлари” деб номланиши халқаро стандартларга мувофиқ келмайди, уни 77.5 “Савдо ва бошқа олинандиган ҳисоботлар” деб номлаш керак. Бундан ташқари олинандиган ҳисоботларни савдо ва бошқа олинандиган ҳисоботларга таснифлаш амалиётига ўтишимиз керак. Бу ўз навбатида, молиявий ҳисобот шакллариининг ўзаро трансформациясини таъминлайди.

**Тўртинчидан**, миллий стандартимизда бошқа корхоналар ҳиссали инструментлари, яъни инвестицияларни бухгалтерия балансида акс эттиришга доир банд киритилмаган. Бу жиҳатдан ҳам стандартни такомиллаштириш зарур.

**Бешинчидан**, миллий стандартимизга мувофиқ бухгалтерия балансида тушунтиришларнинг ҳисоб сиёсати қисмида “Молиявий инструментлар ва инвестициялар” очиқланиши талаб этилган. Халқаро стандартларда молиявий инструментларнинг таркибий қисмлари бўлган молиявий активлар, молиявий мажбуриятлар ва ҳиссали инструментлар тўғридан-тўғри молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш зарурлиги қайд қилинган.

Юқоридаги тадқиқот натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда молиявий инструментларни тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботларда акс эттиришга оид стандартлар ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд. Бунда молиявий активлар ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида амалдаги миллий стандартларга ўзгартиришлар киритилиши унинг шаффофлигини таъминлайди ҳамда молиявий ҳисоботнинг фойдалилик даражасини оширишга хизмат қилади.

---

<sup>2</sup><https://finotchet.ru/articles/150/>

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. IAS 1 "Представление финансовой отчетности".  
[https://nrm.uz/contentf?doc=467907\\_ias\\_1\\_predstavlenie\\_finansovoy\\_otchetn](https://nrm.uz/contentf?doc=467907_ias_1_predstavlenie_finansovoy_otchetn)
2. 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”. <http://lex.uz/nsbu>
3. 32-сон БҲХС “Молиявий инструментлар: тақдим қилиш”  
<https://finotchet.ru/articles/150/>
4. В.Ф.Палий. Международные стандарты учета и финансовой отчетности: учебник.-М.:ИНФРА, 2008. 231-232-б.
5. Financial Assets. <https://www.wallstreetmojo.com/financial-assets/>
6. Financial Assets Types. <https://www.wallstreetmojo.com/financial-assets-type>

**Курбанов Зият Ниязович,**  
**иқтисод фанлари доктори, профессор.**  
**Солиқ кўмитаси ҳузуридаги Фискал институт.**  
[ziyatqurbanov@mail.ru](mailto:ziyatqurbanov@mail.ru)

## РАҚАМЛИ МОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

**Аннотация:** Ушбу мақолада рақамли молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисобининг баъзи назарий масалалари ёритилган. Хориж тажрибасидан фойдаланилган ҳолда криптовалюта оперецияларини бухгалтерия ҳисоби бўйича таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** молиявий актив, рақамли молиявий актив, рақамли валюта, криптоавалюта, даромад, бухгалтерия ҳисоби.

Жаҳон ва мамлакатимиз иқтисодиётини рақамлаштириш жараёни бухгалтерия ҳисобининг назарий масалалари қайта кўриб чиқиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Бу шароитда бухгалтерия ҳисобининг мавжуд моделларини, объекти ва методларини иқтисодиётини рақамлаштириш жараёнига мослаштириш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва молиявий ҳисобот шакллари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига уйғунлаштириш зарур.

Халқаро амалиётни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатлар ва иқтисодчи олимлар, амалиётчи бухгалтерлар рақамли молиявий активларни бухгалтерия ҳисобининг методологияси борасида ягона фикрга келишгани йўқ. Бу эса рақамли молиявий активлар, шу жумладан криптовалютанинг бухгалтерия ҳисоби методологиясини такомиллаштиришни талаб этади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисоби қандай ташкил этилади ва унинг методологиясида нималар ўзгаради? Рақамли молиявий активлар, шу жумладан криптовалютанинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш амалиёти қандай бўлади. Рақамли молиявий активлар бухгалтерия ҳисоби амалиётини ташкил этишда қайси МҲХСларидан фойдаланиш борасида иқтисодчиларнинг фикрлари турлича.

МҲХС кенгаши (FASB) 2019 йилдаги йиғилишида криптовалютанинг бухгалтерия ҳисоби масаласини муҳокама қилиб, унинг бухгалтерия ҳисобини

ташқил этиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш муаммоси бўйича расмий кўрсатмалар берди. Молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асослари молиявий ҳисоботларнинг элементларини аниқлаш ва тан олиш билан боғлиқ ҳолда, криптовалюта инвестиция учун сотиб олинган ва фаол бозорга эга бўлган номоддий активлар таърифига жавоб бериши белгиланган. Шунга асосланган ҳолда криптовалютанинг ҳисобини МҲХС 38-“Номоддий активлар” стандартга мувофиқ олиб бориш лозим<sup>3</sup>.

А. В. Бодяко, С.В.Пономарева, Т.М.Рогуленколар крипто-активларни захира сифатида ҳисобга олишни таклиф этишган: МҲХС (IAS) 2 “Захиралар” одатдаги бизнес жараёнида сотиш учун сақланган крипто активларга нисбатан қўлланилиши мумкин<sup>4</sup>.

А.А.Романов ва П.А.Романовлар криптавалютани қуйидагича изоҳлайди: Биткоин иштирокчиларнинг ишонч муаммосини ҳал қилишга муваффақ бўлган биринчи криптовалютага айланди. Сўнгги йилларда криптовалюталар, хусусан, биткоин“глобал рақамли валюта” сифатида ўз позицияларини сезиларли даражада мустаҳкамлади: глобал криптовалюта бозорининг капиталлашуви 2021-йилнинг ноябрь ойи уч триллион АҚШ долларидан ошди ва 2021-йилда ушбу бозордаги кунлик савдо айланмаси 300 миллиард долларга етди <sup>5</sup>.

Р.М.Гайбуллаевнинг фикрича, блокчейн технологиясини бухгалтерия ҳисобида фойдаланиш жуда катта салоҳиятга эга бўлиб, у муайян қоидаларга мувофиқ чизиқли “блоклар” занжири ҳисобланади. Бу марказлаштирилмаган бошқарувда ягона маълумотлар базаси бўлиб, у кўплаб компьютерларга тақсимланади. Блокчейн кўпинча “тарқатилган маълумотлар базаси” деб ҳам номланади<sup>6</sup>.

В.Авдеевнинг қарашича, Россия қонунчилигига асосан криптавалюта “рақамли валюта” деб аталади.Рақамли валюта - рубл ёки чет эл валютаси бўлмаган тўлов воситаси сифатида ишлатилиши мумкин бўлган электрон маълумотлар тўплами. Ушбу маълумотлар бўйича сизнинг олдингизда ҳеч ким жавобгар эмас, ушбу ахборот тизимининг қоидаларига мувофиқ чиқишни таъминлайдиган ва киритишни таъминлайдиган тизим операторлари (тугунлари) бундан мустасно<sup>7</sup>.

---

<sup>3</sup> Официальный сайт IFRS. IAS 38 Intangible Assets. -URL: <https://www.ifrs.org/issued-standards/> (дата обращения: 19.06.2023).

<sup>4</sup> Бодяко А. В., Пономарева С. В., Рогуленко Т. М. Идентификация цифровых прав в качестве объекта учета и контроля. Учет.Анализ.Аудит = Accounting.Analysis.Auditing. 2021;8(5):14-27. DOI: 10.26794/2408-93032021-8-5-14-27.

<sup>5</sup> Романова А.А. Романов П.А. Криптовалюты как элемент инновационной экосистемы Технология блокчейн и криптовалютный рынок: глобальные риски, тенденции и перспективы развития: сб. науч. тр.– Москва: ИНИОН РАН, 2022. – 238 с

<sup>6</sup> Гайбуллаев Р. М., Бобомуродова С. З. Бухгалтерия ҳисобида рақамли ахборот технологияларини қўллаш истиқболлари. JOURNAL OF ECONOMICS, FINANCE AND INNOVATION 2022 ISSN: 2181- 3299 Volume-II Issue 1.

<sup>7</sup> Авдеев В.Криптовалюта, NFT, цифровые активы: учет и налогообложение в РФ. <https://www.audit-it.ru/articles/account/assets/a1032583/1032591.html>.



Юқоридагиларга асосланган ҳолда, бизнинг фикримизча, криптовалюта — махсус кодлар орқали ҳимояланган рақамли молиявий актив бўлиб, жўнатма операцияларида пул ўрнида ишлатилади. Рақамли иқтисодий шаклланиши шароитида криптовалюта операциялари бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш объекти бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида электрон пуллардан ташқари, рақамли валюталарнинг қуйидаги турлари-криптовалюта, стейблкоин ва марказий банкнинг рақамли валютаси амал қилади.

Рақамли валюта асосан икки гуруҳга бўлинади: виртуал валюталар ва электрон валюталарга. Биз юқорида криптовалютага тўхталиб, унинг иқтисодий моҳиятини очишга ҳаракат қилдик.

Халқаро амалиётда молиявий ҳисоботларни тақдим этишнинг концептуал асослари молиявий ҳисоботларнинг элементларини аниқлаш ва тан олиш билан боғлиқ ҳолда, криптовалюта инвестиция учун сотиб олинган ва фаол бозорга эга бўлган номоддий активлар таърифига жавоб бериши белгиланган. Шунга асосланган ҳолда криптовалютанинг ҳисобини МҲҲС 38-“Номоддий активлар” стандартга мувофиқ олиб бориш белгиланган.

Агар криптовалюта сотиш учун мўлжалланган бўлса, у ҳолда МҲҲС (IAS) 2 “Захиралар” стандарти қўлланилади.

Россия Федерацияси Молия вазирлигининг тегишли меъёрий ҳужжатларига асосан токенларни сотиб олиш ва ҳисобдан чиқаришда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилиниши белгиланган:

1. Токен қиймати мол етказиб берувчиларга тўланганда:

Дт счёт-60 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб китоблар”

Кт счёт-51 “Ҳисоб китоб счёти”;

Токен қиймат захира сифатида ҳисобга олинганда:

Дт счёт-10 “Материаллар”;

Мол етказиб берувчилардан товар-моддий захираларни харид қилишда ҳисобга олинган ҚҚС суммаси:

Дт счёт-19 “Сотиб олинган қийматликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи”

Кт счёт-60 “Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб китоблар;”

Ҳисобга олинган ҚҚС суммасига:

Дт счёт-68 “Солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб китоблар”

Кт счёт-19 “Сотиб олинган қийматликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи”;

Ҳисобдан чиқарилган токен қийматини фаолият турлари бўйича харажатларга олиб бориш:

Дт счёт-26 “Умумхўжалик харажатлари”

Кт счёт-10 “Материаллар”<sup>8</sup>.

---

<sup>8</sup> Бодяко А. В., Развитие методологии учетно-контрольных процессов в условиях цифровой экономики. Управление. 2020;8(1):47-56.

Украинада эса криптовалюталарни 15 -“Капитал инвестициялар” счет орқали бухгалтерия ҳисобида акс эттириш таклиф этилган<sup>9</sup>.

Энди мамлакатимиз рақамли молиявий активлар ёки крипто-активларнинг бухгалтерия ҳисоби қандай ташкил этилганлигини кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиё ва Молия вазирлиги ҳамда Солиқ қумитасининг (14 декабрь 2022 йил № 06/17-01-32/278 14 декабрь 2022 йил № 2022-42) Крипто-активлар операцияларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида АХБОРОТ ХАБАРИда<sup>10</sup> бирламчи бухгалтерия ҳужжатларида, агар мажбурий реквизитлар мавжуд бўлса, Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ қўшимча реквизитлар бўлиши мумкин. Крипто активлари ҳақида маълумот уларни олиш усули ва мақсадига қараб крипто-активлари айланмаси соҳасидаги ташкилотларнинг, шу жумладан, номоддий активларни ёки товар моддий захираларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган бухгалтерия ҳисобварақларида майнинг билан шуғулланадиганларнинг бухгалтерия ҳисобида акс этади. Агар крипто-активлари номоддий активларнинг бир қисми сифатида тан олиниши шартларига жавоб берса, унда бундай активларни ҳисобга олиш 7-сонли “Номоддий активлар” Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига (БҲМС) мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади. Крипто-активларини электрон платформаларда ёки хизмат курсатувчи провайдерларнинг бошқа платформаларида (крипто активларини айирбошлаш соҳасида сотиш учун сотиб олинган бўлса, 4-сонли “Товар-моддий захиралари” БҲМСда белгиланган тартибда ушбу активлар товарлар таркибида энг паст иккита қийматдан бири бўйича - ҳақиқий таннархда (сотиб олиш нархида) ёки реализация қилинадиган қийматда акс эттирилади. Ушбу ахборот хабарда крипто-активларнинг бухгалтерия ҳисоби қайси счётада акс эттирилиши келтирилмаган.

Агар криптовалюта номоддий актив сифатида тан олинса, унинг бухгалтерия ҳисобини 0400-“ Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар” таркибида криптовалюталарни ҳисобга олувчи 0450 “Криптовалюта” ишчи счётини очишни таклиф қиламиз.

Агар криптовалюта сотиш учун олинган бўлса, уни захира сифатида тан олиш керак ва уни учетини ташкил этиш учун 1210 “Криптовалюта” ишчи счётни очиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Халқаро амалиётда агар криптовалюта номоддий актив сифатида тан олинса, унинг бухгалтерия ҳисоби МҲХС (IAS) 38 “Номоддий активлар” стандарти билан, агар криптовалюта сотишга мулжалланган бўлса, у ҳолда МҲХС (IAS) 2 “ Захиралар” стандарти билан тартибга солинади.. Шундан

---

<sup>9</sup> Как вести учет криптовалюты в Украине: юридические нюансы, налоги и примеры проводок. <https://finacademy.net/materials/article/uchet-kriptovalyuty>.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиё ва Молия вазирлиги ҳамда Солиқ қумитасининг (14 декабрь 2022 йил № 06/17-01-32/278 14 декабрь 2022 йил № 2022-42) Крипто-активлар операцияларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида АХБОРОТ ХАБАРИ.

келиб чиққан ҳолда криптовалютанинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

### Адабиётлар рўйхати

1. Бодяко А. В., Пономарева С. В., Рогуленко Т. М. Идентификация цифровых прав в качестве объекта учета и контроля. Учет.Анализ.Аудит = Accounting.Analysis.Auditing. 2021;8(5):14-27. DOI: 10.26794/2408-93032021-8-5-14-27.

2. Романова А.А. Романов П.А. Криптовалюты как элемент инновационной экосистемы Технология блокчейн и криптовалютный рынок: глобальные риски, тенденции и перспективы развития: сб. науч. тр.— Москва: ИНИОН РАН, 2022. – 238 с

3. Гайбуллаев Р. М., Бобомуродова С. З. Бухгалтерия ҳисобида рақамли ахборот технологияларини қўллаш истикболлари. JOURNAL OF ECONOMICS, FINANCE AND INNOVATION 2022 ISSN: 2181- 3299 Volume-II Issue 1.

4. Авдеев В. Криптовалюта, NFT, цифровые активы: учет и налогообложение в РФ. <https://www.audit-it.ru/articles/account/assets/a1032583/1032591.html>.

5. Бодяко А. В., Развитие методологии учетно-контрольных процессов в условиях цифровой экономики. Управление. 2020;8(1):47-56.

6. Как вести учет криптовалюты в Украине: юридические нюансы, налоги и примеры проводок. <https://finacademy.net/materials/article/uchet-kriptovalyuty>.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиё ва Молия вазирлиги ҳамда Солиқ кумитасининг (14 декабрь 2022 йил № 06/17-01-32/278 14 декабрь 2022 йил № 2022-42) Крипто-активлар операцияларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида АХБОРОТ ХАБАРИ.

**Baxadirov Alisher Komilovich**  
**TIQXMMIda “Buhgalteriya hisobi va audit”**  
**kafedrasining katta o’q’ituvchisi, Phd,**  
**[abakhadirov@mail.ru](mailto:abakhadirov@mail.ru)**  
**Sakijanov Otabekjon Furkat o'g'li**  
**"My work" MChJda buxgalter-iqtisodchi,**  
**Magistr, [sakijanov@mail.ru](mailto:sakijanov@mail.ru)**

## **XO’JALIK YURITUVCHI SUBYEKTLARDA XALQARO STANDARDLAR ASOSIDAGI HISOB SIYOSATINI TAKOMILLASHTIRISH YO’NALISHLARI**

**Annotatsiya:** Hisob siyosati korxonaning buxgalteriya tizimidagi asosiy element hisoblanadi. Uning roli moliyaviy hisobotning ishonchliligi, izchilligi va taqqoslanishini ta'minlaydigan buxgalteriya hisobining asosiy printsiplari va usullarini belgilashdan iborat. Kompaniyaning asoslangan moliyaviy qarorlar qabul

qilish qobiliyati, shuningdek, uning investorlar va manfaatdor tomonlar o'rtasida ishonchiligi to'g'ri ishlab chiqilgan va qo'llaniladigan hisob siyosatiga bog'liq.

**Kalit so'zlar:** Moliyaviy hisobotlarning tuzilishi, ishonchli moliyaviy hisobotlar, soliqlarni optimallashtirish, yirik korporatsiyalar, kichik va o'rta korxonalar, hisob siyosati, moliyaviy hisobot, korporativ boshqaruv, soliq qonunchiligi, soliq majburiyatlari.

## **НАПРАВЛЕНИЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УЧЕТНОЙ ПОЛИТИКИ В ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКИХ СУБЪЕКТАХ НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ**

**Аннотация:** Учетная политика представляет собой ключевой элемент в системе бухгалтерского учета предприятия. Её роль заключается в установлении основных принципов и методов учета, что обеспечивает надежность, согласованность и сопоставимость финансовой отчетности. От правильно разработанной и применяемой учетной политики зависит способность предприятия принимать обоснованные финансовые решения, а также его доверие среди инвесторов и заинтересованных сторон.

**Ключевые слова:** Структура финансовых отчетов, надежные финансовые отчеты, оптимизация налогов, крупные корпорации, малые и средние предприятия, учетная политика, финансовая отчетность, корпоративное управление, налоговое законодательство, налоговые обязательства.

**Abstract:** Accounting policy is a key element in the accounting system of an enterprise. Its role is to establish the basic principles and methods of accounting, which ensures the reliability, consistency and comparability of financial statements. The ability of an enterprise to make informed financial decisions, as well as its trust among investors and stakeholders, depends on a properly developed and applied accounting policy.

**Keywords:** Structure of financial statements, reliable financial statements, tax optimization, large corporations, small and medium-sized enterprises, accounting policy, financial reporting, corporate governance, tax legislation, tax liabilities.

### **Kirish**

Buxgalteriya siyosati faqat buxgalteriya qoidalari bilan cheklanmaydi. Bu strategik qarorlar qabul qilish, soliqni tarozisini rejalashtirish va manfaatdor tomonlarning ishonchiga ta'sir ko'rsatadigan vositadir. To'g'ri ishlab chiqilgan hisob siyosati shaffoflikni oshiradi, moliyaviy hisobotlarni yaxshilaydi va korxonaga bo'ladigan xatarlarni samarali boshqarishda yordam beradi.

Ushbu tezisda biz hisob siyosatining asosiy jihatlarini, shu jumladan to'g'ri strategiyani tanlash, moliyaviy hisobot tuzilishi, soliq qonunchiligi bilan bog'liqlik va uning turli xil biznes turlariga ta'sirini ko'rib chiqamiz. Shuningdek, hisob siyosatining o'zgarishiga qanday omillar ta'sir qilishi mumkinligini va uning kompaniyaga ta'sirini muhokama qilamiz.

Hisob siyosatini o'rganish va tushunish buxgalterlar, moliyaviy tahlilchilar va menejerlar uchun zarurdir. Uning roli va ahamiyatini tushunish kompaniyalarga o'z mablag'larini yaxshiroq boshqarishga yordam beradi, bu esa oxir-oqibat ularning barqarorligi va muvaffaqiyatiga sabab bo'ladi. [8]

### **Asosiy qism**

Kirish qismida ta'kidlanganidek, hisob siyosati kompaniyani moliyaviy boshqarishning asosiy elementidir. Ushbu strategik qo'llanma korxonaning moliyaviy operatsiyalarini ro'yxatdan o'tkazish, tasniflash va aks ettirish tamoyillari va qoidalarini belgilaydi. Hisob siyosatini tushunish va to'g'ri qo'llash tashkilot faoliyatining turli jihatlariga sezilarli ta'sir ko'rsatadi.

Hisob siyosati - bu moliyaviy hisobotlarni tayyorlash va taqdim etish uchun kompaniya tomonidan qabul qilingan o'ziga xos printsiplar, asoslar, konventsiyalar, qoidalar va amaliyotlar. MHXS 8 Buxgalteriya hisobi siyosati, buxgalteriya hisobidagi o'zgarishlar va xatolar MHXSga muvofiq hisob siyosati tamoyillarini o'z ichiga oladi.

Hisob siyosati buxgalteriya balansi va daromadlar to'g'risidagi hisobotlarni o'z ichiga olgan hujjatlarni yaratish uchun asos bo'lib xizmat qiladi.

Hisob siyosatining rolini baholash biroz qiyin. Bu strategik qarorlarni qabul qilish, soliqni rejalashtirish va kompaniyaning moliyaviy barqarorligini baholashga ta'sir qiladi. To'g'ri ishlab chiqilgan hisob siyosati manfaatdor tomonlarning shaffofligi va ishonchini oshiradi.

Tashkilotlar o'zlarining faoliyat turlari va maqsadlariga eng mos keladigan Hisob siyosatini tanlashlari kerak. Ushbu tanlov aktivlar va majburiyatlarni baholashning qaysi usullaridan foydalanish, amortizatsiya stavkalari qanday qo'llanilishi, daromadlar va xarajatlarni qanday aks ettirish va boshqa ko'plab jihatlar bo'yicha qarorlarni o'z ichiga oladi. Hisob siyosatini to'g'ri tanlash kompaniyalarga o'z mablag'larini to'g'ri ko'rishda taqdim etishga yordam beradi.

Bugungi kunga kelib, ko'pgina xo'jalik yurituvchi subyektlar ikkita hisob siyosatini ishlab chiqmoqda. Ya'ni soliq siyosati va MHXS asosida hisob siyosati yozilmoqda. Ushbu hisob siyosatining asosiy farqlari ushbu jadvalda keltirib o'tilgan:

<b>N</b>	<b>Soliq siyosatoga asosan</b>	<b>MHXSga asosan</b>
1	Asosiy vositalarning kirim qilinishidagi tartiblar faqatgina milliy standartlarga asosan qo'llaniladi	Asosiy vositalarning korxonaga qabul qilinishi uning kelesida foyda keltirishi va rahbarlarning xulosasiga muvofiq amalga oshiriladi
2	Asosiy vositalarning eskirish bo'yicha me'yoriy ko'rsatkichlari Soliq kodeksiga asosan hisoblanadi.	Asosiy vositalarning eskirish bo'yicha me'yoriy ko'rsatkichlari korxonaning ichki komissiyasi xulosasiga binoan hisoblanadi.
3	Debitorlik qarzdorliklar bo'yicha rezerv 3 yil muddatdan so'ng hisobga olinadi.	Debitorlik qarzdorliklar bo'yicha rezerv korxonah rahbariyatining

		berilgan taqdimotiga asosan hisobga olinadi.
4	Korxonalaridagi ishchilarining ta'til harajatlari ularning arizasiga asosan beriladi va hisobga olinadi.	Korxonalaridagi ishchilarining ta'til harajatlari moliyaviy yil ichida rezerv asosida hisobga olinadi.

Moliyaviy hisobotning tuzilishi va uning shakllari to'g'ridan-to'g'ri hisob siyosatiga bog'liq. Moliyaviy hisobotlar ichki va tashqi manfaatdor tomonlar uchun muhim ma'lumot manbai hisoblanadi. Ular hisob siyosatiga rioya qilishi va ishonchli bo'lishi kerak.

Shuni ta'kidlash kerakki, MHXS 8 buxgalteriya siyosati baholashga global yondashuvni, buxgalteriya hisobining mumkin bo'lgan usullarini tanlashni, masalan, asosiy vositalarni tarixiy qiymat bo'yicha yoki qayta baholangan qiymat bo'yicha hisobga olish modelini tanlashni belgilaydi. FIFO yoki tovar-moddiy zaxiralar tannarxini hisobga olishning o'rtacha vaznli usulini tanlash.

Hisob siyosati soliq qonunchiligi bilan ham bevosita bog'liqdir. Turli mamlakatlar va yurisdiksiyalar buxgalteriya hisobi va soliq bo'yicha turli talablarga ega bo'lishi mumkin. Soliq majburiyatlarini optimallashtirish va qonunga rioya qilish uchun kompaniyalar buni hisob siyosatida hisobga olishlari kerak. [7]

Hisob siyosati korxonalar hajmi va turiga qarab sezilarli darajada farq qilishi mumkin. Katta korporatsiyalar, kichik va o'rta korxonalar, yakka tartibdagi tadbirkorlar va oilaviy korxonalar buxgalteriya hisobi uchun turli xil yondashuvlarga ega bo'lishi mumkin.

Hisob siyosatini o'zgartirish - bu biznes, qonunchilik yoki xalqaro standartlardagi o'zgarishlarga javoban talab qilinishi mumkin bo'lgan tabiiy jarayon. Buxgalteriya siyosatini qachon va qanday o'zgartirish kerakligini va qanday oqibatlariga olib kelishi mumkinligini tushunish moliyaviy boshqaruvning muhim jihati hisoblanadi.

### **Xulosa**

Buxgalteriya siyosati korxonani moliyaviy boshqarishda muhim rol o'ynaydi, chunki u moliyaviy ma'lumotlarni aks ettirish uchun foydalaniladigan buxgalteriya tamoyillari va usullarini belgilaydi. Ushbu ish buxgalteriya siyosatining turli jihatlarini va ularning tashkilot uchun ahamiyatini ko'rib chiqadi.

Hisob siyosatining birinchi muhim jihati uning qonun hujjatlariga va buxgalteriya hisobining xalqaro standartlariga muvofiqligi hisoblanadi. Bu moliyaviy hisobotlarning ishonchliligi va ishonchliligini ta'minlaydi, bu esa o'z navbatida investorlarni jalb qilish va manfaatdor tomonlarning ishonchini oshirishga yordam beradi. [1]

Ikkinchi muhim jihat - bu korxonalar biznesining xususiyatlariga eng mos keladigan hisob usullarini tanlash. Bunga aktivlar va majburiyatlarni qanday baholash, amortizatsiyani qanday o'tkazish, daromad va xarajatlarni hisobga olish to'g'risida qaror qabul qilish kiradi. Buxgalteriya usullarini to'g'ri tanlash tashkilotning moliyaviy samaradorligiga sezilarli ta'sir ko'rsatishi mumkin.

Uchinchi muhim jihat - hisob siyosatining shaffofligi va ravshanligi. Bu barcha manfaatdor tomonlarga, shu jumladan investorlar, kreditorlar va soliq organlariga korxonaning moliyaviy hisobotlarini tushunish va tahlil qilishni osonlashtiradi.

Shunday qilib, hisob siyosati korxonada moliyasini boshqarishning asosiy vositasidir va to'g'ri ishlab chiqilgan va qo'llaniladigan hisob siyosati moliyaviy maqsadlarga erishishga va tashkilotning moliyaviy barqarorligini mustahkamlashga yordam beradi. Qonunchilik va biznes muhitidagi o'zgarishlarni doimiy ravishda kuzatib borish va samarali boshqaruv vositasi bo'lib qolishi uchun buxgalteriya siyosatini mos ravishda moslashtirish muhimdir.

Hulosa qilib aytish kerakki, MHXS 8 asosida moliyaviy hisobotlarda kompaniyada joriy davr uchun hisob siyosatidagi o'zgarishlar to'g'risidagi ma'lumotlarni batafsil oshkor qilishni talab qiladi. Shuningdek, ba'zi bir yangi standart yoki sharhlar chiqarilgan bo'lsada, lekin hali kuchga kirmagan hollarda, moliyaviy hisobotga eslatmalarda ushbu o'zgarishlarning moliyaviy hisobotlarga mumkin bo'lgan ta'sirini oshkor qilish kerak.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" 2020-yil 24-fevraldagi PQ-4611-son qarori, 2020-yil, Toshkent shahri, <https://lex.uz/ru/>.
2. "Xalqaro moliya: magistrlar uchun darslik" Xasbulatov R. I. 2014 yil, Toshkent shahri.
3. "Raqamli iqtisodiyot: rivojlanishning asosiy muammolari va istiqbollari" - R. G. Abdurahmonov, T. I. Muhamedova, M. M. Sharipova. "Talim" nashriyoti, 2020 yil, Toshkent shahri.
4. "Elektron hukumat va raqamli iqtisodiyot: xorijiy mamlakatlar tajribasi va O'zbekistonda qo'llash amaliyoti" - D. I. Rahimov, 2020 yil, Toshkent shahri.
5. "Raqamli diplomatiya va xalqaro siyosat" - R. X. Kahhorov, S. S. G'ulomov, J. A. Kuziyeva, 2019 yil, Toshkent shahri.
6. "O'zbekiston Respublikasida soliq huquqi" - X. X. Ahmedova, A. N. Alimova, Sh. R. Niyozova. Darslik, Toshkent davlat yuridik universiteti nashriyoti, 2021 yil, Toshkent shahri.
7. "O'zbekiston Respublikasining soliq tizimi" - Sh. R. Niyozova. Darslik, "Sammit-kitob" nashriyoti, 2019 yil, Toshkent shahri.
8. "O'zbekiston soliq qonunchiligi", Nazarov Azizbek, O'zbekiston soliq va Moliya instituti, 2017.

## **ТИББИЙ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА МЕЪЁРИЙ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада тиббий хизмат кўрсатувчи субъектларда меъёрий ҳуқуқий асослари бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида хусусиятлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** тиббий хизмат, вазифа, мақсад, Низом, Фармон, меъёрий ҳужжатлар, диагностика, лаборатория, бухгалтерия ҳисоби, фарқли хусусиятлари, ҳужжатлаштириш, счётлар, икки ёқлама ёзув, баҳолаш, калькуляция, баланс, ҳисобот.

2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хизмат кўрсатиш соҳаси ривожлантириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Айниқса, хизматлар соҳасининг етакчи тармоқлари, хусусан таълим хизматлари,<sup>11</sup> тиббий хизматлар,<sup>12</sup> ахборот-коммуникация хизматлари,<sup>13</sup> давлат хизматлари,<sup>14</sup> молия хизматлари,<sup>15</sup> ва бошқа айрим хизмат турларининг ҳажмини кескин кўпайтириш ва сифатини тубдан яхшилаш хусусида муҳим вазифалар белгиланган.

2023 йил юртимизда “Инсонга эътибор ва сифатли таълим”, деб ном берилди.<sup>16</sup> Мамлакатимиз ҳукумати томонидан 2023 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари белгилаб олинди. Ушбу вазифалардан бири бўлиб, тиббий хизматини янада ривожлантириш ҳам, аҳоли учун ижтимоий аҳамиятга эга. Бу соҳада тиббий хизматларни кўрсатувчи хусусий субъектлар сони ошиб бормоқда.

---

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги “Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3276-сонли Қарори

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071-сонли ва 2017 йил 1 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2863-сонли Қарорлари.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5547-сонли Фармони

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5278-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги “Ўзбекистон республикаси ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 728-сонли Қарори.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли Қарори.

<sup>16</sup> <https://sputniknews.uz/20221220/prezident-2023-yil-nomini-elon-qildi-30887391.html>



28.02.2023 йилдаги ПФ-27-сон 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инснга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони тасдиқлади.<sup>17</sup>

Аҳолига бирламчи тиббий хизматларни яқинлаштириш ва фуқароларни сифатли тиббий хизматлар билан таъминлаш, касалликларни эрта босқичда аниқлаш, шунингдек, беморларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида:

а) 2023 йилда 30 та оилавий поликлиника, 110 та оилавий шифокор пункти ва 520 тагача ихчам маҳалла тиббиёт пунктларини ташкил этиш;

б) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномаларни бериш босқичма-босқич электрон шаклга ўтказилсин.

в) 2023 йил 1 июлдан бошлаб Тошкент шаҳрида босқичма-босқич давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилсин;

г) 2023 йил якунига қадар ногиронлиги бўлган шахсларни амбулатор ва стационар шароитда бепул тиббий-ижтимоий реабилитация чоралари билан қамраб олиш кўлами 30 минг нафарга етказилсин. Тиббиёт соҳаси секторларига устувор вазифалар белгиланди.<sup>18</sup>

Солиқ кодексига киритилган ўзгаришларга кўра, тиббиёт муассасалари тиббий хизматларни (бундан косметологик хизматлар мустасно) реализация қилиш бўйича айланма солиқ солишдан озод қилинди. Қолаверса, тиббиёт муассасалари эгаллаб турган ерлар солиқ солинмайдиган ер участкалари рўйхатига киритилди, фойда солиғи эса 0% ставкада қўлланиши белгиланди.

Хусусан, Солиқ кодексининг 243-моддаси 1-қисми 11 ва 14-бандларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, тиббиёт муассасалари тиббий хизматларни (бундан косметологик хизматлар мустасно) реализация қилиш бўйича айланма солиқ солишдан озод этилди.

Бу хизматларга қуйидагилар кириши белгиланди:

- тиббий ёрдам ва санитария;
- диагностика, профилактика ва даволаш;
- стоматология хизматлари, шу жумладан тиш протезлаш бўйича хизматлар.

Бундан ташқари, санаторий-курорт, соғломлаштириш хизматлари, жисмоний тарбия ва спортга доир хизматларни реализация қилиш ҳам айланма солиқ солишдан озод қилинди.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш муассасалари эгаллаб турган ерлар (туристик ҳудудларда жойлашган санаторий-курорт муассасалари бундан мустасно) солиқ солинмайдиган ер участкалари рўйхатига киритилди. Шундай қилиб, хусусий тиббиёт муассасалари ҳам ер солиғи бўйича имтиёзларга эга бўлди.

Шу билан бирга, Солиқ кодексининг 337-моддаси 1-қисми 4-бандига кўра, тегишли лицензия асосида тиббиёт ташкилотлари томонидан

<sup>17</sup> <https://lex.uz/docs/6396146>

<sup>18</sup> <https://lex.uz/docs/6396146>

кўрсатиладиган тиббий хизматлар бўйича фойда солиғига 0% ставка қўлланилиши белгиланган:

- тиббий ёрдам хизматлари ва санитария хизматлари кўрсатиш,
- ташхис қўйиш, профилактика ва даволаш хизматлари,
- стоматологик хизматлар, тиш протезларини ўрнатиш хизматлари (бундан косметология хизматлари мустасно).

Бу билан хусусий тиббиёт билан ўз эгалигидаги ерларда, шу жумладан ижара асосидаги бинолар жойлашган ерларда шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларига ер солиғи бўйича ҳам кенг имтиёзлар тақдим этилмоқда.<sup>19</sup>

2021 йил мамлакатимизда хусусий тиббиёт ривожига кенг йўл очилган йил бўлиб тарихга муҳрланди. Айтиш пайтда юртимиз тиббиёт муассасаларига 129 турдаги тиббий хизматни амалга оширишга рухсат берилган.

Ҳозирда мамлакатимиздаги хусусий шифо масканлари сони қарийб 7000 тага етган. Уларнинг 2215 таси эса янги тиббий ихтисосликлар ҳисобига фаолиятини кенгайтди.

Айтиш пайтда 1425 та хусусий шифохона стационар тарзда иш юритмоқда. Улардаги ўрин-жойлар 30 мингдан ортиқ бўлиб, санаторийлар билан қўшиб ҳисоблаганда 40 мингдан ортиқ ўрин-жойлар ташкил этилган.

Давлат тиббиёт ташкилотларидаги жами 120 минг ўрин-жойларга нисбатан хусусий шифохоналардаги стационар ўрин-жойлар 25 фоизни ташкил этмоқда.

2021 йил 1 июлдан нодавлат тиббиёт муассасасига кириш учун олий тиббий таълимни яқунлаган мутахассислардан малака тоифаси талаб қилинмайдиган бўлди.

Яқунланган йилда хорижий инвестиция иштирокидаги хусусий шифохоналар сони 110 тага етди.

Хусусий секторнинг давлат тиббиёт муассасалари бўш турган объектларидан фойдаланиши 2 баробар оширилди.

2021 йил 1 июлдан хусусий тиббиёт ташкилотларига “мобил тиббиёт” билан шуғулланишга, олис ва чекка ҳудудлардаги ташкилот ва корхоналар тасарруфида фақат ўрта тиббиёт ходимларидан иборат тиббий пунктларни ташкил этишга рухсат берилди.

Қишлоқ жойларда тиббиёт бўйича ташкил этиладиган янги микрофирма ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан, жалб этилган шифокор ва мутахассислар даромад солиғидан, уларнинг даромадлари эса ягона ижтимоий тўловдан озод этилди.<sup>20</sup>

Юқоридаги айтиб ўтилган ўзгаришлар албатта бугунги кунда ва келажакда тиббий хизмат кўрсатувчи субъектларини ривожлашига олиб келади. Бунинг учун:

**Биринчидан,** тиббий хизмат кўрсатувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини ҳам такомиллаштириш зарурати мавжуд. Чунки, ушбу хизмат

<sup>19</sup> <https://www.gazeta.uz/uz/2022/01/17/tax-privilege/>

<sup>20</sup> <https://ssv.uz/uz/news/hususij-tibbiyet-muassasalari-tomonidan-krsatiladigan-tibbij-hizmatlar-soni-129-taga-etdi>

турларини жадал суръатларда ўсишни ва такомиллаштириб бориши учун ҳисоб тизимини бугунги кунда талаб даражасида ва бир қанча мавжуд муамолани ҳал қишга имкон яратии мумкин;

**Иккичидан**, тиббий хизмат кўрсатиш соҳаси ҳар қандай давлат иқтисодиётини раванқ топишида ўзига хос локомативдир. Ушбу соҳасиз иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳаларини барқарор ривожии таъминланмайди;

**Учинчидан**, республикамизда иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларини, шу жумладан тиббий хизмат кўрсатиш соҳасини тубдан модернизациялаш жараёнлари амалга оширилмоқда. Бунинг учун, кенг кўламда ва катта миқдордаги ташқи ва ички инвестициялар киритилмоқда. Ушбу маблағлардан тўғри ва оқилана фойдаланиш, маҳсулот (иш, хизмат)лар сифатини ошириш, улар таннархини пасайтириш, экспорт ҳажминии кўпайтириш ва импортни камайитириш эвазига валюта тушумларинии ошириш каби устувор вазифалар қўйиши табиий;

**Тўртинчидан**, тиббий хизмат кўрсатиш соҳаси ўта хилма хил тадбиркорлик фаолият турларинии ўз ичига олади. Бинобарин, ушбу фаолият турлари мазмуни, техник-иқтисодий ва технологик жиҳатлари бўйича бири-биридан тубдан фарқланади. Ушбу фарқли жиҳатлар тиббий хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларида даромадлар, таннарх ва бошқа кўрсаткичларни шаклланишига бевосита ўз таъсиринии ўтказади.

**Бешинчидан**, тиббий хизмат кўрсатиш соҳасига кирувчи субъектларда юритилаётган бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос субъектлари бўлиб ҳисобланади. Бундай хусусиятлар мазкур соҳа субъектларида юритиладиган бухгалтерия ҳисоби методининг барча элементларида, чунончи ҳужжатлаштириш, счётлар, счётларга икки ёқлама ёзув, баҳолаш, калкуляция баланс ва ҳисобот шаклларида ёрқин намоён бўлади.

Шу боис, тиббий хизмат кўрсатувчи субъектларида ҳисоб тизиминии мавжуд муаммоларни бартараф қилиш ва халқаро талабга мос, ихчам, шаффоф ахборот фойдаланувчиларга ахборотларни тақдим этишга эришиш долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги “Нодавлат таълим хизматларинии кўрсатиш фаолиятинии ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3276-сонли Қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071-сонли ва 2017 йил 1 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2863-сонли Қарорлари.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5547-сонли Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5278-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги “Ўзбекистон республикаси ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 728-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли Қарори.

#### **Интернет ресурслари**

6. <https://sputniknews.uz/20221220/prezident-2023-yil-nomini-elon-qildi-30887391.html>
7. <https://lex.uz/docs/6396146>
8. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/01/17/tax-privilege/>
9. <https://ssv.uz/uz/news/hususij-tibbiet-muassasalari-tomonidan-kratiladigan-tibbij-hizmatlar-soni-129-taga-etdi>

**Боронов Бобур Фарходович**  
**СамИСИ “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси**  
**доценти в.б.,**  
**Абдурасулов Жамшидбек Ахмад ўғли**  
**СамИСИ “Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит”**  
**кафедраси**  
**таянч докторанти**

#### **ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИШ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада олинадиган счётлар (дебиторлик қарзлари) бўйича таърифлар, уларнинг таркибий қисмлари, моҳияти, шунингдек молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда дебиторлик қарзларини акс эттириш тартиби масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** олинадиган счётлар, дебиторлик қарзлар, савдо дебиторлик қарзлари, бошқа (носавдо) дебиторлик қарзлари, молиявий активлар, молиявий ҳисобот, халқаро стандартлар.

Бозор муносабатларининг борган сари чуқурлашиб бориши билан республикада фаолият юритаётган корхоналар иқтисодий ресурслари

таркибида узоқ ва қисқа муддатли моддий активлардан ташқари валюта маблағлари, қимматли қоғозлар, шўъба ва қарам жамиятлар, шунингдек бошқа турдаги субъектлар устав капиталига киритилаётган бадаллар, узоқ ва қисқа муддатли қарзлар ҳамда кредитлар, турли молиявий характердаги дебиторлик қарзларини ҳисобга олишнинг методологик асослари ишлаб чиқилди. Бироқ, республикамизда мустақиллик йилларида молиявий активларнинг тез суръатлар билан ривожланишига қарамасдан, ушбу мулк турлари ҳисобининг халқаро стандартлар талабларига мос келадиган назарий, ташкилий ва методологик асослари тўлиғича яратилган, деб бўлмайди. Жумладан, республикамизда олинадиган счётлар ҳисобига оид миллий стандартлар яратилган эмас, уларни молиявий ҳисоботда акс эттириш бўйича қатор муаммолар мавжуд.

Ушбу муаммоларни ҳал этишда дебиторлик қарзлари ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш борасида қуйидаги йўналишлардаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Олинадиган счётлар (дебиторлик қарзлари)ни молиявий актив сифатида тавсифлаш, тан олиш мезонларини белгилаш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботи методологиясини халқаро стандартларга уйғунлаштириш;

2. Корхоналарда дебиторлик қарзларини соф қийматида акс эттириш мақсадида ҳисобот даврининг охирида юзага келган дебиторлик қарзларини баҳолаш асосида илғор усулларга таяниб резерв яратиш, узоқ муддатли дебиторлик қарзларини бугунги кун қийматида ҳисоблаш, амортизацияланадиган қийматда акс эттириш, дебиторлик қарзларининг қадрсизланишидан зарарни ҳисоблаш методикасини жорий этиш;

3. Харидор ва буюртмачиларга шартнома тузишдан олдин уларнинг молиявий ҳолатини ўрганиш тизимини жорий этиш, халқаро стандартларга мувофиқ “шартномалар бўйича активлар” тушунчасини амалда қўллаш.

Олинадиган счётлар атамасининг ўрнига амалиётда “дебиторлик қарзлари” тушунчаси кенг фойдаланади. Хорижий олимлар томонидан ушбу тушунчаларга турли хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар томонидан таърифлар берилган.

АҚШлик олим Р.Либби олинадиган счётларга қисқа вақт ичида келиб тушиши кутилаётган қарзларни киритган ҳолда, уларни савдо ва бошқа дебиторлик қарзлари турларига бўлишган. Савдо тури бўйича олинадиган маблағлар бизнеснинг нормал курсида товар ва хизматларни кейинчалик тўлаш шарти (кредит) билан сотиш натижасида юзага келишини, бошқа дебиторлик қарзлари эса, нормал бизнес фаолиятдан ташқари ҳолларда юз берган операциялар асосида амалга ошишини қайд қилишган<sup>21</sup>.

О.В.Попова “Бухгалтерский учёт” журналидаги мақоласида “Агарда товарлар (иш, хизматлар)ни жўнатиш факти вақт бўйича унинг учун олинадиган пул маблағлари билан мувофиқ келмаса, дебиторлик қарзлари юза келади. Дебиторлик қарзлари гражданлик ҳуқуқи нуқтаи назаридан мулкый

<sup>21</sup> Libby, Robert. Financial accounting /Robert Libby, Patricia A. Libby, Daniel G. Short. Irwin, Printed in USA, 2016. 308, 848 p.

хуқуқ, яъни маълум пул маблағлари (товар, хизматлар ва ҳақозо) олишга бўлган хуқуқ ҳисобланади”<sup>22</sup>.

А.Д. Аликина томонидан қуйидагича таъриф берилади: “Дебиторлик қарзи – бу корхонага жисмоний ёки юридик шахслардан ўзаро бир-бири билан муносабатларида юзага келадиган корхона фойдасига ҳисобландиган қарзлари суммаси. Одатда бундай қарзлар кредитга сотиш ҳисобидан юзага келади. Дебиторлик қарзлари суммасининг кредиторлик қарзлари суммасидан ошиши ташкилотларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Корхоналар бухгалтерия ҳисобида дебиторлик қарзлари контрагент томонидан тўлангунга қадар ёки даргумон қарз сифатида ҳисобдан чиқарилгунга қадар ҳисобда туради”<sup>23</sup>.

Ушбу олимларнинг берган таърифлари катта илмий ва амалий аҳамият касб этади. Лекин, бугунги кунда дебиторлик қарзларини таърифлашда халқаро стандартлар талабларини инобатга олиш, уни молиявий активлар таркибидаги хуқуқ сифатида тавсифлаш, шартномалар асосида баҳолаш, шартномавий активлар тушунчасини киритиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, дебиторлик қарзлари (олинандиган счётлар)га қуйидагича таърифни бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

**“Дебиторлик қарзлари (олинандиган счётлар)** – бу молиявий актив бўлиб, ташкилотнинг шартномалар асосида одатдаги фаолияти (жўнатган товарлари, маҳсулотлари, кўрсатилган иш ва хизматлари) ва бошқа фаолиятлари (инвестициявий ва молиявий фаолиятлари) натижасида қарздор шахслардан пул маблағларини ва бошқа активлар каби қопламаларни олишга бўлган хуқуқи.”

Ушбу 1-расмда келтирилган таснифланиш ҳамда халқаро стандартларнинг талаблари асосида бухгалтерия балансида дебиторлик қарзларини савдо ва носавдо дебиторлик қарзларига ажратиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

1-жадвал

**Бухгалтерия балансида савдо ва бошқа (носавдо) дебиторлик қарзларини акс эттириш тартиби**

Амалдаги шаклда баланс моддалари	Сатр коди	Таклиф этилаётган баланс моддалари	Сатр коди
<b>І.Узоқ муддали активлар</b>		<b>І.Узоқ муддали активлар</b>	
		Шарномавий активлар (узоқ муддатли қисми)	

<sup>22</sup> Попова О.В. Учет дебиторской задолженности. <https://gaap.ru/articles/uchet-debitorskoy-zadolzhennosti>.

<sup>23</sup> Аликина А.Д. Учет дебиторской задолженности. <https://cyberleninka.ru/article/n/uchet-debitorskoy-zadolzhennosti>.

Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари	110	Узоқ муддатли савдо дебиторлик қарзлари	110
		Узоқ муддатли бошқа (носавдо) дебиторлик қарзлари	120
<b>II. Жорий активлар</b>		<b>II. Жорий активлар</b>	
		Шартномавий активлар (жорий қисми)	200
Дебиторлар жами (сатр 220+230+240+250+260+270+280+290+300+310)	210	Дебиторлик қарзларининг соф қиймати, жами (220+250+260-270)	210
Шундан: муддати ўтган	211	Шундан муддати ўтган	211
		<b>Савдо дебиторлик қарзлари (230+240)</b>	220
Харидорлар ва буюртмачилар қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	220	Савдо дебиторлик қарзлари (олинадиган счётлар) жами (231+232+233), шундан	230
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110)	230	Харидор ва буюртмачиларнинг савдо қарзи (4010)	231
Шўъба ва қарам хўжаликлар қарзи (4120)	240	Боғлиқ томонлар (ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам жамиятлар) савдо қарзлари (4110, 4120)	232
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	250	Бошқа савдо дебиторлик қарзлари	233
		Савдо дебиторлик қарзлари (векселлар бўйича)	240
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар (4300)	260	<b>Бошқа (носавдо) дебиторлик қарзлари жами (251+252+253+254+255+256), шундан</b>	250
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300	Харидор ва буюртмачилар билан узоқ муддатли активларнинг сотилиши бўйича қарзлар	251
		Қўлдаги қимматли қоғозларнинг сотилиши бўйича (4810)	252
		Олинадиган дивидендлар, фоизлар ва роялти бўйича қарзлар	253

Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310	Қарз ва кредитлар берилиши бўйича қарзлар	254
		Ходимларга берилган бўнақлар	255
		Бошқа носавдо дебиторлик қарзлари	256
		<b>Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган аванслар (4300)</b>	260
		<b>Дебиторлик қарзларининг қадрсизланишидан зарар</b>	270

Ушбу таклиф этилаётган тавсиялар амалдаги бухгалтерия баланси шаклидаги дебиторлик қарзларини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштиради. **Биринчидан**, таклиф этилаётган таркибда 15-сон МҲХС “Харидорлар билан шартномалар бўйича тушумлар” стандарти талабларига мувофиқ шартномавий активлар тушунчаси киритилди. **Иккинчидан**, узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ҳам савдо ва носавдо дебиторлик қарзларига ажратилди. **Учинчидан**, амалдаги тартибда даргумон қарзлар бўйича резервлар фақат харидорлар ва буюртмачилар қарзларидан чегирилган. Бизнинг фикримизча, даргумон қарзлар тушунчаси дебиторлик қарзларининг барча турларига таълуқлидир. Шу сабабли, алоҳида сатрда акс эттириш таклиф этилди.

39-сон МҲХС “Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш”га мувофиқ, займлар ва дебиторлик қарзлари молиявий актив ҳисобланади. Дебиторлик қарзларини молиявий актив сифатида тан олишнинг асосий талаби бўлиб уларнинг фаол бозорда котировка қилинмаслиги бўлиб ҳисобланади. Агарда актив фаол бозорда котировка қилинса, ёки дебиторлик қарзлари ва займлари сифатида таснифлашнинг бошқа талабларига жавоб бермаса, у ҳолда дебиторлик қарзлари “тўлагунга қадар ушлаб туриладиган инвестиция” сифатида тан олинади.

Дебиторлик қарзларини молиявий актив сифатида савдо ва носавдо дебиторлик қарзларига таснифлаш, дебиторлик қарзларини адолатли (ҳаққоний) қийматда ва амортизацияланадиган қийматда баҳолаш, дебиторлик қарзларининг қадрсизланиши натижасида зарар ҳамда бухгалтерия балансида соф қийматда акс эттириш бўйича берилган таклифлар дебиторлик қарзлари (олинадиган счётлар)га оид ахборотларнинг объективлиги ва ишончилигини оширишга хизмат қилади.

Дебиторлик қарзлари (олинадиган счётлар) қарздор шахслардан пул маблағларини ва бошқа активлар кўринишидаги қопламаларни олишга бўлган ҳуқуқидир, деб тавсифланиши ҳамда шу билан бир қаторда, ишда берилган таърифга мувофиқ равишда савдо ва бошқа (носавдо) дебиторлик қарзларига



тавсиф берилиши ушбу тушунчаларнинг тўғри қўлланилишини ҳамда миллий стандартларда атамаларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Бухгалтерия баланси шаклидаги дебиторлик қарзларини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш мақсадида шартномавий активлар тушунчаси киритилганлиги, савдо ва носавдо дебиторлик қарзларининг таркиби белгиланиб чиқилганлиги, даргумон қарзлар дебиторлик қарзларининг барча турларига таълуқлигини ҳисобга олиб унга балансда алоҳида сатрда акс эттириш таклиф этилганлиги ҳисоботларнинг шаффофлигини оширишга ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштиришга олиб келади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Libby, Robert. Financial accounting /Robert Libby, Patricia A. Libby, Daniel G. Short. Irwin, Printed in USA, 2016. 308, 848 p.

2. Попова О.В. Учет дебиторской задолженности.  
[https://gaap.ru/articles/uchet\\_debitorskoy\\_zadolzhennosti](https://gaap.ru/articles/uchet_debitorskoy_zadolzhennosti).

3. Аликина А.Д. Учет дебиторской задолженности.  
<https://cyberleninka.ru/article/n/uchet-debitorskoy-zadolzhennosti>.

**Ne'matova Dilnoza Azamatovna**  
**Samarqand Iqtisodiyot va servis institute**  
**tayanch doktoranti**

### WAYS TO IMPROVE PRIVATE EQUIPMENT ACCOUNTING IN OUR COUNTRY

**Annotation:** The article deals with the national and international standards of basic assets accounting, the principles of accounting of basic assets, the harmonization of national and international standards on this issue.

**Key words:** basic assets, biological assets, accounting standards, national and international standards of accounting.

It is impossible to raise the development of sectors of the economy of our republic to a new level without radically improving the material and technical base of enterprises of various profiles. It is for this purpose that modernization of the economy, further expansion of production capacity, and widespread introduction of advanced equipment and technologies in our country have been identified as priority tasks.

Full implementation of the assigned tasks requires the effective use of capital funds available at enterprises and the constant improvement of their accounting and control.

Fixed assets are tangible and intended for long-term use by an enterprise in the process of producing products, performing work or providing services, or for the purpose of performing managerial and socio-cultural tasks. Fixed assets constitute the material and technical base of any enterprise or any economic activity. Fixed assets

consist of buildings, structures, machinery and equipment, and other means of labor with a service life of more than one year. It should be noted that in order to include tangible assets in fixed assets, it is necessary to pay attention to their independent use.

Fixed assets are divided into production and non-production depending on their function. The main means of production are those that directly involved in the creation of material wealth. The group of non-productive fixed assets includes housing and communal services, consumer services, healthcare, education and others.

Our republic has created a regulatory framework for accounting for fixed assets. They are in the Law of the Republic of Uzbekistan “On Accounting” in the new edition, NAS No. 5 “Fixed Assets”, NAS No. 6 “Rent Accounting”, NAS No. 21 “Economic Entities, Financial and Economic Activities, Accounting”. , on the chart of accounts and its application, “Instructions” “On the revaluation of fixed assets as of January 1 of each year”, Regulations “On the removal of fixed assets from the balance sheet” and other regulatory documents. Full compliance with these regulations is an important guarantee of the correct accounting of basic expenses in every enterprise.

It is important to organize accounting of fixed assets based on national accounting standards and use them effectively.

The increase and decrease of fixed assets at enterprises is carried out through the following processes:

a) increase in fixed assets:

- acceptance of the restored facility after completion of capital investments;
- purchase of an object under a sale and purchase agreement;
- contribution to the authorized capital in the form of a share of the founder;
- free check-in under a gift agreement;
- exchange;
- receipt under a long-term lease agreement;
- capital investments in fixed assets;
- identification of surplus fixed assets.

b) fixed assets are written off in the following cases:

- termination;
- sale;
- exchange;
- give away for free;
- contribution of the founder's share in the authorized capital;
- provision under a long-term lease (leasing) agreement;
- detection of shortage or loss.

Fixed assets must be formalized and properly accounted for in accordance with the above processes.

The results of the study show that the recognition of the main tools in the practice of enterprises. Certain shortcomings are allowed in their movement, calculation and accounting of depreciation amounts. These may include:

- international practical experience was not taken into account when determining the composition of fixed assets, including biological assets included in fixed assets;

- “Accounting policies” of enterprises do not fully reflect the issues of recognition and valuation of fixed assets;
- financial liability for fixed assets is established only for fixed assets owned by this enterprise; control over leased fixed assets is not fully ensured;
- the shortage of fixed assets determined as a result of the inventory is not fully recovered from the guilty parties;
- the current procedure for determining the obsolescence of fixed assets is not fully observed;
- there were shortcomings in the organization of analytical accounting of fixed assets, etc.

Table 1.

Composition of “long-term assets”, issues of their recognition and accounting

Uzbekistan	Abroad
<p><b><i>Composition of long-term assets: fixed assets, intangible assets, long-term financial and capital investments, long-term accounts receivable.</i></b></p> <p><b><i>Biological assets are not grouped separately.</i></b></p> <p><b><i>Accounting Standards NAS No. 5 “Fixed assets”</i></b></p>	<p><b><i>Composition of long-term assets:</i></b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li><input type="checkbox"/> <b><i>tangible assets – assets that have a physical condition;</i></b></li> <li><input type="checkbox"/> <b><i>intangible assets – assets that do not have a physical condition;</i></b></li> <li><input type="checkbox"/> <b><i>biological assets.</i></b></li> </ul> <p><b><i>List of biological assets: reserves of iron ore, gas, oil, orchards, vegetable fields, vineyards, perennial fruit trees (orchards), livestock.</i></b></p> <p><b><i>Accounting Standards International Financial Reporting Standards:</i></b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li><b><i>16-“Fixed Asset Account”</i></b></li> <li><b><i>40-“Investment Property”</i></b></li> <li><b><i>41-“Agriculture”</i></b></li> </ul>

As a result of the study conducted according to Table 3, the following conclusions were made: In international practice, some natural resources are also included in fixed assets. In the textbook “Principles of Accounting”, which is studied in prestigious universities in the United States of America, the content of biological resources is expressed as follows: “Natural resources (natural resources) are first extracted and then processed into raw materials. Natural resources include: iron ore, oil, gas, forest materials, etc. An important feature of natural resources is that they do not wear out.”

Harvard University Professor Anthony R. and University of Michigan Professor Reece J. The composition of fixed assets and long-term assets is expressed as follows: “Long-term assets are divided into the following: 1) tangible assets - assets that have a physical condition (for example, a building, a car)”; 2) intangible assets (for example, patents or copyrights).

Standard No. 16 “Accounting for fixed assets” in international accounting practice includes procedures for determining the types of fixed assets, valuation, recognition, current account and balance sheet.

Biological assets are accounted for in a separate standard called “Agriculture”.

Conclusions and offers. We offer the following proposals aimed at improving the calculation of fixed assets:

- adaptation of the composition of basic instruments to international requirements on a scientific basis;
- Scientific substantiation of the content and composition of biological assets included in fixed assets;
- Revision of the content of NAS No. 5, separation of biological assets from it;
- development of a national accounting standard “Biological assets” and justification for the types, assessment, recognition, and accounting of these assets;
- development of a system of accounting plans for accounting of fixed assets and other assets;
- harmonization of national standards with international standards on issues of accounting of fixed assets.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонуни (янги таҳрири). 2016 йил 13 январь.
2. БҲМС 5-сон, “Асосий воситалар”
3. Нидлз Б и др. Принципы бухгалтерского учета / Б.Нидлз, Х. Андерсон, Д. Коллдуэлл: Пер. с англ./ Под ред. Я.В. Соколова.-2-е изд.-М: Финансы и статистика, 2003, с.197.

**G'anibayev Ixomjon Shokiraliyevich**  
**Farg'ona politexnika instituti,**  
**tayanch doktoranti**  
[ilhomganiboyev@gmail.com](mailto:ilhomganiboyev@gmail.com)

## **AVTOMOBIL TRANSPORTI KORXONALARI XARAJATLARINI MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARI ASOSIDA TAN OLIISH MUAMMOLARI**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada avtomobil transporti, moliyaviy hisobotning xalqao standartlari, MHXSlariga o'tishning zaruriyati, xarajatlar, avtomobil transporti korxonalari xarajatlari, xarajatlarni hisobga olishda qo'llaniladigan xalqaro standartlar, xarajatlarni tan olish va hisobga olishdagi muammolar va avtomobil transporti korxonalari xarajatlarini moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida tan olish bo'yicha tavsiyalar berilgan.

**Kalit so'zlar:** avtomobil transporti, xarajatlar, moliyaviy hisobotning xalqao standartlari, tan olish, hisobga olish.

Mamlakat iqtisodiyotida avtomobil transporti eng muhim tarmoqlardan biri hisoblanadi. U mahsulot ishlab chiqarish uzluksizligini va aylanishini ta'minlaydi, aholini transport xizmatiga bo'lgan ehtiyojini qondiradi. Hozirgi raqamli iqtisodiyot sharoitida, mahsulot (ish, xizmatlar) ni ishlab chiqarish ko'lamini kengayishi, aholini o'sishi avtomobil transporti xizmatlariga bo'lgan talabni o'sishiga olib keladi. Bu o'z navbatida avtomobil transporti xizmatlari sifatini oshirish, mazkur soha korxonalarini yangi, zamonaviy texnikalar bilan ta'minlash va ularga texnik xizmatlar ko'rsatish saviyasini oshirishni talab qiladi.

Korxonalarda iqtisodiy rivojlanishi va boshqaruvning zamonaviy sharoitlari uslubiy asos sifatida buxgalteriya kategoriyasining mohiyati va izchilligini, uning turlari va tuzilishini, moslashuvchan imkoniyatlarni kengaytiradi.

Bugungi kunda milliy buxgalteriya qoidalari va MHXS o'rtasida, milliy standartlar va xalqaro qoidalarga muvofiq tayyorlangan buxgalteriya (moliyaviy) hisobotlarida sezilarli farqlar mavjud.

V.M.Orlova o'zining ilmiy adabiyotlarida MHXSdan foydalanish zarurligining uchta sababi haqida quydagilarni qayd qiladi:

"Birinchidan, MHXSga muvofiq hisobotni shakllantirish korxonalariga xalqaro kapital bozorlariga qo'shilish imkoniyatini ochadigan muhim qadamlardan biridir.

Ikkinchidan, xalqaro amaliyot shuni ko'rsatadiki, MHXSga muvofiq tayyorlangan moliyaviy hisobotlar foydalanuvchilar uchun juda qulay va foydalidir.

Uchinchidan, MHXSdan foydalanish yangi milliy hisobot qoidalari ishlab chiqish uchun zarur bo'lgan vaqt va resurslarni sezilarli darajada qisqartirishi mumkin" [1, 2 b].

Professor I.N. Ismanov ilmiy maqolalarida MHXSlarini ahamiyati to'g'risida ta'kidlaganidek, "MHXS korxonalar faoliyati to'g'risida moliyaviy axborotlarning manbai bo'lgan va foydalanuvchilar uchun xizmat qiladigan moliyaviy hisobot tayyorlashga yo'naltirilgan. Ushbu standartlar alohida olingan mamlakatning qonunchiligiga bog'lanmagan va faoliyat turi, o'lchami, tashkiliy-huquqiy shaklidan qat'iy nazar barcha korxonalar hisobotini shakllantirish uchun yo'naltirilgan. MHXS o'zaro bog'liq bo'lgan korxonalar guruhining konsolidatsiyalashgan moliyaviy hisobotini tayyorlash uchun ham alohida olingan korxonalar hisobotini shakllantirish uchun ham birday qo'llanilishi mumkin" [2, 41-b].

Ta'kidlash joizki, xo'jalik yurituvchi sub'ektlarda moliyaviy hisobotlarni moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlari asosida tashkil qilish xorij kapital bozorlaridan qulay foydalanish, xorijiy investorlar orasida ishonchning ortishi, kompaniyalar uchun xarajatlarining kamayishiga va xisobotlarning tushunarligini ta'minlab berishga imkon yaratadi. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini mamlakatlar hisob tizimida qo'llanishi jahon bozoriga chiqish bilan birgalikda yuqori salohiyatli investorlarni jalb qilishning omillaridan biri hisoblanadi. Moliyaviy hisobot xalqaro standartlari sub'ektning moliyaviy barqarorligini baholashda ularning nafaqat foydali bo'lishi, balki boshqaruv qarorlari qabul qilishda samarali hisoblanadi [3, 25-b].

Xarajatlar va xarajatlarni hisobga olishga ta'sir qiluvchi milliy standartlarni qo'llanilishi, majburiy bo'lgan hisobni yuritish me'yorlari va qoidalariga asoslanadi. Milliy standartlar buxgalteriya fikrining rivojlanishiga to'sqinlik qiladi, amaliyotni cheklaydi va muayyan voqealarni aks yettirishda professional mulohazalardan to'liq foydalanishga imkon bermaydi. Bu borada professor L.V. Sokolov shunday dedi: "Hayotning barcha holatlariga javob berishga harakat qiladigan me'yoriy hujjatlar talablariga rioya qilish, buxgalterga har bir alohida holatda ushbu buxgalter ishlayotgan korxonaning moliyaviy ahvolini ishonchli va to'g'ri ifodalash imkonini bera olmaydi" [ 4, 68 b].

Xalqaro standartlar tizimi bo'yicha xarajatlarni tan olish va hisobga olish qoidalarini belgilaydigan standart mavjud emas. Bundan ko'rinib turibdiki avtomobil transporti korxonalarida xarajatlarini tan olish va ularning hisobi uchun maxsus standartlar ishlab chiqilmagan.

O'zbekistonda xarajatlarni hisobga olish alohida nizom bilan tartibga solinadi. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1999 yil 5 fevraldagi "Mahsulot (ishlar, xizmatlar)ni ishlab chiqarish va sotish xarajatlari tarkibi hamda moliyaviy natijalarni shakllantirish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi 54-sonli qarori. Avtomobil transporti korxonalarida xarajatlari hisobini tashkil qilish mazkur nizom talablari asosida amalga oshiriladi.

Xalqaro buxgalteriya amaliyotida xarajatlar to'g'risidagi ma'lumotlarni oshkor qilish bo'yicha asosiy talablar "Moliyaviy hisobotlarni tayyorlash va taqdim etish tamoyillari"da (tamoyillarda) belgilangan bo'lib, ular o'z-o'zidan standartlar emas. Shunga qaramay, aynan ushbu hujjat moliyaviy hisobot sifatiga qo'yiladigan asosiy talablarni belgilaydi va xalqaro standartlar bilan bevosita tartibga solinmagan holatlarda qaror qabul qilish uchun asos bo'ladi.

Avtomobil transporti korxonalarida xarajatlarning ayrim turlarini hisobga olish masalalari aktivlar va majburiyatlarining ayrim turlarini, faoliyat turlari va yo'nalishlarini hisobga olishni tartibga soluvchi ko'pgina standartlar bilan hal qilinadi, xususan, xarajatlarni hisobga olish va tayyor mahsulot tannarxi MHXS (IAS) 2-"Zaxiralar"da ko'rib chiqiladi. SHartnomalarni bajarish bilan bog'liq xarajatlarni hisobga olish MHXS 11-"Qurilish shartnomalari" bilan tartibga solinadi. Asosiy vositalarni, shu jumladan amortizatsiya bilan bog'liq xarajatlarni hisobga olish tamoyillarini belgilaydigan asosiy standart MHXS (IAS) 16-"Asosiy vositalar"dir. Ilmiy-tadqiqot ishlarini bajarish, shuningdek nomoddiy aktivlarning eskirishi bilan bog'liq xarajatlarni hisobga olish MHXS (IAS) 38-"Nomoddiy aktivlar" bilan tartibga solinadi. Xodimlarning joriy daromadlarini hisobga olish tartibini belgilaydigan asosiy standart MHXS (IAS) 19-"Xodimlarning daromadlari"dir. Qarz bo'yicha xarajatlarni hisobga olish tamoyillari MHXS (IAS) 23-"Qarzlarni bo'yicha xarajatlari" tomonidan belgilanadi. Lizing, ijara to'lovlarini hisobga olish tartibini belgilaydigan asosiy standart MHXS (IAS) 17-"Ijara" va hokazo.

MHXSga muvofiq, xarajatlar kompaniya o'z faoliyatini to'xtatish yoki sezilarli darajada kamaytirish niyatida emasligini hisobga olgan holda, naqd pul to'lanishidan qat'i nazar, ular sodir bo'lgan davrda tan olinadi va hisobotda qayd

qilinadi. Bundan tashqari, MHXSga muvofiq, xarajatlar ular tegishli bo'lgan hisobot davrida birlamchi hujjatlar, masalan, schyot-fakturalar bo'lmasa ham, xarajatlar sifatida tan olinishi kerak. Milliy standartlarda oxirgi shart yozilmagan.

Xalqaro standartlarda xarajatlarning majburiy tasnifi belgilanmagan. Tashkilotlar buxgalteriya siyosatida o'z tanlovlarini belgilab, xarajatlarni taqsimlash tamoyilini mustaqil ravishda tanlaydilar.

So'nggi paytlarda me'yoriy hujjatlarda va ixtisoslashtirilgan adabiyotlarda buxgalteriya hisobining yagona tizimi, shu jumladan moliyaviy, boshqaruv va soliq hisobi kontseptsiyasini ishlab chiqish masalasi tobora ko'proq muhokama qilinmoqda. Bu bu, birinchi navbatda, MHXSga muvofiq milliy buxgalteriya hisobi va hisobot tizimini isloh qilish bilan bog'liq.

Bugungi kunda transport sohasini, ayniqsa avtomobil transporti sohasini rivojlantirishga katta e'tibor qaratilmoqdi. Mamlakatimizda faoliyat yuritayotgan yirik avtomobil transporti korxonalarini ham hozirgi kunda moliyaviy hisobotlarini moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida yuritishga o'tmoqdalar.

Mamlakatimizda buxgalteriya hisobini isloh qilish O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24 fevraldagi "Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi PQ-4611-sonli qarorining qabul qilinishi bo'ldi. O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirining 2022 yil 10 noyabrda "O'zbekiston respublikasi hududida qo'llash uchun moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari va unga tushuntirishlar matnini tan olish to'g'risida"gi 61-sonli buyrug'i qabul qilindi. Mazkur buyruqqa asosan O'zbekiston Respublikasi hududida qo'llash uchun quyidagi moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari va unga tushuntirishlar matnlari ilovalarga muvofiq tan olindi.

Avtomobil transporti korxonalarida xarajatlarni hisobga olish tizimi bir nechta quyi tizimlarni, shu jumladan moliyaviy, boshqaruv va soliq hisobi bo'lgan buxgalteriya quyi tizimini o'z ichiga olgan murakkab tuzilishga yega. Axborot makoniga nisbatan buxgalteriya tizimi moliyaviy, soliq va boshqaruv ma'lumotlarini yaratish tizimidir. Xarajatlar korxonani rivojlantirishning maqbul strategiyasini tanlashga ta'sir qiluvchi va bugungi kunda va kelajakda maqsadli natijani shakllantirishni ta'minlaydigan toifalardan biridir. Shu munosabat bilan, xarajatlarni hisobga olish tizimi ichki va tashqi foydalanuvchilarga ham orqaga qarab, ham kelajakdagi xarajatlar to'g'risida ma'lumot berishi kerak.

Avtomobil transporti korxonalarida xarajatlarni moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida tan olish va hisobini yuritish bo'yicha berilgan tavsiyalar:

- buxgalteriya hisobining xalqaro standartlari talablari va tamoyillari asosida hisob siyosatini shakllantirish;
- amaldagi qonunchilik talablarini tahlil qilgan holda hisob siyosatini shakllantirishda, xarajatlarni hisobga olishda usullarni tanlash;
- xarajatlarni hisobga oluvchi schyotlar rejasi va undan foydalanish bo'yicha ko'rsatma ishlab chiqish;
- zaxiralarni buxgalteriya hisobining xalqaro standartlari talablari asosida baholash;
- xarajatlarni buxgalteriya hisobining xalqaro standartlari asosida tan olishda

professional mulohazaga tayanish.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. В.М. Орлова, Роль и значение международных стандартов финансовой отчетности в гармонизации системы бухгалтерского учета / В.М. Орлова // Налоги (газета) - 2008. №38.

2. I.N. Ismanov. Buxgalteriya hisobi tizimining moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlariga transformatsiyasining zaruriyati. Iqtisod va moliya, 2017 yil, 3-son 41-bet.

3. A.A.Karimov, A.K.Ibragimov, N.K.Rizayev, N.M. Imamova – Buxgalteriya hisobi: xalqaro moliyaviy hisobot standartlari / Darslik – T.: «MOLIYA», 2020 – 310 b.

4. Я.В. Соколов, Профессиональное суждение бухгалтера: итоги минувшего века / Я.В. Соколов // Бухгалтерский учет. - 2001. - № 12

5. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirining 2022 yil 10 noyabrdagi 61-sonli buyrug‘i. O‘zbekiston Respublikasi hududida qo‘llash uchun tan olingan moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari va unga tushuntirishlar matnlari.

**Djumayeva Guzal Axtamovna**  
**Samarqand Iqtisodiyot va servis instituti,**  
**assistent**  
[guzal\\_axtamovna@mail.ru](mailto:guzal_axtamovna@mail.ru)

### MHXS ASOSIDA IJARANI TAN OLISH

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada korxonalarining investitsiyaviy jozibadorligini oshirishda MHXS asosida tuzilgan buxgalteriya hisobotlarda ijara munosabatlari muhim ahamiyat kasb etishi, xalqaro standartlar asosida ijara tushunchasi, uning tan olinishining bosqichlari yoritildi.

**Kalit so‘zlar.** MHXS, BHMS, ijara, aktiv, ijara komponentlari, ijara ob‘yektlari.

**Аннотация.** В данной статье освещено значение арендных отношений в бухгалтерской отчетности, составленной на основе МСФО, в повышении инвестиционной привлекательности предприятий, понятие аренды, основанное на международных стандартах, а также этапы ее признания.

**Ключевые слова.** МСФО, НСБУ, аренда, актив, компоненты аренды, объекты аренды.

**Abstract.** This article highlights the importance of lease relations in financial statements prepared on the basis of IFRS in increasing the investment attractiveness of enterprises, the concept of lease based on international standards, as well as the stages of its recognition.

**Keywords.** IFRS, national accounting standards, lease, asset, lease components, lease objects.



Respublikamizda buxgalteriya hisobi va hisobotini yuritishning xalqaro standartlarga asosan olib borilishi avvalo korxonalarining investitsiyaviy jozibadorligini oshirishga qaratilgan bo'lib, investorlarga haqqoniy, ob'yektiv ma'lumotlarni taqdim etishni talab etadi. Moliyaviy hisobotlarni taqdim etish buxgalteriya hisobining xalqaro standartlari (BHXS) hamda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari (MHXS) talablari asosida shakllantiriladi. MHXS talablari asosida hisobotni tayyorlashda korxonalar ikki usulda (BHMS va MHXS asosida) hisob yuritadi yoki moliyaviy hisobotlarni transformatsiya qilish orqali shakllantiradi. BHMS asosida shakllantirilgan hisobot ma'lumotlarining transformatsiya qilinishi ko'pgina hisob axborotlarining noaniqliklariga olib keladi.

Ushbu maqolada asosiy e'tibor ijara tushunchasi, uning tan olinishi munosabatlariga qaratiladi.

16-son "Ijara" MHXSga ko'ra "Ijara-bu tovon evaziga muayyan davr mobaynida aktiv(tayanch aktiv) dan foydalanish huquqi beriladigan shartnoma yoki shartnomaning bir qismi" ekanligi ko'rsatilgan. Tashkilot mazkur standartni barcha ijara shartnomalariga, shu jumladan ikkilamchi ijara doirasida foydalanish huquqidagi aktivlarning ijara shartnomalariga nisbatan qo'llashi lozim.

Demak, ijara shartnomasida ijara sub'yektlari ijaraga beruvchi va ijaraga oluvchi; ijara ob'yekti aktivlari (ko'char, ko'chmas mulk, tayanch aktivlar), ijara shartnomasining muddati va eng asosiysi ijara uchun to'lanadigan haq(to'lov) aniq identifikatsiyalanishi lozim. 16-son MHXSga asosan shartnoma ijara komponentiga egaligini quyidagi bosqichlar asosida aniqlashtirish lozim bo'ladi:

1-jadval<sup>24</sup>

<b>Ijara komponentlarini tan olish bosqichlari</b>	<b>Ijara shartnomasi hisoblanadi</b>	<b>Ijara shartnomasi hisoblanmaydi</b>
Identifikatsiyalangan aktiv mavjudmi?	Ha	Yo'q
Xaridor foydalanish muddati davomida aktivdan foydalanishdan amaldagi barcha iqtisodiy naflarni olish huquqiga egami?	Ha	Yo'q
Foydalanish muddati davomida aktivdan qay tarzda va qanday maqsadda foydalanishni kim belgilaydi?	Xaridor	Yetkazib beruvchi
Xaridor foydalanish muddati davomida aktivni ekspluatatsiya qilish huquqiga egami?	Ha	
Xaridor aktivni foydalanish muddati davomida aktivdan qay tarzda va qanday maqsadda foydalanishini oldindan belgilaydigan tarzda loyihalashtirganmi?	Ha	Yo'q

1-jadval. Ijara komponentlarini tan olish bosqichlari

<sup>24</sup> Tadqiqotchi ishlanmasi

1-bosqich. Aktiv identifikatsiyalanganmi? Agar javob “Yo‘q” bo‘lsa, ko‘rsatilayotgan xizmat ijara hisoblanmaydi va jarayon shu yerda yakunlanadi. Aksincha, javob “Ha” bo‘lsa, keyingi bosqichga o‘tiladi.

Aktivning identifikatsiyalanganligi uning shartnomada ijara ob‘yekti sifatida barcha belgi, o‘lcham va boshqa jihatlari bilan ko‘rsatilgan bo‘lishi lozimligini anglatadi.

2-bosqich. Ob‘yektdan foydalanish muddati mobaynida xaridor deyarli barcha iqtisodiy naflarni olishga haqlimi? Xaridor aktivdan foydalanish muddati mobaynida mutlaq foydalanish huquqiga ega. Agar javob “Yo‘q” bo‘lsa, ko‘rsatilayotgan xizmat ijara hisoblanmaydi va jarayon shu yerda yakunlanadi. Aksincha, javob “Ha” bo‘lsa, keyingi bosqichga o‘tiladi.

3-bosqich. Ob‘yektdan qaysi maqsadda foydalanishni belgilash huquqi kimda? Foydalanish muddati mobaynida xaridor ushbu aktivdan qay tarzda va qanday maqsadda foydalanishni mustaqil hal qiladi. Bu savolga javob yetkazib beruvchi bo‘lsa, bitim ijara hisoblanmaydi. Agar javob xaridor bo‘lsa, bitim ijara hisoblanadi va jarayon shu yerda to‘xtatiladi. Agar javob “noma‘lum” bo‘lsa, keyingi bosqichga o‘tiladi.

4-bosqich. Ob‘yektdan foydalanish tartibini xizmat ko‘rsatuvchi belgilashga haqli bo‘lmagani holda xaridor o‘zi belgilashga haqlimi? Agar javob “Ha” bo‘lsa, ko‘rsatilayotgan xizmat ijara hisoblanadi va jarayon shu yerda yakunlanadi. Aksincha, javob “Yo‘q” bo‘lsa, keyingi bosqichga o‘tiladi.

5-bosqich. Ob‘yektni butun foydalanish mobaynida muayyan maqsadda foydalanish uchun dastlab dizayn va qayta loyihalash ishlari xaridor tomonidan amalga oshirilganmi? Agar javob “Yo‘q” bo‘lsa, ko‘rsatilayotgan xizmat ijara hisoblanmaydi va jarayon shu yerda yakunlanadi. Aksincha, javobingiz “Ha” bo‘lsa, bitim ijara hisoblanadi va jarayon shu yerda yakunlanadi.

Demak, ijarani tan olish bosqichlari asosida hisobini yuritish ularning iqtisodiy mohiyatini yaqqolroq ko‘rsatib beradi. Ijara munosabatlarini MHXS talablariga muvofiq hisobga olayotganda nafaqat ijara shartnomasi shakliga, balki uning mazmuni va iqtisodiy mohiyatiga e‘tibor qaratish lozim bo‘ladi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. 16-son «Ijara» Moliyaviy hisobotning xalqaro standarti
2. 6-sonli BHMS «Ijara hisobi»
3. <https://lex.uz/docs/6312360>

**А.К.Эралиев**  
**СамИСИ ассистенти**

### **БАЛИҚЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ**

**Аннотация:** Тадқиқотда балиқчилик корхоналарида балиқ маҳсулотларини даромадга олиш, сотиш каналлари бўйича реализация қилиш ва молиявий натижаларни аниқлаш бўйича бўладиган хўжалик

операцияларига счетлар боғланиши тузиш ҳамда молиявий ҳисоботда молиявий натижаларни акс эттиришни такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** Фермер хўжаликлари, табиий сув ҳавзалари, сунъий сув ҳавзалари, тайёр маҳсулот, сотиш каналлари, хўжалик операциялари, счетлар боғланиши, ялпи тушум, соф тушум, маҳсулот таннархи, молиявий натижа.

**Кириш.** Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини яна тўлароқ қондириш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича қишлоқ хўжалигини алоҳида соҳаси бўлган балиқчиликда бошқаруви тизимини такомиллаштириш, соҳада бозор механизмларини кенг жорий қилиш, хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилиш, ресурстежамкор технологияларни жорий этиш бўйича ислохотлар жадал олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳани атрофлича таҳлили соҳада балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг замонавий ва инновацион услубларини жорий этган ҳолда ҳажмларини кескин ошириш, интенсив усулда балиқ етиштириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, балиқчилик хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Ушбу муаммолар интенсив усулда балиқ етиштиришни босқичма-босқич йўлга қўйиш ва рағбатлантириш, мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион ғоялар, илмий ишланмалар, замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларини кенг қўламда жорий қилиш билан бирга, балиқ етиштирувчи фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар ҳисобини ташкил этишни такомиллаштириш ва иқтисодий манфаатдорлигини ошириш асосида ҳал этиш вазифаси белгилаб берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида “чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш, балиқ ва парранда гўшти, шунингдек, сут ишлаб чиқаришни барқарор интенсивлаштиришга қаратилган тадқиқот ишларини олиб бориш”<sup>25</sup> вазифалари белгилаб берилди.

Балиқчилик фермер хўжаликларида ушбу вазифаларни ҳал этишда бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этилиши ва юритилиши, бунда олинаётган маҳсулотларни тўлиқ ва ўз вақтида дастлабки ҳужжатларда акс эттириш, бухгалтерия счетлари боғланишини тўғри тузиш, харажатлар ва доромадларни тўлиқ акс эттириш, молиявий натижаларни иқтисодий асосланган ҳолда аниқлаши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**Материаллар ва методлар.** Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, балиқ ҳавзаларида тутилган балиқларни бухгалтерия ҳисобида даромадга олиш, деҳқон бозорларида ва қайта ишловчи корхоналарга

---

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли Фармони.

сотиш, балиқ сотиш ва молиявий натижаларни аниқлаш бўйича хўжалик операцияларига тузиладиган счетлар боғланиши атрофлича таҳлил қилинди.

Тадқиқот давомида илмий-тадқиқотларни олиб боришда кузатиш, гуруҳлаш, солиштириш ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

**Натижалар ва уларни таҳлили.** Тадқиқот объекти бўлган Самарқанд вилояти балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари бўйича балиқ ҳавзаларида тутилган балиқларни бухгалтерия ҳисобида даромадга олиш, деҳқон бозорларида ва қайта ишловчи корхоналарга сотиш, балиқ сотиш ва молиявий натижаларни аниқлаш бўйича хўжалик операцияларига тузиладиган счетлар боғланиши атрофлича таҳлил қилинди.

Фермер хўжаликларида тузилган счетлар таҳлили шуни кўрсатадики, тузилган счетлар боғланиши фақат нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шаклида харидорларга сотилган ёки деҳқон бозорида сотилган балиқлар даромадга олиниб, уларни сотиш, молиявий натижалари бўйича счетлар боғланиши тузилган бўлиб, аҳолига ҳовуздан тутилиб нақд пулга сотилган балиқлар даромадга олинмай қолинган, натижада молиявий натижаларда нақд пулга аҳолига сотилган балиқлар бўйича хўжалик операциялари ўз аксини топмай қолган.

Ҳовуздан тутилиб, аҳолига сотилган балиқларни даромадга олиш, сотиш ва молиявий натижаларини аниқлаш бўйича хўжалик операцияларига қуйидагича бухгалтерия счетлари боғланиши тузиш лозим:

1. Дебет счет № 2810 – “Омбордаги тайёр маҳсулотлар”

Кредит счет № 2010 – “Асосий ишлаб чиқариш” – ҳовуздан тутилган балиқ таннархига.

2. Дебет счет № 9110 – “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи”

Кредит счет № 2810 – “Омбордаги тайёр маҳсулотлар” - ҳовуздан тутилган балиқ сотилганда, унинг таннархига.

3. Дебет счет № 5010 – “Миллий валютадаги пул маблағлари”

Кредит счет № 9010 – “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар” – ҳовуздан тутилган балиқ сотилганда, унинг сотиш баҳосига, яъни нақд пул кассага киради қилинганда.

4. Дебет счет № 9010 – “Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар”

Кредит счет № 9910 – “Якуний молиявий натижа” - ҳовуздан тутилган балиқ сотишдан олинган фойда суммасига.

ёки,

Дебет счет № 9910 – “Якуний молиявий натижа”

Кредит счет № 9110 – “Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи” - ҳовуздан тутилган балиқ сотишдан кўрилган харажатлар суммасига.

**Хулоса.** Фермер хўжаликларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида таклиф этилган счётлар боғланишини тузиш, ҳовуздан тутилиб, аҳолига нақд пулга сотиладиган балиқларни ҳисобга олиш бўйича тегишли бухгалтерия ҳужжатлари тузиш зарурлигини белгилаб, етиштирилган балиқларни тўла даромадга олинишини, хўжалик даромадлари ва молиявий натижаларни иқтисодий асосланган ҳолда аниқланишини таъминлайди. Натижада фермер

хўжаликларида маҳсулот етиштириш бўйича статистик маълумотларни, молиявий ҳисоботни аниқ ва ишончли бўлишига олиб келиб, бошқарув қарорлари самарадорлигини таъминлайди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5853-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.10.2019 й., 06/19/5853/3955-сон

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4005-сон қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2018 й., 07/18/4005/2165-сон

3. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БХМС) “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлари режасива уни қўллаш бўйича йўриқнома” ни тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган. 23.10.2002 й. N 1181. www. [http//Lex.uz](http://Lex.uz)

**Ne'matova Dilnoza Azamatovna**  
**Samarqand Iqtisodiyot va servis instituti**  
**tayanch doktoranti**  
**E-mail: [nematovadilonoza@mail.com](mailto:nematovadilonoza@mail.com)**

### **BUXGALTERIYA HISOBIDA IJARAGA OLINGAN ASOSIY VOSITALARNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATI**

**Annotatsiya:** Yurtimizda iqtisodiy o'sish sharoitida ijara munosabatlari keng rivojlanmoqda. Chunki kichik korxonalar asosiy vositalarni sotib olishiga moliyaviy holati to'g'ri kelmaydi va boshqa korxonalar o'zlarining foydalanayotgan aktivlarini ijaraga berishdan manfaatdor. Ushbu maqolada ijara hisobini yuritilishi va uning o'ziga xos xususiyatlari, afzalliklari ochib berilgan.

**Kalit so'zlar:** Buxgalteriya hisobi, ijara, ijara shartnomasi, lizing, ijaradan ushlanadigan daromad solig'i.

### **KIRISH**

Iqtisodiyotning modernizatsiyalash sharoitida korxonalarining rivojlanishiga katta e'tibor berishi hamda xususiy tadbirkorlikka keng yo'l ochib berishimiz lozim. Davlat iqtisodiyotining rivojlanishi uchun quyi bo'g'in hisoblangan korxonalar iqtisodiyotini ko'tarish, ularni barqaror va manfaatli ishlashini ta'minlash darkor. Shunday ekan korxonalar daromadlarini xarajatlarga qaraganda oshirib foyda ko'rsatgichini ijobiy natijaga olib chiqishimiz zarur. Bunga bir qancha omillar ta'sir qiladi. Shulardan biri, korxonalarining asosiy vositalari hisoblanadi.

Korxonalarining asosiy vositalari yangi, zamon talabiga javob beradigan bo'lsa, tabiiyki ushbu korxonaning ishlab chiqarish unumdorligi va mehnat faoliyati yaxshilanadi hamda bozorni sifatli mahsulot bilan ta'minlash ko'rsatgichi oshadi. Bu esa eksport faoliyatini ham rivojlanishiga turtki bo'ladi. Albatta, buning uchun biz har yili asosiy vositalarni yangilay olmaymiz yoki hozirgi kunda texnika shu qadar rivojlanmoqdaki, kechagi texnika yutuqlari bilan bugungi erishilayotgan texnika borasidagi yutuqlarni solishtirib bo'lmaydi. Bizning raqobatchi korxonalarimiz zamonaviy texnikalari tufayli bizni bozordan siqib chiqarishi mumkun. Chunki texnika mahsulot sifati va hajmida juda muhim hisoblanadi.

Iqtisodiyotdagi xo'jalik yurituvchi subyektlar, jumladan, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik egalari har doim ham kredit olish imkoniyatiga ega bo'lavermaydi. Shu sababli, noan'anaviy moliyaviy vositalar ijarasining bir turi bo'lgan lizing xizmatiga ehtiyoj paydo bo'ldi. Ushbu xizmat turi ham mijozlar, ham tijorat banklari uchun birmuncha ma'qul bo'lganligi sababli, rivojlana boshladi. Bunday operatsiyalarning rivojlanishi tufayli xo'jalik yurituvchi subyektlarda amalga oshirilayotgan ijara muomalalari hisobini yanada takomillashtirish zaruriyati paydo bo'ldi.

Hozirgi kunda ijara ko'pgina davlatlarning korxonalarining investitsion siyosatining muhim tarkibiy qismi hisoblanadi. Ijara operatsiyalari bilan to'yinganlik va keng yoyilganligi mamlakatning iqtisodiyotini rivojlanganligi ko'rsatuvchi o'ziga xos ko'rsatkich hisoblanadi.

Ishlab chiqarish quvvatlarini zamonaviy va samarali mashinalar, asbob-uskunalar bilan almashtirish muhim vazifalardan biridir. Dunyoda ushbu masalalarni yechishda zamonaviy va yuqori samarali texnika va texnologiyalarni moliyaviy ijara shartnomasi bo'yicha xarid qilish muhim rol o'ynaydi. O'z navbatida, ijara munosabatlarining ishonchli buxgalteriya hisobi korxonalar tomonidan ijara obyektlaridan foydalanish natijalarini obyektiv aks ettirish imkoniyatlarini yaratib beradi.

#### **MAVZUGA OID ADABIYOTLARNING TAHLILI**

Asosiy vositalar ijarasi hisobini tashkil qilish va yuritish nazariy, uslubiy va amaliy jihatlari bir qator xorijiy hamda respublikamizdagi etakchi olimlar tomonidan o'rganilgan. Xususan, mazkur masalani tadqiq etishda xorijlik olimlar orasida: L.I.Gext, V.A.Goremikin, V.V.Demytyev, Yu.B.Dolgushina, A.A.Ivanov, V.P.Kokorev, V.V.Popova, V.Shtelmax, M.A.Medvedov va boshqalarning roli katta bo'lgan.

Taniqli iqtisodchi olimlari qatorida Respublikamizda faoliyat ko'rsatayotgan bir qator etakchi olimlar ham lizing faoliyati, ijara muomalalari hisobi va uni takomillashtirishning ayrim jihatlari to'g'risida o'z izlanishlarida to'xtalib o'tganlar. Jumladan; A.A.Karimov, E.A.Akromov, D.Kudbiyev, I.N.Ismanov, Z.T.Mamatov, X.N.Musayev, A.A.Sotivoldiyev, D.G.Gazibekov va boshqalar o'zlarining ilmiy asarlarida, maqolalarida, matbuot chiqishlarida ijaraga olingan asosiy vositalar jamiyat taraqqiyotida o'rni haqida va bu sohani rivojlantirish borasida ko'plab amaliy va nazariy maslahatlar taklif etishgan.

## TADQIQOT METODOLOGIYASI

Ushbu maqola doirasida buxgalteriya hisobi va tashkilotlarning moliyaviy hisobotlarida asosiy vositalar ijarasi hisobini tashkil qilish va yuritish nazariy tadqiqotlari, ekspert bahosh va axborotni qayta ishlash usullari, ma'lumotlarni oshkor qilishda yondashuvlar tizimlashtirildi.

### TAHLIL VA NATIJALAR

Ijara munosabatlari ishlab chiqarishning muhim omillaridan biridir. Bir tomondan, mehnat va kapital birgalikda ijara subyektlarining qatnashishida byudjetni shakllantiradi. Bundan, o'z navbatida, jamoaning ijtimoiy-iqtisodiy muammolari yechiladi, ikkinchi tomondan, takror ishlab chiqarishni rivojlantirish va bozorni zaruriy mahsulot bilan ta'minlashga imkon bo'ladi.

Bunday vaziyatda har ikkala tomon ijaraga beruvchiva ijaraga oluvchi ham ijobiy natija ya'ni daromad olishlari kerak.

Ijaraga aktivlarni olishimizda ularni sinchiklab o'rganishimiz lozim. Tomonlar o'rtasida yuzaga keladigan har qanday muammoli vaziyatlar shartnomada aniq tafsilotlar bilan berilishi kerak.

Hozirda asosiy vositalarni ijaraga olishning lizing usuli yurtimizda keng tarqalmoqda. Bu nafaqat ijara oluvchiga balki, ijaraga beruvchiga ham yaxshi bo'ldi. Ikkiala tomon "Lizing shartnoma" sini tuzadi va shu asosida ijaraga oluvchi tomon ma'lum vaqtdan keyin ushbu aktivni mustaqil egasiga aylanadi. Ijaraga beruvchi ham har oy davomida moddiy naf oladi. Bunday holatda ijarag beruvchining xarajatlarini quyidagi tenglik bilan izohlashimiz mumkun.

$$X=S+T+K+Qt$$

**X**- xarajatlar

**S**-soliq xarajatlari (mol-mulk)

**T**-tranzit xarajatlari

**K**-kafolot xarajatlari (ya'ni aktivni foydalanish muddatida buzilishi yoki ta'mirlash xarajatlarini qoplashi)

**Qt**-qo'shimcha xizmatlar uchun to'lov

Ijara bitimi asosida ijara oluvchining ijara to'lovlari xarajatlarini quyidagicha hisoblashimiz mumkun:

$$X=Is+A+S+QQS+Qt$$

**Is**-ijara shartnomasiga asosan ijara summasi

**A**-joriy yilda hisobga olingan amortizatsiya summasi

**S**-sug'urta xarajatlari

**QQS**-ijara beruvchi xarajatlar bo'yicha ijaraga oluvchi tomonidan to'lanadigan QQS

**Qt**-qo'shimcha xizmatlar uchun to'lov

Agar ijaraga beruvchi jismoniy shaxs bo'lsa ijara oluvchi korxonaga ijara haqqidan daromad solig'ini ushlab qolib, soliq organlariga o'tkazib berishi lozim va bu ijara summasi va ijara summadida ushlanadigan daromad solig'i-yuridik shaxs ya'ni korxonaga tomonidan soliq organiga yuboriladigan hisobotida batafsil ko'rsatiladi. Moliyaviy ijara shartnomasida ijara oluvchi huquqida ijara mulkini sotib olish ko'zda tutilishi mumkin. Ijara oluvchi ijara mulkini ijaraga beruvchiga sotib

olish qiymatini shartnoma muddati davomida yoki muddatidan avval to'lash asosida o'zini qilib olishi mumkin. Sotib olish bahosi, agar shartnomada sotib olish oldindan ko'rsatilgan bo'lsa yoki shartnomadagi tomonlarning maxsus kelishuvi asosida o'rnatilgan tartibda aniqlanadi. Sotib olish bahosi sifatida mulkning qoldiq qiymati yoki bozor narxida shunday yoxud shunga o'xshash mulk bahosi xizmat qiladi. Har qanday holatda ham, ijara mulkidan foydalanish ijara oluvchi uchun foyda keltiradi.

## XULOSA

Ijaraga oluvchilarning quyidagi imtiyozlari mavjud:

- ijara to'lovlarining tannarxida yotgan soliqqa tortiladigan foydaning kamayishi;
- ijara beruvchi balansida qoladigan ijara mulkining qisman mulk solig'idan ozod qilinishi;
- obyektga tezlantirilgan amortizatsiya qo'llanganda, ijara oluvchida ishlab chiqarishni tezkor yangilash va qayta qurollantirish imkoniyati paydo bo'ladi;

- ijara asosida boshlang'ich moliyaviy og'irliklarning kamayishi - bu ijara to'lovlarining tezlikda va katta hajmdagi to'lovlarni talab qilmaydi. Bu esa mablag'larni ishlab chiqarishga uzoq muddatga jalb qilinishini ta'minlaydi. Vaziyat ishlab chiqarish fondlarini yangilash, ilg'or texnologiyalarni, asbob-uskunalarni foydalanishga olish bilan izohlanadi.

Bundan tashqari, shuni ta'kidlash joizki, ijara to'lovlari, avvalambor ijara obyektini foydalanishdan olingan daromaddan to'lanadi. Shu jumladan, ijara to'lovi tarkibi shartlariga, ijara mulki asosida ishlab chiqarilgan tovarlar va xizmatlar ko'rinishi ham kiritilishi mumkin;

- ishlab chiqarishni qayta qurollantirish, qayta tashkil qilish, yangilashda o'z kapital mablag'larini jalb qilinmasligi va nobud (sarf) bo'lmasligi;

- butun investitsion muddatda ijaraga oluvchi (firma)ning to'lovga qobiliyatligining saqlanib qolishi. Ijara oluvchida ishlab chiqarishning ijara mablag'laridan qoplanganidan qolgan o'z ixtiyoridagi qismining aylanma mablag'larning o'sishiga jalb qilinishi;

- mavsumiy va davriy bo'lmagan ishlab chiqarish jarayonida ishlab chiqarish muammolarining tezkor hal qilinishi;

- ijara to'lovlarining miqdori oldindan ma'lum bo'lganligi uchun moliyaviy hisobkitoblarning oddiy asoslanganligi hamda xarajat bazasini aniq rejalashtirish va hisobkitoblarni tahlil qilishning mumkinligi;

- ijara to'lovlarini xohlagan ko'rinishda - o'lchamiga, davriyligiga, muddatining uzaytirilishi, to'lov usulini tanlab olishiga qarab hisob-kitoblarning egiluvchanligi;

- ijara oluvchi tavakkalchiligi (risk)ning kamayishi. Ya'ni, ijara oluvchi mahsulotining bozorda yetarli darajada xarid qilinmagan holda, ijara mulkini qaytarib berish imkoniyatiga ega bo'lishi. Bu, o'z navbatida, yangi mahsulot (uskuna)ni o'zlashtirishdagi risknini kamayishiga olib keladi;

- tanlash imkoniyatining borligi: ijara obyektini sotib olish, shartnoma muddatini uzaytirish yoki yangi asbob-uskuna jalb qilish;



- ijara ijara oluvchida kredit liniyasini saqlab qolishga ruxsat beradi. Bundan tashqari, oddiy moliyalashtiruvchi institutlarga bog‘liqlikning kamayishi va ularga talabning qisqarishi;

- ijara beruvchi ijara mulkini egasi bo‘lganligi uchun ijara oluvchi balansida mulkning aks etmasligi. Bu esa, o‘z navbatida, ijara oluvchini mulk solig‘idan ozod qiladi;

- bitimni manfaatliligini ta‘minlovchi vosita bo‘lib, korxonada mulkni ijaraga olish tushuniladi. Chunki, uni ssuda asosida foydalanishga olayotganda, ijara mulki kreditni kafolatlovchi garov sifatida amal qiladi. Xorijiy davlatlarda ba‘zi ijara kompaniyalari ijara oluvchilardan hech qanday qo‘shimcha kafolat talab qilmaydilar;

- kichik va o‘rta biznes asosidagi korxonalar, firmalar uchun ijara qisman yagona moliyalashtirish imkoniyati bo‘lib hisoblanadi;

- ijara beruvchida riskning o‘tishi orqali ijara oluvchida mulk o‘z mulki sifatida emas, balki vaqtincha foydalanish uchun olinsa, mulkning jismoniy va ma‘naviy eskirish tavakkalchiligi (risk)ning kamayishi.

Bundan tashqari, ma‘naviy eskirgan detallar va tarmoqni almashtirish masalasining qo‘yilishi;

- mulkning olinishi va sotilishi, tanlab olinishi, yig‘ilishi kabi mehnat talab qiladigan muomalalarda ma‘muriy kechikishlar singari transaksiyalarda ijara oluvchi mablag‘ining iqtisod qilinishi.

Ijara jarayonini obyektiv baholash uchun uning kamchiliklarini ham keltirish lozim bo‘ladi. Ijara mohiyatiga ko‘ra, ijara beruvchida mulkning ma‘naviy eskirishi hamda ijara to‘lovini ololmaslik tavakkalchiligi (riski) yotadi. Boshqa tomondan, ba‘zan ijara oluvchida ijara qiymati xarid va bank krediti qiymatidan ko‘pga tushadi. Ammo, ijaraning ijobiy tomonlari miqdori salbiylariga qaraganda, bir muncha yuqoridir. Shuni ta‘kidlash joizki, O‘zbekistonda ijara xizmatlari bozori endi shakllana boshlamoqda. Hozirgi kunga kelib soliq, bojxona va boshqa imtiyozlar ko‘pgina davlatlar qonunchiligiga ko‘ra, qonun bilan mustahkamlangan va yuqorida ta‘kidlangan ijara xususiyatlari, amaliy jihatdan ijara munosabatlari jarayonida salbiy tomonlarnini o‘rnini qoplaydi

Respublikamizda ijara haqqi turar joy va noturar joylar uchun hamda transport vositalari uchun qat‘iy summaları belgilangan. Agar ijara shartnomasida kelishilgan summa ushbu summadan kam bo‘ladigan bo‘lsa, qo‘shimcha hisoblangan soliq summasini ijara oluvchi shaxs o‘z xissasidan to‘laydi va uni korxonaning xarajatlar tarkibiga kiritadi.

## **FOYDALANILGAN ADBIYOTLAR RO‘YXATI**

1. Молиявий хисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Республикамизда Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон Қарори.

2. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августда 507-сон Қарори

3. БҲХС (IAS) 16 — Асосий воситалар.

4. БҲХС (IAS) - 40 — Инвестицион мулк.

5. МҲХС (IFRS) 16 — Ижара.

6. МҲХС (IFRS) 5 — Сотиш учун мўлжалланган оборотдан ташқари активлар ва тугатилган фаолият

7. БҲХС (IAS) 20 — Давлат субсидияларини ҳисобга олиш ва давлат ёрдами тўғрисида маълумотларни очиқ бериш. БҲХС (IAS) - 23 — Қарзлар бўйича харажатлар ҳисоби.

8. МҲХС (IFRS) 13 "Ҳаққоний қийматни баҳолаш".

9. БҲХС (IAS) - 36 "Активларни қадрсизланиши";

10. В.Нарбеков Д., Рахмонов Ш., Тураев А. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. -Т.: Иқтисод-молия, 2018.

11. Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: Олий ўқув юртлири магистратура мутахассисликлари учун дарслик. - Тошкент: —ИҚТИСОД-МОЛИЯ". 2019. - 584-б.

12. Эргашева Ш.Т., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К., Ибрагимова И.Р. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2019. - 227 б.

13. Уразов К.Б., Пўлатов Э.М. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. -Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot matbaa uyi», 2021, -560 бет.

14. Хамдамов Б.К., Ибрагимов К.Ш. Совершенствование бухгалтерского учета в Узбекистане на основе международных стандартов финансовой отчетности. //Халқаро молия ва ҳисоб. - 2017.-№1. -1-8-б.

15. Қурбанбаев Ж., Джуманов С. Бухгалтерия ҳисоби тизимини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтказиш йўллари // Молия. 2016 й. №1, 99-104-б

**Рахманова Юлдуз Шарафитдиновна**

**СамИСИ**

[rahmanova\\_yulduz@mail.ru](mailto:rahmanova_yulduz@mail.ru)

## **ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ КЎЧМАС МУЛК ҚИЙМАТИНИ ОШИШИ ВА ТАН ОЛИШ ҚОИДАЛАРИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада инвестициявий кўчмас мулкларни тан олиш қоидалари келтирилган ҳамда тан олиш қоидаларини қўллашнинг уч босқичдан иборат услубий тартиби ишлаб чиқилган. Қийматининг ошиши ва ишончли баҳолашларга очиқлашлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** инвестициявий кўчмас мулк, қийматни ошиши, тан олиш, бошланғич таннархи, активдан фойдаланиш ҳуқуқи, молиявий ҳисобот

**Кириш.** Бугунги кунда иқтисодиётни юксалтириш, инвестициявий кучмас мулк кийматини ошиши ва тан олиш масалалари алоҳида аҳамият касб этади.

Бу ўз навбатида хорижий инвесторларни кенг жалб қилишни тақозо этади. Хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида хорижий компанияларни жалб қилиш ва халқаро стандартларга риоя қилиш ўта муҳим аҳамиятлилиги билан ажралиб туради.

Бугунги кунда бизнинг амалиётимизда қўлланилмай келган стандартлардан бири бу 40-сон БҲМС “Инвестициявий кўчмас мулк” стандартидир [2]. Ўзбекистонда халқаро стандартлар асосида инвестициявий кўчмас мулкларни (ИКМ) тан олиш ва баҳолашнинг услубий жиҳатларини очиб бериш, уларни амалиётда қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ўз ечимини тўлиқ топмаган. Бу эса ИКМларни халқаро стандартларга мувофиқ тан олиш ва баҳолаш масалаларини тадқиқ этишни тақозо этади. Бу ўз навбатида хорижий инвесторларни кенг жалб қилишни кераклигини билдиради.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 миллиард АҚШ долларга тенг инвестиция жалб этиш” [1] вазифасининг қўйилиши ҳам инвестициявий жозибадорликни оширишни тақозо этади. Инвестициявий муҳитни яхшилашда энг муҳим омиллардан бири бу Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)ни жорий ҳисобланади.

Бугунги кунда бизнинг амалиётимизда қўлланилмай келган стандартлардан бири бу 40-сон БҲМС “Инвестициявий кўчмас мулк” стандартидир [2]. Ўзбекистонда халқаро стандартлар асосида инвестициявий кўчмас мулкларни (ИКМ) тан олиш ва баҳолашнинг услубий жиҳатларини очиб бериш, уларни амалиётда қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ўз ечимини тўлиқ топмаган. Бу эса ИКМларни халқаро стандартларга мувофиқ тан олиш ва баҳолаш масалаларини тадқиқ этишни ҳамда бу куламда чуқурроқ изланишлар олиб боришни тақозо этади.

**Адабиётлар шарҳи.** Мамлакатимизда инвестициявий мулкни тан олиш, баҳолаш ва ҳисоботларда акс эттиришнинг услубий масалалари олимларимиз томонидан ўрганилиб келинмоқда. Шу уринда таъкидлаш жоизки Т. Ю. Дружиловская (2022), А.Ф. Мяскиналар (2023) ўзларининг илмий мақолаларида 40-сон БҲХСда келтирилган таърифни эътироф этишади. Робин Джойс (2017) томонидан 40-сон БҲХСни банкларда қўллаш бўйича ўқув қўлланма яратилган ва рус тилига таржима қилинган. Унда инвестициявий кўчмас мулкни тан олиш, баҳолаш ва ҳисоботларда акс эттириш масалалари ёритилган.

Татьяна Шолунова томонидан “Инвестициявий мулкка бошқача назар” деб номланган мақоласи чоп этирилган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўзбек тилида чоп этирилган мақолалар ҳиссаси кам. Бу эса инвестициявий кўчмас мулкларни тан олишнинг илмий асосларини ёритиб берувчи мақолалар чоп этиришни зарурият қилиб кўяди.

Ўзбекистонда жорий қилиниши мўлжалланган Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартлари (МХМС) янги лойиҳасида “Инвестиция кўчмас мулки - бу қуйидаги мақсадларни истисно қилган ҳолда, ижара тўловларини олиш ёки капитал қийматининг ошиши ёки ҳар икки мақсад учун мўлжалланган (кўчмас мулк эгаси томонидан ёки молиявий ижара шартномаси бўйича ижарачи томонидан тутиб туриладиган) кўчмас мулк (ер ёки бино ёки бинонинг бир қисми ёки ҳар иккаласи): (а) ишлаб чиқариш ёки товарлар етказиб бериш ёки хизматлар кўрсатишда, ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиладиган; ёки (б) одатдаги фаолият доирасида сотиш учун мўлжалланган” [3] деб таъриф келтирилган.

PWC аудиторлик фирмаси томонидан тайёрланган ўқув қўлланмада (2020) “Инвестициявий кўчмас мулк – бу ижарадан ёки кўчмас мулкнинг қийматининг ўсишидан даромад олиш мақсадида мулкдорнинг ёки ижарачининг (фойдаланиш ҳуқуқи шаклидаги актив сифатида) тасарруфида бўлган кўчмас мулк (ер, бино, бинонинг бир қисми, ёки униси ҳам буниси ҳам)...” деб таърифлайди. Бу борада яна куплаб олимлар изланишлар олиб борганлигига гувоҳ булдик.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот давомида таҳлил ва синтез, танқидий ёндашув, монографик кузатув, иқтисодий таҳлил, статистика ва бухгалтерия ҳисоби усулларида фойдаланилди.

**Хулоса ва таклифлар.** Шундай қилиб 40-сон БҲХС “Инвестициявий кўчмас мулк” стандартининг 8 банди б-хатбошида “Айни вақтда келгусида ишлатилиши аниқланмаган Ер. Агарда ташкилот мулкдор эгалигидаги кўчмас мулк сифатида ердан фойдаланиш ёки одатдаги фаолияти давомида қисқа муддатли перспективада реализация қилиш учун қарор қабул қилмаган бўлса, у ҳолда ушбу ер капиталнинг ўсиши учун мўлжалланган деб ҳисобланади” деб қайд қилинган.

Лекин, ушбу ҳолатда иккита қарордан биттасини, яъни ижарага бериши ёки қурилишни амалга ошириб сотиши аниқ. Фақат қайси бирини қабул қилиши аниқ эмас. Бундан ташқари ижара оператив ижарами ёки молиявий ижарага топшириши ҳам аниқ эмас. Лекин, улардан бирининг юз бериши аниқ. Агарда ижарага бериш, сотиш ёки қурилишини амалга ошириш қисқа муддатда умуман аниқ бўлмаганда эди, у ҳолда халқаро стандартнинг 8-бандининг б-хатибоши қоидаларига мувофиқ келар эди. Бу эса уни келгусида капиталнинг ўсиши сифатида баҳолаш ва натижада кўчмас мулкни ИКМ деб тан олишга асос бўлар эди.

Шу сабабли масаланинг ечими сифатида Ерни захира сифатида тан олишга асос бор. 2-сон МХХС “Захиралар” стандартига мувофиқ захиралар

мажбурий тартибда таннархи ёки реализациянинг бўлиши мумкин бўлган соф қийматидан энг кичиги бўйича баҳоланиши шарт. Ернинг адолатли қиймати бу фаол бозорда сотиш мумкин бўлган қийматидир. Бу эса адолатли қийматини соф сотиш қиймати деб олишга асос бўлади. Масаланинг шартида ернинг таннархи 5400 минг АҚШ доллари, адолатли қиймати 6800 АҚШ долларига тенг. Демак, ер келгусида сотиш учун мўлжалланганлигини инобатга олиб унинг ҳисобда акс этириладиган қиймати таннархи бўйича 5400 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Агар ташкилот келгуси ҳисобот йилида ерни капитал қийматининг ўсиши сифатида тутиб туришга қарор қилса, ушбу ҳолатда ер инвестициявий кўчмас мулк сифатида тан олинади. Ҳисоб сиёсатида ИКМни адолатли қийматида акс этириш кўзда тутилганлиги боис, ҳисобда унинг адолатли қийматини 6800 минг АҚШ доллари сифатида акс этирамыз. Ушбу ҳолатни куйидаги бухгалтерия ёзувларида акс этиришни таклиф этамыз.

Халқаро стандартда инвестициявий кўчмас мулкни тан олишда ИКМлардан иктисодий наф олиш эҳтимоли мавжуд бўлиши ҳамда унинг қийматини ишончли баҳолаш мумкинлигига оид шартлари кўрсатилганлиги инобатга олиниб, тадқиқот ишида ИКМлардан қайдай иктисодий нафлар олишини ва ишончли баҳоланиши мумкинлиги асослаб берилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. // <https://lex.uz/docs/5841063>
2. 40-сон БҲХС “Инвестициявий кўчмас мулк” // <http://finotchet.ru/articles/1272/>
3. Ўзбекистон молиявий ҳисоботларнинг миллий стандартлари лойиҳаси // [https://imv.uz/media/budget\\_activity\\_files/MXXC](https://imv.uz/media/budget_activity_files/MXXC) Лойиҳа. pdf
4. Робин Джойс. Учебное пособие по МСФО (2017) <http://finotchet.ru/articles/1272/>
5. С.Н. Ташназаров. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Дарслик. Т.: 2019. -584 б.
6. Татьяна Шолунова. Инвестициявий мулкка бошқача назар // [https://gazeta.norma.uz/publish/doc/text107819\\_investiciyaviy\\_mulkka\\_boshqacha\\_nazar](https://gazeta.norma.uz/publish/doc/text107819_investiciyaviy_mulkka_boshqacha_nazar)

**Sayfiyev S.S.**

**Samarkand agroinnovatsiyalar va tadqiqotlar  
instituti magistranti**

### **MEVA-SABZAVOTCHILIK KLASTERLARIDA SEGMENTLAR HISOB VA HISOBOTI VA UNI TAKOMILLASHTIRISH**

**Annoatasiy.** Maqolada meva-sabzavotchilik klasterlarida segmentlar hisob va hisoboti va uni takomillashtirish, “Hisob siyosati”, unda ishlab chiqarish

xarajatlarini hisobga olish usulini aks ettirilish, hisob va hisobotning nazariy asoslari, xarajatlarning sintetik va analitik hisobining hozirgi holati hamda ularni takomillashtirish bo'yicha taklif va tavsiyalar shakllantirilgan.

**Kalit so'zlar:** meva-sabzavotchilik klasterlari, segmentar hisob va hisoboti, "Hisob siyosati", xarajat, tannarx, xarajat elementi, xarajat moddasi, sintetik schet.

**Annotation.** In the article, segment accounting and reporting in fruit and vegetable clusters and its improvement, "Accounting policy", which reflects the method of accounting for production costs, theoretical foundations of accounting and reporting, the current state of synthetic and analytical accounting of costs, and suggestions and recommendations for their improvement are formulated.

**Key word:** fruit and vegetable clusters, segmental accounting and reporting, "Accounting policy", cost, cost, cost element, cost item, synthetic schedule.

Ekspertlarning ta'kidlashicha, klasterlarni shakllantirishdan maqsad — shahar, tuman va viloyat ichida joylashgan bir xil soha korxonalarini hamda ular bilan yagona texnologik zanjirda bo'lgan ta'lim, ilmiy, muhandislik, konsalting, standartlashtirish, sertifikatlashtirish va boshqa xizmatlarni uyg'unlashtirishdir. Shu asosda innovatsion ishlab chiqarish tashkil etiladi va raqobatbardosh tovarlar yaratishning yaxlit platformasi yuzaga keladi. Eng muhimi, bu jarayonlar aholining bandlik darajasini ta'minlashda katta ahamiyat kasb etishi qatori turmush darajasini ham oshirishga xizmat qiladi. Mazkur tizimda qishloq xo'jaligi sohasidagi barcha mutaxassislar — dehqonlar, olimlar, injenerlar, agronomlar, iqtisodchilar, veterinarlar, oliy va o'rta maxsus ta'lim o'quv yurtlari o'qituvchilari, talabalari, ilmiy xodimlar, xullas, barcha bir yoqadan bosh chiqarib, yagona maqsad sari intiladi.

Binobarin, mazkur yangi tuzilma o'tgan juda qisqa vaqt ichida agrar sohani harakatlantiruvchi yetakchi kuch — "drayver"ga aylandi. Buni birgina paxtachilikda hosildorlik bir yilda o'rtacha 10 foizga oshgani, pandemiyaning salbiy ta'siriga qaramasdan, 1 milliard dollarlik meva-sabzavot eksport qilingani ham yaqqol tasdiqladi. Bunday salmoqli natijalarga erishishda klasterlarning hissasi juda katta bo'ldi[1].

Shunday ekan bugun nafaqat agrosanoat majmui, balki u bilan bevosita bog'liq bo'lgan tarmoqlar istiqboli klaster uslubi bilan bog'lanayotgani bejiz emas. Biroq, meva-sabzavotchilik klasterlari o'zlarining barcha resurslaridan foydalanish samaradorligini ta'minlashi zarur[1]. Bunda buxgalteriya hisobi oldiga korxonani boshqaruv tizimini haqiqiy ma'lumotlar bilan ta'minlash vazifasi qo'yiladi. Meva-sabzavotchilik klasterlarida buxgalteriya hisobidagi ishlab chiqarish hisob-kitoblarini to'g'ri yo'lga qo'yish muhim ahamiyatga ega. "Buxgalteriya hisobidagi ishlab chiqarish hisobini to'g'ri yo'lga qo'yish, uni takomillashtirish hozirgi kunning dolzarb masalalaridan biriga aylangan"[2]. Ishlab chiqarish hisobini takomillashtirish boshqaruv hisobida "Hisob siyosatini", xarajatlar hisobida xarajat moddalari, sintetik va analitik hisobini takomillashtirish bilan bevosita bog'liq hisoblanadi.

Iqtisodchi olimlar Xasanov B.A. va Xoshimov A.A. ta'kidlashicha: "Xarajatlarning buxgalteriya hisobining asosiy maqsadi esa korxonahabariyatini

oqilona boshqaruv qarorlari qabul qilish uchun xarajatlar va moliyaviy natijalar to‘g‘risida ishonchli axborotlar bilan ta‘minlashdir” [3]. Bunda mualliflar xarajatlarning buxgalteriya hisobini korxonahabariyatini ishonchli axborotlar bilan ta‘minlash maqsadiga erishishda, boshqaruv hisobi “Hisob siyosatini”ni ishlab chiqish va amaliyotda to‘g‘ri qo‘llash muhim ahamiyatga egaligiga e‘tibor qaratishgan. Segmentlar bo‘yicha hisobni yuritish va hisobot tuzish tizimini yaratishdan maqsad mulk egalari va hamma bosqichdagi menedjerlarni ushbu bo‘limlarning faoliyatini tahlil qilish va oqilona boshqaruv qarorlarini qabul qilish uchun zarur bo‘lgan to‘liq, tezkor va ishonchli ma‘lumotlar bilan ta‘minlashdir.

Ushbu ma‘lumotlarni moliyaviy hisob to‘liq holda va tezkor yetkazib bera olmaydi. Shuning uchun ham segmentlar bo‘yicha hisobni yuritish: hozirda amal qilinayotgan hujjatlarning aylanishini takomillashtirishga yordam beradi; kompaniyaning va ayrim mas‘uliyat markazlari faoliyatining ko‘rsatkichlarini muqobillashtirish imkoniyatini yaratadi; natijada kompaniyaning oladigan foydasi hajmining ko‘payishiga yordam beradi. Shuning uchun segmentlar bo‘yicha hisob va hisobotni tashkil qilishda quyidagilarga amal qilish lozim: ushbu tizimni tadbiq qilish va unga xizmat qilish xarajatlari ulardan foydalanish natijasida ko‘rilgan samaradan kam bo‘lishi kerak; ushbu tizim ma‘lumotlarining sirliligini ta‘minlashi lozim; tizim avtomatlashtirilgan va qulay bo‘lishi lozim.

Segmentlar bo‘yicha hisobni yuritish tizimi tegishli subektda quyidagi bosqichlarni bosib o‘tishini talab qiladi:

1-bosqich. Mas‘uliyat markazlariga ajratilgan holda boshqarishning markazlashmagan tarkibini shakllantirish. Mas‘uliyat markazlari o‘z navbatida foyda markazi va xarajatlar markaziga bo‘linishi shart[4]. Ushbu shartdan kelib chiqqan holda boshqaruv tarkibini quyidagicha shakllantirish maqsadga muvofiq bo‘ladi

Ushbu keltirilgan loyiha bo‘yicha boshqaruv tashkil qilinsa foyda markazi sifatida ayrim olingan har bir do‘kon va xarajat markazi sifatida esa idora va omborlar faoliyat ko‘rsatadi. Natijada foyda markazlari bo‘yicha olingan boshqaruv axborotlari asosiy o‘rin tutadi. Chunki ularning faoliyatini oqilona va muqobil boshqarish kompaniyaning umumiy foydasiga to‘g‘ridan to‘g‘ri ta‘sir qiladi.

Chunki foyda markazlari sarflangan xarajatlarni qoplabgina qolmay subekt uchun foyda ham olib kelishi kerak. Xarajatlarning paydo bo‘lish markazlari hisoblangan mas‘uliyat markazlari bo‘yicha boshqaruv hisobi va nazorati o‘rnatiladi. Mas‘uliyat markazlarining faoliyati uchun javobgar shaxslar tegishli segmentlarning rahbarlariga yuklatilgan. Ushbu markazlarning faoliyati o‘z navbatida tegishli bo‘limlarning rahbarlari tomonidan nazorat qilinadi[5].

Meva-sabzavotchilik klasterlarida xarajatlar hisobi va mahsulot tannarxini hisoblash boshqaruv hisobining ajralmas qismi hisoblanadi. Xarajatlar hisobi hisobini takomillashtirish boshqaruv hisobini takomillashtirish bilan birga uni yanada yuqori bosqichga ko‘taradi.

Xarajatlarning buxgalteriya hisobini korxonahabariyatini ishonchli axborotlar bilan ta‘minlash maqsadiga erishishda, boshqaruv hisobini to‘g‘ri tashkil

etish va yuritish boshqaru hisobining “Hisob siyosati” muhim ahamiyatga ega bo‘ladi.

ib borilgan tadqiqotlar natijasi shuni ko‘rsatdiki, Paxta-to‘qimachilik klasterlarida paxta xomashyosini qayta ishlashda ishlab chiqarish xarajatlari va mahsulot chiqishi bo‘yicha qo‘llaniladigan buxgalteriya schyotlarini takomillashtirish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

Izlanishlar natijasi shu ko‘rsatdiki, Respublikamizda moliyaviy hisobning “Hisob siyosati” metodologiyasi ishlab chiqilgan, lekin xarajatlarning boshqaruv hisobi tizimida hisob siyosati ishlab chiqilmagan. Taklif qilinayotgan hisob siyosatini 6 bosqichdan iborat bo‘lib ishlab chiqilishi, xarajatlar hisobini takomillashtirish bilan birga korxonalarda xarajatlar hisobini tartibga solidi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

1. <https://xs.uz/uz>
2. Mamatqulov A.X. “Paxtani qayta ishlash korxonasida ishlab chiqarish hisobini yuritishda xarajatlar hisobini takomillashtirish”. Iqtisodiyot va innovasion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, 2017 [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)
3. Xasanov B.A., Xoshimov A.A. Boshqaruv hisobi. –T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2005. – 288b.
4. Alikulov A.I. Xarajatlar hisobi va tahlilining nazariy hamda amaliy masalalari. Monografiya. – T.: Fan va texnologiya, 2011. - 188 b
- 5 Azamat Ismoyilov “Fermer xo‘jaliklarida sabzavot maxsulotlari ishlab chiqarishni takomillashtirish yo‘llari” //T.: Iqtisodiyot va ta‘lim / 2019 №2

**Shamsikulova Mohina bonu Furkatovna**  
**Assistant of Samarkand Institute of Economics and Service**

**Email: [moxina0909@gmail.com](mailto:moxina0909@gmail.com)**

**Axmedov Umidjon Sadridin o‘g‘li**  
**Student of Samarkand Institute of Economics and Service**

**Email: [umidjonaxmedov888@gmail.com](mailto:umidjonaxmedov888@gmail.com)**

## **ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ**

**Аннотация:** Статья "Финансовые отчетности на основе международных стандартов финансовой отчетности (МСФО)" представляет собой обзор ключевых аспектов МСФО, включая их определение, историю, структуру финансовых отчетов, роль аудиторов, перспективы развития и значение независимости аудиторов. МСФО играют важную роль в глобализированной экономике, обеспечивая стандартизацию и сравнимость финансовой информации компаний по всему миру. Статья подчеркивает их важность для инвесторов, аналитиков и бухгалтеров и обобщает последние тенденции в развитии этой области.

**Ключевые слова:** Международные стандарты финансовой отчетности (МСФО), IFRS (International Financial Reporting Standards), Финансовая



отчетность, Баланс, Отчет о прибылях и убытках, Отчет о движении денежных средств, Отчет об изменениях в капитале, Аудит финансовых отчетов, Независимость аудиторов, Глобализация финансовых рынков, Учет по справедливой стоимости, Финансовый анализ, Инвестиции.

**Цель статьи:** Рассмотреть и проанализировать сущность, структуру, принципы учета и значение финансовых отчетов на основе МСФО, а также их влияние на бухгалтерскую практику и прозрачность финансовой отчетности компаний в мировом контексте.

Для достижения этой цели, статья может ставить перед собой следующие задачи:

1. Представить историю и развитие МСФО: Объяснить, как МСФО появились и развивались со временем, и почему они стали мировым стандартом в финансовой отчетности.
2. Описать структуру финансовых отчетов на основе МСФО: Разобрать состав и содержание баланса, отчета о прибылях и убытках, отчета о движении денежных средств и отчета об изменениях в капитале согласно МСФО.
3. Рассмотреть принципы учета по МСФО: Объяснить ключевые принципы, такие как историческая стоимость и справедливая стоимость, их роль в учете и отчетности, и какие преимущества они предоставляют.
4. Исследовать роль аудиторов в контексте МСФО: Подчеркнуть важность независимых аудиторов в обеспечении точности и надежности финансовой отчетности, разработанной согласно МСФО.
5. Провести анализ перспектив развития МСФО: Рассмотреть будущие изменения и новые стандарты МСФО, а также влияние технологий на отчетность по МСФО.
6. Сделать заключение: Суммировать ключевые выводы статьи и подчеркнуть ее значение в контексте современной бухгалтерской практики и финансового анализа.

Такой набор задач поможет более полно и глубоко рассмотреть тему МСФО в статье и предоставить читателям ценную информацию о данной области.

**Определение МСФО (Международные стандарты финансовой отчетности):**

Международные стандарты финансовой отчетности (МСФО), также известные как International Financial Reporting Standards (IFRS), представляют собой набор обязательных мировых стандартов бухгалтерской отчетности и финансовой отчетности, разработанных и поддерживаемых Международным советом по стандартам финансовой отчетности (МССФР) и Международной федерацией счетоводов (IFAC). МСФО определяют принципы учета, отчетности и дополнительной информации, которые обязаны соблюдать компании, составляющие финансовую отчетность для инвесторов, аналитиков, регулирующих органов и других заинтересованных сторон.

**Зарождение (1970-1980-е годы):** Начало использования международных стандартов связано с созданием МССФР (Международного совета по стандартам финансовой отчетности) в 1973 году. Совет был создан с целью разработки единых международных стандартов бухгалтерской отчетности.

**Первые стандарты (1980-1990-е годы):** В 1989 году был опубликован первый международный стандарт финансовой отчетности - IAS 1 "Представление финансовой отчетности". Это стало отправной точкой для разработки дополнительных стандартов МСФО.

**Современное состояние (на момент окончания моих знаний в сентябре 2021 года):** МСФО продолжают эволюционировать и адаптироваться к изменяющимся условиям бизнеса и регулирования. Стандарты МСФО охватывают широкий спектр бухгалтерских тем, включая учет активов, обязательств, доходов, расходов, налогообложение и многое другое.

История и развитие МСФО демонстрируют их важную роль в создании единых стандартов финансовой отчетности, способствующих прозрачности и сравнимости финансовой информации по всему миру.

Структура финансовых отчетов на основе Международных стандартов финансовой отчетности (МСФО) включает следующие основные компоненты:

**Баланс (состояние финансового положения):**

Баланс представляет собой финансовый отчет, который отражает финансовое положение компании на определенную дату. Он разделяется на две основные части:

**Активы:** Это ресурсы, которыми компания владеет и которые могут приносить будущие экономические выгоды. Активы могут быть разделены на текущие (например, денежные средства, запасы) и не текущие (например, недвижимость, оборудование).

**Пассивы:** Пассивы представляют собой финансовые обязательства компании и источники финансирования. Они также разделяются на текущие (например, краткосрочные кредиты) и не текущие (например, долгосрочные займы).

**Отчет о прибылях и убытках (отчет о результате):**

Этот отчет показывает доходы и расходы компании за определенный период времени, обычно за год. Он включает в себя различные компоненты, такие как выручка, себестоимость продаж, операционная прибыль, налоги и чистая прибыль.

**Отчет о движении денежных средств:**

Этот отчет демонстрирует изменения в денежных средствах компании за определенный период времени. Он разделяется на три основные категории:

**Денежные средства из операционной деятельности:** Денежные потоки, связанные с основной операционной деятельностью компании.

**Денежные средства от инвестиционной деятельности:** Денежные потоки, связанные с инвестиционными операциями, такими как покупка и продажа активов.

**Роль аудиторов в контексте МСФО:**

Аудиторы играют важную роль в контексте финансовых отчетов, составленных согласно Международным стандартам финансовой отчетности (МСФО). Их роль включает в себя следующие аспекты:

**Аудит финансовых отчетов по МСФО:** Аудиторы проводят независимую оценку и подтверждают достоверность и точность финансовой отчетности, составленной в соответствии с МСФО. Они анализируют финансовые операции, учетные политики и процедуры компании, чтобы убедиться, что они соответствуют стандартам и правилам МСФО. Аудиторская проверка включает в себя проверку учетных записей, проверку соблюдения внутренних контрольных систем и оценку рисков.

**Подтверждение достоверности отчетности:** Основной целью аудиторов является установление того, что финансовые отчеты компании действительно отражают ее финансовое положение и результаты деятельности. Это подтверждение дает инвесторам, кредиторам и другим заинтересованным сторонам уверенность в том, что они могут полагаться на представленную информацию.

**Выявление мошенничества и ошибок:** Аудиторы также занимаются поиском потенциальных мошеннических действий или ошибок в финансовой отчетности. Это важно для предотвращения и выявления финансовых мошенничеств и неточностей.

#### **Значение независимости аудиторов:**

Независимость аудиторов является фундаментальным принципом аудиторской деятельности и имеет большое значение в контексте МСФО и финансовой отчетности. Вот почему независимость аудиторов так важна:

- **Доверие и объективность:** Независимость аудиторов обеспечивает доверие в аудиторскую деятельность. Если аудиторы зависят от компании или имеют конфликт интересов, это может повлиять на их способность проводить объективную оценку финансовой отчетности.
- **Соблюдение этических стандартов:** Независимость помогает аудиторам соблюдать высокие этические стандарты, что является необходимым условием для профессионализма и доверия в аудиторской профессии.
- **Соблюдение законодательства и регулирования:** Во многих юрисдикциях требуется, чтобы аудиторская фирма и аудиторы, выполняющие аудит по МСФО, были независимыми, в соответствии с законодательством и регулированием.

**Учет влияния на окружающую среду:** В ответ на растущую общественную и инвестиционную озабоченность экологическими вопросами, МСФО разрабатывают стандарты, связанные с учетом воздействия на окружающую среду и устойчивостью. Эти стандарты могут включать в себя отчетность о климатических изменениях и других аспектах устойчивости.

**Цифровизация и технологические инновации:** Развитие технологий, таких как блокчейн и искусственный интеллект, оказывает влияние на учет и

отчетность. МСФО следят за этими технологическими изменениями и могут разрабатывать стандарты, связанные с цифровыми активами и процессами.

**Изменения в учете доходов:** Стандарт IFRS 15 "Доходы от сделок с клиентами" и изменения в связи с учетом аренды по IFRS 16 "Аренда" внесли значительные изменения в учет доходов и арендных операций. Дальнейшие изменения в этой области могут быть ожидаемы.

**Прозрачность и улучшение качества отчетности:** МСФО работают над улучшением прозрачности финансовой отчетности, а также над сокращением возможности для манипуляции финансовыми данными.

В заключении статьи о финансовых отчетах на основе Международных стандартов финансовой отчетности (МСФО), мы можем сформулировать основные выводы и обобщить информацию, представленную в статье:

**Заключение:** МСФО остаются ключевым инструментом для стандартизации и прозрачности финансовой отчетности на глобальном уровне. Понимание и соблюдение этих стандартов являются неотъемлемой частью современной бухгалтерской практики и способствуют развитию мировой экономики.

В итоге, МСФО остаются фундаментом мировой финансовой отчетности, и их значимость будет продолжать расти в будущем, по мере изменения бизнес-среды и требований инвесторов и регуляторов.

#### **Литература:**

1. Qarajanova Gulnoza T. статья "The Role of Venture Investments in Financing Innovative", "The Role of Venture Investments In the World Economy"
2. Sh, S. H., Mamarasulova, N. I., & Yusupov, M. I. (2022). HOZIRGI ZAMON TALABALARINING BILIM OLISHIDA ETIK–ESTETIK CHALG'ITUVCHI OMILLAR. PEDAGOGS jurnali, 9(2), 90-95.
3. Axmedov Umidjon Saddridin o'g'li "Основная аспекты экономического содержания и анализа хозяйственной деятельности предприятия"
4. Пашаходжаева Дилдора Джабборкуловна, Шамсикулова Мохина бону Фуркатовна "Conceptual framework for accounting for equity capital in the context of the transition to IFRS"

**Юсупова Ф.З.**  
**"Бухгалтерия ҳисоби" кафедраси**  
**ассистенти**

### **КОРХОНА ДАРОМАДЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАЗМУНИ, ТАСНИФЛАНИШИ**

**Аннотация:** Мақолада даромадларининг бухгалтерия ҳисобидаги урни таърифи ва тавсифини ҳамда турли олимларнинг даромадлар тугрисидаги қарашларини ва уни такомиллаштириш йўллари қуриб чиқилди

**Калит сўзлар:** Даромадлар, хўжалик юритувчи субъектлар, тушум, фойда, асосий фаолиятдан олинган даромадлар, асосий бўлмаган фаолият

Иқтисодий таълимотда ва амалиётда энг кўп учрайдиган ҳамда кенг қўлланиладиган тушунчалардан бири бўлиб «даромад» ҳисобланади. Чунончи, иқтисодиёт назариясида даромад иқтисодий категория, амалий фаолиятда эса у хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида эътироф этилади. Бухгалтерия ҳисоби назарияси ва амалиётида даромад унинг энг муҳим объектларидан биридир.

Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг барча иштирокчилари (давлат, корхоналар, хусусий тадбиркорлар, уй хўжалиги) ўз фаолиятларидан кўпроқ даромад олишга интиладилар. Даромад ҳар қандай тадбиркорликни узлуксиз ривожланишининг энг асосий омилларидан биридир.

Хўш, даромад ўзи нима, у ўзида нималарни акс эттиради?

Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғатида даромад сўзи қуйидагича изоҳланган:

“корхона ёки муассаса, айрим шахс ва бошқаларнинг бирор фаолият эвазига оладиган пули, моддий бойликлари, фойдаси”. Изоҳдан кўриниб турибдики, даромад сўзи моҳиятан иқтисодий атама ҳисобланади. Бозор иштирокчилари нуқтаи назаридан даромаднинг қуйидаги кўринишлари фарқланади:

- аҳоли даромади;
- корхона даромади;
- давлат (бюджет) даромади;

Аҳоли, корхона ва давлат даромадларининг шаклланиши мураккаб характерга эга бўлиб, бир-бири билан узвий боғлиқликда юз беради. Аҳоли ва давлат даромадларининг шаклланишида иқтисодиётнинг энг қуйи бўғини ҳисобланган корхоналар, шу жумладан савдо корхоналари муҳим ўринни эгаллайди. Айнан корхона орқали олинган даромадлар охир-оқибатда аҳоли (иш ҳақи, дивидент шаклида) ва давлат (солиқлар, бошқа мажбурий йиғимлар шаклида) даромадларини ташкил этади. Шу сабабли ҳам, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий ислохатларнинг негизида корхоналар даромадларини кўпайтириш ва шу асосда уларнинг молиявий ҳамда иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлаш масалалари ётиши лозим.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда, корхона даромадларининг иқтисодий мазмуни, таснифланиши, таркиби, шаклланиши ва тақсимланиш тартиби меъёрий ҳужжатларда ҳамда иқтисодий адабиётларда турлича ёритилмоқда. Жуда кўпчилик МДҲ давлатлари ва мамлакатимиз олимлари корхона даромадини маҳсулот сотишдан тушган пул тушуми сифатида таърифлайдилар. Бошқа бир гуруҳ иқтисодчи – олимлар даромадни корхонада яратилган қўшимча қиймат сифатида талқин қиладилар. Масалан, Ю.Додобоев ва А.Худойбердиевлар корхона даромадларига қуйидагича таъриф берадилар: «Корхонанинг ялпи даромади моддий

харажатлар чиқариб ташлангандан сўнг иш ҳақи ва фойдани ўз ичига олган маҳсулот сотишдан тушган тушумдир». Э.Шавқиев корхона даромадига «... маълум бир даврда бутунлай янгитдан яратилган қийматдир», деб таъриф беради. Шунга ўхшаш таърифлар бир қатор Россиялик олимларнинг ишларида ҳам учрайди. Қайд этилган таърифларнинг ҳар бири маълум мунозарали жиҳатларга эга. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни сотиш билан, балки инвестицион ва бошқа фаолият турлари билан ҳам шуғулланадилар ва ушбу фаолиятлардан сезиларли даражада даромад оладилар. Бундай шароитда, корхона ялпи даромадларини биринчи гуруҳ олимлар таъкидлаганларидек, фақатгина маҳсулот сотишдан тушган пул тушуми сифатида таърифлаш, унинг таркибини тўлиқ ифодалай олмайди.

Иккинчи гуруҳ олимлар томонидан корхона даромадига берилган таърифларида уни миқдор жиҳатидан, ишлаб чиқаришда бевосита қатнашган ишчиларнинг иш ҳақиси ва корхона ялпи фойдаси йиғиндисига, яъни маълум давр ичида корхонада янгидан яратилган қийматга тенг, деб қарайдилар. Бизнингча, даромад, тушум ва фойда тушунчалари бир – бири билан боғлиқ тушунчалар бўлсада, уларнинг ҳар бири корхона хўжалик фаолияти натижаларининг алоҳида жиҳатларини ифодалайди.

Тушум тушунчаси, одатда, корхона асосий фаолиятининг натижаси ҳисобланган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган даромадларни ифодалайди. Даромад, маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан ташқари корxonанинг бошқа фаолиятларидан ҳам олинishi мумкин. Фойда эса, даромаднинг ушбу даромадни олиш учун қилинган харажатлардан ортган қисмини ифодалайди. Ушбу учала кўрсаткичнинг миқдори бўйича бир-бири билан боғлиқлигини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\text{Даромад} \geq \text{Тушум} \geq \text{Фойда}$$

Даромад миқдори ҳамма вақт тушум ва фойдага нисбатан катта бўлади. Корхона фақатгина маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан даромад олган даврларда даромад билан тушум бир-бирига миқдоран тенг бўлиши мумкин. Фойда энг охириги кўрсаткич бўлиб, даромад ва тушум кўрсаткичларидан харажатларни айириш орқали аниқланади. Алоҳида фаолият тури учун фойда ҳисобланаётганда, агар ушбу фаолиятдан даромад ёки тушумга харажатсиз эришилган бўлса, фойда миқдоран шу фаолиятдан олинган даромад ёки тушумга тенг бўлиши мумкин. К.Б.Уразов даромадга таъриф беришда унинг негизида ётувчи тушумларни нисбатан тўла ва аниқроқ санаб ўтган – «Корхоналарнинг ялпи даромади - бу маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинadиган соф тушум, харид товарлар, материаллар ва бошқа узоқ муддатли активлар (меҳнат қуроллари ва воситалари, капитал ва молиявий инвестициялар, номоддий активлар)ни сотишдан олинган устама ҳақлар, активларни инвестиция сифатида киритишдан фоизлар, дивидендлар ва роялти, мажбуриятларни воз кечилиши, ҳисобда бўлмаган активларни кирим қилиниши, мулкни бепул олинishi ҳамда.

Фикримизча, корхоналар даромадларини фаолият турига, тегишли даврига ва солиққа тортиладиган базага муносабатига кўра таснифлаш ҳамда ҳар бир тасниф белгиси бўйича ажратилган гуруҳларга биз таклиф қилган даромад элементларини киритиш даромадларнинг мазмун-моҳиятига мос равишда ҳисобга олинишига, бошқарувга тақдим этилаётган ахборотлар сифатининг ошишига, шунингдек, улардан фойдаланиш жараёнининг осонлашувига ва ўз навбатида қабул қилинаётган бошқарув қарорлари самарадорлигининг юксалишига олиб келади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

- 1.Кандраков И.П. Бухгалтерский учет: Учебник.–М.:ИНФРА-М, 2006.-592.
- 2.Уразов К.Б. Савдода бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш.–Т.: иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2004.–336 б
- 3.Ташназаров С.Н. Молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи: Халқаро ва миллий жиҳатлар. Монография. - Т.: Иқтисод-молия, 2009. - 168 б.
- 4.Аннаев М.Б. Бозор муносабатлари шароитида корхона даромадларининг таркиби ва таснифи хусусида. «Бизнесни ривожлантиришда менежмент муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Самарқанд, МЎХМ, 2006 йил, 38-41 бетлар
- 5.Аннаев М.Б. Даромадлар ҳисобига доир мезонлар ва тамойиллар. «Ўзбекистон: Туризм, иқтисодиёт ва экология» мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Самарқанд, СамИСИ, 2009 йил, 30-31 март, 12-22-бетлар
- 6.Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. 2-қисм. Маъруза матни. – Самарқанд, СамИСИ, 2004. - 228 б

**Рафеев Д.Р.**  
**СамИСИ доценти**

### **КОРХОНАЛАР ҲИСОБ СИЁСАТИ: ТУЗИШ ЗАРУРАТИ, ТАЛАБЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

Корхоналар ҳисоб сиёсати уларнинг локал ишчи хужжати бўлиб ҳисобланади. Ҳисоб сиёсати – корхоналар томонидан қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби усуллари мажмуи - бирламчи кузатиш, харажатларни ўлчаш, жорий гуруҳлаш ва иқтисодий фаолият фактларини яқуний умумлаштириш.

Ҳисоб сиёсати – корхона махфий хужжати эмас, чунки унга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳисоб юритиш қоидалари ўз аксини топади.

Уни тузиш учун асосий элементлари бўлиб Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикасининг 1-сон Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”, бошқа қатор БҲМСлар ва меъёрий хужжатлар бўлиб ҳисобланади.

Ҳисоб сиёсати барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тузилади. Уни тузиш зарурати Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган.

Бозор муносабатларига ўтиш билан бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишга ёндашувлар ўзгарди - ўтмишда бухгалтерия ҳисоби жараёнини давлат томонидан қатъий тартибга солишдан бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда давлат томонидан тартибга солиш ва ташкилотларнинг мустақиллигининг оқилона мувофиқлаштиришга ўтиш амалга оширилди. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишдаги янгича ёндашувларнинг моҳияти, асосан, давлат томонидан белгиланган бухгалтерия ҳисобининг умумий қоидалари асосида хўжалик юритувчи субъектлар ўз олдларига қўйилган бухгалтерия ҳисоби муаммоларини ҳал қилиш учун мустақил равишда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқадилар.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳисоб сиёсатининг аҳамияти кўплаб хўжалик юритувчи субъектлар томонидан етарлича баҳоланмайди. Кўпгина корхоналар ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишга расмий муносабатда бўлишади ва унинг айрим элементларини қўллаш оқибатларини ўрганмайдилар.

Шу билан бирга, корхона танлаган ҳисоб сиёсати ишлаб чиқариш харажатлари, фойда, фойда солиғи, қўшилган қиймат ва мулк кўрсаткичлари ва корхонанинг молиявий ҳолати кўрсаткичлари қийматига сезиларли таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, корхонанинг ҳисоб сиёсати корхонанинг асосий кўрсаткичлари, солиқни режалаштириш ва нарх сиёсати кадриятларини шакллантиришнинг муҳим воситасидир. Ҳисоб сиёсати билан танишмасдан, корхонанинг турли даврлар учун кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш ва ундан ҳам кўпроқ турли корхоналарнинг қиёсий таҳлилининг амалга ошириш мумкин эмас.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, корхонанинг ҳисоб сиёсатининг асослилиги, тўлиқлиги, унинг янги меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги асосида ҳисоб сиёсатини шакллантирган бош бухгалтернинг профессионаллиги, уни тасдиқлайдиган раҳбар ва бухгалтерия ҳисоботи маълумотларининг тўғрилигини тасдиқловчи аудитор тўғрисида хулоса чиқариш мумкин.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, кўплаб корхоналар ҳисоб сиёсати учун буюртмани ишлаб чиқиш билан чекланади. Қолган ишчи ҳужжатлар мавжуд эмас (иш жадваллари, ички ҳисобот шакллари) ёки раҳбар томонидан тасдиқланмаган (бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари шакллари, Счётлар режаси). Бундай корхоналар “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган бухгалтерия ҳисоби тартибларини қўпол равишда бузади.

Санаб ўтилган заруратлардан келиб чиқиб ҳисоб сиёсатига маълум талаблар қўйилади:

1. тўлиқлик (хўжалик фаолиятининг барча фактларини бухгалтерия ҳисобида ақс эттиришнинг тўлиқлиги);
2. ўз вақтида (хўжалик фаолияти фактларини бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда ўз вақтида ақс эттириш);



3. эҳтиёткорлик (корхонанинг ҳисоб сиёсати мумкин бўлган даромадлар ва активларга қараганда бухгалтерия ҳисобида харажатлар ва мажбуриятларни тан олишга кўпроқ тайёрликни таъминлаши, яширин захираларнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилиши керак);

4. мазмуннинг шаклдан устунлиги (хўжалик фаолияти фактларини ҳисобга олишда уларнинг ҳуқуқий шаклига эмас, балки иқтисодий мазмуни ва хўжалик юритиш шартларига асосланиб акс эттириш);

5. изчиллик (ҳар ойнинг охириги календар кунидаги синтетик бухгалтерия счетларининг айланмаси ва қолдиқлари билан аналитик ҳисоб маълумотларининг бир хиллиги);

6. рационаллик (бизнес шароитлари ва ташкилот ҳажмига асосланган оқилона ҳисоб).

Бутун бухгалтерия ҳисоби жараёнида ҳисоб сиёсатининг роли ва урни жуда катта. Амалдаги қонунчилик баъзи ҳолларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг бир нечта усулларида бирини танлашга имкон беради ва баъзида тегишли тартибни мустақил равишда ишлаб чиқиш мажбуриятини ҳам белгилайди.

2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ кодексининг жорий этилиши билан барча солиқ тўловчилар 2020 йил 1 апрелга қадар солиққа тортиш мақсадларида ҳисоб сиёсатини тасдиқлашлари шарт. Солиқ тўловчилар - бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисобини юритиши шарт бўлган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар.

Яъни, энди ҳар бир корхонада "бухгалтерия ҳисоби мақсадлари учун", "солиқ мақсадлари учун" мажбурий бўлимлари ёки алоҳида ҳужжат билан ҳисоб сиёсати бўлиши керак.

Белгиланган талабларни амалга ошириш маълум вазифаларни бажариш орқали амалга оширилади:

1. Бухгалтерия счётларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотларни шакллантириш;

2. Самарали бошқарув учун бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;

3. Молиявий, солиқ, статистик ва бошқа ҳисоботларни тайёрлаш;

4. Тасдиқланган стандартлар ва тизимларга мувофиқ корхона мулкнинг мавжудлиги ва ҳаракати, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаш;

5. Хўжалик ва молиявий фаолиятдаги салбий ҳодисаларнинг ўз вақтида олдини олиш, хўжалик ичидаги захираларни аниқлаш ва сафарбар этиш.

Бухгалтерия хизматлари (аутсорсинг) кўрсатувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоби ва ҳисоботлари ёки Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) асосида ҳисобот юритиш буйича асосий вазифалар томонлар ўртасида тузиладиган шартномаларда ўз ифодасини топади.

## **XO'JALIK YURITUVCHI SUB'EKTLARDA EKSPORT-IMPORT OPERATSIYALARI BO'YICHA HISOBLASHUV MUOMALALARI HISOBINI TASHKIL ETISHNING ME'YORIY XUQUQIY ASOSLARI**

**Annotatsiya:** Maqolada eksport-import operatsiyalari xo'jalik yurituvchi sub'ektlarda eksport-import operatsiyalari bo'yicha hisoblashuv muomalalari hisobini tashkil etishning me'yoriy xuquqiy asoslari, muammo yechimlari, mamlakatimizda bugungi kunda eksport-import soxasidagi o'zgarishlar va isloxotlari ochib berilgan va mavzu doirasida xulosa va takliflar berilgan.

**Kalit so'zlar:** eksport, import, globallashuv, ijtimoiy-iqtisodiy, taraqqiyot, savdo-sotiq, investitsiya, moliyaviy qo'yilma, xizmatlar ko'rsatish, litsenziya, savdo markazi, dastur, patent, bojxona, tarif, iqtisod, tashqi, savdo-sotiq, investitsiya, sub'ekt, bank, tovar-pul vositalari, hisob-kitob, xalqaro, hujjat, shartnoma, sarmoya.

O'zbekiston Respublikasida mustaqillik yillarida amalga oshirilgan tadbirlar natijasida ochiq iqtisodiyotni shakllantirish va tashki iqtisodiy alokalarni erkinlashtirish uchun mustaxkam huquqiy asoslar yaratildi. Jumladan, "Eksport-import munosabatlari to'g'risida"gi, "Chet el investorlar faoliyatining kafolatlari to'g'risidagi", "Erkin iqtisodiy zonalar to'g'risidagi" qonunlar, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmonlari, Vazirlar Mahkamasining karorlari va boshqa me'yoriy xujjatlar tashki iqtisodiy alokalar hamda eksport-import munosabatlarini tartibga solib turadi, chet el investitsiyalarini jalb qilish va ragbatlantirish tartibini belgilab beradi. Xususan, tashki iqtisodiy alokalarni amalga oshirishning asosiy tamoyillari va tartiblari "Eksport-import munosabatlari to'g'risidagi" Qonunda belgilab berilgan. Xalkaro huquqning umume'tirof etilgan me'yorlariga muvofik, mulkchilik shakllaridan kat'iy-nazar, tashki iqtisodiy alokalar ishtirokchilarining huquqlari, manfaatlari va mol-mulklari ximoya kilinadi. "Chet el investitsiyalari va chet ellik investorlar faoliyatining kafolatlari to'g'risidagi" qonunda xujalik jamoalari va shirkatlarida, banklar va sug'urta tashkilotlarida xissadorlik asosida ishtirok etish, ya'ni mulklarni aktsiyalar va boshqa qimmatli qog'ozlarni sotib olish, shuningdek, erga (jumladan, ijaraga olingan erga) va tabiiy resurslarga egalik qilish va ulardan foydalanish huquqi ham chet el investitsiyalarini amalga oshirish shakllari bo'lib xizmat qilishi mumkinligi kayd etilgan. Bu qonunning chet ellik sarmoyador huquqlarini kafolatlovchi muxim jixatlaridan yana biri shuki, agar O'zbekiston Respublikasining keyingi qonunlari investitsiya sharoitini yomonlashtirib ko'yadigan bo'lsa, u xolda chet ellik investorlarga nisbatan o'n yilgacha bo'lgan muddatga investitsiyalar amalga oshirilib turgan paytda amalda bo'lgan qonunlar tatbiq etiladi. Shu bilan birga,

qonunda chet el investitsiyalari milliyashtirish amalga oshirilmasligi kafolatlanadi, shuningdek, ularni majburan sotib olish ham mumkin emas, lekin tabiiy ofatlar, avariya, epidemiyalar, epizootiyalar (xayvonlar ulati) yuz bergan xollar bundan mustasno. Bunday xollarda chet ellik investorlarga tulanadigan kompensatsiyani keltirilgan zararga barobar bo'lishi nazarda tutiladi. Chet ellik sarmoyadorlarning o'z investitsiyalarini ixtiyoriy ravishda sug'urta qilish huquqi investorlarni uz mulklarining ekspropriatsiya kilinishidan, mamlakat ma'murlarining sug'urta tashkiloti bilan investor o'rtasidagi shartnomaviy munosabatlari aralashuvidan, milliy va boshka valyutalar almashtirishni hamda ularni mamlakat tashkarisiga chiqarishni cheklashlardan va boshka xatarlardan muxofaza qilishni ta'minlaydi.

### 1-jadval

#### Tashqi iqtisodiy faoliyat bo'yicha hisoblashuv muomalalari hisobini tashkil etishning me'yoriy xuruquiy asoslari tizimi<sup>26</sup>

<b>1 – POG'ONA</b>
Tashqi iqtisodiy faoliyat bo'yicha hisoblashuv muomalalari hisobini bevosita va bilvosita tashkil etishni tartibga soluvchi qonunlar va qonuniy xujjatlar (O'zbekiston Respublikasi qonunlari, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti farmonlari, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasi qarorlari).
<b>2 – POG'ONA</b>
Tashqi iqtisodiy faoliyat bo'yicha hisoblashuv muomalalari hisobini tashkil etishini bazaviy tamoyillarini umumlashuvchi me'yoriy xujjatlar (yo'riqnomalar, nizomlar, buxgalteriya hisobi milliy standartlari va boshqalar).
<b>3 – POG'ONA</b>
Korxonalarda tashqi iqtisodiy faoliyat bo'yicha hisoblashuv muomalalari hisobini yuritish mexanizmi, xususiyatlarini aks ettiruvchi ishlab chiqarish hisobini tashkiliy, texnik va uslubiy jixatlarini mujassamlashtirgan hisob siyosati.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Tovarlar (ishlar, xizmatlar) eksportini rag'batlantirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi farmoniga ko'ra, o'tgan yilning 1 noyabridan boshlab, tovarlarning (ishlar, xizmatlarning) barcha turiga eksport bojxona bojlari hamda tovarlar (ishlar, xizmatlar) eksportini litsenziyalash bekor qilindi. Faqat mahsus mahsulot turlarigagina bu qoidadan mustasno qilib qo'yildi. Ushbu Farmonda belgilangan chora-tadbirlar — birinchi navbatda, tashqi savdo faoliyatini yanada erkinlashtirishga, eksport-import operatsiyalarida tarif va notarif boshqarish usullarini tartibga solishga va takomillashtirishga qaratilgan. Farmonda ko'rsatilgan muddatdan boshlab, raqobat-bardoshli mahsulot ishlab chiqarishni kengaytirish maqsadida erkin muomaladagi valyutaga eksport qiladigan korxonalar uchun bir qator qo'shimcha imtiyozlar berish joriy etilgan, masalan:

- bu korxonalariga o'z mahsulotini oldindan pul olmasdan va akkreditiv ochmasdan eksport qilish huquqi beriladi;

- eksport qilinayotgan tovar ulushi mahsulotni sotishning umumiy xajmi 30 yoki undan ko'proq foizini tashkil etsa, u xolda korxonalarining daromad solig'i stavkasi amaldagi stavkaga qaraganda ikki barobar kamaytiriladi;

<sup>26</sup> G'ulomova F.G'. "Buxgalteriya hisobini mustaqil o'rganish uchun qo'llanma". Toshkent: NORMA, 2009 yil

- korxonalar o'z mahsulotlarini ichki bozor narxlaridan arzon narxlarda eksport qilgan sharoitda ulardan olinadigan soliq baza eksport mahsulotini sotishdan tushgan amaldagi narx bilan hisob-kitob qilinadi. Farmonning muxim xususiyatlaridan yana biri shundan iboratki, unda ko'rsatilgan imtiyozlar faqat eksportga tayyor mahsulot ishlab chiqarishga astoydil intilgan korxonalarni rag'batlantirishga qaratilgan. Keyingi besh yil ichida respublikada eksport-import munosabatlarini rivojlantirish bo'yicha muhim ishlar qilindi, uning me'yoriy-huquqiy bazasi yaratildi, tegishli institutsional uzgarishlar amalga oshirildi, iqtisodiyotimizni tashki dunyoga yanada kengroq ochish va erkinlashtirishga qaratilgan jiddiy qadamlar qo'yildi.

Eksport-import munosabatlarining huquqiy asoslari xakida so'z yuritganda, bu erda albatta xalqaro bitimlar to'g'risida ham biroz to'xtalib o'tish maqsadga muvofiqdir. Chunki, ikkita yoki bir nechta xalqaro munosabatlar qatnashchilarining xar qanday birgalikdagi faoliyati, kelishilgan, huquqiy kuchga ega bo'lgan xujjatlar asosida amalga oshiriladi.

Ikki va o'ndan ortiq davlatlar o'rtasida xalqaro bitimlar tuziladi va ular quyidagi turlarga bo'linadi:

- umumiy tUSDagi bitimlar. Ushbu bitim ikki davlat o'rtasida tuzilgan xalqaro bitim bo'lib, uz ichiga munosabatlar asosi, diplomatik munosabatlarni o'rnatish xaqida bitimdir. Unda iqtisodiy munosabatlar aloxida bo'lim sifatida ajratilib ko'rsatiladi.

- mahsus bitimlar. Bu bitimlar asosan, iqtisodiy masalalar bo'yicha ikki yoki ko'p tomonlama tuziladigan quyidagi bitimlardir:

- a) bitimlar va shartnomalar. Bu bitimlar mahsulotlar va xizmatlar eksport-importining umumiy shartlari va tartibini aniqlovchi xujjatlardir. Ular qatorida aloxida ahamiyatga ega mahsulotlar va xizmatlarga taalluqli mahsus bitimlar ajratiladi. Masalan, o'simlik va xayvonot dunyosiniig yo'qolib borayotgan turlarining xalqaro savdosi bo'yicha Konventsiya, shuningdek, ishlab chiqaruvchi va iste'molchilar manfaatlarini ko'zlagan xolda keskin narx tebranishining oldini olish yoki yumshatish maqsadida xom-ashyo resurslari savdosida qo'llaniladigan ko'p tomonlama shartnomalar.

Bu bitimlar kontrogentlar yoki xorijiy sheriklar o'rtasida xalqaro tijorat shartnomalari shartnoma tuzish uchun asos bo'lib xizmat qiladi.

- b) bojxona bitimlari;

- v) soliq bitimlari. Masalan, ikki marta soliq olishning oldini olish maqsadida. Xalqaro munosabat qatnashchilarining soliq solish umumiy qoidalari, sharoitlari va tartibi to'g'risidagi soliq bitimlari;

- g) investitsiyalarni himoyalash xaqidagi davlatlararo bitimlar, ya'ni iqtisodiy munosabat o'rnatilayotgan ikki mamlakat o'rtasida tuziladigan kapital qo'yilmalarning o'zaro kafolati va rag'batlantirish xaqidagi shartnomalardir.

Eksport-import munosabatlariga kadrlar tayyorlash soxasida ham, bir qancha murakkab vazifalar quyilgan edi. Bu vazifalarga quyidagilarni kiritish mumkin:

- respublikamizda faoliyat yuritayotgan institut va universitetlarning tashqi iqtisodiy munosabatlari, xalqaro marketing va menejment bo'limlarida qo'shimcha o'quv-konsalting markazlarini tashkil etish;

- universitet va unstitutlarning o'qituvchi kadrlarini tayyorlash va malakasini oshirish;

- iqtisodiyotning turli soxalarida faoliyat ko'rsatyotagan rahbar xodimlar va mutaxassislarni tashqi iqtisodiy tarkibda ish olib borishlarini ta'minlash, malakasini oshirish;

- chet el universitetlarida va kompaniyalarida o'qish va amaliyotga borishni tashkil etish va xokazolar.

Respublikada chet el sarmoyalarini siyosiy va iqtisodiy riskdan sug'urta qiluvchi institutlar yaxshi ishlamas, chet el investitsiyasining respublikamizga kirib kelishi qiyinlashadi. Shuning uchun, respublikamizda chet el investitsiyasi uchun qulay shart-sharoitlar, aniq maqsad sari yo'naltirilgan vazifalar yo'lga qo'yilishi zarur.

*Beshinchidan,* O'zbekiston Respublikasining iqtisodiy xavfsizligini ta'minlash. Eksport-import munosabatlari soxasi shartlari tashkil etilishida iqtisodiy xavfsizlik asosiy rollardan birini o'ynaydi. Milliy xavfsizlikni ta'minlashda tartibga solishning asosiy 3 xil ko'rinishi mavjud:

1. Valyuta nazorati.

2. Eksport va import nazorati.

3. Xom-ashyoning strategik turlari olib chiqilishini tartibga solish.

Ushbu soxalarning o'ziga xos shakllari va tartibga solish uslublari mavjud. Albatta, yuqorida keltirilgan fikr-muloxazalarga, tahliliy qarashlarga hamda nazariy xulosalarga ustuvor yo'nalish sifatida e'tibor berish, shak-shubxasiz eksport-import munosabatlarini rivojlantirish uchun xizmat qiladi

### **Adabiyotlar r o'yxati**

1. PQ-4611-son «Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risidagi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori. 2020 yil 24 fevral;

2. O'zbekiston Respublikasi "Buxgalteriya hisobi to'g'risida" gi Qonuni, Yangi taxriri. 2016 yil 13 aprel;

3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 07.05.2020 yildagi PQ-4707-son « Eksport faoliyatini yanada qo'llab-quvvatlash chora-tadbirlari to'g'risida»;

4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 24.08.2022 y. PF-198-son «Mulq huquqining daxlsizligini ishonchli himoya qilish, mulkiy munosabatlarga asossiz aralashuvga yo'l qo'ymaslik, xususiy mulkning kapitallashuv darajasini oshirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi Farmoni;

5. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori, 30.01.2020 yildagi 46-son «"O'ZBEKINVEST" eksport-import milliy sug'urta kompaniyasining faoliyatini yanada takomillashnirish chora-tadbirlari to'g'risida»;

6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 28.01.2022 yildagi PF-60-son 2022 — 2026-yillarda mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida»;

7. Mirziyoev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag‘ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo‘shma majlisidagi nutq /Sh.M. Mirziyoev.–Toshkent: O‘zbekiston, 2017. - 56 b;

8. Mirziyoev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta‘minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi ma‘ruza. 2016 yil 7 dekabr /Sh.M.Mirziyoev. – Toshkent: “O‘zbekiston”, 2017. – 48 b;

### **Internet saytlari**

9. <http://www.gov.uz>. (O‘zbekiston Respublikasi hukumat portali

10. <http://www.mf.uz>(O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi).

11. <http://www.ziyonet.uz> (Axborot ta‘lim tarmog‘i)

12. <http://www.lex.uz> (O‘z. Resp. qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi).

**Рафеев Д.Р.**  
**СамИСИ доценти**

## **ҲИСОБ СИЁСАТИ: ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ**

Ҳисоб сиёсати бу ҳар бир корxonанинг ички ҳужжати бўлиб, унда бухгалтерия ва солиқ ҳисобини юритишни усуллари ва меъёрлари белгиланади.

Одатда корxона ҳисоб сиёсати 3 қисмдан иборат:

1. Ташкилий – ҳужжатли
2. Бухгалтерия ҳисоби мақсадлари бўйича
3. Солиқ ҳисоби мақсадлари бўйича

### **1. Ташкилий – ҳужжатли**

Ҳисоб сиёсатининг солиқ мақсадлари бўйича барча юридик шахслар ва яққа тадбиркорлар, бухгалтерия ҳисоби қисми бўйича – юридик шахслар тузади.

Ҳисоб сиёсатини ягона намунаси мавжуд эмас, уни матн, жадвал, рўйхат кўринишида тузилиши мумкин бўлиб, буйруқ шаклида расмийлаштирилади.

Ушбу қисмда ҳисоб сиёсатини тузиш учун зарур бўлган асосий меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати, корxона номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, устав бўйича асосий фаолияти, юридик манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами кўрсатилади.

Амалиётда ҳисоб сиёсатини ҳаммадан кўп бош бухгалтер тузади, уни раҳбар маъқуллайди ва тасдиқлайди.

## **2. Бухгалтерия ҳисоби мақсадлари бўйича**

Бухгалтерия ҳисоби мақсадлари учун ҳисоб сиёсатининг элементлари ва тамойилларига қўйидагилар киритилади:

1. Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари
2. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш
3. Бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари
4. Бухгалтерия ҳисобининг қоидалари
5. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва регистрларидаги хато бухгалтерия ёзувларини тузатиш
6. Бухгалтерия ҳисоби шакллари
7. Ишчи счётлар режаси
8. Молиявий ҳисобот
9. Бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш
10. Асосий воситаларни ҳисобга олиш
11. Номоддий активларнинг ҳисоби ва амортизацияси
12. Инвентаризация ҳисоби
13. Валюта курсларидаги фарқларни ҳисобга олиш
14. Молиявий инвестициялар ҳисоби
15. Корхона мулкани инвентаризация қилиш
16. Сафар харажатларини ҳисобга олиш
17. Касса операцияларини ҳисобга олиш
18. Даромадларни тан олиш
19. Маҳсулотлар (товарлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини ҳисобга олиш
20. Молиявий натижаларни шакллантириш
21. Қатъий ҳисобот бланкалари. Сақлаш ва фойдаланиш тартиби
22. Даргумон дебиторлик қарзларини ҳисобга олиш
23. Ички назоратни ташкил этиш

## **3. Солиқ ҳисоби мақсадлари бўйича**

Солиқ ҳисоби мақсадлари учун ҳисоб сиёсати Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ шакллантирилади.

Қўлланиладиган солиққа тортиш тизимига қараб солиқ ҳисоби мақсадлари учун ҳисоб сиёсати қўйидаги асосий масалаларни кўриб чиқиши мумкин:

Даромад солиғи бўйича даромад ва харажатларни тан олиш усули. Ҳозирги вақтда Солиқ кодекси иккита усулни назарда тутди:

ҳисоблаш усули - даромадлар ва харажатлар улар тўланганлигидан қатъий назар, улар пайдо бўлиши билан, яъни улар содир бўлган ҳисобот (солиқ) даврида тан олинади;

касса усули - даромадлар ва харажатлар пул маблағлари келиб тушган ёки чиқиб кетган кун операция учун тўлов сифатида тан олинади. Ушбу усул

ҳозирда Ўзбекистон Республикасида соддалаштирилган солиққа тортиш тизимидан фойдаланиш имконияти туфайли камдан-кам қўлланилади.

Товар-моддий захиралар таннархини аниқлаш усули:

инвентар (маҳсулот) бирлиги таннархида;

ўртача нархда (АВЭКО);

биринчи харидлар (ФИФО) қийматида.

Охирги харидлар (ЛИФО) қийматида. Ушбу усул қўлланилмайди.

Асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскиришини ҳисоблаш усули:

чизиқли (бутун фойдаланиш муддати давомида тенг равишда);

чизиқли бўлмаган (амортизация миқдори ҳар ой ўзгаради, аста-секин камаяди).

Бухгалтерия ҳисобида чизиқли бўлмаган усул қўлланилмайди, шунинг учун уни қўллашда амортизация билан боғлиқ ҳолда бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисобларида юзага келадиган фарқларни ҳисобга олиш зарур.

Захираларни шакллантириш, шу билан даромад солиғини ҳисоблашни тартибга солиш имконияти:

шубҳали қарзлар учун захира;

кафолатли таъмирлаш учун захира;

асосий воситаларни таъмирлаш учун захира;

таътил тўловлари ва иш ҳақи учун захира;

ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадларига ажратиладиган келажакдаги харажатлар учун захира.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш усули:

"жўнатиш бўйича" - жўнатиш амалга оширилгандан сўнг ва тўлов ҳужжатлари харидорга тақдим этилиши ёки олдиндан тўлов олиниши билан;

"Тўлов бўйича" - бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун олинган маблағлар сифатида.

Молиявий ҳисоботни халқаро стандартлари (МҲХС) бўйича олиб боришга ўтган хўжалик юритувчи субъектлар бўлса, улар ҳисоб сиёсатини унга мувофиқ тузадилар.

Ҳисоб сиёсатини ўз вақтида ва сифатли тузилиши корхонани айрим жарималарини тўлашини олдини олиши мумкин. Агар текшириш пайтида ҳисоб сиёсати тузилмагани аниқланса ёки ҳисоб ҳисоб сиёсатига нисбатан бузилишлар билан юритилган бўлса, корхона ва унинг раҳбари жарималар тўлайди.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўз вақтида ва тўғри тузилган ҳисоб сиёсати корхонани ҳисоб юритиш ва ҳисоботлардаги хатолардан ҳимоя қилади.



## **БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ ОСНОВА ПОВЫШЕНИЯ ДОСТОВЕРНОСТИ ОТЧЕТНОЙ ИНФОРМАЦИИ В КЛАСТЕРАХ**

**Аннотация.** Обеспечения эффективности управления кластерами во многом зависит от точных и своевременных информаций и контроля за хозяйственную деятельность. Таковую информацию можно получить от хорошо налаженного бухгалтерского учета. Один из основных факторов является первичный учет. В статье рассматриваются вопросы первичного учета в кластерах, их состояние и совершенствование на основе анализа сегодняшнего положения, а также переход на МСФО.

**Ключевые слова.** Кластер, МСФО, индекс, эффективность, управление, учет, отчетность, документация, инвентаризация, показатели, методология, унификация.

На современном этапе функционирования экономики Узбекистана и в целом мире происходит новый эволюционный виток в развитии интегрированных формирований наиболее перспективным из них считаются кластерные объединение организации, являющихся началом для перехода на инновационный тип развития экономики.

Проведенный анализ свидетельствует о высокой эффективности процесса кластеризации промышленности. Расчеты показали, что в обрабатывающем секторе промышленности интегральный индекс мощности кластера ( $P_c$ ) составляет 0,201 это показывает наличие значительного потенциала роста, возможностей дополнительного привлечения инвестиции, а также субъектов предпринимательства, с повышением уровня кластеризации отраслей экономики.

Опыт ведущих стран показывают, что кластеризация отрасли приводит к повышению эффективности труда в экономике. В отраслях промышленности кластеризация позволяет создать полную производственную цепочку от сырья до готовой продукции, а также сконцентрировать такие отрасли, как наука, торговля, логистика в одной системе.

Кластер – группа организаций, расположенных на одной территории и сотрудничающих друг с другом. Географическая близость дает такой группе компаний (предприятий) много преимуществ: они могут пользоваться одними ресурсами, быстро поставлять друг другу сырьё (продукцию), обмениваться знаниями, технологиями и на основе этого снизить материальных, трудовых и финансовых затрат.

По данным института прогнозирования и микроэкономических исследований. В настоящее время кластеры являются драйвером эффективного развития экономики. Например, в США функционируют 380

кластеров и на их долю приходится 60% ВВП. В Италии функционируют 206 кластеров, на них задействованы 43% трудоспособного населения страны.

В Китае образовано более 60 специализированных кластеров, на них объединены более 30 тысяч различных предприятий, работают более 3,5 млн. человек. В год выпускают продукцию более на 250 млрд. долларов.

В Узбекистане образовано более 500 кластеров. В последнее время объем выпуска продукции увеличился на 32 раза и составлял более 28 трл. сумов.

В период 2018-2022 годов объем инвестиции направленных на развитии кластеров повысился на 5,2 раза, число занятых на них увеличился на 2,5 раза.

В экспорте промышленных продукции в 2018 году составлял 5% а в 2022 году 11,4%. В период 2018-2022 годов производительность труда повысился на 12,9 раза. Все эти данные свидетельствует о том, что кластеры являются одним из перспективных форм управления.

Как показывает практика, в кластерах эффективнее решаются вопросы технического перевооружения производства, повышения производительности труда, рационального использования материальных, трудовых и финансовых ресурсов, улучшения качества и расширения ассортимента вырабатываемой продукции. Показатели работы кластеров, как правило, превосходят показатели группы отдельных предприятий.

На современном этапе функционирования отечественной экономики происходит новый эволюционный виток в развитии интегрированных формирований. Наиболее перспективными из них считаются кластерные объединения организации, являющихся платформой для перехода на инновационный тип развития экономики. Способность внедрения инновации является преимуществом кластерной структуры, позволяющей получать ее участниками дополнительный эффект. Данное преимущество требует совершенствования системы кластером, основанного на применении качественно новых методов и приемов формирования информационного обеспечения.

Первичный учет, бухгалтерский учет, финансовая отчетность как функция управления представляет собой систему количественного измерения и отражения процессов развития экономики в различных ее звеньев с целью обеспечения всех уровней управления достоверной информацией и договорных обязательств, использовании ресурсов и эффективности производства.

Единство системы бухгалтерского учета, обуславливается тем, что учет, который ведется в кластерах, является источником данных, необходимых для правильного руководства и управления. Поэтому все отчетные данные должны базироваться на учете, построенном по единой методологии, обеспечивающей единообразие их содержания с народно-хозяйственной точки зрения.

Одной из основных требований, предъявляемых показателем отчетности их достоверность. Искажение отчетной информации влечет за собой серьезные последствия, поскольку органы управления вводятся в заблуждение

относительно фактического состояния дел в кластерах. Это в свою очередь лишает возможности принимать наиболее рациональное решение руководства кластеров, создает условия для нарушений финансовой дисциплины.

Последние годы в Узбекистане проведена значительная работа по улучшению учета и отчетности. В частности, международные стандарты финансовой отчетности (МСФО).

Переход на МСФО позволяет кластерам, сопоставлять свои экономическими показателями стран развитых экономикой, привлечь больше инвестиций и способствует к выходу на внешний рынок.

В повышении достоверности отчетностей информации одним из основных условий является хорошо налаженный первичный учет. Внедрение в кластерах унифицированных форм первичной учетной документации, перевод управленческого (менеджерского) и финансового учета на комплексную автоматизацию является основной предпосылкой в обеспечении достоверности данных отчетности и оперативности руководства кластером.

Необходимость единства первичной документации и общей методологии получения необходимых разработок особенно проявляется в условиях обработки данных учета на компьютерах. Если учесть, что учетная информация достигает значительных размеров (70-80% объема всей информации), ее обработка осуществляется не эпизодически, а в строго регламентированные сроки и что с помощью учетной информации осуществляется наблюдение, измерение, регистрация и группировка отдельных явлений, из которых складывается хозяйственная деятельность кластеров, то становится ясным значением внедрения унифицированной системы документации.

Решение проблемы формирования отчетной информации на базе единой унифицированной системы первичной документации позволит повысить производительность труда работников аппарата управления, обеспечить максимальную достоверность отчетной информации, будет способствовать созданию единой системы показателей, всесторонне характеризующих многообразную деятельность кластеров и позволит осуществить системное наблюдение за выполнением установленных плановых заданий.

Вместе с тем, практическая деятельность кластеров свидетельствует о том, что наиболее часто допускаемые искажения в отчетности приходятся на показатели: объема выполненных работ, рентабельности, прибыли и себестоимости. Кроме того, отчетность кластеров не в полной мере отражает допущенные производственные упущения; потери от брака, хищения материальных и денежных средств, непроизводительные затраты.

Практическая деятельность кластеров свидетельствует о том, что наиболее распространенные недостатки отчетности сводятся к следующему: завышения объемов работ; приписка фонда заработной платы и расходования его по различным незаконным каналам; неправильное списание материалов в расход и др.

Подобные явления не всегда могут быть установлены на основе показателей отчетности кластеров. Они определяются при помощи аудита, ревизий, специальных проверок, инвентаризаций, различных обследований.

Поэтому одним из проблем повышения достоверности отчетной информации кластеров является совершенствование уровня и эффективности контроля на стадии формирования первичных учетных документов на предприятиях, организациях, фермерских хозяйствах промышленности, торговля, входящих в состав кластера.

Роль учетной информации в обслуживании нужд управления обуславливается ее специфическими признаками: определенная системы сбора учетных данных, сплошная регистрация хозяйственных операций, достоверность отражаемых процессов и явлений. Повышение оперативного бухгалтерского учета во многом зависит от четко налаженного первичного учета, документооборота и своевременной обработки учетной информации.

### **Список использованной литературы**

1. Ахенбах Ю.А. Система управления научно-производственным кластером. Региональные системы, экономика и управление – 2022.
2. Крохичева Т.Е. Корпоративный сетевой учет и отчетности: концепция, методология и организация. Автореферат. Москва 2016.
3. Тетерлева Л.С. Актуальные вопросы внедрения международных стандартов отчетности. Екатеринбург. Изд-во УРФУ, 2012
3. Хмельницкая О.Н. Методические подходы к составлению комбинированной отчетности кластера. Актуальные вопросы экономических наук. – 2015.
4. Хоружий Д.И. Проблемы теории, методологии, методики организации управленческого учета в сельском хозяйстве. М. Финансы и статистика. 2004.
5. Международный стандарт финансовой отчетности (IFRS) для предприятий малого и среднего бизнеса (МСФО для МСБ)
6. Международный стандарт финансовой отчетности (IFRS) 10 «Консолидированная финансовая отчетность (ред. От 07.05.2013).

А.Н.Тўраев  
ТДИУ, “Бухгалтерия ҳисоби”  
кафедраси профессори,  
email: [abdurahim\\_t@mail.ru](mailto:abdurahim_t@mail.ru)

Х.М.Мисиров  
ТДИУ, Мустақил изланувчиси,

## ТЕМИР ЙЎЛ КОРХОНАЛАРИДА МАЖБУРИЯТЛАР ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ҲОС ЖИҲАТЛАРИ

**Аннотация:** Темир йўл корхоналарида халқаро стандартлар асосида мажбуриятлар, яъни аниқ баҳоланган, шартли мажбуриятларнинг бири-биридан ўзаро фарқли жиҳатлари, уларнинг тан олиш ва молиявий ҳисобда ҳамда ҳисоб сиёсатида ҳисобини, қолаверса бошқа маълумотларини тушунтириш бўлимида ҳисобга олиш тартиби очиқ берилган.

**Калит сўзлар:** мажбуриятлар, захира, баҳоланган мажбурият ва шартли мажбурият, кафолат, хизмат кўрсатиш, зарар келтирувчи шартномалар, реструктуризация.

Бугунги кунда мамлакатимиз йирик корхоналарида молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузиш ва тақдим этиш долзарб масалага айланмоқда. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишининг зарурияти яна шу билан белгиланадики, дунё бозорларига чиқиш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш, дунё хом-ашё ва валюта биржаларида ўз ўрнини топиш, дунё банкларидан кредит олиш учун компания ва ташкилотлар томонидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ молиявий ҳисобот тузишни талаб этилиши билан белгиланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини жаҳон андозалари даражасига чиқаришнинг ягона йўли бу молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ва илғор хорижий тажрибаларни, соҳага доир жаҳон адабиётлари ва ҳужжатларини ўрганиш ҳамда уларни мамлакатимиз иқтисодиётининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жорий қилишдан иборатдир. Мазкур жараёнга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611 сонли [1] қарори қилинди. Қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида молиявий ҳисоботда акс эттирилаётган ахборотларнинг сифатини ошириш мақсадида унинг таркиби ва мазмунини ахборот фойдаланувчилар манфаатларига мувофиқлаштириш, ахборотларга ишлов бериш ва уларни узатишда энг илғор усул ва услублардан фойдаланиш, халқаро тажрибалар ва стандартларини ҳамда МХХСлар талабларига тўлиқ мувофиқ келадиган такомиллашган намунавий молиявий ҳисобот форматларини жорий қилиш кун тартибида турган масалалар ҳисобланади. Мана шу ўзгаришлар сўзимиз исботи бўлиб, акциядорлик жамиятлари,

тижорат банклари ва йирик солиқ тўловчилар амалиётига жорий этилмоқда. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бухгалтерия ҳисобининг асосий объектларидан ҳисобланган мажбуриятларга оид ахборотларнинг шаффофлиги ва аниқлигини оширишга хизмат қилади. Жумладан мамлакатимизда фаолият юритаётган темир йўл корхоналарнинг молиявий ҳисоботларида узоқ муддатли кредит қарзлари йилдан йилга ошиб келмоқда.

Айниқса ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида асосий воситани сотиб олиш, бино қуриш, хом-ашёни сотиб олиш, электр энергия ва ишчи кучидан фойдаланиш учун йирик маблағ сарфланади. Бу эса хорижий инвесторлар ва кредиторлардан йирик сармоялар киритилишини талаб қилади.

Бунинг натижасида корхона қарз, займ, кредитлар олиб йилдан-йилга бизнес жараёнини ва иш фаолиятини тартибга солишга ҳаракат қилади, бу эса ҳар бир тармоқда мажбуриятларнинг ошиб кетишига имкон беради ва бу жараёнлар стандарт орқали тартибда солинади.

Шу сабабли, мажбуриятлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш ва ўз вақтида ҳисобот моддаларида акс эттиришни тақозо этади.

Темир йўл корхоналарида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг биринчи бўлими актив, иккинчи бўлими эса капитал ва мажбуриятлардан иборат.

Шундан келиб чиққан ҳолда мажбуриятлар 3га бўлинади.

1. Аниқ мажбуриятлар;
2. Баҳоланган мажбурият;
3. Шартли мажбуриятлар.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мажбуриятлар туркумланишини қуйидаги жадвалда келтириб ўтамиз.

**1-жадвал.**

**Темир йўл корхоналарида МХХС асосида мажбуриятларнинг туркумланиши**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Аниқ мажбуриятлар</b>	<b>Баҳоланган мажбуриятлар</b>	<b>Шартли мажбуриятлар</b>
Таърифи	Корхонанинг ўтган ҳодисалар натижасида иқтисодий ресурсни ўтказиш бўйича мавжуд жавобгарликдир.	Унинг сўндириш вақти ва суммаси ноаниқ бўлган мажбуриятдир	

Тан олиш мезонлари	Баҳоланган мажбуриятларни баҳолаш чоғида ҳисобга олиниши зарур бўлган омиллар. -пулларнинг вақтинчалик • дисконтлаш -келажакда кутилаётган ходисалар • қонун ҳужжатлари, технологиялардаги ўзгаришлар. -ҳаққоний тақдим этиш • мажбуриятни камайтирмаслик, бироқ харажатларни ҳам ошириб кўрсатмаслик. Агар мажбуриятлар суммасини ишончли баҳолаш имконияти бўлмаса, корхона шартли мажбуриятни изоҳларда очиб бериши лозим.	Кутилаётган қийматни ҳисоблаш. Ушбу усул катта жамланмадаги мажбуриятларни, масалан, кафолатлар бўйича баҳоланган мажбуриятлар катталигини баҳолашда қўланилади. Энг эҳтимолий натижадан фойдаланиш Битта мажбурият баҳоланганда қўлланилиши мумкин.	
Баҳолаш усуллари	Узоқ муддатли мажбуриятлар Жорий мажбуриятлар	-кутилаётган қийматни ҳисоблаш -енг эҳтимолий натижадан фойдаланиш	
Ҳисобда акс эттириш	Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда муддати бўйича узоқ ёки жорий мажбурият бўлими	Молиявий ҳисоботнинг тушунтириш қисмида	

*Муаллифлар ишланмаси*

Юқоридаги жадвал натижаларидан аниқ мажбуриятлар, баҳоланган мажбуриятлар, ва шартли мажбуриятларнинг фарқли жиҳатлари ҳамда ҳисобда акс эттиришни фойдалашга хизмат қилади.

Агар мажбуриятлар суммасини ишончли баҳолаш имконияти бўлмаса, корхона шартли мажбуриятни молиявий ҳисоботнинг тушунтириш ва изоҳларда очиб берилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда корхона молиявий ҳисоботида мажбуриятлар (узоқ ва жорий), баҳоланган мажбуриятлар (узоқ ва жорий), шартли мажбуриятлар эса молиявий ҳисоботнинг тушунтириш қисмида очиб берилади.

Қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Баҳоланган мажбурият деганда – унинг сўндирилиши вақти ва суммаси ноаниқ бўлган мажбуриятлар тушунилади.

2. Мажбуриятлар туркумланишига кўра, аниқ мажбуриятлар, баҳоланган мажбуриятлар шартли мажбуриятлар сифатида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

3. Аниқ мажбуриятлар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг узок ва жорий қисмида акс эттирилиши ҳамда таркибига кредиторларнинг қарзлари, шўъба корхоналарга қарзлар, муддати кечиктирилган солиқ қарзлар, олинган аванслар, солиқ қарзлари мақсадли қарзлар, тўланадиган дивидендлар, иш ҳақи, кредит ва қарзлар, ҳамда бошқа мажбуриятларни ўз ичига олади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мажбуриятлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида тўғри акс эттириш натижасида кредиторлар ва қарз берувчилар учун янада ишончли маълумотлардан фойдаланиш имконияти ошишига хизмат қилади.

#### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/4746047>.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. [www.lex.uz/docs/111189](http://www.lex.uz/docs/111189).

3. Международные стандарты финансовой отчетности. [Minfin.ru/ru/performance/accounting/mej\\_standard\\_fo/docs\09.02.2016](http://Minfin.ru/ru/performance/accounting/mej_standard_fo/docs\09.02.2016)

4. Большой бухгалтерский словарь. / Под ред. А.Н. Азрилияна. – М.: Институт новой экономики, 1999. - 574 с.

5. Махмудов С. Акциядорлик жамиятларида мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш. Иқт.фан.ном. дис. ...автореф. – Т., 2006. -22 б.

6. Туйчиев А.Ж. Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий-методологик муаммолари. и.ф.д., дис. – Т., 2011. - 29 б.

7. Очиллов Ф.Ш. Мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори) диссертацияси автореферати. – Т., 2020. -56 б.

8. Д.Э.Норбеков, А.Н.Тўраев, Ш.Ш.Рахмонов. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, 2019. -332 б.

**Х.М. Мисиров**

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

**“Бухгалтерия ҳисоби”кафедраси**

**мустақил изланувчиси**

**[misirovxurshid44@gmail.com](mailto:misirovxurshid44@gmail.com)**

## **ТЕМИР ЙЎЛ КОРХОНАЛАРИДА АКТИВЛАР ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада темир йўл транспорт корхоналарида активлар ҳолати ва уларнинг харакатини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари



асосида юритиш билан боғлиқ жиҳатлар ёритилган. Темир йўл транспорт корхоналарида активларнинг кирими, чикими ва эскиришини бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида ҳисобга олиш ҳамда ҳисоботларда қайд қилиш билан боғлиқ жиҳатларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлигини таъминлаш билан боғлиқ таклиф ва тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодий ресурс, актив, жорий актив, узоқ муддатли актив, бошланғич қиймат ва эскириш қиймат.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида иқтисодиётнинг қон томири бўлган темир йўл транспорти корхоналари фаолиятини ривожлантириш, хизматлар бозорида унинг рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда инновацион йўналишларини амалга ошириш ва уни такомиллаштиришни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Темир йўл транспорти корхоналарини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш масаласи катта аҳамиятга эга бўлиб, бунда активлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда бухгалтерия ҳисоботларини тўғри юритилиши ва уни такомиллаштириш жуда муҳим деб ҳисоблаймиз.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чоратадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинган эди.

Ушбу фармонларга мувофиқ, республикада давлат иштирокини камайтириб, мулкдорлар кўпайишига йўл очади. Шу мақсадда юртимизда бу соҳада катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган ўн йилда 1,2 триллион сўмлик давлат активлари сотилган бўлса, 2022 йилнинг ўзида бу кўрсаткич 11,3 триллион сўмга етган. Яъни, сўнгги бир йилда ўн йил давомида қилинган ишлардан 10 карра кўп натижага эришилган.

Шу жумладан темир йўл корхоналарида олиб борилаётган трансформация ва ислоҳотлар натижасида соҳанинг йўналишларидан бири бўлган носоҳавий объектларни тизимдан чиқариш масаласи бўйича ишлаб чиқилган қарор лойиҳасига асосан жами 13 та носоҳавий корхоналар жамият активларидан чиқарилади. Темир йўл корхоналарида бухгалтерия ҳисобини халқаро принциплар ва стандартларга мувофиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янги нормалар асосида тартибга солишни такомиллаштириш борасида анча ишлар олиб бориляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарорга мувофиқ 2021 йил 1 январдан бошлаб, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналар ўз ҳисоботларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХҲС)га мувофиқ тақдим этиши белгиланган.

Ушбу қонун ва фармонларнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан Германиянинг “DB Engineering & Consulting GmbH” консалтинг компаниясининг мутахассислари

билан биргаликда жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатли 2030 йилгача ривожланиш стратегиялари ҳамда молиявий барқарорлигини ва операцион самарадорлигини ошириш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳалари ишлаб чиқилди. Стратегия қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилган жиҳатлари:

- темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш ва темир йўл транспортининг ҳаракатдаги таркибларини янгилаш, соҳавий ва носоҳавий активларнинг юритилиш ҳисобини назорат қилиш, моддий ва номоддий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

- транспортнинг яхлитлигини, мустақиллигини, ижтимоий-иқтисодий ўсишини таъминлаш ва фуқароларнинг транспортга бўлган эҳтиёжларини қондириш сифатли, қулай ва барқарор транспорт тизимини шакллантириш;

- умумий транспорт харажатларини камайтириш, шу жумладан, темир йўл транспорти фаолияти орқали самарадорлигини ошириш;

- темир йўл транспортининг инвестициявий жозибadorлигини ошириш;

- замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш;

- ташиш сифати ва хавфсизлик даражасини темир йўл транспортининг техник ва технологик ривожланиши асосида аҳоли ва иқтисодиёт талабларига ҳамда жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш.

Шунингдек, Жаҳон банки мутахассислари иштирокида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг секторини трансформация қилиш бўйича Стратегия лойиҳаси ишлаб чиқилди ва чиқилмоқда.

Темир йўл корхоналарида активларни ҳисобга олишда ҳамда молиявий ҳисоботларда тўғри юритилишини назорат қилиш лозим. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлар асосида молиявий ҳисоботларни тузишда активлар, асосан хорижий инвесторлар улуши ёки кредиторлардан қарз эвазига кирим қилинади. Бу эса активлардан тўғри фойдаланиш, унинг самарадорлигини ошириш, қолаверса корхона барқарорлигини таъминлашни талаб қилади.

Активлар хизмат қилиш муддатига қараб узоқ муддатли (айланмадан ташқари) ва жорий (қисқа муддатли) активлар сифатида таснифланади ҳамда уларнинг таркиби 1-расмда келтириб ўтилган.

1-расмда активларнинг иқтисодий моҳияти ҳамда хизмат қилиш муддатларига қараб узоқ муддатли ва жорий активларга туркумлаш ҳамда таркибий қисмларга кенгайтирилган ҳолда таснифлаш тартиби келтирилган. Ҳар қандай корхона ва ташкилот ўз фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш учун активларни самарали бошқаришни амалга оширишга мажбур.

Ташкилот активлари хўжалик фаолиятини юритиш учун мўлжалланган. Улар миқдорий асосга эга-уларни санаш, ёки вазнини ўлчаш мумкин активлардир. Халқаро стандартларда активлар, миллий стандарлардан кескин фарқланиши (1-жадвал)да келтириб ўтилган.



1-расм. Темир йўл корхоналарида активларнинг таркибий тузилиши.

Муаллиф ишланмаси

1-жадвал

**Темир йўл корхоналарида активларнинг МҲХС ва БҲМС бўйича ўзаро фарқли жиҳатлари**

МҲХС	БҲМС	Фарқли жиҳатлари
<b>Узоқ муддатли активлар бўлими</b>		
Айланмадан ташқари активлар	Узоқ муддатли активлар	Номланиши фарқланса-да, лекин маъноси бир хил
Асосий воситалар	Асосий воситалар	Бир хил
Инвестицион мулк	Асосий воситалар таркибида ҳисобга олинади	Ижарадан даромад олиш мақсадида ёки

		капиталнинг қиймати ошиши учун ёки иккаласи учун эгалик қилинаётган мулк
Биологик активлар	Асосий воситалар таркибида қисман ҳисобга олинади	БҲМСда мавжуд эмас
Номоддий активлар	Номоддий активлар	Бир хил
Гудвилл	БҲМСда номоддий активлар сифатида қаралади	
Фойдаланиш ҳуқуқи қўринишидаги актив	Молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар	Бир хил
Уюшмавий компаниялар ва қўшма корхоналарга инвестициялар	Узоқ муддатли инвестициялар таркибида қисман ҳисобга олинади	БҲМСда мавжуд эмас
Асосий воситалар таркибига киритилади	Ўрнатиладиган асосий воситалар	МҲХСда мавжуд эмас
	Капитал қўйилмалар	МҲХСда мавжуд эмас
Кечиктирилган солиқ активлари	БҲМСда мавжуд эмас	
<b>Жорий активлар</b>		
Заҳиралар	Товар-моддий заҳиралар	Заҳиралар активда “Шубҳали қарзлар бўйича заҳиралар”, хусусий капиталда “Заҳира капитали” ва мажбуриятларда “Баҳоланган заҳира” деб номланиши билан фарқланади.
Савдолар бўйича дебитор қарздорлик	Дебиторлик қарзлар	Бир хил
Шартнома бўйича активлар	Дебиторлик қарзларда қисман ҳисобга олинади	БҲМСда мавжуд эмас
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	Пул маблағлари	Бир хил

Ушбу жадвалда узоқ муддатли активларни ва жорий активлар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот билан темир йўл корхоналари балансидаги моддалардан фарқланганини келтирилган.

Бундан ташқари, корхона активлари қандай ҳаракатланиши, халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг ўзига хос жихатлари, активларни бошқариш сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнига ҳолис ва оқилона ёндашиш имконини беради.

Қуйидаги хулосаларга келинди:бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари узоқ муддатли активларни ҳисобга олишнинг концептуал асосини белгилайди. Шунинг учун корхоналарда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва унга амал қилишда мазкур тамойиллар талабини бажариш муҳим аҳамиятга эга.

1.Активни хизмат муддатига қараб узоқ муддатли ва жорий активларга бўлиниши орқали улар бир-биридан кескин фарқланади, яъни узоқ муддатли активларнинг кирими, эскириши, қайта баҳоланиши ҳамда ҳисобдан чиқарилиши бўйича ҳисоботда акс эттирилади.

2.Темир йўл корхоналарида узоқ муддатли (жорий) активлар тавар моддий захиралар, дебиторлик қарзлар, пул маблағлари, сотиш учун мўлжалланган активларни ўз ичига олади.

3.Активлар молиявий ҳисоботда акс этириш учун унинг қийматини ичончли баҳолаш мумкин бўлсагина акс этирилади ҳамда корхона молиявий ҳисоботида тахминий кўрсаткичларда фойдаланишга тўғри келади.

Мисол учун асосий воситаларни 5 йил муддатга фойдаланишга қабул қилинса уни яна қўшимча муддатга фойдаланишни таққозо этади, бу эса асосий воситалардан фойдаланиш даврини тўғри аниқланмасдан вужудга келадиган камчиликлар ва бу камчиликлар натижасида асосий воситаларнинг эскириши хато ҳисобланади, шу сабабли активлар молиявий ҳисоботда ишончли баҳоланганда актив сифатида акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг темир йўл соҳасидаги йирик халқаро лойиҳаларни амалдаги ҳолати ва келгусидаги режалар тўғрисидаги марузаси 16.12.2022 йил

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24-февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон Қарори

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60- сонли Фармони. 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги фармони

4. Ўзбекистон Республиксининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” Қонун янги таҳрири (13.04.2016 йилдаги ЎРҚ-404 сон)

5. Международные стандарты финансовой отчетности: Издание на русском языке.-М: “АСКЕРИ-АССА”, 2016.

6. Д.Э.Норбеков, А.Н.Тўраев, Ш.Ш.Рахмонов. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, 2019. -332 б.

**Музрапова Шаҳноза Сайдуллаевна**  
**ТДИУ, мустақил изланувчиси**  
**Термиз давлат университети**  
**“Бухгалтерия ва аудит” кафедраси ўқитувчиси**  
*shakhnozamuzrapova0406@gmail.com*

## **ИНВЕСТИЦИОН МУЛКНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада инвестицион мулк ҳисобини ташкил этиш ва бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш, уни юритишни такомиллаштириш, норматив-ҳужжатлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** бухгалтерия ҳисоби, актив, узоқ муддатли активлар, инвестицион мулк, ер, бино, асосий восита

**Аннотация.** В данной статье разработаны предложения по организации учета и учета инвестиционного имущества, совершенствованию управления им, нормативные документы.

**Ключевые слова:** бухгалтерский учет, актив, долгосрочные активы, инвестиционная недвижимость, земля, здания, основные средства,

**Annotation.** In this article, proposals have been developed for organizing accounting and accounting for investment property, improving its management, and regulatory documents.

**Key words:** accounting, assets, long-term assets, investment property, land, buildings, fixed assets.

Акциядорлик жамиятларида активлар таркиби узоқ муддатли ва жорий активлар бўлиб, асосий воситалар таркибидан алоҳида қилиб ер ва бинони ижарага бериш мақсадида инвестицион мулк сифатида акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Бу эса, инвестицион мулк сифатида ижарага бериш мақсадида алоҳида модда сифатида ҳисобга олишни тақозо этади.

Инвестицион мулк билан асосий воситаларнинг бир биридан фарқли жиҳатлари мавжуд бўлиб, хизмат қилиш мақсадида қараб фарқланишини 1-жадвалда келтириб ўтамыз:

**1-жадвал**

### **Инвестицион мулк ва асосий воситаларнинг бир биридан фарқланиши**

<b>Асосий воситалар</b>	<b>Ишлаб чиқариш</b>	<b>Хизмат кўрсатиш</b>	<b>Маъмурий</b>	<b>Оператив ижара</b>	<b>Тартибга солувчи халқаро Стандартлар</b>
Ер	+	+	+	Инвестицион мулк	40-БҲҲС
Бино	+	+	+		40-БҲҲС
Машина ва ускуналар	+	+	+	+	16-БҲҲС
Мебел ва	+	+	+	+	16-БҲҲС

офис жиҳозлари					
Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси	+	+	+	+	16-БҲҲС
Транспорт воситалари	+	+	+	+	16-БҲҲС
Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар	+	+	+	+	16-БҲҲС
Кўп йиллик ўсимликлар	+	+	+	+	16-БҲҲС
Бошқа асосий воситалар	+	+	+	+	16-БҲҲС

*Муаллиф ишланмаси.*

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, асосий воситаларнинг ҳаммаси ҳам инвестицион мулк бўла олмайди, ер ва бино инвестицион мулк сифатида қаралади, қолган активлар эса асосий воситалар сифатида ҳисобга олинади.

Қуйидагилар инвестицион мулкга мисол бўлади:

- одатдаги фаолияти доирасида қисқа муддатда сотиш учун эмас, балки узоқ муддатда капиталнинг қиймати ошиши мақсадида тутиб туриладиган ер.
- келгуси фойдаланиш мақсади белгиланмаган ер.
- ташкилотнинг ўз мулкида бўлган ва бир ёки ундан ортиқ оператив ижара шартномаси асосида ижарага берилган бино.
- бўш турган, аммо бир ёки ундан ортиқ оператив ижара шартномаси асосида ижарага беришга мўлжалланган бино.
- келгусида инвестицион мулк сифатида фойдаланиш учун қурилаётган ёки такомиллаштирилаётган кўчмас мулк.

Инвестицион мулк келгуси иқтисодий нафлар келтириши эҳтимоли мавжуд бўлганда ва унинг бошланғич қийматини ишончли баҳолаш мумкин бўлганда тан олинади.

Инвестицион мулкни тан олишда ҳисоб бирлигини аниқлаш мулоҳаза юритишни талаб этади. Алоҳида компонент муҳимлиги жиҳатидан алоҳида ёки жамланган тарзда ҳисобга олиниши мумкин.

Инвестицион мулк асосан, корхонанинг қолган бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлмаган пул маблағларини жамғариб беради.

16-сон МҲҲС “Ижара”[8]га мувофиқ, ер ва бино ижара мақсадларида алоҳида ҳисобга олиниши белгиланган. Агар ижарачи ушбу объектларни инвестицион мулки сифатида тан олса ва ҳаққоний қиймат моделини танласа, уларни ягона ҳисоб бирлиги тарзида акс эттиради.

Инвестицион мулк бухгалтерия ҳисобида бошланғич қиймати ва ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олинади. Инвестицион мулк бошланғич қиймат модели бўйича унга эскириш ҳисобланади, аммо ҳаққоний қиймат модели бўйича эскириш ҳисобланмайди.

Бошланғич қиймат бўйича худди асосий воситалар ҳисоби билан бир хил ҳисобга олинади, аммо ҳаққоний қиймат бўйича фарқ қилади ва унинг ҳисобга олиниш тартиби бўйича фарқли 2-жадвалда келтирамиз.

**2-жадвал**

**Ҳаққоний қиймат бўйича асосий воситалар ва инвестицион мулкнинг фарқли жиҳатлари**

<b>Асосий воситалар</b>	<b>Инвестицион мулк</b>	<b>Фарқли жиҳатлари</b>
Қайта баҳолаш мунтазам равишда	Ҳар бир ҳисобот санасига	Асосий воситалар қиймати ҳар ойда бозор қиймати ўзгариб туради, инвестицион мулк эса ижара мақсадида ҳисобга олинади
Резерв капиталига	Фойда ва зарарга	Асосий воситалар қайта баҳоланса молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг капитал бўлимидаги резерв капиталида, инвестицион мулк эса фойда ёки зарар сифатида акс эттирилади
Эскириш ҳисобланади	Эскириш ҳисобланмайди	Инвестицион мулк ўз қийматини камайтирмайди, асосий воситалар эса эскириш қийматига бошланғич қиймати ўзгаради.

*Муаллиф ишланмаси.*

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, инвестицион мулк ва асосий воситалар ҳаққоний қиймати бўйича бир биридан кескин фарқ қилади ҳамда ҳисоби алоҳида юритилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инвестицион мулк бу узоқ муддатли актив бўлиб, асосий воситалардан фарқли равишда асосий мақсади ижарга бериш мақсадида ҳисобга олинади ҳамда 40-сонли БҲХС-«Инвестицион мулк» стандарти асосида тартибга солинади.

1. Инвестицион мулк дейилганда ижара тўловларини олиш ёки капитал қийматини ошириш, ёки иккала мақсадни кўзлаб эгаликда бўлган (мулкдор ёки ижарага олувчининг фойдаланиш ҳуқуқи шаклидаги актив сифатида) кўчмас мулк бўлиб, у товарларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришда, хизматлар кўрсатишда, маъмурий мақсадларда фойдаланиш учун, шунингдек, оддий фаолият давомида сотиш учун мўлжалланмаган актив тушунилади.

2. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг узоқ муддатли активлар таркибида асосий воситалардан алоҳида сифатида “Инвестицион мулк”



моддасини ҳисобга олиш лозим. Бу эса, уни ҳисобда акс эттиришда асосий воситалар ва инвестицион мулкларнинг бир биридан фаркланишини ўз ичига олади.

3. Ҳаққоний қиймат бўйича асосий воситалар ва инвестицион мулкнинг фарқли жиҳатлари асосий воситалар қиймати ҳар ойда бозор қиймати ўзгариб туради, инвестицион мулк эса ижара мақсадида, асосий воситалар қайта баҳоланса молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг капитал бўлимидаги резерв капиталида, инвестицион мулк эса фойда ёки зарар сифатида, шунингдек эскириш бўйича инвестицион мулк ўз қийматини камайтирмайди, асосий воситалар эса эскириш қийматига бошланғич қиймати ўзгаради.

Юқоридагилардан, келиб чиққан ҳолда, инвестицион мулк ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш ва молиявий ҳисоботнинг алоҳида шакли “молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда” акс эттирилишига хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24-февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/4746047>.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 507-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4966554>.

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022 йил 10-ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва унга тушунтиришлар матнини тан олиш тўғрисида» 61-сон буйруғи. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 9 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3400). <https://lex.uz/uz/docs/6312360>.

4. 40-сон «Инвестицион мулк» бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти.

5. 16-сон «Асосий воситалар» бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти.

6. 13-сон «Ҳаққоний қийматни баҳолаш» молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти.

7. 5-сон «Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолият» молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти.

8. 16-сон «Ижара» молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти.

9. Д.Э.Норбеков, А.Н.Тўраев, Ш.Ш.Рахмонов. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисод-молия, 2019. -332 б.

10. <http://www.ifrs.org/Pages/default.aspx>

## **КЛАССИФИКАЦИЯ РАСЧЕТНЫХ ОПЕРАЦИЙ ВНЕШНЕЭКОНОМИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

**Аннотация:** В статье раскрывается классификация расчетных операций внешнеэкономической деятельности хозяйствующих субъектов при учете экспортно-импортных операций, пути решения проблем, изменения и нормативные акты в экспортно-импортной сфере в нашей стране на сегодняшний день, а также даются выводы и предложения в рамках темы.

**Ключевые слова:** экспорт, импорт, экономика, внешняя, торговля, инвестиции, субъект, банк, товарно-денежные средства, бухгалтерский учет, международный, документ, аккредитив, инкассо, назначение платежа, чек, договор.

Расчеты по внешнеэкономической деятельности состоят из системы организации и контроля платежей по финансовым заявкам и обязательствам, возникающим при осуществлении внешней деятельности между государствами, гражданами, находящимися на территории разных стран. Основными посредниками в международных расчетах являются банки, обеспечивающие межстрановое перемещение денежных инструментов своих клиентов на основе корреспондентских счетов, участники внешнеэкономической политики. Основная часть международных платежей осуществляется в безналичной форме.

На состояние расчетов по внешнеэкономической деятельности в комплексе влияют следующие факторы:

- ✓ ситуация на денежном и товарном рынках,
- ✓ эффективность мер по межгосударственному контролю за трансграничным перемещением товаров,
- ✓ услуги и инвестиции,
- ✓ регулирование темпов инфляции в отдельных странах,
- ✓ состояние платежного баланса,
- ✓ условия внешнеторговых соглашений и международных правил.

Предметом расчетов по внешнеэкономической деятельности являются экспортеры и банки. Они осуществляются в соответствии с действиями товарно-денежных распределительных документов и перепиской, связанной с регистрацией платежей. Банковские правила и традиции также имеют большое значение.

Расчетные операции по внешнеэкономической деятельности делятся на две группы:

I. К сборам, которые должны быть задокументированы:

1. Документально подтвержденный аккредитив;
2. Все платежи, произведенные с помощью incasso, включают в себя.

## II. К недокументированным сборам:

1. Назначение платежа;
2. Чеки;
3. Swift (SWIFT).

Можно выделить следующие четыре финансово–платежных условия внешнеторгового соглашения:

1. Валюта цены;
2. Валюта платежа;
3. Условия оплаты;
4. Форма отчетности.

Условия оплаты определяют валюту платежа, способ и порядок учета поставленного товара, перечень документов, которые должны быть представлены для оплаты, меры по необоснованной задержке платежа или защите от других нарушений условий оплаты по договору.

Принимая во внимание вышеизложенное, мы можем дать следующие выводы и предложения:

Прежде всего, необходимо, чтобы все договоры купли-продажи оформлялись вместе со страховкой. В зависимости от условий договора. Эти обязательства возлагается либо на продавца, либо на покупателя. Если эти обязательства не оговорены в форме сделки, стороны, подверженные риску случайного повреждения товара во время транспортировки, заинтересованы в страховании товара.

Во-вторых, в статье, посвященной вопросам страхования, стороны договора должны предусмотреть: какой груз должен быть застрахован, какой вид риска должен быть застрахован, какая из сторон будет осуществлять страхование, и в чью пользу оно будет осуществляться.

В-третьих, во внешнеторговых соглашениях страховка должна быть главным аспектом при транспортировке товаров;

В-четвертых, основными посредниками в международных расчетах являются банки, которые являются участниками внешнеэкономической политики и обеспечивают между странами перемещение денежных инструментов своих клиентов на основе корреспондентских счетов, и мы также считаем, что расчеты по внешнеэкономической деятельности допустимы для улучшения экономической деятельности в коммерческих банках.

### **Список использованной литературы**

1. Постановление Президента Республики Узбекистан, от 24.02.2020 г. № ПП-4611 «О дополнительных мерах по переходу на международные стандарты финансовой отчетности»;
2. Закон Республики Узбекистан, от 13.04.2016 г. № ЗРУ-404 «О бухгалтерском учете» (новая версия);
3. Постановление президента Республики Узбекистан от 07.05.2020 PQ-4707 "О мерах по дальнейшей поддержке экспортной деятельности"

## **KORXONALARDA PUL MABLAG’LARI HISOBINI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH USULLARI**

**Annotasiya:** Maqolada pul mablag’i tushunchasi haqida to’xtalib, Buxgalteriya hisoboti milliy standarti unda belgilangan umumiy qoidalar, maqsadi, amal qilish sohasi, pul mablag’i kabi tushunchalar aks etgan. Qolaversa, maqolada pul mablag’lari oqimining shakllanishi, o’zlik mablag’lari, jalb qilingan mablag’lar, qarz mablag’lari, operativ pul mablag’lari to’g’risida ham ma’lumot keltirib o’tilgan. Korxonalarda pul mablag’lari oqimini samarali boshqarish va optimallashtirishdagi bir qancha tamoyillar keltirib o’tilgan.

**Kalit so’zlar:** pul oqimi, aktiv, aktivlar guruhi, mablag’lar oqimi, ekvivalent, hisobot, moliyaviy ahvol, baholash, subyekt, o’zlik mablag’lari, jalb qilingan mablag’lar, qarz mablag’lari, operativ pul mablag’lari, foyda, prognozlash, bozor munosabatlari, ustav kapitali, mulk egalari, iqtisodiy o’sish, biznes, mulk.

Jamiyatimizda iqtisodiyot sohasini rivojlantirish borasida bir qancha islohotlar amalga oshirilmoqda. Bu borada iqtisodiy o’sish, biznes, shuningdek, tadbirkorlik faoliyatini qo’llab –quvvatlash orqali ko’plab natijalarga erishildi. Bozor munosabatlari sharoitida pul mablag’laridan oqilona foydalanish, ayniqsa, korxonalarda pul mablag’lari oqimini oshirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Respublikamizda 2017-2021 yillarda rivojlanishining beshta ustuvor yo’nalishlari bo’yicha Harakatlar strategiyasida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik, xususan, korxonalarining ishlab chiqarish salohiyati va qiymatini oshirishdagi vazifalari alohida belgilab berilgan edi. Ushbular ijrosini amalda tadbir etish yuzasidan bir qancha muhim vazifalar belgilab berilib, aniq maqsad va vazifalar amalga oshirilib kelinmoqda. Mamlakatimizda iqtisodiyot sohasini rivojlantirish, korxonalarda pul mablag’lari hajmini oshishiga, shuningdek, pul mablag’lari oqimini prognozlash muhim vazifalardan biridir.

O’zbekiston Respublikasi Davlat mulkini boshqarish davlat qumitasining qarorining ilova qismida 1-bobi ya’ni, Umumiy qoidalarida pul oqimi tushunchasiga alohida to’xtalib o’tilgan.<sup>27</sup>

Ya’ni, pul oqimi-muayyan davr mobaynida aktiv, aktivlar guruhi, korxonalar tomonidan yaratiladigan pul mablag’lari oqimi deb keltirib o’tilgan.

Pul oqimi to’g’risidagi hisobot O’zbekiston Respublikasi Buxgalteriya hisoboti milliy standarti 9-son BHMS da Umumiy qoidalari, maqsadi, amal qilish sohasi, pul oqimi, harakati to’g’risidagi axborotni, bilish foydaliligi, tushunchalar,

---

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат mulки қўмитасининг 2009 йил 6 октябрдаги 01/19-18/19 сон қарори

pul mablag'i va ekvivalentlari pul oqimlari to'g'risidagi hisobotni taqdim etish kabilar to'g'risida alohida qayd etilgan.<sup>28</sup> Ushbudan kelib chiqib, pul oqimlari to'g'risidagi hisobot undan foydalanuvchilarga xo'jalik yurituvchi subyektning moliyaviy ahvolidagi o'zgarishlarni baholashga imkon beradi.

O'zbekiston Respublikasi Moliya Vazirining "Moliyaviy hisobot shakllari va ularni to'ldirish bo'yicha qoidalarni tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i<sup>29</sup> pul oqimlari to'g'risidagi hisobot, xususiy kapital to'g'risidagi hisobot kabilar alohida keltirib o'tilgan.

Korxonalarda pul mablag'lari oqimining iqtisodiy mohiyati, asosiy xususiyatlari, korxonada pul mablag'laridan samarali foydalanish, korxonaning pul mablag'lari oqimini shakllanishi asosiy vazifalardir.

Pul mablag'lari harakati hisoboti moliyaviy hisobotning umumlashgan daromad, moliyaviy holat va kapitaldagi o'zgarishlar to'g'risidagi hisobotlar qatoridagi asosiy hisobotlaridan biri hisoblanadi.

Korxonaning pul mablag'lari oqimini shakllanishi, o'zlik mablag'lari, jalb qilingan mablag'lar, qarz mablag'lari, operativ pul mablag'lari asosiy o'ringa ega.

Ushbu tushunchalar haqida to'xtalib o'tarkanmiz, pul mablag'lari va ularning ekvivalentlari taokibidagi o'zgarishlar xususida ham fikr yuritish joiz. Ushbular bo'yicha quyidagilarni keltirishimiz joiz:

Pul mablag'lari hisobot davrida pul mablag'lari va larning ekvivalentlari tarkibidagi o'zgarishlar to'g'risidagi ma'lumotlarni, hisobot davridagi o'zgarishlar to'g'risidagi ma'lumotlarni, hisobot davridagi pul oqimlarini operasion, investisiya va moliyaviy faoliyatlar bo'yicha tasniflash orqali yoritib beradi.

Yuqorida korxonaning pul mablag'lari oqimini shakllanishi asosiy o'ringa ega ekanligi ta'kidlanib o'tildi. Ushbular bo'yicha ma'lumot berib o'tsak. O'zlik mablag'lariga (ustav kapitali, qo'shimcha kapital, rezerv kapitali, taqsimlanmagan foyda, amortizatsiya fondi, jamg'arma fondi), jalb qilingan mablag'larga (qimmatli qog'ozlar emissiyasidan shakllangan fond, dividendlar bo'yicha hisobotlar, kelgusi davr daromadlari, kutiladigan xarajatlar rezervlari), qarz mablag'lari (bank kreditlari, kreditorlik qarzlari, faktoring, lizing va boshqa fondlar), operativ pul mablag'lari (mehnat fondi to'lash uchun fond, dividendlar to'lash uchun fond, byudjetga to'lovlar va boshqalar uchun).

Korxonada o'z faoliyatini boshlashda zarur bo'lgan mulkni sotib olishni hamda ishlab chiqarishni yuritishni moliyalashtiradigan asosiy manba bo'lib korxonaning ustav kapitali shaklida jamg'ariladigan mulk egalari mablag'lari korxonada belgilangan tartibda shakllangan boshqa kapitallar hamda ta'sisчилarning ishlab chiqarishni kengaytirishi uchun qoldirgan foydalari hisoblanadi.

Korxonalarda pul oqimi tushunchasi korxonada tijorat faoliyatining sof pulli natijasi sifatida ifodalaniib, ular harakatlanishining yo'nalishi bo'yicha, tushumlarning tavsiflari bo'yicha, guruhlariga ajratish mumkin.

---

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1998 й. 4 ноябрь 519 сон.

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон буйруғи

Pul oqimi o'z harakatining yo'nalishi bo'yicha pul mablag'lari kirimi, pul mablag'lari chiqimiga ajratilsa, tushumlar tavsifi bo'yicha bir xil va doimiy ravishda bo'lmagan tushumi pul oqimi, bir xil bo'lgan lekin doimiy ravishda bo'lmagan tushumi pul oqimi, bir xil miqdordagi va doimiy bir muddatda tashuvchi pul oqimi, har qanday moliyaviy bitimda maqsad ikki yo'nalishdagi pul oqimi to'g'risida boradi, 1. Hozirdan kelgusiga tomon, 2. Kelgusidan hozirga tomon.

Korxonalarda pul mablag'lari oqimini samarali boshqarish va optimallashtirishda axborotlarning ishonchliligi tamoyili, balanslashtirilish tamoyili, samaradorlikni ta'minlash tamoyili, likvidlikni ta'minlash tamoyili kabi tamoyillar orqali amalga oshiriladi.

Korxonalar boshqaruv siyosatida pul oqimlarini boshqarish muhim ahamiyatga ega. Jumladan, korxonalarda pul mablag'laridan samarali foydalanish maqsadida pul mablag'larini boshqarish siyosatini ishlab chiqish, pul mablag'lariga bo'lgan zarur minimal ehtiyojni aniqlash, ma'lum bir belgilangan muddatda pul mablag'lari qoldig'ining tebranish diapazonini aniqlash, pul mablag'lariga bo'lgan ehtiyojni maksimal darajada kamaytirish maqsadida to'lov oqimlarini to'g'irlash, pul mablag'larini tez aylauvchanligini ta'minlash, vaqtinchalik bo'sh pul mablag'larining rentabelligini ta'minlash kabilardir.

Aynan pul oqimlarini boshqarish va undan samarali foydalanishda faqatgina pul mablag'lariga bo'lgan ehtiyojni aniqlash, vaqtinchalik bo'sh pul mablag'larining rentabelligini ta'minlash kabilardan bilan birgalikda, korxonalar boshqaruv siyosatida pul oqimlarini boshqarish muhim ahamiyatga egadir.

Korxonalar boshqaruv siyosatida pul oqimlarini boshqarishni samarali yo'lga qo'yish orqali yuqorida keltirib o'tilgan jarayonlar shakllanib boradi.

Korxonalarda pul oqimlarini boshqarish moliyaviy faoliyatni yanada rivojlantirishdan iboratdir.

Korxonalar qiymatini boshqarish, investisiyalarni jalb qilishga doir izlanish va tadqiqotlar A.Marshall<sup>30</sup>, J.Mill, D.Rikardo<sup>31</sup>, A.Smit<sup>32</sup> kabi vakillar shug'ullangan.

Yuqoridagilardan xulosa va taklif sifatida quyidagilarni keltirish maqsadga muvofiq:

Pul oqimlari hajmiga va ularning vaqt bo'yicha shakllanish xarakteriga ta'sir etadgan omillarni hisobga olish;

Korxonalarda pul oqimlarini samarali boshqarishni yo'lga qo'yib borish;

Korxonalarda pul oqimlaridan samarali foydalanish bo'yicha aniq mexanizmlar ishlab chiqish;

Pul oqimlari va ularni shakllantirishda aniq chora-tadbirlar rejasini ishlab chiqish;

Ushbular bo'yicha xalqaro standartlarga mos ravishda tajribalar almashishni yo'lga qo'yish;

Korxonalar aylanma mablag'larini foizli va foizsiz qarzlarni olish orqali to'ldirish;

<sup>30</sup> Маршалл А.Принципы экономической науки. Т.1.и 2. –Изд РОО,1996

<sup>31</sup> Милл Дж.Основы политической экономии. Пер с англ.-Т.1-3.-М:Прогресс,1980-1981

<sup>32</sup> Рикардо Д.Начало политической экономии и налогового обложения. Том 1. Пер.с.англ.- М.:Госполитиздат,1955

Ustav fondini kupaytirish orqali korxonaning aylanma mablag'larini to'ldirish;  
Savdo maqsadlarida bir qancha shartnomalar tuzishni yo'lga qo'yish;  
Tovarlarni sotish va xizmatlarni ko'rsatishdan pul mablag'larining kelib tushishi;

Moliyaviy yoki investisiya faoliyatiga aniq tegishli bo'lmagan foyda solig'i bo'yicha pul mablag'larining to'lovi yoki ularning qaytarilishi.

Ushbu tahlillar, izlanishlar shuni ko'rsatadiki, korxonalarda pul oqimlaridan samarali boshqarish, korxonada aylanma mablag'larini foizli va foizsiz qarzlarni olish orqali to'ldirish, ustav fondini kupaytirish orqali korxonaning aylanma mablag'larini to'ldirish, savdo maqsadlarida bir qancha shartnomalar tuzishni, yo'lga qo'yish, moliyaviy yoki investisiya faoliyatiga aniq tegishli bo'lmagan foyda solig'i bo'yicha pul mablag'larining to'lovi yoki ularning qaytarilishi kabilar orqali korxonalarda pul oqimlari jarayonini yanada takomillashtirish sifatida qarash mumkin va ushbu taklif va tavsiyalar orqali takomillashtirish mumkin.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1.O'zbekiston Respublikasi davlat mulki qo'mitasining 2009 yil 6 oktyabrdagi 01/19-18/19 son qarori

2.O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi 1998 y. 4 noyabr 519 son.

3.O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirining 2002 yil 27 dekabrda 140-son buyrug'i

4.Marshall A.Prinsipy ekonomicheskoy nauki. T.1.i 2. –Izd ROO,1996

5.Mill Dj.Osnovy politicheskoy ekonomii. Per s ang.-T.1-3.-M:Progress,1980-1981

6.Rikardo D.Nachalo politicheskoy ekonomii i nalogovogo oblojeniya. Tom 1. Per.s.ang.-M.:Gospolitizdat,1955

**Дилфуза Ташназарова**

**PhD. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

### **ТАННАРХ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТАРКИБИЙ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада таннархи бухгалтерия ҳисоби алоҳида ўрганиш лозимлиги таъкидлаган. Унинг асосий таркибий масалалари ёритиб берилган. Таннарх бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифалари белгиланган. Таннарх бухгалтерия ҳисобининг таърифи ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** таннарх бухгалтерия ҳисоби, бошқарув бухгалтерия ҳисоби, таннарх, костинг тизимлари, харажатлар.

Бугунги кунда бизнинг амалиётимизга бошқарув бухгалтерия ҳисоби тўлиқ кириб келди. Унинг асосий мақсади ички ахборот фойдаланувчилар, яъни менежерларга қарорлар қабул қилишлари учун ахборотларни тан олиш, ишлов бериш, ҳисобот тайёрлаш ва тақдим қилиш тизимидир. Хорижий адабиётлар ва тажрибаларни тадқиқ қилиш шуни кўрсатадигани, бошқарув бухгалтерия ҳисоби таркибида таннарх бухгалтерия ҳисобини алоҳида тадқиқ қилиш, унинг методологиясини такомиллаштириш ва амалиётга жорий қилиш долзарб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун таннархнинг камайиши керак”. Шу боис, таннарх масаласи, уни аниқлаш услуби билан шуғулланган алоҳида фан таннарх бухгалтерия ҳисоби бўлиши керак деб ҳисоблаймиз.

Таннарх бухгалтерия ҳисоби асосий мақсади менежерларни қабул қилаётган қарорларини асослаш мақсадида корхона харажатлари, бюджетлари, баҳоларини белгилаш ва корхонанинг келгусидаги ривожлантириш йўналишларини белгилаб олиш бўйича объектив, сифатли ва тезкор ахборотлар билан таъмин этишга доир назарий ва амалий билимларни шакллантиришдан иборат.

Фаннинг асосий вазифалари харажатлар моҳияти ва таснифи, устама харажатларни ҳисобга олиш ҳамда маҳсулотлар таннархини кастинг қилишнинг усуллари, бюджетлаштириш ва назорат, харажатларнинг бошқарув таҳлили, бошқарув қарорларини асослашда харажатлар тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланиш, баҳолашнинг методологик асосларини белгилаш бўлиб ҳисобланади.

Таннарх бухгалтерия ҳисоби масалаларини чуқур ўрганиш бошқарув ҳисоби бухгалтерлари менежмент қарорларини қабул қилишда бошқарув ҳисоби маълумотларини тайёрлаш, тақдим қилиш ва қўллаш бўйича зарур билимларга, кўникмаларга, компетенцияларга эга бўладилар.

Таннарх бухгалтерия ҳисоби таркиби масалаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар бошқарув тизимида таннарх бухгалтерия ҳисобининг тутган ўрни ва аҳамиятини, молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби ўртасидаги алоқалар ва фарқли жиҳатларни очиқ бериш;
- корхоналарда бошқарув ҳисобини, жумладан таннарх бухгалтерия ҳисобини ташкил этилиши, унинг концепцияси ва таркибий қисмлари ҳамда корхона менежмент тизимида тутган ўрни масалалари;
- бошқарув ҳисоби мақсадларида харажатларнинг тавсифи ва таснифи ҳамда харажатларнинг чизикли функциялари масалаларини очиқ бериш;
- таннархнинг асосий элементлари, жумладан, хом-ашё ва материалларнинг таннархи бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий-методологик тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш;



- меҳнат ҳақини ҳисоблашнинг замонавий тизимлари, меҳнат унумдорлиги ҳамда меҳнат ҳақи харажатларининг бошқарув мақсадларидаги ҳисобининг услубий тартиб-қоидаларини шакллантириш;
- устама (накладной) ишлаб чиқариш харажатларни (УИЧХ) ҳисобга олишнинг анъанавий ва функционал усулларининг қўлланилишини бўйича методологиясини тавсия этиш;
- маҳсулот таннархини костинг қилиш буюртмали костинг ва жараёнли костинг тизимларини жорий қилиш;
- комплекс ишлаб чиқаришда қўшма маҳсулот ва иккиламчи маҳсулот таннархини аниқлаш усулларини қўллаш методологиясини такомиллаштириш;
- харажатларни тўлиқ тақсимлаш (absorption costing) ва ўзгарувчан харажатлар (variable costing) усуллари бўйича ҳисобга олиш услубиёти жорий этиш;
- бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш ва харажатларни назорат қилиш масалалари;
- маҳсулот таннархини костинг қилишнинг норматив усули (стандарт костинг) билан танишиш ва харажатларнинг нормативлардан четланишларини таҳлил қилиш масалалари;
- CVP (Cost Volume Profit) таҳлилинини ўтказиш;
- бошқарув қарорларини асослашда ва назорат қилишда бошқарув ҳисоби ахборотларидан фойдаланиш;
- баҳолаш ва баҳолаш бўйича қарорлар қабул қилиш;
- трансферт баҳони шакллантириш бўйича амалий кўникмаларни шакллантириш;
- корхоналарнинг таннархи бўйича сегментар ҳисоботини тузиш ва тақдим қилиш тартибни ўрганиш.

Бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири бевосита инглиз тилидаги, жумладан, “Cost accounting: A Managerial Emphasis, 7 th edition Charles T. Horngren/George Foster 2006.”, “L. E. Heitger, S. Matulich. Cost accounting. Mc.Graw-Hill Book Company, 2006.”, “Management and Cost Accounting. 10th Edition Colin Drury Publisher: Annabel Ainscow<sup>33</sup>” ва бошқа нуфузли дарсликларни тадқиқ этиш ва уларни мамлакатимиздаги олий таълим тизимида жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бухгалтерия ҳисоби тараққиётида бошқарув (менежментлик) ҳисоби муаммолари ва менежмент бухгалтерларни сертификатлаш масалалари билан шуғулланадиган АҚШдаги **Менежмент Бухгалтерлар Институтини (ИМА)** катта роль ўйнайди. ИМА бухгалтерларнинг йирик профессионал ташкилотларидан бири ҳисобланган

**Тайёр маҳсулотлар (ишлаб чиқариш харажатлари) таннарх ҳисоби** - бу тайёр маҳсулотлар таннархига доир бўлган ахборотларни ўлчаш, баҳолаш, бухгалтерия ёзувини амалга ошириш, таҳлил қилиш ҳамда таннарх

<sup>33</sup> <https://www.pdfdrive.com/management-and-cost-accounting-e183857367.html>

ҳисоботини тузишда қўлланиладиган усуллар, тизимлар ва муолажалар муажмуасидан иборат тизимдир. Тайёр маҳсулотлар таннарх ҳисобига доир адабиётларда таннарх ҳисоби тизимининг қуйидаги тўртта бир-биридан фарқ қиладиган фаолиятларини қайд қилишган:

1. Тайёр маҳсулотлар таннархни ўлчаш ва баҳолаш;
2. Тайёр маҳсулотлар таннархга оид бухгалтерия ёзувларини амалга ошириш;
3. Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар таннархни тўғрисидаги ҳисоботни тузиш ва менежерларга тақдим қилиш;
4. Тайёр маҳсулотлар таннархини таҳлил қилиш.

Биз тадқиқотлар асосида таннарх бухгалтерия ҳисобига қуйидагича таърифни бердик: **“Таннарх ҳисоби (Cost accounting)** деганда режалаштириш, нархларни белгилаш, маҳсулотни ишлаб чиқаришни давом эттириш ва кенгайтириш, харажатларни оптималлаштириш, ходимлар меҳнатини рағбатлантириш ва менежментнинг бошқа соҳаларига оид қарорлар қабул қилиш учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, иш ва хизматлар, жараёнлар, фаолиятлар ва таннархнинг бошқа объектлари бўйича бюджетлар, стандарт таннарх ҳамда харажатларни тан олиш, таснифлаш ва тақсимлаш асосида ҳақиқий таннархини белгилаш, шунингдек, четланишлар ва рентабеллик таҳлилинини ўтказишдан иборат тизим тушунилади”.

Ушбу таъриф бир қанча хусусиятлари билан ажралиб туради. Биринчидан, таннарх маълумотлари қайси мақсадлардаги қарорларни қабул қилиш учун кераклиги таъкидлаб ўтилган. Иккинчидан, таърифда таннархга доир қандай ахборотлар, жумладан бюджетлар, стандарт таннархи, ҳақиқий таннарх тўғрисидаги маълумотларни таёрлаш тизининг эканлиги қайд этилади. Учинчидан, четланишлар ва рентабеллик таҳлилинини ўтказиш учун зарур эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Юқоридаги тадқиқотлар асосида хулоса қилишимиз мумкинки, бошқарув ҳисоби таркибида таннархи бухгалтерия ҳисоби алоҳида ўрин тутаяди. Мақолада таннарх бухгалтерия ҳисоби доирасида ўрганиладиган масалалар очиқ берилди. Тайёр маҳсулотлар (иш, хизматлар) таннархи ҳисоби ва таннарх бухгалтерия ҳисобига таъриф берилди. Ушбу таърифлар таннарх бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифаларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Heitger, Lester E. Cost accounting. 1993. <https://www.amazon.com/Cost-Accounting-Lester-Heitger/dp/0070279918>
2. <https://yandex.ru/yandsearch?clid=2039342>
3. Executive programme COST AND MANAGEMENT ACCOUNTING Printers/October, 2015/5000. 5-6-p.

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ АҲОЛИГА ЕТКАЗИШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

**Аннотация:** Мақолада маъмлакатимиздаги аҳолининг туршут даражаси яхшилаш ҳамда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш. Электр энергиядаги камчиликларни бартараф этиш ва аҳолига етказиш тизимини такомиллаштиришнинг мақсади ва вазифалари тўғри тартибда юналтириш кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар.** Электр станция, электра энергия, Иқтисодиётни ривожлантиришда, генератор, энергия таъминоти, Атом электр станциялари.

**Кириш.** Маъмлакатимизда йилдан йилга аҳолининг кўпайиб бормоқда шунинг натижасида аҳолининг электр энергиясига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар саноат соҳасини ҳам қамраб олмақда. Бугунги кунда электра энергия соҳасига мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган “Харакатлар стратегияси”нинг учинчи йўналиши иқтисодиётга бағишланганлиги бежиз эмас. Иқтисодиётни ривожлантиришда электра энергия корхоналари ўрни ошиб бормоқда. Электра энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Электр станцияларида механик, атом ва бошқа турдаги энергиялар электр энергиясига айлантирилади. Ҳозирги кунда иссиқлик, сув, шамол ва атом электр станциялари кенг тарқалган. Иссиқлик электр станцияларида (ИЭС) ёқилғининг энергияси электр энергиясига айлантирилади. Сув энергиясидан фойдаланиб ишлайдиган электр станциялари гидроэлектр станциялар (ГЭС) дейилади. Электр энергияси анна шулар орқали ҳосил қилинади. ГЭС учун дарё темир бетонг билан тўсилади. Бунда дарё суви кўтарилади ва махсус қолдирилган қувур орқали чиқарилади. Бу ерда катта парракли двигател бўлади. Сув паррақларга урулиб ғилдиракни айлантиради. У билан бирга генераторнинг ротори айланади ва генератор электр энергиясини ишлаб чиқаради. Дастлабки ГЭСлар 19-аср ўрталарида Германияда ва Англияда қурилган. Ўзбекистонда биринчи ГЭС 1926 йилда бўзсув каналида қурилган. Атом электр станциялари (АЭС) да ядро реакцияси натижасида ажралиб чиққан иссиқлик натижасида сув буғига айланади, бу, ўз навбатида, турбиналарни ва генераторни ишга туширади. Генератордан электр энергияси олинади. Ўзбекистонда АЭС лар қурилмаган. Генератор раторини булардан ташқари шамол ёрдамида денгиз ва океанларда сув кўтарилиши ёки пасайишдан фойдаланиб турбиналарни айлантириш орқали электр энергиясини олиш мумкин. Шамол электростанциялари ҳаво оқимлари доимий кўчиб турадиган жойларда, масалан, денгиз қирғоғида ёки очик текисликларда қурилади. Одатда, улар истеъмолчилардан узоқда жойлашади.

Электростанциялар электр энергиясини ишлаб чиқариши жиҳатидан фойдали бўлса, фаолияти жараёнида зарари ҳам бор. Хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаганда ҳатто инсон ҳаётдан кўз юмган ҳоллар ҳам учраб туради. Шунинг учун ҳам электр ҳодисаларини чуқур ўрганиш табиат ҳақидаги билимларни ошириш билан бирга, ундан самарали фойдаланишга имкон беради.

Электр энергиясини ишлаб чиқариш республикамизда энг йирик ишлаб чиқариш соҳаларидан биридир. Улар тўғрисидаги айрим маълумотларни қуйида келтирилган жадваллардан ҳам кўриш мумкин.

Электр энергияси ҳам тайёр маҳсулот, ҳам товар сифатида бухгалтерия ҳисобида хўжалик юритувчи субъектларнинг активлари сифатида тан олинади. Электр энергиясини сотувчи корхоналарининг активлари сифатида ушбу товар қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:



**1 расм. Электр энергиясини товар сифатидаги хусусиятлари**

Юқоридагиларнинг барчаси электр энергияси, уни сотиб олиш ва сотишнинг вужудга келадиган молиявий муносабатларнинг акс эттириш воситаси бўлган бухгалтерия ҳисобининг ўта муҳим объектлари эканлигидан дарак беради.

Энергия таъминоти мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари хусусан, юртимиздаги аксарият технологиялар, ҳатто энг кичик жиҳозларгача барчаси ривожланган мамлакатлардагига қараганда 2-4 баравар кўп электр энергия сарфлайди. Шу сабабдан ҳам энергия самарадорлигини катта муаммолардан бири бўлиб келмоқда.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси янги нашир
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия тўғрисида»ги Қонуни
4. [www.google.co.uz](http://www.google.co.uz)
5. [www.soliq.uz/uz/regions/40/](http://www.soliq.uz/uz/regions/40/) Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

Нурниёзов Феруз Абдурашид ўғли  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси  
ассистент

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ ИСТЕЪМОЛИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ

**Аннотация:** Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар саноат соҳасини ҳам қамраб олмақда. Бугунги кунда электра энергия соҳасига мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилмоқда, бўларнинг барчаси аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш мақсадида олиб борилаётган ҳаракатлар ҳисобланади. Ушбу мақолада энергиясини аҳоли истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш бўйича фикрлар бериб борилган.

**Калит сўзлар.** Энерготежамкорликка эътиборсизлик, нергоресурсларни узатишдаги ўлчов асбоблари, янги тизим.

**Қириш.** Электра энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Электра энергия хизматларини кўрсатувчи субъектларда харажатларни тўғри ҳисобини юритиш, хизматлар таннархини тўғри аниқлаш, ортиқча сарф харажатларга йўл қўймаслик ўта муҳимдир. Ушбу муаммоларнинг етарлича тадқиқ қилинмаганлиги, уларни даврий адабиётларда етарлича ўз аксини топмаганлиги танланган мавзунининг ўта долзабрлигидан дарак беради. Энерготежамкорликка эътиборсизлик, енергоресурсларни узатишдаги ўлчов асбобларининг аниқ ва тўғри ишламаслиги, технологик жараёнларда энергия истеъмолининг юқорилиги, электр қурилмаларнинг эскириши энерго ресурслар исрофининг ошишига олиб келмоқда. Бу эса соҳага энг замонавий технология ва тизимини киритишга эҳтиёж юзага келтирди.

Янги лойиҳа – электр энергиясини истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими, деб номланиб, барча истеъмолчилар он-лайн ҳисоблагич билан таъминланади ва электр тармоқлари корхоналари фаолияти ҳам янги тизимга мослаштирилади. Бу орқали республика иқтисодиёти ва аҳолисини сифатли электр энергияси билан ишончли таъминлашга тўлиқ эришиш кўзда тутилган. Ушбу тизим қатор ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилиб, синовдан муваффиқиятли ўтган бўлса-да бутун дунёда илк бор бизнинг мамлакат 2020 йилгача тўлиқ автоматлаштирилган тизимга ўтиши кутилмоқда.

Янги тизимдан фойдаланиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилмоқда:

Лойиҳага кўра 2016-2017 йилларда вилоятимизда барча истеъмолчилар электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими билан таъминланди. Шу йилнинг 2-чи чорагидан бошлаб “Зарафшон электр тармоқлари” (Самарқанд тумани)даги кичик қувватли юридик ва аҳоли хонадонларига 8500 та онлайн ҳисоблагич ўрнатилади. 6 ой муддат ичида бу тизим синовдан ўтказилади. Шу вақт ичида камчиликлар аниқланса, уларни бартараф этиш чоралари кўрилади. Шундан сўнг вилоят миқёсида янги тизимни ўрнатиш ишлари олиб борилади. Айни вақтда Самарқанд туманида лойиҳа-смета ишлари ўз ниҳоясига етди.

Бу тизим янги электр тармоқлари корхоналари ходимлари бу тизимда ишлаш учун қуйидаги ишларни амалга оширмоқда:

Лойиҳа амалга оширувчи компания олдида бир қатор мажбуриятлар қўйилган. Тез орада 120 нафар ходим шу мақсадда ўқитилади. Янги тизим йўлга қўйилгач, соҳада бирорта ҳам назоратчи ходимга эҳтиёж сезилмайди. Барча назорат ишлари туманларда компьютер марказлари томонидан олиб борилиб, 500 нафар назоратчининг вазифаси автоматик тарзда бажарилади.

Онлайн тизимнинг афзаллик томонини қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

Истеъмолчиларнинг электр энергияси истеъмолини аниқлаш, ҳисоб – китобларни амалга оширилиши тўлиқ автоматлаштирилган. Янги тизимда қарздорлик тушунчасининг ўзи бўлмайди. Электр энергияси олдиндан тўлов асосида етказилиб берилади. Агар истеъмолчи тегишли маблағни тўламаган бўлса, автоматик тарзда тармоқдан узилади. Янги ҳисоблагичлар хонадон ёки корхонага қанча миқдорда электр етказиб берилаётганини аниқ кўрсатиб туради. Яна бир қулайлиги, буни абонентнинг ўзи ҳам интернет орқали кузатиши мумкин. Бунда абонент мобил телефонини “электрҳисоб” дастурига бириктириб, “ўзбекэнерго” сайти орқали шахсий кабинетига кириш, ўз ҳисобини ва тўловлар мониторингини олиб бориш, сўровлар юбориш ҳамда мобил телефон рақамига тўловлар ва қарздорлик бўйича қисқа хабарларни қабул қилиши мумкин. Истеъмолчилар ҳисоб-китоблар тўғрисида маълумотлани тўғридан-тўғри кузатиш мумкин.

Бугунги кунда электр энергияси таъминотида 17 фоизгача электр йўқотиш кузатилади. Янги тизимда бу кўрсаткич 3 фоизга тушиши кутилмоқда. Умуман олганда янги тизимнинг қулайлик томони жуда кўп. Мисол учун, уйдан чиқишда бирор бир электр жиҳозини узишни эсдан чиқариб қўйдингиз. Бундай вақтда тумандаги электр марказига қўнғироқ қилиб, ўз уйингизни маълум соатгача тармоқдан уздириб туришингиз ҳам мумкин бўлади. Истеъмолчиларнинг электр ҳисоблагичлари ташқарига ўрнатиш сўралади.

Юқорида айтилганидек, 2017 йил 31 декабрдан вилоятдаги барча истеъмолчи онлайн ҳисоблагичга эга бўлишди. Шу сабабдан қарздор истеъмолчиларга ҳам янги ҳисоблагичлар ўрнатилиб берилади. Аммо электр энергиясидан қарз борлиги сабабли истеъмолчи ҳисоб-китобни амалга

оширмагунча унинг ҳисоблагичи ишламай туради. компьютерга тўлов ҳақидаги маълумот келиб тушган заҳоти ҳисоблагич ишга тушади. Шу сабабдан ҳам янги тизимда қарздорлик юзага келмайди. Бу эса таъминотчи ва истеъмолчи ўртасидаги муоммаларнинг олдини олади.

Юртимизда муқобил энергия манбаларига жиддий эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. Чунки у қайта тикланувчанлиги, экологик жиҳатдан безарарлиги билан ажралиб туради. Қолеверса табиий бойликлар заҳираси чекланган бўлиб, вақти келиб унинг тугаши аллақачон исботланган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 7 феврал, № ПФ-4947.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори. 2016 йил 27 декабрь. № ПҚ-2699.

3. Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У. Солиқлар ва тўловлар аудитининг хусусиятлари. Самарқанд-2012

4. [www.Mf.uz](http://www.Mf.uz) (Ўз. Рес. Молия Вазирлигининг расмий сайти);

### **3-SHO'BA. INNOVATSION IQTISODIYOT SHAROITIDA AUDITNI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TASHKIL ETISH VA O'TKAZISHNING METODOLOGIK MASALALARI**

**Заррух Умарович Мухаммадиев  
СамИСИ**

**“Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси  
доценти в.б.**

#### **РАҚАМЛИ ВА ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИДАН ЎТКАЗИШ MASALALARI**

Жаҳонда давлатлар иқтисодиётининг асосий бўғини бўлган корхоналарни модернизациялашга бўлган талаб борган сари ошиб бормоқда. Бунга сабаб шундаки, корхоналарни модернизациялаш ҳар қандай давлатда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), меҳнат унумдорлиги ва самандорлиги, яратилаётган моддий бойликлар сифати, рақобатбардошлиги ва экспортбонлиги, шунингдек аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш, камбағалликни камайтиришнинг муҳим омили ва гарови ҳисобланади. Маълумотларга кўра, «АҚШ ва Европа мамлакатлари айнан корхоналарни модернизациялаш эвазига аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача ЯИМнинг табиий ресурслар ва арзон ишчи кучидан фойдаланиш асосида ривожланаётган мамлакатларга нисбатан қарийб 40 баробар ошишига эришган»<sup>34</sup>. Корхоналарни модернизациялашни умумдавлат аҳамиятига моликлиги ушбу муҳим жараённи миқдор жиҳатдан баҳолаш ва сифат жиҳатдан тавсифлаш ҳамда назорат қилиш воситалари бўлган ҳисоб ва аудитни ҳам ахборот фойдаланувчилар талаблар асосида такомиллаштиришни зарурат қилиб қўймоқда.

Жаҳон амалиётида корхоналарни модернизациялаш жараёнлари ҳисоби ва аудитининг назарий, ташкилий ва методологик асосларини такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотларга катта эътибор қаратилган. Чунончи, корхоналарда асосий воситалар ва номоддий активларни модернизациялашга сарфлар, уларни баҳолаш ва ҳисобини халқаро стандартлар асосида юритиш, мазкур жараёнларни халқаро стандартлар асосида аудиторлик текширувларидан ўтказиш, инвестицион лойиҳалар самандорлигига аудиторлик баҳосини бериш борасида диққатга молик билим ва тажрибалар тўпланган. Шу билан бирга модернизациялаш

---

<sup>34</sup>Современные процессы модернизации экономики зарубежных стран. – Москва, ИМЭМО РАН, 2012, стр.10.



жараёнлари бўйича ҳисоб ва аудитнинг халқаро стандартларига ўтиш, улар асосида миллий ҳисоб ва аудит тизимларини янада такомиллаштириш долзарб масалалар бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий бўғини бўлган корхоналарни модернизациялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Корхоналарни модернизациялаш бўйича белгиланган ушбу устувор режалар республикамизда шу пайтгача шакллантирилган бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимларини янада такомиллаштиришни, чунончи уларнинг корхоналарда амалга оширилаётган модернизациялаш турлари, йўналишлари, молиялаштириш манбалари тўғрисида мулк эгалари, инвесторлар, давлат органларига ахборот бериш имкониятларини кенгайтиришни, назорат ва таҳлил функцияларини кучайтиришни, ташқи инвестицияларни кенг қўламда ва катта миқдорларда жалб қилишга эришиш мақсадида ҳисоб ва аудитни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришни объектив зарурат қилиб қўймоқда. Булар, мос равишда, ушбу долзарб мавзуда чуқур илмий-тадқиқотларни олиб боришни тақоза этмоқда.

Корхоналарни модернизациялаш бўйича аудитнинг ахборот фойдаланувчилар, чунончи ички ва ташқи инвесторлар талабларига жавоб берувчи яхлит самарали модели тўлиғича шаклланган эмас. Бизнинг фикримизча, корхоналарни модернизациялашнинг бир вақтнинг ўзи ҳам мақсад, ҳам жараён, ҳам натижа эканлигидан, шунингдек ички ва ташқи инвесторлар томонидан корхоналарни модернизациялаш ва унинг натижалари тўғрисидаги ҳисоб ва ҳисобот ахборотлари комплекслиги ва реаллигига қўйилаётган талабларнинг борган сари ошиб бораётганлигидан келиб чиқиб, корхоналарни модернизациялаш аудитининг яхлит махсус моделини яратиш мақсадга мувофиқ. Биз ушбу яхлит моделни «Корхоналарни модернизациялашни «мақсад-жараён-натижа» занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш модели» деб номладик. Ушбу моделнинг биз томонимиздан тавсия этилаётган таркибий тузилиши 1.1-расмда келтирилган.

Корхоналарни модернизациялашни «мақсад-жараён-натижа» занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказишнинг биз томонимиздан тавсия этилаётган модели, расмдан кўриниб турибдики, таркибан 3 та блокни ўз ичига олади. Булар:

**1.1-расм. Корхоналарни модернизациялашни «мақсад-жараён-натижа» занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш моделининг таркибий тузилиши<sup>35</sup>**

---

<sup>35</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

**Корхоналарни модернизациялашни “мақсад-жараён-натижа” занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш модели**



объектлари;

\*Блок 2. Корхоналарни модернизациялаш бўйича текширув дастаклари, усуллари ва ахборот таъминоти;

\*Блок 3. Корхоналарни модернизациялашни аудит текширувидан ўтказиш, унинг натижаларини расмийлаштириш ва муҳокама қилиш.

**Жараён** сифатида корхоналарни модернизациялаш маълум давр мабойнида корхоналарда таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш қувватларини, шунингдек бошқарув тизимини фан ва технологиялар ютуқлари асосида тубдан янгилаш ва замонавийлаштириш бўйича ҳақиқатда қилинган ишлар мажмуасини, шунингдек уларга ажратилган капитал инвестицияларни реал ўзлаштирилишини ифодалайди. Ушбу жараён модернизациялаш лойиҳаларининг ҳақиқатдаги ижросини ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларда ўз аксини топади. Айнан шундан келиб чиқиб, биз моделimiz 1-блокининг «Жараён» халқасига аудиторлик текширувларининг асосий объектлари сифатида қуйидагиларни киритдик:

1. Капитал қурилиш ишларининг бажарилиши;
2. Реконструкция ва кенгайтириш ишларининг бажарилиши;
3. Янги асбоб-ускуналар, техника, технология, биологик активлар ва бошқа АВларни харид қилиниши;

4. НАларни яратилиши ва харид қилиниши  
«Жараён» халқасида модернизациялаш лойиҳалари бўйича аудиторлик текширувларининг объектлари сирасига қуйидаги кўрсаткичларни киритишни лозим деб ҳисоблаймиз.


**Натижа** сифатида корхоналарни модернизациялаш уларда янги моддий ва номоддий активларни, чунончи замонавий меҳнат қуроллари ва воситалари, техника ва технологиялар, дастурий таъминотлар, усул ва услубларни вужудга келишида, шунингдек ушбу активлар асосида ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини, фойда, рентабеллик ва бошқа кўрсаткичларни сезиларли ошишида намоён бўлишлигида ўз аксини топади. Айнан шундан келиб чиқиб, биз моделimiz 1-блокининг «Натижа» халқасига аудиторлик текширувларининг асосий объектлари сифатида қуйидагиларни киритдик:

1. Янги бино ва иншоотлар кирими;
2. Реконструкция ва кенгайтирилган объектлар кирими;
3. Янги асбоб-ускуналар, техника, технология, биологик активлар ва бошқа АВлар кирими;

4. Янги НАлар кирими.  
«Натижа» халқасида аудиторлик текширувлари объектлари сирасига корхонада модернизациялаш эвазига олинган янги моддий ва номоддий активлар қиймати, шунингдек модернизациялаш самарадорлигини ифодаловчи қуйидаги миқдор ва сифат кўрсаткичларни киритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Корхоналарни модернизациялашни аудиторлик текширувидан ўтказишни, бизнингча, қуйидаги учта босқичда амалга ошириш мақсадга мувофиқ (1.2-расм).

**1.2-расм. Корхоналарни модернизациялашни аудиторлик текширувидан ўтказиш босқичлари<sup>36</sup>**



Қуйида корхоналарни модернизациялашни аудиторлик текширувларидан ўтказишнинг биринчи иккита босқичида амалга ошириладиган энг муҳим муолажаларга, ушбу босқичларда тузиладиган аудиторлик ҳужжатлари ҳамда улардан корхоналар амалиётида фойдаланиш тартибларига тўхталамиз.

Корхоналарни модернизациялаш бўйича «Мақсад» халқасига киритилган асосий текширув объектлари бўлиб инвестицион лойиҳалар, уларнинг турлари ва смета қийматлари ҳисобланади. Аудит текширувларида, авваламбор, корхонада модернизациялаш бўйича қандай лойиҳалар мавжудлиги, уларнинг аниқ мақсади, предмети, амал ошириш муддатлари, жами лойиҳа қиймати (сметаси), шундан текширилаётган йилга (даврга) тегишли смета қиймати аниқланиши лозим. Бундай ахборотларни аудиторлик текширувида тўплаб олиш учун қуйидаги шаклдаги аудиторлик иш ҳужжатини тузишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

<sup>36</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Модернизациялашга доир инвестицион лойиҳалар бўйича жами сарфланган капитал инвестициялар реаллигини текширишни қуйидаги кетма-кетликда амалга ошириш тавсия этилади:

**Биринчидан,** ҳар бир лойиҳага очилган аналитик счёт карточкаси асосида давр бошидаги тугалланмаган капитал инвестиция суммасини олдинги аудиторлик текшируви ҳисоботи ва хулосаси билан тасдиқланган суммага мослигини текшириш. Мазкур сумма реаллигини олдинги аудиторлар томонидан тасдиқланганлиги кейинги аудит текширувида ишончли, реал, кафолатли сумма деб қарашга асос бўлади.

**Иккинчидан,** текширилаётган даврда инвестицион лойиҳаларга киритилган қўшимча маблағлар реаллиги 0810-«Тугалланмаган капитал қурилиш» счётининг дебетига олиб олиб борилган барча суммалар тегишли гувоҳлик берувчи ҳужжатлар асосида текширилади. Бунда капитал сарфларга олиб борилган харажатлар суммалари уларнинг ҳар бир моддаси кесимида харажатлар сметаси, бажарилган ишларнинг натурал кўрсаткичлари, бир бирлик ишга белгиланган таъриф ва расценкалар асосида аудиторлар томонидан қайта ҳисоб-китоб қилинади. Инженерлик экспертизаси талаб этиладиган иш турлари бўйича харажатлар инженерлик хулосалари асосида аниқланади. Шубҳали харажатлар моддаларини текширишда зарур ҳолларда суд-бухгалтерия экспертизасига мурожаат қилинади ва тегишли хулосалар олинади.

**Учинчидан,** юқорида тавсифи берилган муолажалар асосида ҳисобот йилида модернизациялашга сарфланган жами капитал инвестициялар суммасини текшириш натижаларини ҳар бир инвестиция лойиҳаси бўйича қуйидаги шаклдаги аудиторлик иш ҳужжатлари билан расмийлаштириш тавсия этилади.

Фикримизча, корхоналарни модернизациялашни «мақсад-жараён-натижа» занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказишнинг биз томонимиздан тавсия этилаётган моделини ҳам ташқи, ҳам ички аудиторлар томонидан барча мақомдаги субъектларда қўллаш фойдадан холи бўлмайди.

1. Корхоналарни модернизациялаш бўйича аудитнинг ахборот фойдаланувчилар, чунончи ички ва ташқи инвесторлар талабларига жавоб берувчи яхлит самарали модели тўлиғича шаклланган эмас. Ишимизда корхоналарни модернизациялашнинг ҳозирги пайтда бир вақтнинг ўзи ҳам мақсад, ҳам жараён, ҳам натижа эканлигидан, шунингдек ички ва ташқи инвесторлар томонидан корхоналарни модернизациялаш ва унинг натижалари тўғрисидаги ҳисоб ва ҳисобот ахборотлари комплекслиги ва реаллигига қўйилаётган талабларнинг борган сари ошиб бораётганлигидан

келиб чиқиб, «Корхоналарни модернизациялашни «мақсад-жараён-натижа» занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш модели» ишлаб чиқилди.

2. Тавсия этилган моделнинг «Мақсад» халқаси корхоналарда модернизациялаш бўйича режалаштирилган лойиҳаларни, корхонада модернизациялашга бўлган заруратни ёки талабни (эҳтиёжни) ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларни аудиторлик текширувидан ўтказиш ва уларга аудиторлик баҳосини беришга имкон беради.

3. Моделимизнинг «Жараён» халқаси модернизациялаш лойиҳаларини ҳақиқатда амалга ошириш жараёнларини, уларни ифодаловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларни, чунончи киритилган капитал инвестицияларни ҳисоб ва ҳисоботда реал акс этирилганлигини текширишга, аниқланган четланишларни тузатишга қаратилган қарорларни қабул қилиш имкони беради

4. Моделнинг «Натижа» халқаси модернизациялаш лойиҳаларини амалга оширишдан олинган натижаларни, чунончи янги асосий воситалар ва номоддий активлар кирими, модернизациялаш эвазига ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми, фойда ва рентабеллик кўрсаткичларидаги ўзгаришни аудиторлик текширувидан ўтказиш ва уларга аудиторлик баҳосини беришга имкон беради.

5. Модел ижросини таъминлаш мақсадида ишимизда корхоналарни модернизациялашни «мақсад-жараён-натижа» занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш режаси ва дастури ишлаб чиқилди. Ушбу ташкилий дастакларни комплекс ва махсус савол тарзидаги аудиторлик текширувларида қўллаш йўллари кўрсатилди.

6. Ишимизда корхоналарни модернизациялашни «мақсад-жараён-натижа» занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш кетма-кетликлари, аудиторлик иш ҳужжатларининг шакллари ва уларни тузиш тартиблари кўрсатиб берилди.

Корхоналарни модернизациялашни «мақсад-жараён-натижа» занжири асосида аудиторлик текширувидан ўтказишнинг биз томонимиздан тавсия этилаётган моделини ҳам ташқи, ҳам ички аудиторлар томонидан барча мақомдаги субъектларда қўллаш, фикримизча, мазкур муҳим фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

- I. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик характердаги ишлар**  
1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т: «Ўзбекистон», 2018.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг 29.08.1996 йил. 257 1-сон қарорига мувофиқ тасдиқланган. 1997 йилнинг 1 мартдан кучга киритилган.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 2016 йил 13 апрель, № ЎРҚ-404.
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси (янги таҳрири). Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 й., 02/19/СК/4256-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси қонуни. Аудиторлик фаолияти тўғрисида. 2000 йил 26 май, 78-II-сон.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни. 2014 йил 6 май. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 210-модда
7. Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни. 2019 йил 09 декабрь. 589-сон.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти» тўғрисидаги Қонуни. 2019 йил 25 декабрь. 598-сон.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 2015 йил 24 апрель. ПФ-4720.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. 2017 йил 07 февраль. ПФ-4947.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Солиқ қонунчилигини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» Ф-5214-сонли Фармойиши. 2018 йил 13 февраль.

**Пўлатов Худойберди Ўктамович**  
**СамИСИ мустақил тадқиқотчи**  
**E-mail:pulatov.xudoyberi@mail.ru**

## **САВДО КОРХОНАЛАРИДА ДАРОМАДЛАР АУДИТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Аннотация:** Мақолада Савдо корхоналарида даромадлар аудитни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган ва аудит тартибини янада соддалаштириш мақсадида таклифлар берилган олиб борилган тадқиқотлар натижасида хулосалар келтирилган

**Калит сўзлар:** халқаро стандартлар, товар, даромад, услубий жихатлар, ишлаб чиқариш, хизмат, рақамли савдо,

**Кириш.** Бугунги кунда давлатимиз олиб бораётган иқтисодий сиёсат негизида барча турдаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаслик, уларга ўз фаолияти кўламини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва эркинликлар бериш ётади. Бундай шароитда корхоналарни ҳукумат томонидан, шунингдек, мулкдорлар томонидан бошқариш бир қадар мураккаблашади. Бу ўз навбатида корхоналар фаолиятини амалдаги ҳукуқий – меёрий ҳужжатларга мос равишда, шунингдек иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда юритилаётганлигини аниқловчи ва бу борада тўғри маслаҳатлар берувчи махсус аудиторлик хизматига эҳтиёж туғдиради.

Ўзбекистонда аудиторлик хизматининг расман ташкил этилганлигига кўп вақт ўтган бўлмасада, унинг ривожини йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ҳукуматимиз томонидан аудиторлик фаолиятининг меёрий – ҳукуқий базаси яратилди ва у иқтисодий ҳаётдаги реал шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириб борилмоқда, аудиторлар ассоциацияси ташкил этилди, олий ўқув юртлирида махсус «Аудит» фани ўқитила бошланди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Савдо корхоналарида даромадлар аудити масалалари республикамизда қатор олимлар, томонидан тадқиқ этилган. Булар:

Ҳ.Н.Мусаев ва Р.Д.Дўстмуратовлар «Аудиторлик фаолияти»нинг «Аудит»га нисбатан кенгроқ тушунча эканлигини эътироф этадилар. Жумладан, Ҳ.Н.Мусаев ушбу иккита тушунчани қуйидагича изоҳлайди: «Аудит – бу муайян ваколатлар берилган шахслар, яъни аудиторлар томонидан хўжалик юритаётган субъектлар фаолиятларининг Республикада қабул қилинган қонун-қоидаларга мувофиқлигини текшириш йўли билан баҳолаш ва ҳолисона хулосалар беришдир. Аудиторлик фаолияти ўз ичига бундан ташқари янги корхоналарни очиш, молия-кредит, ҳисоб-китоб ишларини юритиш буйича маслаҳатлар бериш (“консалтинг” хизмати), мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, аудит соҳасида укув-услубий тавсиялар ишлаб чиқариш каби масалаларни ҳам ўз ичига олади»<sup>37</sup>.

Р.Д.Дусмуратов аудитни «хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ жорий ҳисоб ахборотларини мустақил экспертиза қилиш ва фикр билдириш»<sup>38</sup>,

Бизнингча, К.Б.Уразов ўзининг қуйидаги таърифида аудитнинг хусусиятларини нисбатан тўлароқ очиб берган: «Аудит - бу хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятини давлат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан қонунлар ва бошқа меёрий ҳужжатларга мос келишини ички ва ташқи назоратдан ўтқизиш, таҳлил ва

<sup>37</sup> Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Дарслик. – Т.: Молия, 2003, 11-бет.

<sup>38</sup> Дусмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт. Монография-Т.: Молия, 2007, 27-28-бетлар.



экспертиза қилиш, шунингдек консалтинг ва бошқа турдаги касбий хизматларни кўрсатиш тизими»<sup>39</sup>.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада методологик асосларини республикамиз қонунлари, Президентимиз фармонлари, қарорлари, асарлари ва маърузалари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, бухгалтерия ҳисоби оид миллий ва ҳалқаро стандартлар, Низомлар, йўриқномалар, хорижда ва республикамизда чоп қилинган илмий ишлар, дарсликлар ва қўлланмалар, илмий мақолалар, интернет тармоғи материаллари ҳамда изланишлар олиб борилган корхоналарнинг амалий материаллари ташкил этади.


**Таҳлил ва натижалар.** Дунё миқёсида савдонинг ўрни беқиёс. Уни ривожлантириш жаҳоннинг барча мамлакатлари иқтисодиётини раванқ топтиришнинг асосий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. XXI - асрнинг энг муҳим, қолаверса бош хусусияти ҳисобланган рақамлаштириш савдони энг замонавий техника ва технологиялар, чунончи АКТларга асосланган турлари ва шакллари - электрон савдо, электрон тижорат, интернет-савдо, интернет-магазин, маркетплейс ва бошқа савдо платформалари ва майдонларини борган сари раванқ топишига олиб келди. Яний шундан келиб чиқиб бизнинг мақолада савдо корхоналарида даромадлар аудитни очиб бермоқчимиз.

Савдо корхоналарида даромадлар аудити иқтисодиётнинг қуйи ва ҳал қилувчи бўғини ҳисобланган корхоналар фаолиятида меъёрий ҳужжатлар устуворлигини таъминлаш, даромадларини ошириш, улардан ундирилаётган солиқларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигини кафолатлаш ҳисобига давлат мақсадларига ҳам хизмат қилади.

Кўришиб турганидек, савдо корхоналарида даромадлар аудити бир неча томонларнинг манфаатларига хизмат қилади ва ушбу томонлар мақсадларини амалга оширади. Хулоса қилиб, бизнингча, савдо корхоналарида даромадлар аудитининг умумий мақсади корхоналарда олинаётган даромадларнинг қонунийлигини, уни акс эттирувчи молиявий ҳисобот ва бошқа шакллардаги ахборотларнинг реаллигини таъминлашдан, шунингдек, корхоналарда даромадларни оширишдан ҳамда ҳисоб ишларини такомиллаштиришдан иборат, деб ҳисоблаш мумкин. Савдо корхоналарида даромадлар аудитни утказиш кетма-кетлиги қуйдаги жадвалдан кўриб олишингиз мумкин (1-чизма)

---

<sup>39</sup> Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. 2-қисм. Маъруза матни. – Самарқанд, СамИСИ, 2004, 141-бет.



### 1-чизма Даромадлар аудитида қўлланиладиган усулларнинг алоҳида босқичлар бўйича таснифланиши

Савдо корхоналарида даромадларни аудит қилишда аудиторлар бир зум бўлсада масъулиятни унутмасликлари талаб этилади. Айнан шу нарса аудитор ишининг сифатлилигини, берилган хулоса ва тавсияларнинг реаллигини таъминлайди

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтганда анъанавий миллий ҳисобчилик тизимининг бугунги ҳолати хусусида фикр юритишдан олдин шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда бошқа давлатлардаги каби бизнес субъектларида ҳисоб хизматларининг аниқ тартиб-таомиллари ишлаб чиқиш ва хулоса ўрнида айтганда даромадлар ҳисоб ва аудитни юритишда корхоналарда айрим муаммолар бор. Ваҳоланки, ҳар қандай бизнес аниқлик ва шаффолик таъминланган жойда ривожланади эришади. Бизнинг таклифларимиз қуйдагича:

Биринчи таклифмиз Савдо корхоналарда даромадлар аудитни аниқ битта дастурни ишлаб чиқиш керак. Бу дастур даромадлар реаллигини таъминлайди ва аудиторлар ишни онсонлаштиради. Агар даромадлар очиқланмаса, бизнес субъектларининг реал молиявий аҳволи, натижалари ва уларнинг ўзгаришларини аниқ акс эттириш имкони бўлмайди.

Иккинчи таклифмиз молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига оид адабиётларни купрок ўзбек тилда чоп этиб бухгалтерлар, аудиторлар ва шу соҳада ўқитаётган профессор-ўқитувчиларга тушнарли тартибда тақдим этиш.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 24.02.2020 йилдаги ПҚ-4611-сон

2. Абдуллаев Р.А. Бухгалтерский учет и аудит. Учебное пособие. –Ташкент, 2011;
3. Мирзаев Қ.Ж., Пардаев М.Қ. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. // Ўқув кўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2014. -384 б.;
4. Абдукаримов Б.А. Корхона иқтисодиёти. Дарслик.//–Т.: Фан, 2005. -288 б.;
5. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. 1-қисм. – Т.: Фан ва технология, 2007, 39-бет.;
6. Уразов К.Б. Савдода бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш.–Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2004.–336 б.; 101.
7. Urazov K. V. Buxgalteriya hisobi va audit: Oliy o'quv yurtlari uchun.– Т.: O'qituvchi, 2004. –448 б.;
8. Уразов К.Б., Вахидов С.В. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Дарслик.- Т.: «Адиб», 2011. – 480 б.;
9. Уразов К.Б. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг долзарб муаммолари. //«Сервис» журнали. 2009. №1. -Б.107-114.;
10. Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У., Аннаев М.Б., Исроилов Ё.Ж., Мардонов М.Ш. Хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг долзарб масалалари. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. – Б. 75-99;

**Z.B.Eshpulatova**  
**SamISI “Buxgalteriya hisobi” kafedراسи**  
**dotsent v.b., PhD**  
**S.Xamidova**  
**MA-123 guruh magistranti**

## **XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TUSHUMLAR AUDIT OB'YEKTI SIFATIDA TAVSIFI VA TASNIFI**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada odatdagi faoliyati bilan bog‘liq bo‘lgan daromadlar (asosiy daromadlar) va odatdagi faoliyati bilan bog‘liq bo‘lmagan daromadlar (boshqa daromadlar) Xalqaro standartlar asosida tushumlar audit obekti sifatida tavsifi va tasnifi ochib berilgan.

**Kalit so‘zlar:** daromadlar, moliyaviy hisobot elementi, odatdagi faoliyati bilan bog‘liq bo‘lgan daromadlar (asosiy daromadlar), odatdagi faoliyati bilan bog‘liq bo‘lmagan daromadlar (boshqa daromadlar), dividend, foizlar, royalti, moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari, moliyaviy daromadlar, moliyaviy ijara.

Dunyoda global iqtisodiy tendentsiyalarning tez sur‘atlarda o‘zgarib turgan davrda, har bir mamalakat uchun aholi daromadlarni muvozzantda ushlab turish, hamda iqtisodiy sub’ektlar bilan birgalikda tushumlarini oshirish dolzarb masalalardan biri bo‘lib hisoblanadi. Bu ko‘rsatkichlarga erishish uchun avvalo

tushumlarga oid buxgalteriya hisobi va audit o'tkazish bosqichlarini xalqaro standartlariga muvofiq takomillashtirish zarurati mavjud.

Mamlakatimiz Prezidenti SH.M.Mirziyoev tomonidan so'ngi yillarda buxgalteriya hisobi va auditorlik faoliyatiga oid qabul qilayotgan qarorlari, nizomlari va bir qancha huquqiy-me'yoriy hujjatlari aynan shu yuqorida aytib o'tgan vazifalarni belgiab beradi. Bulardan biri:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 24.02.2020 yildagi PQ-4611-son "Moliaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida";

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 04.08.2021 yildagi PQ-5210-son "Auditorlarni sertifikatlashtirish tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida";

3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 28.01.2022 yildagi PF-60-son "2022 — 2026-yillarga mo'ljallangan yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida" kabi me'yoriy- huquqiy hujjatlar bo'lib hioblanadi. Ushbu strategiyada bir qancha vazifalar va kelagakda maqsadlar belgilab olindi.

Mamlakatimizni 2017 — 2021-yillarda rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi doirasida o'tgan davr mobaynida davlat va jamiyat hayotining barcha sohalarini tubdan isloh etishga qaratilgan 300 ga yaqin qonun, 4 mingdan ziyod O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qarorlari qabul qilindi.

Shuningdek, inson huquqlarini ta'minlash, davlat organlarining hisobdorligi va ochiqligini kuchaytirish hamda fuqarolik jamiyati institutlari, ommaviy axborot vositalarining roli, aholi va jamoat birlashmalarining siyosiy faolligini oshirish bo'yicha tizimli ishlar amalga oshirildi.

Milliy iqtisodiyotni isloh qilish borasida tashqi savdo, soliq va moliya siyosatini liberallashtirish, tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash va xususiy mulk daxlsizligini kafolatlash, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini chuqur qayta ishlashni tashkil etish hamda hududlarni jadal rivojlantirishni ta'minlash bo'yicha ta'sirchan choralar ko'rildi.

Fuqarolarning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish va kambag'allikni qisqartirish davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi sifatida belgilanib, aholini yangi ish o'rinlari va kafolatli daromad manbai, malakali tibbiy va ta'lim xizmatlari, munosib yashash sharoitlari bilan ta'minlash sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarildi.<sup>40</sup>

Ko'rib turganingizdek, fuqarolarning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish va kambag'allikni qisqartirish davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi sifatida belgilanib, aholini yangi ish o'rinlari va kafolatli daromad manbaini oshirish ustuvor vazifalardan biri bo'lib belgilab olindi.

Jahon iqtisodiyotida COVID-19 yangi shtammlari, inflyatsiya va qarzdorlik darajasining o'sishi, daromadlardagi tengsizliklar kabi global muammolar namoyon bo'lmoqda. 2021 yilda jahon bank guruhining bergan ma'lumotlariga ko'ra aholi jon boshiga milliy daromad eng yuqori bo'lgan ko'rsatkich «Bermudida – 117730, Shvetsariyada – 85500, Norvegiyada – 82500, AQShda – 65850 AQSh dollari», eng

---

<sup>40</sup> <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>

past bo'lgan ko'rsatkich «Mozombik – 490, Malavi – 380, Burundi – 280 AQSh dollari» ekanligi qayd etilgan. Yalpi milliy daromadlarni ko'paytirish korxonalarida yaratilayotgan tovar va xizmatlar qiymati hajmini oshirishni taqozo etadi. Masalan, birgina 2021 yilda Apple kompaniyasining daromadi 365,82 mlrd AQSh dollarini tashkil etdi. Shu sababdan ham barcha mamlakatlarda faoliyat ko'rsatayotgan korxonalar daromadlarini oshirish hamda axborotlarning taqqoslanuvchanligi va ishonchligiga erishish dolzarb masala hisoblanadi. Buning uchun esa daromadlar hisobini moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari (MHXS)ga uyg'unlashtirish va auditni Auditorlik faoliyatining xalqaro standartlar asosida auditorlik tekshiruvlarini o'tkazish talab etiladi.<sup>41</sup>

Kontseptual qoidalarga muvofiq moliyaviy hisobotning elementlaridan biri bu daromadlar bo'lib hisoblanadi.

Rossiya Buxgalteriya hisobi bo'yicha Nizomning (ПБВ 9/99) 2-bandida daromadlarga quyidagicha ta'rif keltirilgan: “Daromadlar – bu tashkilotning kapitali ko'payishiga olib keluvchi aktivlarning kelib tushishi (pul mablag'lari yoki boshqa mulklar) va (yoki) majburiyatlarning so'ndirilishi natijasida yuzaga kelgan iqtisodiy nafning ko'payishidir.”<sup>42</sup>

Sohaga oid manbalarida quyidagi ta'riflarni keltirilgan: “Tashkilotning daromadi – korxonadan ishlab chiqarish, sotish, moliyaviy va investitsiyaviy faoliyatlarini amalga oshirganligi uchun olinadigan pul va pul bo'lmagan mablag'lardir”.<sup>43</sup> Ushbu manbada buxgalteriya hisobida xususiyati, shartlariga bog'liq holda daromadlar odatdagi faoliyat turlaridan olingan daromadlar va boshqa daromadlar bir-biridan farqlanishi ta'kidlab o'tilgan.

O'z navbatida odatdagi faoliyat turlaridan olingan daromadlarga: tovarlarni sotishdan tushum, bajarilgan ishlar va ko'rsatilgan xizmatlar uchun to'lovlar, debitorlik qarzlari, litsenzion to'lovlar, ijara to'lovlari va royalti kiritilgan.

Boshqa daromadlar guruhiga korxonadan hamkorlikdagi faoliyat natijasida olingan foyda, da'vo muddati o'tib ketgan kreditorlik qarzlari va boshqa daromad turlari kiritilishi qayd etilgan (1-rasm).

Bir guruh xorijlik olimlar (Huifa Chen Qingliang Tang, Yihong Jiang, Zhijun Lin)<sup>44</sup> tomonidan daromadlarga oid standart qoidalarining buxgalteriya hisobi sifatining oshishiga ta'sirini o'rgangan va qoidalarga rioya qilinishi daromadlarga oid sifatli axborotlarning shakllanishiga asos ekanligini ta'kidlashgan.<sup>45</sup>

---


<sup>41</sup> Z.B.Eshpulatova. Korxonalarida daromadlar hisobini takomillashtirish. Dissertatsiya. 2022 y. 3 b

<sup>42</sup> Учет доходов. [https://www.audit-it.ru/terms/accounting/uchet\\_dokhodov.html](https://www.audit-it.ru/terms/accounting/uchet_dokhodov.html)

<sup>43</sup> 102. Учет доходов и расходов. <https://class365.ru/uchet-tovarov-uslug/uchet-dohodov-i-raskhodov>

<sup>44</sup> Huifa Chen Qingliang Tang, Yihong Jiang, Zhijun Lin. The Role of International Financial Reporting Standards in Accounting Quality: Evidence from the European Union //Journal of International Financial Management & Accounting Authors Volume 21, Issue 3 Autumn 2010 Pages 220–278

<sup>45</sup> Z.B.Eshpulatova. Korxonalarida daromadlar hisobini takomillashtirish.mavzusidagi dissertatsiyasi. 2022 y. 14-15 b



**1-rasm. Daromadlarning xalqaro standartlarga muvofiq tasnifi<sup>46</sup>**

**Manba:** Z.B.Eshpulatova. Korxonalarda daromadlar hisobini takomillashtirish.mavzusidagi dissertatsiyasi. 2022 y. 24 b

Yuqoridagi keltirilgan 1-rasmdagi daromadlarning xalqaro standartlarga muvofiq tasnifidan ko'rinib turibdiki, daromadlar tan olinishi va auditorlik tekshiruvi ob'ekti sifatida autdan o'tkazilganda o'ziga xos xususiyatlarga va 2-son

<sup>46</sup> Z.B.Eshpulatova. Korxonalarda daromadlar hisobini takomillashtirish.mavzusidagi dissertatsiyasi. 2022 y. 24 b

BHMS “Asosiy xo‘jalik faoliyatidan tushgan daromadlar”ga muvofiq farqli jihatlari mavjud.

Shu bois, quyidagi xulosa va takliflarni bersak bo‘ladi;

Birinchiidan, xalqaro standartlar asosida tushumlarni audit o‘bektini sifatida tasniflanimizda, kompaniya yoki firma amalga oshiraytgan faoliyati bilan bog‘liqligini inobatga olishimiz muhim;

Ikkinchiidan, xalqaro standartlar asosida tushumlar Odatdagi faoliyati bilan bog‘liq bo‘lgan daromadlar (asosiy daromadlar) va Odatdagi faoliyati bilan bog‘liq bo‘lmagan daromadlar (boshqa daromadlar)ga tavsiflanishi va audit ob‘ekti sifatida, har bir modda farqli jihatlarni inobatga olgan tan olini;

Uchinchiidan, 2-son BHMS “Asosiy xo‘jalik faoliyatidan tushgan daromadlar” standartidagi daromadlar tasnifini xalqaro standartlarga muvofiq takomillashtirish zarurati mavjudligini e‘tiborga olinish muhimligini inobatga olish.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 24.02.2020 yildagi PQ-4611-son “Moliaviy hisobotning xalqaro standartlariga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” ;
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining qarori, 04.08.2021 yildagi PQ-5210-son “Auditorlarni sertifikatlashtirish tizimini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”;
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 28.01.2022 yildagi PF-60-son “2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”
4. Z.B.Eshpulatova. Korxonalarda daromadlar hisobini takomillashtirish. avzusidagi dissertatsiya. 2022 y. 3-24 b
5. Учет доходов. [https://www.audit-it.ru/terms/accounting/uchet\\_dokhodov.html](https://www.audit-it.ru/terms/accounting/uchet_dokhodov.html)
6. 102. Учет доходов и расходов. <https://class365.ru/uchet-tovarov-uslug/uchet-dohodov-i-raskhodov>
7. Huifa Chen Qingliang Tang, Yihong Jiang, Zhijun Lin. The Role of International Financial Reporting Standards in Accounting Quality: Evidence from the European Union //Journal of International Financial Management & Accounting Authors Volume 21, Issue 3 Autumn 2010 Pages 220–278

## **XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TUSHUMLAR AUDITIONING ME’YORIY HUQUQIY ASOSLARI**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada xalqaro standartlar asosida tushumlar auditioning me’yoriy huquqiy asoslari qoidalarga kiritilgan o’zgartirishlar asosida O’zbekistonda Buxgalteriya hisobiga oid me’eriy-huquqiy hujjatlarda daromadlarga oid qoidalarni muvofiqlashtirish hamda takomillashtirish bo’yicha takliflar ishlab chiqilgan.

**Kalit so’zlar:** daromadlar, kontseptual qoidalar, tushum, qaror, farmon. auditorlik xalqaro standartlari (AXS), moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari (MHXS), vazifa, maqsad, Nizom.

O’zbekistonda 2021 yildan e’tiboran aksiyadorlik jamiyatlari, banklar, sug’urta tashkilotlari, yirik soliq to’lovchi hisoblangan korxonalariga MHXSlar asosida moliyaviy hisobot tuzish amaliyoti joriy etildi. 2022-2026 yillarga mo’ljallangan yangi O’zbekistonning taraqqiyot strategiyasida «Iqtisodiyot tarmoqlarida barqaror yuqori o’sish sur’atlarini ta’minlash orqali kelgusi besh yilda aholi jon boshiga yalpi ichki mahsulotni - 1,6 baravar va 2030 yilga borib aholi jon boshiga to’g’ri keladigan daromadni 4 ming AQSh dollaridan oshirish hamda «daromadi o’rtachadan yuqori bo’lgan davlatlar» qatoriga kirish uchun zamin yaratish»<sup>47</sup> maqsadining qo’yilishi ham tashkilotlarda daromadlar hisobini va auditni xalqaro tajribalar asosida takomillashtirish borasida aniq vazifalarni belgilab berdi.

Mamlakatimizda moliyaviy hisobotni xalqaro standartlarga muvofiqlashtirish yuzasidan keng qamrovli ishlar olib borilmoqda. O’zbekiston Respublikasida 2015-yil 24-apreldagi PF - 4720-son “Aksiyadorlik jamiyatlarida zamonaviy korporativ boshqaruv usullarini joriy etish choratadbirlari to’g’risida”gi farmon bilan respublikadagi aksiyadorlik jamiyatlari o’z moliyaviy hisobotlarini xalqaro standartlarga asoslangan holda tuzishi belgilab qo’yilgan.

Xalqaro standartlarni amaliyotga joriy etilishi strategik vazivalarni bajarishdagi katta qadam hisoblanadi. Korxonalar boshqaruvidagi aksiyadorlarni rolini kuchaytirish boshqaruvning asosiy dastagi bolgan MHXS lami tan olish va uni keng joriy etishni taqozo etadi. Bu vazifalar O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF -4947-son “O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish boyicha Harakatlar strategiyasi to’g’risida”gi farmoni bilan belgilab qo’yilgan.

---

<sup>47</sup> O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son “2022–2026 yillarga mo’ljallangan yangi O’zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to’g’risida”gi Farmoni. <https://lex.uz/docs/5841063>



O'zbekiston Respublikasi "Buxgalteriya hisobi to'g'risidagi" qonunning yangi tahriri 22-moddasida "Xalqaro standartlar bo'yicha tuziladigan moliyaviy hisobotga doir talablar moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari" da belgilanadi deb qayd etilishi moliyaviy hisobot xalqaro standartlarini mamlakatimizda joriy etilishi yuzasidan qo'yilgan qonuniy asosning birlamchi bosqichi deb hisoblash mumkin.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 24-fevraldagi "Moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlarga o'tishning qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ -4611-sonli qarori moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini moliyaviy hisobotdan foydalanuvchilarning strategik yo'nalishlarini, shu jumladan investorlarning ham, shuningdek, xalqaro prinsiplarga muvofiq moliyaviy axborotlarni solishtirilishi ta'minlanishini hisobga oigan holda keng joriy etishga yo'naltirilgan.<sup>48</sup>

Amalga kiritilgan 15-son MHXS "Xaridorlar bilan shartnomalar bo'yicha tushumlar" standarti tushumlarni tan olish, baholash va hisobotlarda aks ettirishning yangi tartibini joriy etishni ko'zda tutadi. Shu bois, ushbu standart talablariga muvofiq hisob-kitoblarni tashkil etish, moliyaviy hisobotlarda daromadlar va foyda to'g'risida shaffof axborotlarni aks ettirish, xalqaro investorlarga ularga tushunarli bo'lgan vositalarda, ya'ni eng sinalgan va samarali usul hamda uslublar, tan olish va baholash mezonlari, xalqaro qoida va printsiplardan foydalangan holda kompaniyaning daromadlari, foydasi va uning taqsimoti hamda foydadagi ulushi to'g'risidagi ishonchli, uyg'un va taqqoslanuvchi moliyaviy axborotlarni taqdim etish metodologiyasini joriy etish barcha mamlakatlar, ayniqsa MHXSlarni birinchi marta qo'llayotgan mamlakatlar uchun o'ta dolzarb masaladir.

Mamlakatimizda daromadlar va foyda hisobini MHXSlarga muvofiqlashtirish borasida muayyan natijalarga erishildi. Jumladan, 2-son BHMS "Asosiy faoliyatdan olingan daromadlar" standarti hamda "Xarajatlar tarkibi hamda moliyaviy natijalarni aniqlash tartibi" to'g'risidagi Nizomlarga muvofiq daromadlar hisobining xalqaro mezonlarga muvofiq keladigan tartibi ishlab chiqildi, 2021 yildan e'tiboran aktsiyadorlik jamiyatlari, banklar, sug'urta tashkilotlari, davlat ulushi bo'lgan korxonalar va ixtiyoriylik asosida boshqa korxonalarga MHXSlar asosida moliyaviy hisobot tuzish, ularni xalqaro auditdan o'tkazish va nashr ettirish tartiblari amaliyotga joriy etiladi.<sup>49</sup>

Z.B.Eshpulatovanning "Korxonalarda daromadlar hisobini takomillashtirish" mavzusidagi dissertatsiyasida O'zbekistonda amalda bo'lgan buxgalteriya hisobi bo'yicha normativ-huquqiy hujjatlar, jumladan moliyaviy hisobotning kontseptual asoslari, Nizomlar va O'zbekiston Buxgalteriya hisobi milliy standartlar o'rtasida tafovutlar mavjudligi va O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24 fevraldagi 4611-son "Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarorida buxgalteriya hisobi milliy standartlarini xalqaro standartlarga muvofiqlashtirish, normativ-huquqiy hujjatlar o'rtasidagi nomutanosiblikni bartaraf etish vazifasi yuklatilganligi va daromadlar

---

<sup>48</sup> HAMDAMOV B.Q. AUDITNING XALQARO STANDARTLARI. Darslik. TOSHKENT «IQTISOD-MOLIYA» 2020. 27-28 b

<sup>49</sup> Z.B.Eshpulatova. Korxonalarda daromadlar hisobini takomillashtirish.mavzusidagi dissertatsiyasi. 2022 y. 13 b

hisobiga oid me'yoriy huquqiy hujjatlarni muvofiqlashtirish hamda, korxonalar daromadlarini oshirish orqaligina, aholi jon boshiga to'g'ri keladigan daromadni oshirishga erishishimiz mumkinligi takidlab o'tilgan. Bundan tashqari ushbu o'ta muhim ahamiyat kasb etuvchi hujjatda "Mamlakatda investitsiya muhitini yanada yaxshilash va uning jozibadorligini oshirish, kelgusi besh yilda 120 milliard AQSh dollari, jumladan 70 milliard dollar xorijiy investitsiyalarni jalb etish choralari ko'rish" maqsadi belgilanishi ham investitsion jozibadorlikni yaxshilashda MHXSlariga o'tish o'ta dolzarb vazifa ekanligidan dalolat beradi.

Keyingi ikki yil davomida mamlakatimiz Prezidenti tomonidan buxgalteriya hisobi va auditni xalqaro standartlarga o'tkazish uchun 1 farmon, 2 ta qaror qabul qilinda. Ushbu farmon va qarorlarning asosiy mazmuni buxgalteriya hisobi va auditni MHXSlari va AXSlariga o'tkazish hisoblanadi. Dissertatsiyada ularda qo'yilgan vazifalarning asosiy mazmunini quyidagi jadvalda aks ettirilgan (1-jadval).

### 1-jadval

#### MHXS va AXSlarini joriy qilishni jadallashtirishga qaratilgan farmon va qarorlarida qo'yilgan vazifalar<sup>50</sup>

<p>O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori <b>"Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarga o'tish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risi"</b>da 2020 yil 24 fevral, PQ-4611-son</p>	<p>"Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga (keyingi o'rinlarda — MHXS) o'tishni jadallashtirish orqali xorijiy investorlarni zarur axborot muhiti bilan ta'minlash va xalqaro moliya bozorlariga kirish imkoniyatlarini kengaytirish, shuningdek, hisob va audit sohalari mutaxassislarini xalqaro standartlar bo'yicha tayyorlash tizimini takomillashtirish maqsadida: Belgilansinki, aktsiyadorlik jamiyatlari, tijorat banklari, sug'urta tashkilotlari va yirik soliq to'lovchilar toifasiga kiritilgan yuridik shaxslar: 2021 yil 1 yanvardan boshlab, MHXS asosida buxgalteriya hisobi yuritilishini tashkil etadi va 2021 yil yakunlaridan boshlab moliyaviy hisobotni MHXS asosida tayyorlaydi, qonun hujjatlarida MHXSga o'tishning ertaroq muddatlari nazarda tutilgan yuridik shaxslar bundan mustasno; 2021 yil yakuniga qadar buxgalterlarni xalqaro sertifikatlash doirasida «MHXS bo'yicha moliyaviy hisobot» fanini muvaffaqiyatli topshirganligi to'g'risida hujjatga yoxud «Sertifikatlangan xalqaro professional buxgalter (CIPA)», «Sertifikatlangan diplomli buxgalter (ACCA)», «Sertifikatlangan jamoatchi buxgalter (CPA)» va «Xalqaro moliyaviy hisobot bo'yicha diplom (DipIFR)» sertifikatlaridan (keyingi o'rinlarda — xalqaro buxgalter sertifikati) biriga ega kamida uch nafar mutaxassis miqdorida MHXSni sifatli qo'llash uchun yetarli bo'lgan buxgalteriya xizmati xodimlari bilan ta'minlaydi"<sup>51</sup>.</p>
<p>O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori <b>"Nodavlat ta'lim tashkilotlarini</b></p>	<p>"Zamonaviy talablarga mos keladigan yuqori malakali kadrlarni tayyorlash jarayonini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish, nodavlat ta'lim tashkilotlarini qo'llab-quvvatlash va ta'lim jarayonida yoshlar ishtiroki uchun qo'shimcha shart-sharoitlar yaratish maqsadida:</p>

<sup>50</sup> Z.B.Eshpulatova. Korxonalarda daromadlar hisobini takomillashtirish.mavzusidagi dissertatsiyasi. 2022 y. 36-38 b

<sup>51</sup> <https://lex.uz/docs/4746047>

<p><b>davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash va ta'lim jarayonida yoshlar uchun qo'shimcha shart-sharoitlar yaratish chora-tadbirlari to'g'risi</b>"da 2021 yil 25 iyun, PQ-5161-son</p>	<p>Moliya vazirligi hamda Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligining Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti huzurida Moliyaviy hisobot va auditning xalqaro standartlari bo'yicha innovatsion malaka oshirish resurs markazini (keyingi o'rinlarda — Moliyaviy hisobot bo'yicha resurs markazi), shuningdek, Buxgalteriya hisobi va soliqlar bo'yicha nodavlat malaka oshirish resurs markazini (keyingi o'rinlarda — Buxgalteriya hisobi bo'yicha resurs markazi) tashkil etish to'g'risidagi takliflari ma'qullansin</p> <p>Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi Moliya vazirligi va Innovatsion rivojlanish vazirligi bilan birgalikda 2022 yil yakuniga qadar Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Toshkent moliya instituti, Moliya vazirligi huzuridagi o'quv markazi hamda Samarqand iqtisodiyot va servis institutini buxgalteriya hisobi va audit sohasidagi xalqaro tashkilotlarning akkreditatsiyasidan o'tkazish choralari ko'rsin.</p> <p>Belgilansinki: buxgalteriya hisobi va audit sohasida o'quv dasturlari va o'qituvchilarni xalqaro tashkilotlarning akkreditatsiyasidan o'tkazishga tayyorlash doirasida yuqoridagi oliy ta'lim muassasalarining har biriga 2022 yilda 100 million so'mdan mablag' ajratiladi;</p> <p>Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Toshkent moliya instituti va Samarqand iqtisodiyot va servis instituti xalqaro akkreditatsiyadan o'tgan taqdirda, ularning moddiy-texnik bazasini rivojlantirish uchun 2023 yilda 1 milliard so'mdan bir martalik rag'batlantirish mablag'lari ajratiladi.”<sup>52</sup></p>
<p>O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori <b>“Auditorlarni setifikatlashtirish tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risi”</b>da 2021 yil 4 avgust, PQ-5210-son</p>	<p>“Rivojlangan mamlakatlarning ilg'or tajribasi asosida auditorning malaka sertifikatini olish uchun malaka imtihonining shaffofligini ta'minlaydigan auditorlarni sertifikatlashning zamonaviy tizimini joriy etish, shuningdek, ushbu sohadagi xalqaro tashkilotlar bilan yaqin hamkorlik va o'zaro aloqalarni o'rnatish maqsadida:</p> <p>Moliya vazirligi bilan birgalikda Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Toshkent moliya instituti, Samarqand iqtisodiyot va servis institutining (keyingi o'rinlarda — tajriba-sinov oliy ta'lim muassasalari) «Buxgalteriya hisobi» va «Audit» fanlari bo'yicha pedagog kadrlarini akkreditatsiyadan o'tgan o'quv markazlarida auditning xalqaro standartlari (keyingi o'rinlarda — AXS) bo'yicha tezlashtirilgan tarzda o'qitish jadvalini tasdiqlasin;</p> <p>2022 yil 1 avgustdan boshlab tajriba-sinov oliy ta'lim muassasalarining bakalavriat ta'limi yo'nalishlari va magistratura mutaxassisligidagi «Buxgalteriya hisobi» va «Audit» fanlari bo'yicha AXSni chuqur o'rganishni nazarda tutuvchi yangilangan o'quv dasturlarini ta'lim jarayoniga joriy etsin.”<sup>53</sup></p>
<p>O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni <b>“Davlat moliyaviy nazorati tizimini yanada</b></p>	<p>“2022 yil 1 yanvarga qadar Oliy audit organlarining xalqaro standartlari (ISSAI) asosida tashqi audit tadbirlarini rejalashtirish va o'tkazishni tashkil etish, ular doirasida moliyaviy, samaradorlik va muvofiqlik auditlarini o'tkazish, shuningdek, davlat moliyaviy nazoratida xavf-tahlilni amalga oshirish standartlarini ishlab chiqsin va tasdiqlasin;</p>

<sup>52</sup> <https://lex.uz/docs/-5474568>

<sup>53</sup> <https://lex.uz/docs/5552197>

<p><b>takomillashtirish chora-tadbirlar to‘g‘risi”da</b> 2021 yil 27 avgust, PF-6300-son</p>	<p>2022 yil 1 oktyabrga qadar Tashqi ishlar vazirligi bilan birgalikda Oliy audit organlarining xalqaro standartlarini (ISSAI) joriy etish, xodimlar malakasini oshirish, tajriba almashish va ilg‘or tajribalarni amaliyotda qo‘llash uchun Oliy audit organlarining xalqaro tashkiloti (INTOSAI) ga a‘zo bo‘lishni ta‘minlasin.</p> <p>Hisob palatasi Moliya vazirligi hamda Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalarini rivojlantirish vazirligi bilan birgalikda 2022 yil 1 yanvarga qadar «Davlat auditi» dasturiy kompleksining (keyingi o‘rinlarda — «Davlat auditi» dasturi) ishga tushirilishini ta‘minlasin”</p> <p>54</p>
--	--

Ushbu Farmon va Qarorlarda qo‘yilgan vazifalardan kelib chiqib, O‘zbekistonda faoliyat ko‘rsatayotgan tashkilotlar amaliyotiga MHXS va AXSlarini faol joriy qilish, oliy ta‘lim tizimida buxgalteriya hisobi va auditga oid fanlarni MHXS va AXSlariga muvofiqlashtirish, fan dasturlarini akkreditatsiyadan o‘tkazish, professor-o‘qituvchilar va amaliyot xodimlarini xalqaro sertifikatlashtirish ishlari amalga oshirish. Standartlarni o‘rganish va joriy qilish ularning har biriga alohida yondashuvni talab etish.

Daromadlar hisobi mavzusi alohida o‘rin tutadi, chunki daromadlarni xalqaro standartlarga muvofiqlashtirish boshqa jarayonlarni ham MHXSlar asosida tashkil etishni qo‘laylashtiradi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son “2022–2026 yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni. <https://lex.uz/docs/5841063>;
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarga o‘tish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risi”da 2020 yil 24 fevral, PQ-4611-son;
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori “Nodavlat ta‘lim tashkilotlarini davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash va ta‘lim jarayonida yoshlar uchun qo‘shimcha shart-sharoitlar yaratish chora-tadbirlari to‘g‘risi”da 2021 yil 25 iyun, PQ-5161-son;
4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori “Auditorlarni sertifikatlashtirish tizimini takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risi”da 2021 yil 4 avgust, PQ-5210-son;
5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni “Davlat moliyaviy nazorati tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlar to‘g‘risi”da 2021 yil 27 avgust, PF-6300-son;
6. Hamdamov B.Q. Auditning xalqaro standartlari. Darslik. TOSHKENT «IQTISOD-MOLIYA» 2020. 27-28 b;
7. Z.B.Eshpulatova. Korxonalarda daromadlar hisobini takomillashtirish.mavzusidagi dissertatsiyasi. 2022 y;

<sup>54</sup> <https://lex.uz/docs/5607471>

### Internet resurslar:

8. <https://lex.uz/docs/4746047>
9. <https://lex.uz/docs/-5474568>
10. <https://lex.uz/docs/5552197>
11. <https://lex.uz/docs/5607471>

**O.T.Shirinova**  
**tadqiqotchi**

## **AUDITOR ISHI SIFATINI BAXOLASHDA AXBOROT TEXNOLOGIYANING ROLI**

**Annotatsiya:** Maqolada auditor ish sifatini baxolashda axborot texnologiyalaridan foydalanish masalalari bayon qilingan.

**Kalit so'zlar:** audit, auditor, baholsh, axborot texnologiyalari, iqtisodiyot.

**Аннотация:** В статье рассмотрены вопросы использования информационных технологий при оценке качества работы аудитора.

**Ключевые слова:** аудит, аудитор, оценка, информационные технологии, экономика.

**Abstract:** The article describes the issues of using information technologies in assessing the quality of the auditor's work.

**Key words:** audit, auditor, assessment, information technology, economy.

XXI asrni informasiya axborot, yuksak texnika-texnologiya asri deb atashimiz o'rinlidir. Ya'ni yashin tezligida texnika, texnologiyalar rivojlanib bormokda. Hozirda 5 yil oldin yaratilgan texnologiyalar bugungi kunga kelib o'zini oqlamayapti. Yangi ishlab chikarish texnologiyalar kashf qilinmoqda. Ishlab chiqarishda mehnat unumdorligini oshirish birinchi navbatda ishchi kuchini mahoratiga, malakasiga, bilimiga va albatta axborot texnologiyaga bog'lik. Shunday ekan inson uchun mablag' qo'yish eng samarali kapital hisoblanadi.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida korxonani boshqarish va rivojlantirishda maslaxatchi mutaxassisligi zarur. Bir tomondan, bu maslaxat amaliy xizmatlarning keng majmuasi bo'lsa, boshka tomondan, boshqaruv va biznesni tashkil etishdagi xizmatlardir. Korxonada faoliyatini boshqarish jarayonida auditorlarning maslaxatlari muxim ahamiyat kasb etadi. Buning uchun auditorlik tashlilotlarining ish sifatlarini baholash va ular hakida ishonchli ma'lumotlarga ega bo'lishlari lozim.

Auditorlik kasbi ijtimoiy ahamiyatga ega va auditorlarning taqdim etilayotgan xizmatlar sifati uchun yuqori darajadagi mas'uliyatini nazarda tutadi. Auditorlik xulosasining sifati axborotdan foydalanuvchilar tomonidan qabul qilingan qarorlar natijalarini belgilaydi. Mulkdorlar, investorlar, kreditorlar va jamoatchilik auditorlik tekshiruvi yuqori darajada o'tkazilganligidan kelib chiqib, auditorlarning fikriga

tayanadi.

Auditor ish sifati mavzusi bo'yicha ko'plab tadqiqotlar olib borilgan. Jumladan: M. Benisa, Yu.A. Danilevskiy, D.R. Karmaykl, J. Lobbek, S.V. Pankova, V.I. Podolskiy, N.A.Remizov, V.V. Skobara, E.V. Starovoitova, S.M. Shapiguzova va boshqalar «Auditor ish sifati» tushunchasini olimlar turlicha talqin qilishadi.

Professor A.D.Sheremetning fikricha, yuqori ijtimoiy ahamiyatga ega bo'lish auditorlik kasbining yuksak obro'-e'tiborini va berilgan xulosalar sifati uchun auditorning eng yuqori mas'uliyatini keltirib chiqaradi.

Auditor ishi sifatining yaxshi yo'lga qo'yilganligi, auditor ishi sifatini nazorat qilish auditning o'tkazilishi va auditga turdosh xizmatlarning ko'rsatilishi chog'ida audit standartlarining va O'zbekiston Respublikasida auditorlik faoliyatini tartibga solib turuvchi boshqa xil me'yoriy hujjatlar talablariga rioya etilishini tekshirish uchun foydalaniladigan tashkiliy choralalar, uslublar va jarayonlar tizimini o'z ichiga oladi.

Har bir auditorlik tashkiloti ish sifati ustidan nazorat qilish tamoyillari va qoidalarini, shuningdek, ulardan foydalanish jarayonlarini ishlab chiqishi va qabul qilishi lozim. Bu esa auditning o'tkazilishi jarayonida tekshirishning umum belgilangan standartlari bilan ziddiyatlarning yuzaga kelmasligi uchun zarurdir.

Auditor ish sifati nazorat qilish bir necha shakllarda amalga oshiriladi:

1. Asosiy auditor tomonidan o'z assistentlari ishini nazorat qilish;
2. Auditorlik tashkiloti tomonidan auditor ishini nazorat qilish;
3. Tashqi nazorat.

Asosiy auditor auditning o'tkazilishi jarayonida assistentlar tomonidan bajarilayotgan ishlarni doimiy ravishda nazorat qilishi va yo'naltirib borishi kerak.

Assistent deganda asosiy auditoridan kasbiy darajasi jihatidan farq qiluvchi xodimlar tushuniladi. Assistentdan farqli o'laroq, asosiy auditor auditning bajarilishi uchun to'liq javobgar hisoblanadi. Ishlar topshiriladigan assistentlar ma'lum bir ma'noda ularning javobgarligi va bajarishlari lozim bo'lgan jarayonlarning maqsadlari haqida, xo'jalik yurituvchi subyektning faoliyati va bo'lishi mumkin bo'lgan auditorlik jarayonlarining mohiyati, o'tkazilish vaqti va miqyoslariga ta'sir qilishi mumkin bo'lgan hisobga oid auditorlik muammolari to'g'risida tegishli ravishda xabardor qilingan bo'lishlari lozim.

Auditor ishining auditorlik tashkiloti tomonidan nazorat qilinishi quyidagilar vositasida amalga oshiriladi:

- mijoz oldida auditorlik rejasining va audit o'tkazish dasturining asoslanganligini muhokama qilish va tekshirish;

- tashkiliy-etik auditorlik tamoyillariga qat'iy rioya etish (xususan, mijozga maslahatlar beruvchi yoki uning buxgalteriya hisobini tiklab beradigan auditor uning o'zini tekshirish uchun va shu kabilarga bormaydi);

- asosiy auditor tomonidan auditorlik xulosasi berib bo'linganidan keyin auditorlik tashkilotining boshqa auditori tomonidan hisobotlarning ishonchligini mijoz uchun bepul bo'lgan takroriy qayta tekshirishlarni o'tkazish;

Auditorning iqtisodiy axborot avtomatlashtirilgan tizimidan foydalaniladigan xo'jalik yurituvchi subyektida bajarilgan ishlar bo'yicha rejalashtirish, tahlil etish,

nazorat qilish va yakunlashda sharhlash va xulosalash uchun kompyuterda ishlangan ma'lumotlar tizimi bo'yicha yetarli darajada bilimlarga ega bo'lishi maqsadga muvofiqdir.

Bozor iqtisodiyotiga boskichma-boskich o'tib borayotgan mustakil mamlakatimizning iqtisodiy va ijtimoiy hayotida auditorlik tashkilotlari alohida ahamiyat kasb etadi. Chunki auditorlik tashkilotlari faoliyati ko'plab korxonalarining xo'jalik faoliyatini samarali yuritishi bilan bevosita bog'likdir. Biroq bozor iqtisodiyoti sharoitida auditorlik tashkilotlari ko'payishi ularda mijozlarga xizmat ko'rsatish faoliyatini mikroprosessorli informatsiya axborot xamda kompyuter texnikalari asosida amalga oshirilishini takozo etmokda.

Audit sifatini ta'minlash masalalarini batafsil ko'rib chiqib, ishonch bilan aytishimiz mumkinki, samarali tizimni yaratish ko'rsatilayotgan auditorlik xizmatlari sifatini oshiradi, bu esa o'z navbatida buxgalteriya hisobi ma'lumotlari sifatiga va auditorlik xizmatlaridan foydalanuvchilar tomonidan qabul qilinadigan boshqaruv qarorlari samaradorligiga ta'sir qiladi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Ахмеджанов, Каримжон, and Александра Нам. "Критерии оценки эффективности и качества внутреннего аудита." *Экономика и инновационные технологии* 1 (2017): 222-230.
2. Abdullayeva, Z. "O'zbekistonda audit ishi sifati nazoratini tashkil qilishning obyektiv zarurati." *International Journal of Intellectual Cultural Heritage* 2.2 (2022): 11-14.
3. Xakimov, Rashid, and Nurbek Abduraxmonov. "Ichki audit tekshiruvining samaradorligini baholash va uni oshirish yo 'llari." *Journal of new century innovations* 30.3 (2023): 69-75.
4. Ostonokulov, A., and M. Maxamadaliyeva. "Audits of state purchases and contracts concluded on the basis of competition in budgetary organizations." *Science and Innovation* 1.8 (2022): 1102-1113.
5. Xakimov, Rashid, and Nurbek Abduraxmonov. "Ichki audit tekshiruvining samaradorligini baholash va uni oshirish yo 'llari." *Journal of new century innovations* 30.3 (2023): 69-75.

## **4-SHO'BA. RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA XIZMAT KO'RSATISH TARMOQLARI IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISH HAMDA MARKETING VA MENEJMENTNI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI**

**Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев**  
**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**  
**профессори, иқтисодиёт фанлари доктори**  
**Темур Олимович Мамаюнусов**  
**Тадбиркор, мустақил изланувчи**

### **ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

Рақамлаштиришга асосланган инновацион иқтисодиёт шароитида хўжалик фаолияти таҳлилининг роли кескин ошади, чунки бошқаришда олдинги маъмурий буйруқбозлик тизимидан воз кечиб янги, эркин, иқтисодий механизмлар орқали бошқариш тизими шаклланиб, барча механизмлар рақамлаштириш билан боғлиқ бўлиб қолди. Олдин таҳлил асосан режа кўрсаткичларини асослашга унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган бўлса, эндиликда эса ҳар бир хўжалик субъекти, мулк шаклидан катъий назар, ўз фаолиятини юқоридан берилган кўргазмани, буйруқни бажаришга қаратмасдан, балки ўзлари мустақил равишда ўзининг иқтисодий қудратини такомиллаштириш мақсадида эркин бошқаришга қаратади. Бу эса, ўз навбатида, таҳлилнинг ролини янада оширади. Иқтисодий таҳлил орқали ҳар бир объектида мавжуд бўлган ички ва ташқи имкониятлар аниқланади, уларнинг амалиётга сафарбар қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. Шу туфайли ҳозирги ҳаёт ҳар қандай корxonани тўғри бошқариш учун таҳлил қилишни тақозо қилади.

Бу мақсадларни амалга ошириш учун иқтисодий таҳлилнинг аниқ вазифалари келиб чиқади. Таҳлил қилишнинг инновацион иқтисодиёт шароитидаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

Биринчидан, корxonанинг бизнес-режасини тузиш учун тегишли ахборотлар билан таъминлаш вазифаси. Чункибир йиллик фаолияти, унинг режаси, натижалари ҳамма-ҳаммаси бизнес режада ўз аксини топади. Шунинг учун тегишли ахборотлар етарли бўлиши керак.

Иккинчидан, бизнес-режанинг бажарилишини, корxonанинг молиявий барқарорлигини таъминлашини, унинг иқтисодий қудратини яхшилашини, ҳар бир хўжалик субъектининг рақобатбардошлигини ошириш учун мавжуд ички ва ташқи имкониятларни ўрганиб, тегишли йўналишлар аниқ белгиланади.

Учинчидан, ҳар бир йуналишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларнинг таъсирини ҳисоблаш ва шу омилларни ишнинг самарадорлигини



оширишга сафарбар қилиш чора-тадбирлари ҳам ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Ишнинг натижаси бўйича ушбу ҳолатнинг қандай бўлганлигига тегишли равишда баҳо берилади.

Тўртинчидан, хўжаликда мавжуд меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларда самарали фойдаланиш йўл-йўриқларини ишлаб чиқилади ва уларнинг тезкор тарзда қандай бажарилаётганлигига ҳам баҳо бериб борилади. Бу ишда нафақат бухгалтерлар, балки менежерлар ва бошқа манфаатдор субъектлар ҳам иштирок этиши лозим бўлади.

Бешинчидан, корхонанинг иқтисодий ва молиявий потенциалига, унинг тўловга қодирлиги ва қобилиятлилигига баҳо бериш ҳамда бу натижага эришиш учун тезкор чора-тадбирларни қўллаш йўллари ишлаб чиқилади. Бунда асосий эътиборлардан бири корхонанинг барқарор ривожланиши ва рақобатбардошлигига ҳам қатта аҳамият берилади.ш;

Олтинчидан, корхонанинг тижорат сирини сақлаган ҳолда унинг молиявий аҳволини кенг жамоатчиликка кўрсата билиш ва ташқи инвесторларни корхона фаолиятини яхшилашга жалб қилиш имкониятларидан ҳам кенг фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилади ва уни амалга ошириш жараёни назорат қилинади.

Еттинчидан, корхонани бошқаришнинг энг қулай ва нафли усулларини ишлаб чиқиш ҳам таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Ҳозирги пайтда бу масалани амалга ошириш учун ахборот технологияларнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Таҳлилнинг биринчи вазифаси бевосита унинг бизнес-режа билан боғлиқлигидан келиб чиқади. Таҳлил жараёнида бир томондан бизнес-режанинг амалга ошганлигини ўрганса, иккинчидан хўжалик фаолиятини батафсил ўрганиб келгуси давр учун бизнес-режани тузишда тегишли ахборотларни тўплаб беради. Олдинги режали иқтисодиёт шароитида хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари юқоридан берилар эди. Шу туфайли таҳлилни юқори ташкилотлар амалга ошириб келган. Энди инновационмуносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида вазият тубдан ўзгарди. Ҳар бир корхона ўз фаолияти учун ўзи масъул. Ўзи режалаштиради, ўзи ҳисоботни тузади ва ўзи назорат қилади. Бундай шароитда корхона хўжалик фаолиятини юқори ташкилот эмас, балки унинг ўз мутахассислари, менежерлари таҳлил қилади. Шу туфайли таҳлилнинг роли ва вазифаси бизнес-режани тузишда кундан кунга ошиб бомоқда. Чунки бизнес-режанинг ҳар бир кўрсаткичи иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлиши лозим. Бу эса таҳлил орқали амалга оширилади.

Таҳлилнинг иккинчи вазифаси корхонада бизнес-режанинг бажарилишини ўрганиш билан боғлиқ. Ҳозирги пайтда бизнес-режани тузиш, унга киритиладиган кўрсаткичлар бўйича қатъий белгиланган андоза йўқ. Бундай бўлишига фикримизча зарурат ҳам бўлмаса керак. Чунки жуда кўп корхоналар бир соҳа билан шуғулланса ҳам уларнинг иш услуби ҳар хил, ўзларига хос бўлиши мумкин. Бу эса олдингидек ҳамма корхона фаолиятига бир хил ёндошиш имконини бермайди. Аммо умумий йўналиш бўйича

кўрсаткичлар тизими бир-бирига яқин бўлиши табиий. Масалан, ҳар бир корхона юқори рентабелликка эришишга интилиши, молиявий барқарорликни таъминлаши, ўзининг иқтисодий қудратини яхшилаши учун ҳаракат қилади. Демак, бу таҳлилнинг ҳам барча корхоналар учун методологик асос бўладиган усулларининг бўлишини тақозо қилади. Шу туфайли таҳлил жараёнида бизнес-режанинг бажарилиш даражасини чуқур ўрганиш шу орқали унинг фаолиятига объектив баҳо беришдек муҳим вазифа ҳам ушбу фан зиммасига юклатилган.

Бизнес-режани бажариш жараёнида маълум қонуниятга эга омиллар билан бирга кўзда тутилган тасодифий омиллар таъсир қилиши ҳам мумкин. Таҳлилнинг учинчи вазифаси шу омилларни аниқлаш ва ҳар бирининг таъсирини ҳисоблашдан иборатдир. Бу эса инновационмуносабатларининг шаклланиш жараёнида вужудга келган кўпгина янги кўрсаткичлар ва омиллар таъсирини аниқлайдиган омилли таҳлил усулларини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Омилли таҳлил натижа кўрсаткичига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш йўли билан шу таҳлил қилинаётган кўрсаткични яхшилашни, ички ва ташқи имкониятларни аниқлаш ва уни келгуси давр учун сафарбар қилиш йўллари ишлаб чиқиш имконини беради. Ҳозирги ишлаб чиқариш корхоналарини давлат томонидан молиялаштириш асосан барҳам топган бир пайтда, ички имкониятларни ахтариб топиш ва уни хўжалик фаолиятига сафарбар қилиш таҳлил орқали амалга оширилади. Бундан кўриниб турибдики, инновационмуносабатларига асосланган эркин иқтисодиёт шароитида таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири натижага таъсир этувчи омилларни чуқур ўрганиш орқали ички имкониятларни ахтариб топиш ва уларни хўжалик фаолиятининг самарадорлигини оширишга сафарбар қилишдан иборатдир.

Таҳлилнинг тўртинчи вазифаси иқтисодий жараёнларнинг диалектик боғлиқлигидан келиб чиқади. Қайси соҳа бўлмасин, иқтисодий жараён содир бўлиши учун меҳнат воситаси, меҳнат предмети ва жонли меҳнатнинг мужассамлиги лозим бўлади. Иқтисодиётнинг бу элементлари самарадорлигини оширмай туриб бошқа кўрсаткичлар миқдорининг юқори бўлишига эришиб бўлмайди. Шу туфайли таҳлил жараёнида моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда моддий-техника базасининг бошқа элементларга тўғри келишини таъминлашга катта эътибор бермоқ лозим. Масалан, юқори меҳнат унумдорлигига эга бўлган, илғор технологияга асосланган ускуна мавжуд. Лекин шу ускунани ишлата оладиган, шунга малакаси етарли бўлган мутахассис керак бўлади. Агар корхонада юз киши бўлса (унинг штатида шунча киши банд бўлса), лекин тегишли мутахассис бўлмаса бундай ҳолатда корxonанинг моддий техника базаси ҳам, меҳнат ресурслари ҳам самарасиз бўлади. Шу туфайли улар бир-бири билан диалектик боғлиқликда. Техника ва технология такомиллашдимиз, демак ходимларнинг малакаси ҳам шунга мос равишда ошиб бориши лозим.

Шундагина тегишли, кўзда тутилган натижага эришиш мумкин. Акс ҳолда қилинган тадбирлар, сарфланган ҳаракатлар тегишли самара бермаслиги табиий. Бу ҳолатларнинг ҳаммаси таҳлил орқали аниқланади ва аниқланган вазиятдан тегишли хулоса қилинади. Шу туфайли таҳлилнинг роли корхоналар, уларнинг мулк шаклидан қатъи назар, самарадорлигини оширишда янада ошмоқда. Корхонанинг умумий самарадорлиги бевосита унинг моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларининг самарадорлигига боғлиқ.

Таҳлил жараёнида моддий-меҳнат ва молиявий ресурсларнинг самарадорлигини алоҳида ўрганиш, уларнинг бир-бирига боғлиқлигини ва умумий натижага таъсирини ҳам кўриб чиқиш лозим. Демак, таҳлилнинг вазифаси шу кўрсаткичларни диалектик боғлиқликда ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан асосланган хулоса қилишдан иборатдир.

Таҳлилнинг бешинчи вазифаси корхоналарнинг эркин рақобат шароитида фаолият кўрсатаётганлигидан келиб чиқади. Ҳозирги пайтда таҳлил асосан бухгалтерия балансидаги маълумотлар билан чекланиб қолганлиги туфайли унинг иқтисодий салоҳияти (потенциали) тўлиқ ўрганилмаяпти. Иқтисодий потенциалга бухгалтерия балансида кўрсатилган асосий ва айланма капитал ҳамда номоддий активлар билан биргаликда меҳнат ресурслари ҳам киради. Таъкидланганидек, ушбу элементлар ўзаро боғлиқ равишда ишлатилиши учун молиявий потенциалнинг аҳамияти катта. Иқтисодиётнинг ҳар хил босқичида молиявий потенциал таркиби турлича бўлиши мумкин. Ҳозирги банк кредити учун тўланадиган фоизнинг корхона имкониятларига нисбатан баландлигини инобатга олинадиган бўлса корхоналар ўз фаолиятини асосан хусусий маблағлари эвазига юритгани яхши. Агарда иқтисодиёт барқарорлашиб, пулнинг қадрсизланиш даражаси камайгандан сўнг банк кредитининг фоизи камаяди ва ниҳоят ундан фойдаланиш мумкин бўлади. Ҳозирги пайтда корхона молиявий потенциалнинг таркиби, улардан қандай фойдаланилаётганлиги, қандай ўзгаришлар кўзда тутилаётганлиги, истиқболи қандай бўлиши кабиларни ўрганиш ҳаёт тақозоси. Бу эса таҳлил орқали амалга оширилади. Шу туфайли иқтисодий таҳлилнинг асосий ва энг муҳим вазифаларидан бири корхона иқтисодий ва молиявий потенциалига баҳо бериш, уларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқишдан иборатдир.

Таҳлилнинг олтинчи вазифаси ҳам инновационмуносабатларига асосланган эркин иқтисодиётнинг шаклланиши билан вужудга келди. Таҳлил жараёнида корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини молиявий таҳлил усуллари қўллаган ҳолда, ундаги мавжуд тижорат сирини эса бошқарув ҳисоби маълумотларини таҳлил қилиш эвазига амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Таҳлил орқали корхонанинг молиявий аҳволи, унинг истиқболи аниқ ва равшан бўлади. Барча ижобий натижалар бўлса, албатта ташқи инвесторлар хабардор бўлиши лозим. Лекин қайси кўрсаткичларни, қачон ва қандай ҳолатда ошкор қилиш муҳимлигини ҳамма ҳам ҳамиша билавермайди. Ташқи инвесторларнинг капитал қўйилмаларини жалб қилиш мақсадида

фақат шу корхонага хос бўлган иш усуллари, баъзи фаолият жараёни ва унинг натижаларини ошқора қилмаслик керак. Бу ҳар бир корхонанинг тижорат сири. Шу туфайли тижорат сири ошқора қилмаган ҳолда корхона молия-хўжалик фаолиятини кўз-кўз қилиш ҳам таҳлилнинг асосий вазифаларидан биридир.

Таҳлилнинг еттинчи вазифаси режали иқтисодиёт шароитида ҳам мавжуд эди. Аммо у пайтда фаолиятнинг ҳамма соҳаси, жумладан бошқарув ҳам юқоридан берилган режанинг бажаришига қаратилган эди. Кўп ҳолларда асосий режа кўрсаткичи бажарилар эди, аммо у корхона, давлатга қанчалик қимматга тушаётганлиги билан ҳеч ким қизиқмас эди. Масалан, савдо корхоналарининг асосий режа кўрсаткичи унинг товар обороти. Уни бошқариш учун ҳамма сафарбарлик амалга оширилди. Лекин унинг қанча харажат талаб қилиши ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Оқибатда, жуда кўп савдо корхоналари товар оборотини бажариш билан бирга фаолият натижаси зарар билан яқунланар эди. Натижада юқори ташкилотлардан унинг оборот маблағларини “тўлдириш” учун жуда кўп маблағ ажратилар эди. Энди бундай ишларга барҳам берилди. Корхонани бошқариш юқори ташкилот манфаатини ҳисобга олиб эмас, балки бевосита шу субъектнинг манфаатидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган бўлди. Бу эса ҳар бир корхона фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилишни тақоза қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки таҳлилнинг вазифаси ушбу бандларда келтирилган вазифалар билан чекланмайди. Корхона фаолияти серқиррали. Таҳлил жараёнида унинг ҳамма томонларини ўрганиш лозим. Шундай экан, таҳлил вазифасини ҳам кўп қирралидир. Шу туфайли биз уларнинг энг асосийларини келтирдик, холос.

Таҳлил жараёнида барча камчиликлар аниқланди. Бошқарув қарорларини қабул қилишда эса аниқланган камчиликларга келгусида йўл қўйилмаслик чора-тадбирларини ишлаб чиқади. Шу тариқа камчиликлар бартараф қилиниб, хўжалик фаолиятининг узлуксиз равишда такомиллашуви ва унинг самарадорлигининг ошиб бориши таъминланади.

Кўриниб турибдики, таҳлилнинг вазифаси Рақамли иқтисодиёт шаклланаётган бугунги шароитда ҳам, келажакда ҳам корхоналар хўжалик фаолиятининг узлуксиз яхшиланиб бориши учун иқтисодий дастак сифатида муҳим аҳамиятга эга экан.

**Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев**  
**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**  
**профессори, иқтисодиёт фанлари доктори**  
**Бобур Қиёмитдинович Муфтайдинов**  
**Андижон Қишлоқ хўжалик ва**  
**агротехнологиялар институти**  
**мустақил изланувчиси**

## **ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ КОРХОНАЛАРНИ БОШҚАРИШДАГИ ЎРНИ**

**Аннотация:** мақолада инновацион иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлилнинг корхоналарни бошқаришдаги ўрни ёритилган. Бунда корхоналар фаолиятидан манфаатдор субъектлар мулкдорлар, инвесторлар, меҳнат жамоаси, давлат, солиқ идоралари, банклар, молиявий ташкилотларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, таҳлил натижаларида манфаатдорлиги очиб берилган.

**Калит сўзлар:** таҳлил, иқтисодий таҳлил, инновацион иқтисодиёт, бошқарув қарорлари, банкротлик, рақобат, рақобатбардошлик, бошқарув қарорлари.

Инновацион иқтисодиёт шароитида, бозор муносабатларининг такомиллашиши, ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бориши, унга рақамли технологияларнинг жорий қилиниши ҳар бир иқтисодий жараёни чуқур таҳлил қилишни тақозо қилмоқда. Чунки мулкдор иқтисодий жараёнда асосий субъект сифатида иштирок этади. У ўз мулкининг кўпайишидан, кўпроқ фойда олишидан, корхонасининг рақобатбардошлигининг мустаҳкамланиб боришидан манфаатдор. Бунга ўз-ўзидан эришиб қолмайди. Бунинг учун тадбиркорлик, изчиллик, зийраклик ва ақл билан иш кўриши лозим. Бу эса ўз навбатида мулкининг ҳолатини, ишлатилиши ва сақланишишни ҳамда ундан самарали фойдаланишни таҳлил қилишни тақозо қилади. Демак, иқтисодий таҳлил, энг аввало, **мулкдор** учун ўз мулкини оқилона бошқариш учун керак бўлар экан.

Мулкдор ўз мулкини ишлатиш учун турли корхоналарга эга бўлиши мумкин. Бу эса бошқа кишиларни, мутахассисларни, ходимларни ёллашига тўғри келади. Улар **меҳнат жамоасини** ташкил қилади. Корхонанинг яхши, самарали ишлаши меҳнат жамоасининг фаровонлигини таъминлайди. Корхона қанча кўп даромад қилса, меҳнат жамоаси аъзолари, шунча кўп меҳнат ҳақи олади. Бу эса меҳнат жамоасининг ўзлари ишлаётган корхона хўжалик фаолиятини мунтазам таҳлил қилиб боришни тақозо қилади. Демак, иқтисодий таҳлил бевосита меҳнат жамоаси учун ҳам ўз фаолиятини тўғри бошқариш учун керак бўлар экан.

Ҳар бир корхонанинг хўжалик фаолияти натижасидан **давлат** ҳам манфаатдор. Чунки ҳар бир корхона ўз мулкидан, қилган обороти ва олган

фойдасидан солиқ тулайдилар. Шу туфайли давлат номидан солиқ идоралари ҳам корхона фаолиятини чуқур таҳлил қилиб боришдан манфаатдор. Демак, иқтисодий таҳлил солиқ идоралари ходимлари учун солиқ тушумини тўғри бошқариш учун ҳам керак бўлар экан.

Кўришиб турибдики, иқтисодий жараённинг, яъни корхона ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти натижасидан ким манфаатдор бўлса у мазкур субъект фаолиятини ўрганишга, таҳлил қилишга қизиқади. Шундай қилиб, иқтисодий таҳлил инвесторларга, ҳамкорларга, бирлашмаларга, уюшмаларга, суғурта, банк, молия каби идораларига ҳам керакдир.

Одатда кимга нима керак бўлса ўша шу иш билан шуғулланади. Аммо ҳар бир корхонада махсус мутасадди шахслар борки, уларга хўжаликни бошқаришда у ёки бу соҳа топширилган бўлади.

Инновацион иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлил билан корхонадаги деярли ҳамма мутахассислар шуғулланади. Аммо ҳаммаси ҳам корхона тўғрисида жамланган батафсил ахборотга эга бўлмайди. Ҳамма ўзи бажараётган у ёки бу соҳа бўйича ахборотга эга. Шу жиҳатдан ҳамма ўзининг соҳасини мунтазам таҳлил қилиб борадилар. Таҳлилсиз бирорта соҳа ёки бўлимда тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиб ҳам бўлмайди.

Лекин шуни эътироф этиш керакки, хўжалик фаолияти тўғрисида бутун фаолиятни ўзида жамлаган ахборотлар бухгалтерияда молиявий ҳисоботларда тўпланади ва қайта ишланади. Шу туфайли корхонанинг комплекс иқтисодий таҳлили билан бухгалтерия ходимлари, бевосита бош бухгалтерлар, менежерлар ҳам шуғулланадилар. Чунки унда корхонанинг хўжалик фаолиятини ифодаловчи барча кўрсаткичлари мавжуд. Улар асосан молиявий ҳисоботларда ўз аксини топганлар. Иқтисодий таҳлил учун асосий маълумот манбаи бўлиб молиявий, статистик ва бошқа ҳисоботларда ифода этилган кўрсаткичлар ҳисобланади. Уларнинг комплекс таҳлили билан бош бухгалтерлар шуғулланади. Аммо алоҳида соҳалари бўйича таҳлил кимга керак бўлса ўшалар шуғулланадилар. Таҳлил таҳлил қилиш учун эмас, балки керакли соҳани ўрганиш учун қилинади. Демак кимга нима керак бўлса у шу соҳани таҳлил қилиш билан шуғулланар экан.

Иқтисодий таҳлилни ташкил қилишда унинг натижаларини расмийлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли таҳлил натижаларини расмийлаштириш, хулоса қилиш ва тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш йўллари кўрсатиб бериш ҳам ҳозирги кундаги муҳим муаммолардан биридир. Иқтисодий таҳлил натижаларини расмийлаштириш таҳлилнинг муҳим босқичи бўлиб ҳисобланади. Бунда барча ҳисоб-китоблар асосида таҳлилий жадваллар тузилади. Мазкур жадваллар корхона хўжалик фаолиятини тўлиқ ифода этиши лозим. Шунингдек жадваллар битта корхонада ҳар сафар, корхонанинг бўлинмаларида бир вақтнинг ўзида ягона келишилган шаклда тузилиши лозим. Бундай ёндошув кўрсаткичларни бир-бири билан солиштириш ва умумлаштириш имконини беради.

Жадвалларда кўрсаткичларнинг номи, унинг қайси даврга тўғри келиши, уларнинг фарқи, ўзгариш суръатлари каби ифодалар кўрсатилади.

Жадваллар натижа ўзгаришига омиллар таъсирини ҳисоблаш жараёнида ҳам тузилади. Бу ҳолда жадвалнинг эгасида таъсир қилувчи омиллар билан бирга натижа кўрсаткичининг номи ифодаланади. Унинг кесимида эса қайси давр натижалари таҳлил қилинаётганлиги, шу даврда юз берган ўзгаришлар ва уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш учун ҳисоб-китоб қилинадиган усулларнинг алоқадорлиги кўрсатилади.

Ҳозирги барча жараёнлар рақамлаштирилаётган пайтда ҳисоб-китоб ишлари асосан компьютерларда амалга оширилмоқда. Бунинг имконияти жуда катта. Шу туфайли таҳлилда амалга оширилган ҳисоб-китоб натижалари жадваллар билан биргаликда турли чизмалар ва диаграммаларда ҳам ифода этилмоқда. Бу эса корхона хўжалик фаолиятидаги ўзгаришларни жуда тез илғаш имконини беради. Мазкур усуллар иқтисодий таҳлилнинг у ёки бу жиҳатини аниқлашда қўлланилади. Масалан, чизмалар (графиклар) кўрсаткичларининг динамикасини ифодалашда жуда қулай. Корхона хўжалик фаолиятидаги таркибий тузилмалар, уларнинг ўзгариши диаграммаларда ифодаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Чизма ва диаграммаларнинг қулайлиги шундаки, у корхона хўжалик фаолияти натижасини ҳар қандай киши учун ҳам тез ва тушунарли тарзда ифода этади. Масалан, корхонада бешта бўлинма бўлса уларнинг ўтган йилга нисбатан бирорта кўрсаткичнинг ўсишини устунли диаграмма қилинса энг юқори натижага эришганлиги энг баланд устун сифатида яққол кўриниб туради. Бу ҳар бир бўлинма ходимларининг ақлий-руҳий кайфиятига ҳам таъсир қилади. Энг юқори устунга эришган бўлинма ходимларида фахрланиш, мағрурлик ҳисси туғилса энг паст устунга эга бўлган бўлинма ходимларида ўз жамоаси учун истироб ҳисси бўлиши мумкин. Униси ҳам буниси ҳам кўрсаткичларни яхшилаш учун курашиш туйғусини ўйғотиши табиий. Бу ички омиллар ўта муҳим, ортиқча маблағ талаб қилмайдиган, аммо корхона хўжалик фаолиятига ижобий таъсир қилиб, уни яхшилайдиган омиллардир.

Инновацион иқтисодиётнинг ривожланиши, ислоҳатларнинг чуқурлашуви корхоналар ўртасида эркин рақобат муҳитини туғдирмоқда. Бу эса ўз навбатида корхона хўжалик фаолиятини тезкор тарзда кундалик натижаларни ўрганиб боришни тақозо қилади. Бу ҳам ҳисоб-китобларга компьютерларни қўллаш натижасида анча осонлашади. Ҳар куни иш кунининг охирида хўжалик фаолиятининг бир кунлик натижаси қандай бўлганлигини аниқлаш мумкин. Бу эса ютуқ ва камчиликларни жуда тез англаш, ютуқларни кўпайтириш, камчиликларни бартараф қилишга асос бўлади. Таҳлилнинг ушбу шакли бошқарувни ҳам тезкор равишда амалга ошириш имконини беради.

Кунлик натижалар ҳар куни жамланиб борилса ҳисобот даврининг хоҳлаган кунда қандай натижага эришганлигини билиб олиш мумкин. Масалан, бир ойнинг ўн олтинчи куни қандай натижага эришганлигини кунлик ҳисоботни жамлаб бориш орқали аниқлаш мумкин. Шу, 16-нчи куни қандай натижага эришдик ва ўтган 16 кун мобайнида эришган умумий аҳволимиз қандай деган хулосани чиқариш учун ҳам тегишли ахборот мазкур

компьютерда mavjud бўлади. Бу эса корхона хўжалик фаолиятини тезкор бошқариш, камчиликларни ўз вақтида, ҳисобот даври тугамасдан бартараф қилиш имконини беради.

Агар корхонанинг барча бўлинмаларида компьютерлар ўрнатилган ва улар ягона тармоқга (сетга) уланган бўлса бошқаришда янги усулини, яъни **қоғозсиз ва жонли мулоқотсиз бошқариш усулини** жорий қилиш мумкин. Корхона менежери ҳар бир бўлинмадан тегишли ахборотларни олиб бир жойда умумлаштиради ва хулоса чиқаради. Хулоса натижасида ишлаб чиқарилган чора-тадбирлар ва тегишли топшириқларни ҳам компьютер тармоғи орқали жўнатиш мумкин. Бу мутахассис ва бўлинма раҳбарларининг турли мажлисларга, йиғилишларга кетадиган вақтини ҳам тежайди.

Ҳисобот даври тугагач таҳлил натижаси тезкор тарзда жадвалларда, чизмаларда, турли диаграммаларда тузилиб қоғозга чиқарилади ва мутахассислар томонидан ёзма равишда хулоса ёзилади. Хулосада барча эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар, уларнинг сабаблари ва қандай оқибатга олиб келганлиги кўрсатилади. Айниқса йўл қўйилган камчиликларда ким айбдорлиги очиқ-ойдин кўрсатилиши лозим. Чунки бу тадбир келажакда мазкур шахснинг шу камчиликка йўл қўймаслигини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий таҳлилнинг натижалари бўйича тузилган барча ахборотлар, ёзма хулосалар жамланиб корхона раҳбарига, мулкдорга, инвесторга топширилиши, уларнинг тезкор тарзда масалага ойдинлик киритиш имкониятини яратади. Раҳбарлар ва манфаатдор субъектлар таҳлил натижасига асосан бошқарув қарорларини қабул қилади. Қарор қабул қилишда бир қанча мутахассисларни, бўлинмалар раҳбарларини таклиф қилиб чуқур ўйланган ва пухта ишланган бошқарув қарорларини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Шундай иш тутган корхона бугунги рақобат кучайиб бораётган замонда ҳеч маҳал банкрот ҳолатга тушиб, оқсоби қолмайди. Шу йўл билан корхонанинг молиявий барқарорлиги таъминланади.

Таҳлил фанининг бугунги ҳолатидан келиб чиқиб, бир қанча илмий тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Ҳар бир фандан, хусусан, иқтисодий таҳлил фани бўйича ҳам мамлакатимиз миқёсида еткчи олимлардан иборат услубий кенгаш ташкил қилиш лозим. Чунки фан бўйича дастурлар, дарсликлар ушбу кенгашда мукамал экспертизадан ўтиши лозим. Бу ўша услубий кенгашда амалга оширилади.

2. Таълим сифатини ошириш учун “Дуал таълим” тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Талабалар бир вақтнинг ўзида назария билан амалиётни бирга ўрганиб бориши лозим бўлади. Шу туфайли олий ўқув юртлари қошида тайёрланаётган кадрларга мос корхона ва ташкилотлар бўлишлиги, ёки улар билан шартнома асосида талабаларнинг амалиётини ўтишлигини таъминлаш лозим.

3. Таълим сифатини амалга оширишнинг яна бир йўналиши таълим жараёнида синергетик самарадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Таълимнинг



сифатини ошириш учун **кучларни бирлаштириш** (олий ўқув юрти, оналар, иш берувчи қабилар) мақсадга мувофиқ. Иккинчи йўналиш **тизимли таъсирни** йўлга қўйиш керак. Навбатдаги ҳолат **келажакнинг бугунга таъсири** принциpidан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ.

4. Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит фанларини такомиллаштиришда уларни рақамли иқтисодиёт талабидан келиб чиқиб, ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда математик усуллардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилб айтганда биз ишлаб чиққан илмий-амалий тавсиялар амалиётда ўз ўрнини топса, фаннинг юксалиши билан бирга амалиёт ҳам анча такомиллашади. Ушбу ҳолат Янги Ўзбекистоннинг стратегик вазифаларни бажаришига муносиб ҳисса бўлади.

**Михлиев Жасур Мамасадикович**  
**Инсон ресурсларини бошқариш**  
**факультетининг, “Рақамли иқтисодиёт”**  
**кафедраси 2-босқич таянч докторанти**

## **ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ** **ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ**

**Аннотация** ушбу мақолада оилавий тадбиркорликнинг бир неча йўналишлари ўрганилган. Бундай мураккаб жараёнларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш эндиликда ноанъанавий методологик концепциялар, масалага ўзгача ёндошиш тамойилларини кашф этишга алоҳида эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** оилавий тадбиркорлик, маҳалла, ҳоким ёрдамчилари, Online-mahalla.uz, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари», тадиркорлик.

**Аннотация** В данной статье исследуются несколько направлений семейного бизнеса. Углубленное изучение и анализ столь сложных процессов сейчас ориентировано на обнаружение нетрадиционных методологических концепций, принципов иного подхода к проблеме.

**Ключевые слова:** семейный бизнес, микрорайон, помощники акима, Online-mahalla.uz, «Темир Дафтар», «Аёллар дафтари» и «ёшлар дафтари», предпринимательство.

**Abstract** This article examines several areas of family business. In-depth study and analysis of such complex processes is now focused on discovering non-traditional methodological concepts and principles of a different approach to the problem.

**Key words:** family business, microdistrict, akim’s assistants, Online-mahalla.uz, “Temir Daftar”, “Ayollar Daftari” and “Yoshlar Daftari”, entrepreneurship.

Бутун дунё ривожда оилавий тадбиркорлик жуда кўплаб ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида муҳим рол ўйнаб, иқтисодиёт ва бошқарувга оид тадқиқотларда машҳур мавзу ҳисобланади. Бу борада айрим хорижий тадқиқотчилар оилавий бизнес тушунчасини тадқиқ қилиб, унинг оилавий бўлмаган бизнес билан фарқли жиҳатларини очиб беришган [1]. Бир қатор муаллифлар оилавий фирмаларнинг ўзига хос бозор стратегияларини ҳисобга олиб ёндошади [2]. Шунингдек, баъзи тадқиқотлар оилавий бизнесни ташкил этиш, унда молиявий қарорларни қабул қилишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга қаратилган бўлиб, мазкур ишларни оилавий бизнес соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ичида муҳим йўналишлар сифатида ажратиш мумкин.

Бу борада Анна Мотилска-Кузманинг “The financial decisions of family businesses” номли мақоласида оилавий фирмаларда молиявий қарорларни қабул қилиш жараёнидаги вазиятлар, тенденциялар ва истиқболли тадқиқот йўналишлари ўрганилган. Ушбу мақолада оилавий бизнесга бўлган қизиқишнинг ўсиб бориши билан молиявий қарорларни қабул қилиш соҳасидаги тадқиқотларнинг камлиги таъкидланиб, оилавий фирмаларда молиявий қарорлар қабул қилиш жараёнини кенг қамровли кўриб чиқиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратади. Оилавий фирмаларда молиявий қарорлар қабул қилишга қаратилган тадқиқотларнинг катта қисми сармоя тузилишига қаратилганлигига қарамадан, улар оилавий бизнеснинг ушбу соҳада қандай ишлаши ҳақидаги саволларга аниқ жавоб беролмайди. Бундан ташқари, инвестициявий қарорлар ва дивидендлар сиёсати аниқ ишлаб чиқилмаганлигини асослайди [3].

Сўнгги йилларда оилавий тадбиркорлик бир неча йўналишларда амалга оширилиб, ўзига хос ёндошувларни талаб этади. Бундай мураккаб жараёнларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш эндиликда ноанъанавий методологик концепциялар, масалага ўзгача ёндошиш тамойилларини кашф этиш заруратини тақозо этмоқда. Муаммоларни бартараф этишга янги илм соҳаси сифатидаги синергетик ёндошув принциплари бу жараёнларни тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этиб, унинг методологик имкониятларидан кенг фойдаланиш заруратини юзага келтирмоқда. Синергетика методларини тадбиркорлик соҳасида қўлланиши унинг ривожига катта хисса қўшиб, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш жараёнининг ҳам “синергетиклиги”, яъни, ўзини-ўзи ташкил этиш хусусияти тўғрисидаги ғояларни исботлайди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва соҳага бозор механизмларини жорий этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда республикаимизда етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунёнинг 66 та мамлакатига экспорт қилинмоқда. Бунда, мева-сабзавотлар ва дуккакли маҳсулотларнинг экспорт ҳажми 2016 йилдан 2021 йилга қадар қарийб 2 баробарга ошган.

Шу билан бирга, пахта ва ғалладан қисқартирилаётган ер майдонларида боғдорчилик, узумчилик, полиз ва сабзавотчилик, дуккакли ва мойли

экинларни етиштириш соҳасида экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтириш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламларини жалб қилиш орқали ушбу ерлардан самарали фойдаланиш тизимини яратиш эвазига тармоқда кўшимча ўсишга эришишда илмий асосланган ёндашув ва ўрганишларни инобатга олиш тақозо этилмоқда.

Жумладан, ҳисоб-китобларга кўра 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хом ашёсига нисбатан узумдан 7 баравар, гилосдан 6 баравар, ёнғоқдан 5 баравар кўп даромад олиш ҳамда ушбу ерларда оилавий тадбиркорлик доирасида кичик интенсив боғдорчилик, узумчилик, полиз, дуккакли, мойли экинлар, картошка етиштириш ва сабзавотчилик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турган эҳтиёжманд оилаларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича катта имконият мавжуд.

Ўтган 2022 йил ПҚ-55 “Оилавий тадбиркорлик дастури” доирасида туманимиз учун 42,2 млрд.сўмлик имтиёзли кредит лимитлари ажратилиб берилди. Ҳоким ёрдамчилари кўмагида тадбиркорлик қилиш истаги бор фуқаролар Online-mahalla.uz платформаси орқали ариза топшириб имтиёзли кредитлар учун тавсиянома олиб тадбиркорлик фаолиятини бошламоқда. Январь-декабрь ойлари давомида фуқаролардан 2951 нафар фуқародан 72 млрд.сўмлик аризалар келиб тушган бўлиб, 2241 та 42,2 млрд.сўмлик аризалар ҳоким ёрдамчилари томонидан ўрганилиб ижобий тавсияномалар берилди. Берилган тавсияномалар асосида 2241 нафар фуқарога 42,2 млрд.сўмлик имтиёзли кредитлар ажратиб берилди ва 2241 нафар фуқаро бандлиги таъминланди.

Ажратилган кредитлар маҳаллалар кесимида таҳлил қилинганда Бўзи (51 та), Миронқул (33 та), Ўрташиқ (15 та), Янгиарик (28 та), Янгижой (27 та), Андижони (40 та), Бадал (23), Конирил (37 та), Кўлба (39 та), Қозиарик (31 та) маҳаллаларида режага нисбатан кам кредит маблағлари ажратилган бўлиб, Равонак (53 та), Арабхона (31 та), Бухори (24 та), Захлик (26 та), Қайнама (38 та) маҳаллаларида режага нисбатан ортиқ кредит маблағлари ажратилиб аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантиришда юқори натижаларга эришилган.

Ҳоким ёрдамчилари томонидан йил бошидан буён 422 та 43,4 млрд.сўмлик 624 та иш ўрни бўлган кичик ишлаб чиқариш лойиҳалари аниқланиб, шундан 87 та 5,0 млрд.сўмлик 457 та иш ўрини бўлган лойиҳа ишга туширилди.Натижада 457 нафар фуқаро бандлиги таъминланди.

Маҳаллалар кесимида таҳлиллар қилинганда Гулобод (1 та), Арабхона (1 та), Кўсаҳо (1 та), Паррандачилик (1 та), Даштиобод (1 та), маҳаллаларида режага нисбатан кам лойиҳалар Online-mahalla.uz платформасига киритилган. Хусусан Саховат (5 та), Сулфакабутак (5 та), Андижони (5 та), Оқмачит (5 та), Урганжи (5 та), маҳаллаларида эса лойиҳаларни Online-mahalla.uz платформасига киритишда яхши натижалар кўрсатилган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида солиқ тизимида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим ўзгаришлар ҳам белгилаб берилди.

Хусусан, мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қолиши кутилаётган –“Маҳалла бюджети” тизими жорий этилмоқда. Шунингдек, туманларнинг иқтисодий ривожланишига қараб турли солиқ ставкалари қўлланилиши кўзда тутилмоқда.

Мисол учун, республикадаги шароити энг оғир бўлган 20 та туман учун айланмадан олинадиган солиқ, фойда солиғи, ижтимоий солиқ ставкаларини 1 фоиз миқдорида белгиламоқда.

Қўшилган қиймат солиғи салбий фарқ суммасини қоплаш юзасидан камерал солиқ текширувини ўтказиш муддати 60 кундан 30 кунгача қисқартирилди. Шу билан бирга ҚҚС тўловчининг гувоҳномаси вақтинча тўхтатилганда ҳисобга олинмаган ҚҚС суммаси кейинчалик гувоҳноманинг амал қилиши тикланганида, ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган сумма солиқ тўловчида ва унинг харидорларида гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилган санадан ҳисобга олинади.

Айланмадан олинадиган солиқнинг амалдаги 4% дан 25% гача белгилаб қўйилган ставкалари унификатсия қилиниб, 4 % миқдоридаги ягона ставка белгиланди.

2022 йил 1 сентябрдан фойда солиғини тўлашга ўтган жами даромади 10 млрд. сўмгача бўлган солиқ тўловчиларга 2023 йил 7,5 % ставкада бир йил давомида, жами даромади 10 млрд. сўмдан ошганларга икки йил давомида 7,5 % ставкада фойда солиғини тўлаш ҳуқуқи берилмоқда.

Бундан ташқари, бизнесга солиқ юкини камайтириш мақсадида 2023 йил 1 январдан бошлаб ҚҚС ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилмоқда.

Уйлаймизки ушбу назарда тутилаётган вазифалар натижасида мамлакатимиз аҳолисининг нафақат иш билан бандлиги таъминланади, балки камбағаллик қатлами ҳам маълум даражада камайиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Гретченко А. И. и др. Показатели оценки потенциала саморазвития территории // Вестник Российского экономического университета имени Г. В. Плеханова. – 2013. – № 12, с. 70-74.
2. Бархатова Н. М. (1999). Семейный бизнес и семьи в бизнесе // ЭКО, № 2 (<http://ecotrends.ru/subscribe/1841-2014-03-06-10-13-03>);
3. Волков Д. А. (2011). Стадии и жизненные циклы развития семейного бизнеса // Российское предпринимательство, Вып. 2, стр 11-16.;
4. Черницкий А. (2007). Семейный бизнес, или как работает с родственниками // Наша власть. Дела и лица, Вып. 6. ([http://nashavlast.ru/article\\_description/64/223.html](http://nashavlast.ru/article_description/64/223.html));
5. Anderson R. C. and Reeb D. M. (2003). Founding-family ownership and firm performance: Evidence from the S&P 500 // *Journal of Finance*, Vol.58 No. 3, pp. 1301-1328.

6. Королев В. А. (2007). Российский собственник на 20 летнем горизонте: структура собственности, роль семьи и корпоративное управление // *Российский журнал менеджмента*, № 5 (3), стр 145-174.;
7. Aldrich, H. E., & Cliff, J. E. (2003). The pervasive effects of family on entrepreneurship: Toward a family embeddedness perspective. *Journal of Business Venturing*, 18(5), 573–596.

Тўхтамишов Азиз Қахрамонович  
“Ипак йўли” туризм ва маданий  
мерос халқаро университети  
мустақил изланувчиси  
Электрон почта манзили:  
[aziztukhtamishov@univ-silkroad.uz](mailto:aziztukhtamishov@univ-silkroad.uz)

## ТУРИСТИК КЛАСТЕРЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** Мамлакатнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга олиб келадиган тадбиркорлик фаолиятининг устувор турларидан бири сифатида туристик кластерларни шакллантириш пировардида мавжуд туризм ва бошқа ресурслардан оптимал фойдаланишга эришиш имконини беради. Бу эса туристик ҳудудларни кенгайтиради ва мазкур ҳудудларда иқтисодий, экологик, ижтимоий-демографик барқарорликни таъминлашга хизмат қилади. Ушбу мақолада муаллиф томонидан туристик кластерларнинг рақобатбардошлигини турли жиҳатдан баҳолаш бўйича услубияти тавсия этилади.

**Калит сўзлар:** туризм, туризм индустрияси, кластер, рақобат, рақобатбардошлик, ташқи ресурслар, ички ресурслар, инновация, барқарорлик, тежамкорлик.

**Аннотация:** Формирование туристских кластеров как одного из приоритетных видов предпринимательской деятельности, ведущего к повышению конкурентоспособности страны на мировом рынке, в конечном итоге позволяет добиться оптимального использования существующих туристических и других ресурсов. Это расширяет туристические территории и служит обеспечению экономической, экологической, социально-демографической стабильности на этих территориях. В данной статье автор рекомендует методику оценки конкурентоспособности туристских кластеров разными способами.

**Ключевые слова:** туризм, туриндустрия, кластер, конкуренция, конкурентоспособность, внешние ресурсы, внутренние ресурсы, инновации, устойчивость, экономика.

**Abstract:** The formation of tourism clusters as one of the priority types of business activity, leading to increased competitiveness of the country in the world

market, ultimately makes it possible to achieve optimal use of existing tourism and other resources. This expands tourist territories and serves to ensure economic, environmental, socio-demographic stability in these territories. In this article, the author recommends a methodology for assessing the competitiveness of tourism clusters in different ways.

**Key words:** tourism, tourism industry, cluster, competition, competitiveness, external resources, internal resources, innovation, sustainability, economics.

Бугунги кунда жаҳондаги кўплаб мамлакатларни қамраб олган кластерлаш жараёни туристик корхоналарнинг ҳудудий ва тармоқ интеграциясини кенгайтириб, уларнинг инновацион фаоллигини оширди ҳамда туристик маҳсулотлар ва хизматларнинг миллий ва жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини таъминлаш имкониятини берди.

Маълумки, ҳар қандай туристик кластернинг асоси адолатли рақобат ҳисобланади. Шунинг учун туристик кластернинг асосий стратегик мақсади – кластер аъзолари ҳамда улар ишлаб чиқарадиган туристик маҳсулотлар ва ва хизматлар рақобатбардошлигини оширишдан иборат.

Т.Б.Батуева таъкидлаганидек, иқтисодий кластерлар рақобатга уч хил йўл билан таъсир кўрсатади: кластерларга кирувчи ташкилотлар ва тармоқларнинг унумдорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали кластер аъзоларининг инновацияларни яратиш имкониятларини кенгайтириш ва кластерни кенгайтириш орқали инновация ва инновацион фаолиятни кўллаб-қувватловчи тадбиркорлик фаолиятининг янги турларини рағбатлантириш. Туристик кластерда унга кирувчи корхона ва ташкилотларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва минтақанинг янада иқтисодий ўсиши ва ривожланишига ёрдам берувчи ўзига хос муҳит шаклланади<sup>55</sup>.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, биз ушбу мулоҳазанинг баъзи тавсифларини изоҳлаймиз, чунки туристик кластерларнинг рақобатбардошлигини фақат уларнинг салоҳияти, ички ва интеграл кўрсаткичлар тизими таъминлайди. Бироқ, монополистик рақобат, яширин иқтисодиётнинг ўсиши, етарли даражада самарали талабнинг мавжуд эмаслиги, туристик инфратузилманинг паст даражада ривожланиши, соҳада коррупцион ҳолатнинг мавжудлиги туристик ҳудуднинг рақобатбардошлигини амалда пасайтиради ҳамда жаҳон бозорига интерациялашиш имкониятларини чегаралаб қўяди.

Юқоридаги сабаблар туризм соҳасида кластерлаштириш имкониятларига салбий омиллар сифатида таъсир кўрсатади, чунки туризм соҳасида кластер лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш учун, аввало, республикамизда ташқи сиёсат, маъмурий, институционал тизимдан тортиб, туризм инфратузилмасининг ривожланишигача бўлган муаммоларни тизимли ҳал қилиши зарур.

---

<sup>55</sup> Батуева, Т. Б. Развитие экономики региона на основе кластерного подхода / Т. Б. Батуева // Вестник РАНХиГС при Президенте РФ. – 2010. – № 2. – С. 1-6.

Республикамизда энг муҳим иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга ҳисса қўшадиган ва ҳудудларнинг иқтисодий ўсиши ва ривожланишини таъминлайдиган тармоқлараро кластер шаклланиши мумкин бўлган йирик рақобатбардош туризм тузилмаларини яратиш муҳим ҳисобланади. Мамлакат ёки муайян ҳудуднинг рақобатбардошлигини оширишга олиб келадиган тадбиркорлик фаолиятининг устувор турлари асосида туристик кластерларни шакллантириш пировардида мавжуд туризм ва бошқа ресурслардан оптимал фойдаланишга эришиш имконини беради. Бу эса туристик ҳудудни кенгайтиради ва ҳудудларда иқтисодий, экологик, ижтимоий-демографик барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Туризмни ташкил этишнинг кластер шаклини келажакда нафақат кластернинг барча аъзолари, балки бутун туристик кластер жойлашган ҳудуд учун ҳам муҳим рақобатдош устунликларни таъминловчи стратегик инновация сифатида таърифлаш мумкин. Туристик кластерни ривожлантиришдан унинг алоҳида ташкилот ва муассасалар учун фойдалари кўп жиҳатдан бизнес муҳити ва бизнес юритиш хусусиятларига боғлиқ, лекин умуман олганда, улар ишлаб чиқариш ва бошқа харажатларни қисқартириш, мақсадли ва истикболли туризм бозорларини ривожлантирувчи туристик маҳсулотни шакллантириш ва реализация қилишда мослашувчанлик ва рақобатбардошликни оширишдан иборат. Бундан ташқари, туристик кластерга қўшилиш корхоналарга кластер таркибидаги таълим ва илмий муассасалар томонидан ишлаб чиқарилган интеллектуал маҳсулотлар ва юқори малакали кадрлардан эркин фойдаланиш имконини беради.

Туристик кластерга қўшилиш ихтисослашувни чуқурлаштириш, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш жараёнининг бўлинмаслиги, технологик ва техник тежамкорлик ҳисобига инновацион фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ барча қўшимча харажатларни қоплаш имконини беради. Шу билан бирга, янги инновацион маҳсулотларни жорий этиш rischi сезиларли даражада камаяди, улар кейинчалик туристик бозорда синовдан ўтказилади ва тижорат муваффақиятли бўлса, кенг кўламли ишлаб чиқаришга ўтказилади. Инновациялар аниқ хизмат кўрсатиш ва саноат ишлаб чиқариши учун ишлаб чиқилиб, туризм тармоғининг реал ҳолати, маркетинг самарадорлиги ва моддий базасини ҳисобга олади. Юқорида айтилганларнинг барчаси туристик кластер таркибига кирувчи ташкилот фаолиятининг рентабеллигини оширишга ёрдам беради.

Янги туристик маҳсулот синовдан муваффақиятли ўтган тақдирда, туристик кластернинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинади, унинг жаҳон ва миллий туризм бозорларида рақобатбардошлиги баҳоланади (1-жадвал).

Кластерлар рақобатбардошлигини турли жиҳатдан баҳолаш<sup>56</sup>

Баҳолаш аспекти	Қўлланиладиган кўрсаткич	Ўлчаш услуби
Туризм бозоридаги ўрни	Халқаро бозордаги иштироки	Халқаро бозорда туристик кластер улушининг ўзгариши
	Экспорт ҳажмининг ўсиши	Туристик кластер учун туристик маҳсулотлар ва хизматлар экспорти ҳажмининг ўсиши
	Туристик экспорт учун янги бозорлар	Туристик кластер таркибидаги корхона ва ташкилотларнинг янги туристик бозорларда иштирок этувчилари сони
Тармоқда технологик лидерлик	Кластер таркибига кирувчи ташкилотлар обрўйи	Туризм соҳасида аниқ туристик кластернинг илмий-тадқиқот ишланмалари аҳамияти тўғрисида экспертлар сўрови
	Янги туристик маҳсулотлар яратиш	Инновацион тавсифга эга бўлган туристик маҳсулотлар ва хизматлар миқдори
	Туризм соҳасида мутахассисларнинг малака даражаси	Бошқа туристик кластерлар билан тақоқослаш бўйича малака даражасидаги барча ўзгаришлар тадқиқоти
Янгиланишга туристик кластерларнинг қобилияти	Янги туристик ташкилотларни ташкил этиш	Туристик кластер таркибида ташкилотлар сонининг ўзгариши
	Хорижий ташкилотларнинг кириши	Туристик кластер доирасида киритилган хорижий инвестициялар ҳажми
	Кластернинг иқтисодий фаоллик даражаси	Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида туристик кластер ҳиссасининг ўзгариши

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, туристик кластерларнинг рақобатбардошлигини оширишда асосий ролни ташқи ва ички ресурсларнинг энг муҳим гуруҳлари сифати ўйнайди, уларнинг мавжудлиги инновацион туристик кластерни яратишнинг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини таъминлайди.

Инновацион туристик кластерларининг афзаллиги шундаки, туризм маҳсулотлари ва хизматларини шакллантирадиган ҳамда сотадиган бир ёки бир нечта йирик ташкилотларнинг ривожланиши бутун хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш занжиридаги ташкилотларни, яъни маҳсулот ишлаб чиқарувчи, маркетинг, ўқув ва илмий-тадқиқот муассасаларини ривожлантиришни талаб қилади.

Маълумки, биринчи туристик кластердан кейин одатда янги туристик кластерлар шаклланади ва бунда бутун мамлакат ва унинг алоҳида

<sup>56</sup> Муаллиф ишланмаси.



худудларининг халқаро рақобатбардошлиги сезиларли даражада ошади. Юқори рақобатбардошлик кўпинча алоҳида туристик кластерларнинг кучли позицияларига таянади, бундай кластер шаклларида ташқарида, ҳатто энг ривожланган хизмат кўрсатиш иқтисодиёти ҳам кўпинча ўртача натижалар беради.

Туристик кластер шаклланганда барча хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва тармоқлар бир-бирини қўллаб-қувватлай бошлайди. Ушбу ҳолатда фойда бундай ўзаро манфаатли муносабатларнинг барча соҳаларида тақсимланади. Туризм кластерининг бошқа тармоқларидан келаётган янги ташкилотлар унинг ривожланишини тезлаштиради ҳамда илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишга турли ёндашувларни рағбатлантиради, янги рақобатбардош ва инновацион стратегияларни жорий этиш учун зарур молиявий ва бошқа воситаларни тақдим этади. Шундай экан, кластер доирасида ва кластерлараро даражада ахборотларнинг эркин алмашинуви ҳамда етказиб берувчилар, туроператорлар, сайёҳлик агентликлари ёки бошқа худудлардаги ҳамкорлар, кўплаб рақобатчилар ва истеъмолчилар билан алоқада бўлган истеъмолчилар каналлари орқали инновацияларнинг тарқалиш тезлиги жадаллашади.

Туристик кластернинг мавжудлиги барча тармоқларга ўзининг рақобатдош устунликларини сақлаб қолиш имконини беради ва уларни инновациялар ва янгиланишларга кўпроқ мойил бўлган мамлакатларга бермасликка шарт-шароит яратади. Тармоқлар кластерининг мавжудлиги доимо ички ва фаол рақобатчилар гуруҳи мавжуд бўлган шароит ва омилларни яратиш жараёнини тезлаштиради. Туризм билан боғлиқ тармоқлар кластеридаги барча ташкилотлар ихтисослашган, аммо бир-бирига боғлиқ бўлган инновациялар ва технологиялар, ахборотлар, ихтисослаштирилган инфратузилма, инсон ва интеллектуал ресурсларга сармоя киритмоқда, бу эса пировардида янги ташкилотларнинг оммавий пайдо бўлишига олиб келади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида). Докторлик диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2017. – 95 б.;

2. Батуева, Т. Б. Развитие экономики региона на основе кластерного подхода / Т. Б. Батуева // Вестник РАНХиГС при Президенте РФ. – 2010. – № 2. – С. 1-6.

3. Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. //Монография. “Зарафшон” нашриёти. 2017. – 300 б.;

4. Олланазаров Б.Д. Кластер ёндашуви асосида туристик хизматлар соҳасида инвестицион фаолликни ошириш масаласи // - Т.: “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. -№1, январь-февраль, 2019.

5. Пардаев М.Қ. ва бошқалар “Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари”, Монография, - Т.: “Иқтисодиёт-молия” нашриёти, 2008. – 260 б.;

6. Пелевина, Н. А. Кластерный подход к обеспечению развития туристско-рекреационной сферы региона / Н. А. Пелевина // Известия Российского государственного педагогического университета имени А. И. Герцена. – 2008. – № 86. – С. 340-344.

7. Портер М. Конкуренция / пер. с англ. под ред. Я. В. Заблоцкого. – М.: Изд. Дом. «Вильямс», 2002. - 496 с. – С. 207.

8. Пўлатов М.Э., Мирзаев Қ.Ж. ва бошқалар. Глобал иқтисодий ривожланиш (туризм иқтисодиёти). Ўқув қўлланма. Т.: “Фан ва технология”, 2018. – 296 б.;

9. Тухлиев И.С. Туризм: назария ва амалиёт. – Т.: “Фан ва технология”, 2018. – 400 б.;

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сон Фармони.  
<https://lex.uz/docs/4143188>

**РАХМАТУЛЛА ҲАЙИТБОЕВ**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти,  
доцент в.б.

E-mail: [temursayyoh@mail.ru](mailto:temursayyoh@mail.ru)

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ СОҲАЛАРИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация:** мақолада Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш учун экологик менежментда ва иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларнинг ҳамкорлигини ташкил қилишдаги долзарб масалалар келтирилган. Шуниндек, бу масалаларни ечишда тавсиялар берилган.

**Аннотация:** в статье приведены актуальные вопросы по организации сотрудничества между правовые и экономическими сферами и экологическом менежменте для развития экотуризма в Узбекистане. А также даны рекомендации решения этих вопросов.

**Annotation:** The article presents current issues on organizing cooperation between the legal and economic spheres and environmental management for the development of ecotourism in Uzbekistan. Soprovides recommendations for solving these issues.

**Калит сўзлар:** комплекс, дастур, ҳудуд, концепция, технология, ҳуқуқ, экологик менежмент, иқлим ўзгариши, браконьер, биохилмахиллик.

**Ключевые слова:** комплекс, программа, концепция, технология, права, экологический менеджмент, климатическая изменения, браконьер, биоразнообразия.

**Keywords:** complex, program, concept, technology, rights, environmental management, climate change, poacher, biodiversity.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида: -“Мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли турларини—...экологик...туризмни ривожлантириш, ички, кириш ва чиқиш туризмни комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш” белгиланган [1]. Ушбу фармонга асосланган ҳолда туризмнинг соҳалари ва турларини ривожлантириш билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрларни яхши билишимиз ва бу ҳуқуқий меъёрлардан мажмуали фойдаланиш тадқиқотларини амалга оширишимиз талаб қилинмоқда.

Ватанимизнинг экотуризмнинг тараққиёт салоҳияти ниҳоятда катта ва уни жадал сураётлар билан ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Фақат бу салоҳият ва имкониятлардан жаҳонда экотуризмни тараққий этган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда оқилона фойдаланиш ҳамда илмий асосда хатоларсиз амалга ошириш лозим. Мамлакатимизнинг табиати ва табиий ресурсларидан туризмда фойдаланишнинг жуда султ кечаётганлигининг асосий сабабларидан бири бу-экотуризмни ривожлантиришга ихтисослашган туристик фирмалар ва туристик ташкилотларнинг ҳанузгача ташкил қилинмаганлигидир [5]. Туризмнинг турлари бўйича ихтисослашув мамлакатимиз миллий туризмидаги энг оғриқли масалалардан бири ҳисобланиб қолмоқда.

Биз туризм жадал ривожланаётган мамлакатларнинг туризмни ташкил қилиш ва туризм хизматларини кўрсатиш тажрибаларини биринчи навбатларда ўрганишимиз ва уларнинг туризмдаги самарали фаолиятларини, ихтисослашувини, илғор технологияларини миллий туризмга тадбиқ қилишга жиддий эътибор беришимиз керак эди. Бу эътиборсизликнинг асосий сабаблари эса соҳани ривожлантиришда унинг асослари бўлган ҳуқуқий-меъёрий актларини ўрганмаганлигимиз ҳисобланади.

Экотуризмда ҳам, ҳар қандай соҳадаги экологик бошқарувнинг асосида ҳам, давлатнинг экология бошқарув ташкилотлари тизими қабул қилинади. Давлатнинг экология соҳасидаги давлат бошқарув органлари нинг ҳар бири давлат парламенти ишлаб чиққан ва расмий жиҳатдан берган ваколатларга эга бўлади. Бу бошқарувда экология соҳасидаги органларнинг ваколатлари умумий ва махсус тармоқларга бўлинган. Умумий бошқарувни давлатимиз Президенти Ш. М. Мирзиёев бошқаради, махсус тармоқлар фаолият кўрсатиши юзасидан Давлат ҳукумати томонидан бошқарилади.

Аниқроғи, ҳар бир вазирлик ёки давлат қўмитаси ўз фаолиятидаги экологик масалалар билан шуғулланади.

«Экотуризм менежменти»да айниқса, мамлакатимизда экотуризмнинг ривожланишидаги тўсқинликлар ва муаммолар ана шу бошқарув тизимига ўзгартиришлар ва қўшимча давлат ваколатларини киритишни талаб қилмоқда. Масалан, экотуризмдаги асосий экотуристлик ресурслар табиатимиз ҳудудларида бўлиб, бу ҳудудлар муҳофаза қилинади ва ҳозирча экотуристларни қўйишга рухсат берилмаган. Муҳофаза қилинадиган ҳудудлар эса Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги назоратида, сув ҳавзалари, сув омборлари ҳам Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигига қарайди, ўрмонларимиз «Давлат қўмитаси» бошқарувига берилган. Бу ҳудудларга турист эмас ҳатто Республика фуқаролари ҳам киритилмайди [2].

Шунинг учун ҳам, «Туризмнинг экологик менежменти» туризм соҳасидаги ҳозирги ривожланиш босқичида давлатнинг экологик бошқарув органлари ваколатлари чегарасида фаолият кўрсатиш, кейинги босқичларни режалаштиришда айниқса, экотуризмни ривожлантиришда экологик бошқарувни такомиллаштириш бўйича табиатни муҳофаза қилиш нуқтаи-назаридан таклифлар–тавсиялар ишлаб чиқишга мажбур бўлади. «Экотуризм»ни тузиш ва ташкил қилиш, унинг асосий фаолияти Республикаимизда туризмни ривожлантиришга хизмат қилиши учун ишлаб чиқилмоқда [3]. Бинобарин, асосий мақсад шундай экан, мамлакатимизда экотуризмни ривожлантириш учун «Экотуризмни ривожлантириш бошқаруви»–«Ўзбекистон Республикасида экология соҳасидаги давлат органлари бошқаруви тизимларига киритилиши ва давлат мақомига эга бўлган расмий ваколатлари бўлиши керак. Ўзбекистонда экотуризмни экологиялаштириш бошқарувини тузиш ва фаолиятини йўлга қўйишда «Экологик бошқарув»нинг давлат мақомидаги ваколатлари вазирликлар, давлат қўмиталари билан бўлган муаммоларни, масалаларнинг ечимини осонлаштиради.

Экотуризмда экологик бошқарув давлат органлари тизимига киритилса, бу вазирликлар, давлат органлари билан музокаралар, ўзаро шартномалар ва келишувлар орқали бундай ресурслардан экотуризмда, туризмда фойдаланиш имкониятларини ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Тавсияларимиз республикаимизда туризмда экологик бошқарувнинг ташкилий тузилмаси–атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан фойдаланишнинг экологик бошқарув мақсадларини амалга оширувчи ва ушбу соҳада ўз вазифаларини бажарувчи бири–бири билан боғланган турли экологик бошқарув идоралари ва бўғинларининг мажмуасидан ташкил топади.

Экологик бошқарувнинг у ёки бошқа вазифаларини бажариш учун муаяйн экологик идоралар тузилади. Экологик бошқарув идоралари тизими бошқарувининг умумдавлат тизими таркибига киради ва унинг экологик вазифаларини бажарувчи махсус ва мустақил тузилишли бўғини ҳисобланади. Бунда умумдавлат бошқарувидаги каби туризмда экологик бошқарувда ҳам

куйи идораларнинг юқори идораларга бўйсунishi ва улар ўртасида ўзаро алоқа экологик бошқарувнинг тузилмалари хусусиятларини белгилаб беради.

«Туризмнинг экологик менежменти» нитузишда яна бир муҳим масалага эътибор бериш тўғриси бўлади. Бу масаланинг моҳияти шундаки, туризмда, айниқса экотуризмни ривожлантиришдаги жиддий муаммоларнинг бири-экологик ресурслардан фойдаланишда фойдаланувчининг экологик ресурсни асраб-авайлаш ҳақида жавобгарлик маъсулиятини ўз зиммасига олишдир. Бу масалада ҳам иқтисодий ва экологик ҳуқуқ меъёрларини ўрганишимиз лозим.

Ўзбекистонда деярли барча ресурслар давлат органлари ва асосий ҳудудлар Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳит муҳофазаси ва иқлим ўзгариши вазирлиги назоратида туради. Экологик ресурсларнинг туризмдан муҳофаза чора-тадбирларининг ҳуқуқий меъёрлари ишлаб чиқилмаганлигидан «Экология вазирлиги» бу ресурслардан туризмда фойдаланишга албатда рухсат бермайди [4].

Республикамиздаги барча табиат қўриқхоналари, миллий боғлар ва ноёб табиий ландшафтлардаги ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёсидан туризмда фойдаланишнинг жуда катта салоҳиятларидан экотуризмни жаҳон андозалари талабида ривожлантириш режалари тузилмоқда. Бу режаларда табиат қўриқхоналари ҳам тез-тез тилга олинмоқда. Бу жуда мураккаб муаммо бўлиб, қўриқхонадан туризмда фойдаланишни бирданига ҳал қилиб бўлмайди. Чунки, туризм ниқоби остида табиатнинг ашаддий душманлари бўлган— браконьерлар фаолияти жуда кучайиб кетиши хавфи—хатари бор. Ватанимиз ҳудудлари бепоён бўлганлигидан браконьерлар (дайди овчилар) ни назорат қилиш «Давлат қўмиталари ёки Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳам амалга ошириш қийинлашади.

#### Тавсия:

1. Туризмнинг экологик менежменти» даги мураккаб масалаларни иқтисодий-экологик ҳуқуқий-меъёрлар асосида «самарали экологик бошқарув» тизимини ишлаб чиқиш билангина ҳал қилиши мумкин.

2. Республикамизда экотуризмнинг менежменти ўз таркибига: туризмда, экотуризмда давлат назорати ҳуқуқи, туризмда атроф-муҳит мониторинги ҳуқуқи, Давлат қўмиталарининг ва Ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқий меъёрлари ва Ўзбекистон Республикаси экология, атроф-муҳит муҳофазаси ва иқлим ўзгариши вазирлигидаги «Туризм қўмитаси» нинг ҳуқуқий меъёрларининг ўзаро ҳамкорлигида экотуризмни ривожлантириш бошқарувининг илмий-амалий, ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий тизимларини ишлаб чиқиши керак.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг - «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони -ПФ-4861 2016 йил 2-декабрь.

2. Тухлиев И.С., Хаитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г. Туризм асослари-дарслик. Тошкент, 2014, 331 б.

3. Ekologik turizm, O'g'uv gollanma, Barkamol fayz media, Toshkent, 2018.-248 б. ISBN:998-9943-5519-5-4

4. Хаитбоев Р., Экологик туризм, Ўқув қўлланма, «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», Тошкент, 2021.-375 б.

5. Хаитбоев Р., Ўзбекистоннинг чўлларида туризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари. «STAR-SEL» MCHL. Самарқанд, 2022.-175 б. ISBN: 998-9943-9077-0-6

**Xudoyberdiyeva M.U**  
**Samarqand davlat veterinariya**  
**medisinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar**  
**universiteti**  
**Xudayberdiyev Umar**  
**SamISI dosenti.**

## **RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA MEHNAT RESURLARIDAN SAMARALI FOYDALANISH**

**Annotasiya:** Maqolada mehnat resurslarining mohiyati, tarkibi va ko'payib borish bayon qilingan. Mehnat resurslaridan samarali foydalanishda mehnat unumdorligini oshirish zarurligi ko'rsatilgan.

**Kalit so'zlar:** mehnat resurslari, mahsulot ishlab chiqarish, mehnat resurslari tarkibi, mehnat unumdorligi.

Mahsulotlar ishlab chiqarish, xizmat ko'rsatish jarayonlarida ishchi kuchi asosiy harakatga keltiruvchi kuchdir. Mahsulot ishlab chiqarish jarayonlarida uchta element qatnashadi. Bular mehnat qurollari (vositalar), mehnat predmeti va ishchi mehnatidir. Mehnat qurollarini mator, stanoklar, asbob-uskunalar tashkil etadi. Mehnat predmetlari esa mahsulot ishlab chiqarish uchun zarur bo'lgan homashyo va materiallardir. Mahsulot ishlab chiqarish jarayonida ishchi mehnat vositalaridan foydalanib homashyo va materiallarga ta'sir etib, iste'molga kerakli tayyor mahsulotlar ishlab chiqariladi. Mahsulot ishlab chiqarish jarayonida qatnashayotgan ishchilar mamlakat mehnat resurslarining asosini tashkil etadi.

Mehnat resurslarini deb, jismoniy va aqlan sog'lom bo'lib, mehnat faoliyatini tayyor bo'lgan kishilar tushuniladi. O'zbekiston Respublikasining Mehnat Kodeksiga asosan mehnat qilish yoshidagilar 16 yoshdan, erkaklar-60 yoshgacha, ayollar esa 55 yoshgacha belgilangan. Bu yoshdagi kishilardan I-II guruh nogironlari mehnat qilish qobiliyatiga ega emas. Shuning uchun bu toifadagi kishilar mehnat resurslari tarkibiga kiritilmaydi. Shu bilan birgalikda 14 yoshdan katta bo'lgan yoshlar va nafaqadagi kishilar, ishlayotgan bo'lsalar mehnat resurslari tarkibiga qo'shiladi, lekin ularning hissasi juda kichikdir, 1,0%ni ham tashkil etmaydi.

O‘zbekistonda aholining 60,0%ga yaqinini mehnat resurslarini tashkil etib, ularning soni yildan-yilga muttasil ravishda ko‘payib bormoqda.

2010-yilda 11,5 mln, kishi mehnatga layoqatli kishilar bo‘lsa, 2015-yil bu ko‘rsatgich – 19,0 mln kishidan ko‘pni, 2023-yilga kelib-21,6 mln kishini tashkil etmoqda. Bunga sabab, O‘zbekiston aholisida tug‘ilish sur‘atlarining yuqoriligidir. 2010-yilda O‘zbekistonda 634,8 ming chaqaloq tug‘ilgan bo‘lsa, 2015-yilga kelib, bu ko‘rsatgich 100,0 mingga olib-734,1 mingtani, 2022-yilda esa 932,2 mingtani tashkil etgan. Tug‘ilganlar soni ko‘payishi sababli, ular 16 yoshga to‘lib, mehnat resurslari safiga qo‘shiladilar. Bu jarayon davom etadi, chunki Respublika aholisi yildan-yilga muntazam ko‘payib bormoqda. Mehnat resurslarini o‘rganishda, ularning mulkchilik shakli, iqtisodiy tarmoqlar, ma’lumoti bo‘yicha va boshqa belgilari bo‘yicha tahlil qilish mumkin. Hozirgi paytda ish bilan band bo‘lgan xodimlarning 82,0%i nodavlat mulk shaklida faoliyat yuritayotgan sub’ektlarda ishlaydi. Bu tendensiya bundan keyin ham davom etadi, chunki “ O‘zbekiston-2030” rivojlantirish strategiyasiga xususiy sektorni rag‘batlantirish, monopoliyani qisqartirish ko‘zda tutilgan. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev takidlaganidek “mamlakatimizning barqaror iqtisodiy o‘shishini ta’minlashda faqat xususiy sektorga tayanamiz”. Ishlaydigan xodimlarning katta qismi sanoat tarmoqlarida, qishloq xo‘jaligida, qurilishda, ta’lim sohasida mehnat qilayaptilar. Lekin shu bilan birga ishsizlar ham mavjud. 2022-yilda mehnat organlarida 98,7ming kishi ishsiz sifatida ro‘yxatga olingan. Aholi bandligini ta’minlash, ishsiz yoshlarni davlat hisobidan malakali kasb-hunarlariga o‘qitish, oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish ustuvor yo‘nalishlardandir.

Joylarda, ayniqsa aholi ko‘p va zich joylashgan hududlarda kichik iqtisodiy zonalar tashkil etib, yangi ish o‘rinlarini yaratish, hududlar tabiiy sharoiti va resurslaridan kelib chiqib, yangi ishlab chiqarish korxonalarini ishga tushirish, xizmat ko‘rsatuvchi sub’ektlarni ko‘paytirishlar ham ishsizlikning kamayishiga olib keladi. Mehnat resurslaridan samarali foydalanishning asosiy iqtisodiy ko‘rsatkichi mehnat unumdorligidir. Mehnat unumdorligi vaqt birligi ichida yoki har bir xodimga to‘g‘ri keladigan ishlab chiqarilgan mahsulot (ko‘rsatilgan xizmat) hajmidir. Mehnat unumdorligi iqtisodiyotni intensiv rivojlantirishning muhim omilidir. Mehnat unumdorligi natural(og‘irlik, uzunlik va shu kabilar) va qiymat o‘lchovlarida hisoblanishi mumkin. Natural o‘lchovda hisoblanganda taqqoslash va dinamikasini o‘rganish yaxshi natija beradi. Chunki bunda iqtisodiy ko‘rsatkichga narx o‘zgarishi(infilyasiyaning) ta’siri bo‘lmaydi. Mehnat unumdorligini qiymat o‘lchovida hisoblaganda narx o‘zgarishini(infilyasiya ta’sirini) e’tiborga olish lozim bo‘ladi.

Mehnat unumdorligini oshirish uchun asbob-uskunalarini modernizsiya qilish, homashyoning sifatini yaxshilash, xodimlarning esa muntazam ravishda malaka va tajribasini oshirib borish talab etiladi.

**U.Xudoyberdiyev**  
**SamISI i.f.n,dots.**  
**M. Qurbonov**  
**BH-322 guruh talabasi**

## **RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA KORXONA AKTIVLARIDAN SAMARALI FOYDALANISH YO`LLARI**

**Anotatsiya.** Maqolada korxonalar aktivlarining mohiyati, turlari va ularni samarali boshqarish tizimini takomillashtirish, korxonada moliyaviy holatini yaxshilash yo`llari bayon qilingan.

**Annotation.** The nature and types of enterprise assets and ways to improve their effective management system and improve the enterprise's financial condition are described in the article.

**Аннотация.** В статье описаны сущность и виды активов предприятия и пути совершенствования их эффективной системы управления и улучшения финансового состояния предприятия.

**Kalit so`zlar.** Korxonada aktivlari, asosiy vositalar, aylanma mablag`lar, samaradorlik, mahsulot, daromad, aylanuvchanlik.

**Key words.** Enterprise assets, fixed assets, working capital, efficiency, product, income, turnover.

**Ключевые слова.** Активы предприятия, основные фонды, оборотный капитал, эффективность, продукция, доход, оборот.

Korxonalar faoliyat yuritishlari uchun kerakli asbob-uskunalar xomashyo va mablag`larga ega bo`lishi lozim. Korxonada mulki bo`lgan bunday narsalar korxonada aktivlari deyiladi. Korxonada aktivlari shu korxonada mulki bo`lishi, undan foydalanish huquqiga ega bo`lishi hamda foydalanishdan asosiy maqsad, foydalanish jarayonida aktivlar daromad (foйда) keltirishi lozim. Korxonada aktivlari buxgalteriya balansining aktiv tomonida umumiyashtirilgan, guruhlangan tarzda qiymat o`lchovida ko`rsatiladi.

Korxonada aktivlari asosan 2 ta guruhga bo`linadi. Asosiy aktivlar va aylanma aktivlar. Asosiy aktivlarni iqtisodiy adabiyotlarda ko`pincha asosiy vositalar deb ham yuritishadi. Asosiy vositalar ishlab chiqarish jarayonlarida ko`p martalar (ko`p yillar) qatnashadi. Lekin ular ko`pincha o`z tashqi ko`rinishlarini o`zgartirmaydilar. Ko`p martalar (ko`p yillar) qatnashganligi sababli, o`z qiymatini asta-sekinlik bilan ishlab chiqarilayotgan mahsulot tannarxiga qo`yib boradi. Asosiy vositalarning katta qismini korxonalarda foydalanishda bo`lgan mator, stanoklar, asbob-uskunalar tashkil etadi. Aylanma aktivlar mahsulot ishlab chiqarish jarayonida bir marta qatnashadi, ishlab chiqarish jarayonida ko`pincha uzining holatini (ko`rinishini) o`zgartiradi, o`zining qiymatini to`liq ishlab chiqarilayotgan mahsulot tannarxiga o`tqazib boradi.



Korxonalarda aylanma aktivlarga xomashyo, materiallar, tayyor mahsulotlar, pul mablag'lari kabilar kiradi. Ularni iqtisodiy adabiyotlarda aylanma mablag'lar deb atashadi. Chunki ular korxonada faoliyati davomida aylanib, birturdan, ikkinchi turga, yani xomashyodan-tayyor mahsulotga, tayyor mahsulot sotilib, pul mablag'lariga aylanib turishi kerak.

Korxonalar aktivlaridan samarali foydalanib, ko'proq daromad (foyda) olishlari lozim. Asosiy vositalarni ko'proq vaqt ishlatib, vaqt birligida ko'proq mahsulot ishlab chiqarilishi lozim bo'ladi. Ko'proq vaqt ishlatishda iloji boricha ishni 2 yoki 3 smenali tashkil etish lozim. Bu har sutkada ko'proq mahsulot ishlab chiqarishga olib keladi. Vaqt borligida ko'proq mahsulot ishlab chiqarish, xodimlarning bilimi, malakasi va tajribasiga bog'liq.

Aylanma mablag'lardan samarali foydalanish ishlab chiqarilayotgan tayyor mahsulotlarning talabgorligi va sifatiga bog'lik. Agarda tayyor mahsulotga talab yetarli darajada bo'lib, sifati yaxshi bo'lsa, tezroq sotiladi. Demak aylanma mablag'larning aylanuvchanligi ularning samarali foydalanilishini ifodalovchi asosiy ko'rsatkich ekan. Aylanma mablag'larning aylanuvchanligi ma'lum davrda necha marta aylanadi va necha vaqtda (kunda) bir aylanadi kabi ko'rsatkichlar bilan ifodalanadi. Korxonada aylanma mablag'lari qanchalik tez (ko'proq) aylansa, korxonaga shunchalik ko'p daromad (foyda) olib keladi.

Korxonada aktivlaridan samarali foydalanishning ekstensiv usuli asosiy vositalarni ko'proq vaqt ishlatishni taqazo etadi. Asosiy vositalar qanchalik ko'p ishlatilsa, shunchalik ko'proq mahsulot ishlab chiqariladi. Asosiy vositalar moddiy va manaviy eskiradi. Moddiy eskirish ularning ishlatilishi bilan bog'liq. Asosiy vositalar yemiriladi, shikastlanishi mumkin. Asosiy vositalarning manaviy eskirishi fan, texnika taraqqiyotiga bog'liq. Vaqt o'tishi bilan fan-texnika yutuqlari natijasida yangi ixcham, unumdor, tejamkor motor va stanoklar yaratiladi.

Asosiy aktivlarning intensiv usulida, ularning unumdorligi ko'payadi. Natijada mehnat unumdorligi oshadi, hosildorlik ko'payadi. Aktivlardan intensiv usulda foydalanish samarali hisoblanadi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

- 1) PQ-44-son 10.12.2021 lex.uz
- 2) PQ-104-son 30.03.2023 lex.uz
- 3) <https://stat.uz/uz/>

**Худойбердиева М.У**  
**Самарқанд давлат ветеринария**  
**медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар**  
**университети ассистенти**  
**Худайбердиев Умар**  
**и.ф.н, СамИСИ доценти**

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**Аннотация:**Мақолада хизматлар соҳасининг аҳамияти, турлари ва ривожланиши баён қилинган. Бу соҳани Республика Президенти қарорлари асосида ривожлантириш йўллари кўрсатилган.

**Калит сўзлар:**хизматлар,савдо,транспорт, молиявий хизматлар, турларини кенгайтириш,ҳажмини кўпайтириш.

Хизмат кўрсатиш мамлакат иқтисодиётининг муҳим тармоғидир. Иқтисодиёт тармоқларининг барча субъектларига, аҳолига турли хизматлар кўрсатилади. Хизматларнинг айрим турлари қадимдан мавжуд бўлса ҳам фан ва технологиялар ривожланган сари, улар ҳам такомиллашиб, хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб борган. Транспорт хизматларини қадимда туялар,отлар,эшаклар кўрсатган бўлса, ҳозирда замонавий тез юрар поездлар, самолётлар, яхши жиҳозланган машиналар кўрсатаёпти. Қадимда хизматнинг бошқа турлари: алоқа, молия, яшаш хизматлари ҳам жуда оддий бўлган. Иқтисодиётнинг ривожланиши, фан ва технологиялар янгиликларининг амалиётга жорий этилиши, хизмат турларини кенгайтирди, сифатини яхшилади. Мамлакатимизда хизмат соҳаси мунтазам ривожланиб бормоқда. Натижада иқтисодий тармоқларнинг ривожланишига ва аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

### **Мамлакат ялпи ички маҳсулот(ЯИМ) ҳажми ва хизматлар соҳасининг 2017-2022 йиллар ўсиш суръатлари %да**

№	Кўрсаткичлар	2017й	2019й	2020й	2021й	2022й
1	ЯИМ	104,5	105,7	101,9	107,4	105,7
2	Хизматлар	110,7	113,2	103,0	119,5	115,9

Жадвал маълумотларидан қуришиб турибдики, мамлакат ЯИМ ҳажмига нисбатан хизматлар икки баравардан кўпроқга ўсмоқда. Натижада хизматлар ҳажми мамлакат ЯИМ таркибида ҳиссаси йилдан-йилга кўтарилиб бормоқда. 2017-йилда хизматлар ҳажми мамлакат ЯИМининг 35,6%ини ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб, бу кўрсаткич 41,5 % га етган. Статистик маълумотларга кўра 2018 йилда 150,9 трлн.сўмлик бозор хизматлари кўрсатилган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилга келиб, 357,6 трлн.сўмни ташкил этган яъни 175,9 фоизга кўпайган.

Хизматлар ҳазмининг юқори суръатлар билан ўсишига Республика Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу қарорларда хизматлар соҳасида ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб хизматлар турларини кенгайтириш, комплекс хизмат турларини ташкил этиш, Тошкент, Самарқанд ва Наманган шаҳарларида йирик савдо ва кўнгилочар хизматларини кўрсатувчи жойлар, кўчалар ташкил этиш, хизмат кўрсатувчи субъектлар солиқ ва божхона имтиёзлари бериш кўзда тутилган.

Хизматлар асосан йирик шаҳарларда: Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган, Навои каби шаҳарларда яхши йулга қўйилган. 2022 йилда бозор хизматларининг умумий ҳажмида фақат Тошкент шаҳрининг улуши 38,4%ни яъни 137358,1млрд сўмни ташкил этган.

Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм ва Наманган вилоятларида аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми мамлакат бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажмидан анча кам. Демак қишлоқ жойларда керакли хизмат турларини кенгайтириш, ҳажмини кўпайтириш лозим бўлади.

Хизмат турларининг ичида савдо, транспорт ва молиявий хизматлари катта ҳиссани ташкил этади. Аҳолининг турмуш даражасини яхшилашда соғлиқни сақлаш хизматлари, шахсий хизматлар, маиший техникаларни таъмирлаш каби хизматлар муҳим аҳамиятга эга ва бу хизматларни юқори суръатлар билан ривожлантириш лозим.

Республика Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2023 йил 11-сентябрдаги ПФ-158-сонли фармони билан “Ўзбекистон-2023” стратегияси тасдиқланди, ҳамда 2023 йилда бажариладиган ишларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича Президентнинг ПҚ-300-сонли қарори қабул қилинди. “Ўзбекистон-2023” стратегиясида 5та устувор йўналиш ҳамда 100 та мақсад белгиланган бўлиб, мамлакат иқтисодиётини ушбу даврда ривожлантириб, ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баравар кўпайтириш, хизматлар турларини кенгайтириб, сифатини яхшилаш белгиланган.

### **Фойдаланилган адабиётлар руйхати.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил 27-январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
3. Ўзбекистон рақамларда 2019-2020. Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси, Т.: 2021 й.

4. Ўзбекистон рақамларда 2020-2021. Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси, Т.: 2022 й.
5. WWW.Stat.uz

**Rajaboyev Shahboz Shodi o'g'li**  
**SamISI "Axborot texnologiyalari" kafedrasida**  
**assistenti**  
[shahbozrajabboyev@gmail.com](mailto:shahbozrajabboyev@gmail.com)

## **RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA BUXGALTERIYA HISOBINI YURITISHDA MS EXCEL DASTURIDAN FOYDALANISH**

**Annotatsiya:** Ms excel dasturi yordamida oddiy hisoblash jarayonlarini tashkil qilish orqali, xizmat ko'rsatish sohasidagi hisoblashni bajarish uchun shablonlar keltirib o'tilgan. Bunda buxgalteriya hisobini yuritishda maxsus dasturlardan foydalanmasdan excel dasturida hisoblash mumkinligi ko'rsatilgan. Kichik xizmat ko'rsatish sohasi yangi ochilgan paytda bu dasturdan foydalanib daromadga chiqib olguncha hisoblash ishlarini bajarishi mumkin.

**Kalit so'zlar:** buxgalteriya, hisoblash, dastur, excel, xizmat ko'rsatish, formula, shablon.

**Аннотация:** Путем организации простых расчетных процессов с помощью MS Excel представлены шаблоны для выполнения расчетов в сфере услуг. Показано, что расчет в Excel возможен без использования специальных программ для учета. Небольшие предприятия сферы услуг могут использовать это программное обеспечение для расчета объема работы, которую они выполняют, прежде чем они начнут получать прибыль.

**Ключевые слова:** учет, расчет, программа, excel, сервис, формула, шаблон.

**Abstract:** By organizing simple calculation processes with the help of MS Excel, templates for performing calculations in the service sector are presented. It is shown that it is possible to calculate in Excel without using special programs for accounting. Small service industries can use this software to calculate the amount of work they do before they start making a profit.

**Keywords:** accounting, calculation, program, excel, service, formula, template.

**Formula kiritish va funksiyalar:** Ms excel dasturida to'g'ridan-to'g'ri vazifalardan tashqari, buxgalter tijorat takliflarini tayyorlashi, shartnoma narxlarini hisoblash va hokazo funksiyalarni qo'shishi mumkin. Hisob-kitoblarni amalga oshirish uchun turli koeffitsientlar va tuzatishlarni qo'llash, shuningdek narxlarni konvertatsiya qilish kerak. Va eng muhimi, barcha harakatlarni tez va vazifalarga zarar etkazmasdan bajarish. Buxgalter uchun Excel ish varag'ida bajarilishi mumkin bo'lgan asosiy hujjatni va alohida-alohida qo'shimcha hisob-kitoblarni tayyorlashda

yordam beradi. Shunday qilib, mahsulot narxini qayta hisoblashda siz bitta katakda narxni, ikkinchisida mahsulot sonini, uchinchisida esa konvertatsiya formulasini belgilashingiz mumkin (= birinchi katak \* ikkinchi katak), keyin Enter tugmasini bosib va narxni oling. Kerakli katakdagi birinchi varaqda siz "=" ni qo'yishingiz mumkin, ikkinchi varaqqa o'ting va uchinchi katakchani jami bilan ko'rsating. Yana Enter tugmasini bosib va natijani oling.

Mahsulot nomi	Mahsulot soni	Mahsulot narxi	Umumiy narxi
1-mahsulot	500	2000	1000000
2-mahsulot	600	3000	1800000
A6	B6	C6	=B6*C6
n-mahsulot	n-mahsulot	n-narxi	"n-mahsulot"*n-narxi

1-rasm. Mahsulotning umumiy narxini hisoblash

Agar faqat narx o'zgarib turadigan ko'p sonli nuqtalar uchun bunday hisob-kitoblarni amalga oshirish kerak bo'lsa, siz Excelning asosiy funksiyasidan foydalanishingiz mumkin - formulalarni avtomatik to'ldirish yoki tortish. Formulalarni to'ldirish qobiliyati dasturning asosiy funksiyalaridan biridir. U bir xil formulani qayta-qayta yozmasdan, jadvaldagi ma'lumotlarni hisoblash jarayonini avtomatlashtiradi. Formulalarni sudrab borishni quyidagi tarzda bajarishingiz mumkin. Formular qatorida biz teng va manba ma'lumotlari (=A3) bo'lgan jadvaldagi katakchaga havolani qo'yamiz. Shundan so'ng, biz jadvaldagi qiymatning faqat takrorlanishini olamiz. Ushbu katakchani sudrab borishda jadvalning ma'lumotlar bilan nusxasi olinadi, u asl jadvaldagi ma'lumotlarning o'zgarishi bilan mos ravishda o'zgaradi. Bu diapazonlarni o'rnatmasdan hujayralarni sudrab borishga misoldir. Keyin siz excelning asosiy texnikasidan foydalanishingiz mumkin – bular formulalarni avtomatik to'ldirish yoki tortish.

**Kalendar kunlarini sanash** Excel hatto kalendar kunlarini hisoblash kabi oddiy harakatlarda ham ajralmas yordamchiga aylanishi mumkin. Buxgalter foizlar, jarimalar, kreditlar va shunga o'xshash narsalarni hisoblash uchun ma'lum bir davrda qancha kun borligini aniq bilishi kerak. Agar bu qisqa vaqt bo'lsa, uni kalendar yordamida hisoblash oson, ammo bu format doimiy hisob-kitoblarni amalga oshirish uchun juda noqulay. Bunday vaziyatlarda Excel buxgalterga yordamga keladi. Hisob-kitoblarni amalga oshirish uchun jadvalda uchta bo'sh hujayrani tanlash kerak. Natijalarni olish uchun boshlanish sanasini biriga, tugash sanasini ikkinchisiga yozib, uchinchisini bo'sh qoldirish kerak. Tavsiya: klaviaturaning raqamli qismida sanani shunday yozing: 12/10/2016. Dasturning o'zi kiritilgan ma'lumotlarni sana formatiga aylantiradi va u 10/12/2016 yilga chiqadi. Keyin

uchinchi katakchani tanlang va "Funksiyani qo'shish" tugmasini bosib, uni  $f(x)$  belgisi orqali topishingiz mumkin. Bosgandan so'ng, "Funksiya ustasi" oynasi ochiladi. "Kategoriya" ro'yxatidan "Sana va vaqt" ni tanlang va "Funksiya" ro'yxatidan "360 KUN" ni tanlang va OK tugmasini bosib. Ko'rsatilgan oynada siz boshlanish va tugash sanalarining qiymatlarini kiritishingiz kerak. Buni amalga oshirish uchun siz ushbu sanalar bilan jadvalning katakchalarini bosishingiz kerak va "Usul" qatoriga bittasini qo'ying va OK tugmasini bosib. Agar umumiy qiymat raqamli formatda aks ettirilmasa, siz hujayra formatini tekshirishingiz kerak: sichqonchani o'ng tugmachasini bosib va menyudan "Hujayra formati" ni tanlang, "Raqam formati" ni o'rnatib va OK tugmasini bosib. Shu tarzda kunlarni ham hisoblashingiz mumkin: uchinchi katakda = DAYS 360 (B1; B2; 1) yozing. Qavslar ichida birinchi ikkita katakning koordinatalarini sanalar bilan ko'rsatishingiz kerak va usul uchun bittasining qiymatini o'rnatishingiz kerak. Haftalar uchun foizlarni hisoblashda siz olingan kunlar sonini 7 ga bo'lishingiz mumkin. Shuningdek, sanaga istalgan kun sonini qo'shishingiz va ayirishingiz mumkin. Buni amalga oshirish uchun siz bitta katakka sanani yozishingiz, ikkinchisiga teng belgisini qo'yishingiz kerak, keyin sana ko'rsatilgan katakchani bosib va "+" yoki "-" va kerakli kunlar sonini kiriting.

Xodim F.I.SH	Ishlagan kuni	Kunlik ish haqqi	Qo'shimcha bonus	Jarimalar	Oylik maoshi
1-xodim	30	150 000,00	50 000,00	-	4 550 000,00
2-xodim	29	150 000,00	-	20 000,00	4 330 000,00
3-xodim	31	150 000,00	30 000,00	-	4 680 000,00
n-xodim	n kun	n so'm	n so'm	n so'm	n so'm

2-rasm. Xodimlar oylik maoshini hisoblash

**Hisobotlar bilan ishlash** Buxgalter uchun Excel elektron jadvallari hisobot berish va joriy hisob-kitoblarni amalga oshirish uchun juda ko'p ma'lumotlarni o'z ichiga olgan ko'p funksiyali ishchi vositadir. Bitta varaqqa to'g'ri kelmaydigan jadvalni chop etishda siz uning "sarlavhasini" har bir alohida sahifaga joylashtirishingiz mumkin, bu esa kerakli ma'lumotlarni topishni osonlashtiradi. Buni amalga oshirish uchun "Fayl" - "Sahifa sozlamalari" menyusini va "Varaq" yorlig'ini tanlang. Biz kursorni "Qatorlar orqali" yoki "Ustunlar orqali" ustiga qo'yamiz va jadvalda har bir varaqda joylashtirilishi kerak bo'lgan qatorlarni bosib. Bunday hujjatlar bilan ishlash uchun siz sarlavha va altilbilgilardan ham foydalanishingiz mumkin. Ular kerakli ma'lumotlarni, masalan, sana, varaq



raqamlari, kompilyator nomi va boshqalarni qayd etadilar. Sarlavha va altilgi sozlamalari "Sahifa parametrlari" - "Sarlavha va altilgilar" da mavjud. Tayyor belgilash variantlari mavjud yoki o'zingizni qo'shish imkoniyati mavjud.

**Xulosa** o'rnida quyidagi shablonni keltirib o'taman bunda: "Umumiy ovqatlantirish xizmati" korxonasiidagi bir oylik pul aylanmasi, hisob varaqlarni bog'lanishi, oyliklari, oldindan to'langan pullar va keyin to'lanishi kerak bo'lgan pul mablag'lari hisob-kitoblari keltirilgan.

Sana	Boshlang'ich hisob hujjatining nomi va raqami	Operatsiyaning mazmuni	Summa	S'etlar korrespondentsiyasi	
				debit	kredit
2	3	4	5	6	7
	Жами айланма	Ой бошига қолдиқ			
18.04.22	60000000	3000000	5 000 000,00	4 000 000,00	100 000,00
18.05.22	60000000	3000000	5 000 000,00	4 000 000,00	100 000,00
18.06.22	60000000	3000000	5 000 000,00	4 000 000,00	100 000,00
18.07.22	60000000	3000000	5 000 000,00	4 000 000,00	100 000,00
18.08.22	60000000	3000000	5 000 000,00	4 000 000,00	100 000,00
18.09.22	60000000	3000000	5 000 000,00	4 000 000,00	100 000,00

3-rasm. Ms excelda hisob varaqlarini yuritish

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Эшпўлатова З. Б. Recognition of income: allocate the transaction price to the performance obligations in the contract // Экономика и финансы (Узбекистан). – 2021. – №. – С. 16-22.
2. Эшпўлатова Зайнаб Баратовна Даромадни тан олиш: операция нархини бажарилишларга оид мажбуриятларга тақсимлаш // Экономика и финансы (Узбекистан). 2021. №3 (139).
3. Mustafaeovich, Tursinhanov Nurlan, and Rajaboev Shakhboz. "System for analyzing and processing data on university staff based on a fuzzy controller with a fixed knowledge base." Open Access Repository 8.03 (2022): 16-21.

**G.X.Shirinova**  
tadqiqotchi

## XIZMAT KO'RSATISH KORXONALARIDA RAQAMLI TEKNOLOGIYALARNI QO'LLASH IMKONIYATLARI

**Annotatsiya:** Maqolada xizmat ko'rsatish sohasida innovatsiya, zamonaviy texnika va texnologiyalar qo'llashni amalga oshirish uchun raqamli iqtisodiyotdan keng foydalanish masalalari yoritilgan.

**Kalit so'zlar:** xizmat ko'rsatish, raqamli texnologiyalar, raqamli iqtisodiyot.

**Аннотация:** В статье рассматривается широкое использование цифровой экономики для внедрения инноваций, современных методик и технологий в сфере услуг.

**Ключевые слова:** сервис, цифровые технологии, цифровая экономика.

**Abstract:** The article covers the wide use of the digital economy to implement innovation, modern techniques and technologies in the service sector.

**Key words:** service, digital technologies, digital economy.

Hozirgi kunda raqamli iqtisodiyotning dunyo miqyosida tutgan o'rni va uning rivojlanish tendensiyalari tobora ortib bormoqda. Misol uchun, ma'lumotlar oqimi ko'lamining o'zgarishi internet protokoli (IP) ga asoslangan global trafik hajmining 1992 yilda kuniga 100 gigabaytni tashkil etgan bo'lsa, 2019 yilda bu ko'rsatkich sekundiga 89000 Gb dan oshdi. Bu ma'lumotlar raqamli iqtisodiyot rivojlanishining dastlabki bosqichiga tegishli ekanini hisobga olsak, uning rivojlanishi sur'ati to'g'risida tasavvur hosil qilish qiyin emas. Prognozlarga ko'ra, 2022 yilga kelib global IP-trafik hajmi sekundiga 150700 Gb ga yetadi, bu Internet tarmog'ida yangi foydalanuvchilarning ko'payishi va Internetning yanada kengayishi natijasida amalga oshadi<sup>57</sup>.

Jahon miqyosida olib qaraydigan bo'lsak, raqamli iqtisodiyotning rivojlanish geografiyasida ikki mamlakat yetakchi o'rinni egallab turibdi. Bular AQSH va Xitoy. Bu mamlakatlarga blokcheyn texnologiyasi bilan bog'liq bo'lgan barcha patentlarning 75 foizi, "Internet of Things (Narsalar interneti)"ga<sup>58</sup> sarflanadigan harajatlarning 50 foizi va bulutli hisoblash ochiq texnologiyalari global bozorining 75 foizidan ortig'i to'g'ri keladi. Eng diqqatga sazovor tomoni shundaki, ular dunyodagi 70 ta eng yirik raqamli platformalarning bozor kapitallashuvining 90foizini nazorat qilishadi. texnologiyalarda global ustunlikka intilishning oqibatida yuzaga keladi. AQSH va Xitoyning YAIM hajmi bo'yicha jahonda birinchi va ikkinchi o'rinlarni egallab turganligini e'tiborga olsak, raqamli texnologiyalarning mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishda strategik ahamiyatga ega ekanligiga yana bir bor ishonch hosil qilish mumkin.

Hozirgi paytda kompyuterlashtirish va yuqori texnologiyalar asrida raqamli iqtisodiyot xizmat ko'rsatish sohasida keng ko'lamda rivojlanmoqda.

Xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish bo'limida mehnat bozori hisobiga inson kapitalini rivojlantirish, aholining barcha qatlamlarini sifatli xizmat ko'rsatish bilan qamrab olish, ushbu sohada ilm-fan va innovatsiyalarni rivojlantirish orqali aholiga xizmat ko'rsatishni yaxshilash ko'rsatkichlarini oshirish, ilg'or fikrlaydigan yangi avlodni shakllantirish, mamlakatning milliy turizm va xizmat ko'rsatish brendini xalqaro miqyosda ommalashtirish kabi maqsadlar bayon etiladi.

---

<sup>57</sup>BMT savdo va rivojlanish konferensiyasi. Raqamli iqtisodiyot bo'yicha hisobot (2019). [https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/der2019\\_overview\\_ru.pdf](https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/der2019_overview_ru.pdf)

<sup>58</sup>Internet of Things, IoT – qurilmalarni kompyuter tarmog'iga birlashtiradigan va ularga dasturiy ta'minot, amaliy dasturlar yoki texnik vositalardan foydalangan holda ma'lumotlarni to'plash, tahlil qilish, qayta ishlash va boshqa ob'ektlarga uzatish imkonini beradigan texnologiya.



O‘zbekistonni 2035 yilgacha rivojlantirish strategiyasi Harakatlar strategiyasining mantiqiy davomi bo‘lib, yurtimiz taraqqiyotida yangi sahifa ochishi bilan ahamiyatlidir. Strategiya loyihasida belgilangan marralarga erishish xizmat ko‘rsatish sohasida islohotlarni bosqichma-bosqich, aniq muddatlarda ruyobga chiqarish prognozlarini ishlab chiqilishi zarur.

Xizmat ko‘rsatish sohasida innovatsiya, zamonaviy texnika va texnologiyalar qo‘llashni amalga oshirish uchun raqamli iqtisodiyotdan keng foydalanish zarur. Xizmat ko‘rsatish sohasidagi iqtisodiy jarayonlarni raqamlashtirish nafaqat bevosita axborot-kommunikatsiya tarmog‘ini, balki mamlakat xo‘jalik faoliyatining barcha sohalarini ham qamrab oladigan keng qamrovli tendensiyaga aylanib bormoqda.

Xizmat ko‘rsatish sohasida internet-savdo, raqamli turizmlar, «aqli» elektr-tarmoq tizimlari, uchuvchisiz transport, shaxsiylashtirilgan xizmat ko‘rsatish sohasida raqamli iqtisodiyot inqilobi kuchli his qilinmoqda.

Xizmat ko‘rsatish sohasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish natijasida:

- raqamli iqtisodiyotning texnologik, holatiy, tashkiliy-huquqiy hamda institutsional hususiyatlarini inobatga olgan vaziyatlarni to‘g‘ri modellashtirish, raqamli iqtisodiyot infratuzilmasini tashkil etish, “blokcheyn” texnologiyalarning mohiyatini anglab yetish va global axborot resurs bazalaridan samarali foydalanish usul va yo‘llari yaxshilanadi;

- raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish, “blokcheyn” texnologiyalarini joriy etish, davlat xususiy sheriklik shartlarida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish, kripto-birjalar faoliyatini tashkil etish, eng istiqbolli va strategik muhim loyihalarni amalga oshirish mumkin;

- raqamli transformatsiyasining ijobiy hamda salbiy oqibatlarini, ularga ta‘sir etuvchi omillarni aniqlash, raqamli iqtisodiyotning makro hamda mikro darajadagi ko‘rsatkichlarga ta‘sirini baholash, raqamli transformatsiya samaradorligini baholash, axborot xavfsizligi muammolarini aniqlash va davlat xususiy sherikchilik asosida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish uchun platformalar tashkil etishga erishiladi.

Innovatsion g‘oyalar orqali ishlab chiqarishni, korxonani boshqarishni, reklama xizmatlariga sarflanadigan vaqtni va mablag‘ni tejash maqsadida ko‘pgina izlanishlar amalga oshirilmoqda.

Ma‘lumki tadbirkorlik faoliyati bilan shug‘ullanuvchilar uchun axborot almashinuv vositalarining rivojlanishi, ulardan keng va osonlik bilan foydalanish kabi imkoniyatlar qiziqarlidir. Odatda korxonalar rahbarlari o‘zlarining 70-80 foiz vaqtlarini axborot to‘plash va yuborish bilan o‘tkazadilar. Bundan tashqari, har bir axborotni iste‘molchilarga aniq va ravshan yetkazish uchun ko‘pgina mablag‘ talab etiladi. Ayniqsa, turistik xizmatlarni ko‘rsatib kelayotgan korxonalarning raqamli texnologiyalarni qo‘llashlari sayyohlar uchun tarixiy xotiramiz, milliy urf-odatlarimiz, milliy mahsulotlarimiz haqida keng va aniq ma‘lumot olishlari uchun ham qulayliklar yaratadi.

Mamlakatimizda axborot va marketing sohalarini isloh etish, ya‘ni mamlakatda va xorijiy davlatlarda ma‘lumotni xavfsiz, tez va sifatli ravishda

tarqalishini ta'minlash maqsadida QR kod (Quick Response Code – tez xabar) texnologiyasini marketing sohasida qo'llash orqali erishishimiz mumkin.

Mamlakatimizda texnika va texnologiyalarning rivojlanishi QR kod ko'rinishdagi reklamani iste'molchi ko'rishi uchun imkon yaratadi. Buning uchun, iste'molchi qo'l telefoni yoki planshet qurilmalariga o'rnatilgan programma vositalari orqali QR kodni tasvirga olsa kifoya.

Bugungi kunda ushbu tasvirlarni o'qish uchun turli xil **Scanvi, QR App, QR-skaner** kabi programmalardan foydalanish mumkin.

Yangi ochilgan korxonalar yoki tovar va xizmatlar haqida banerlar, tovar yorlig'i (etiketkasi), ko'cha transportlari va boshqa joylarda ma'lumotni keng tarqatish imkonini mavjud bo'ladi. Bu esa o'z navbatida korxonalarining rivojlanishiga, iste'molchilarga korxonalar yoki xizmatlar haqida to'liq ma'lumotlarni tarqatishga, axborot tarqatuvchilar uchun arzon va qulay sharoit yaratadi.

XXI asr yangi texnika va texnologiyalar davri bo'lib hisoblanadi. Ushbu davrda axborotlashgan jamiyatni barpo qilish ustuvor vazifalarimizdan biri hisoblanadi. Bu yo'lda yuqorida biz o'rgangan texnologiyalarni rivojlantirishga keng yo'l ochilishi maqsadga muvofiqdir.

Ushbu kodlardan foydalanishni nafaqat iqtisodiyotimizda yoki korxonalarining rivojlanishida, balki turli xil sohalarni ham rivojlantirishda qo'llash mumkin.

Ma'lumki, bugungi kunda, turistlar uchun mahsulotlarni sotish yoki ayrim xizmatlarni ko'rsatish internet tarmoqlari orqali ham olib borilmoqda. Ammo, mamlakatimizning barcha hududlarida yangi, tez ishlaydigan internet texnologiyalari mavjud emas. Shuning uchun, mamlakatimizning barcha hududlari (qishloq, tog'li hududlar, shaharchalar)da ham bunday texnologiyalarni joriy etish iste'molchi va xizmat ko'rsatuvchi yoki ishlab chiqaruvchilar uchun qulaylik yaratadi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati**

1. Egamberdi o'g'li P. E. Servis korxonalarida xizmat ko'rsatish jarayonlarini boshqarish mexanizmlarini takomillashtirish //journal of innovations in scientific and educational research. – 2023. – T. 6. – №. 4. – C. 816-821.

2. Junaydulloyevich, Abdullayev Asliddin, Aminova Niginabonu Bakhridinovna, and Qodirova Dilnoza Rasul-qizi. "Turizm va mehmonxona xo'jaligi korxonalarining marketing kommunikatsiyalarida raqamli texnologiyalarni takomillashtirish." *barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali* (2022).

3. Xashimova, Naima. "Iqtisodiyotning raqamli transformatsiya sharoitida o'zbekiston makroiqtisodiy o'sish istiqbollari." *Евразийский журнал математической теории и компьютерных наук* 3.1 (2023).

4. Rustamovna, Xoliqova Zebiniso. "Raqamli iqtisodiyotni hozirgi kundagi ahamiyati, rivojlanish trendlari va xususiyatlari." *Scientific Impulse* 1.6 (2023): 1453-1461.

## САВДОДА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** Ушбу мақолада бугунги кунда савдода мавжуд бўлган муаммолар қайд қилинган. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун савдони ривожлантириш концепцияси, савдо қоидалари янги таҳрир қабул қилиниши ҳамда нарх навони назорат қиладиган, меъёрлар киритадиган жамоат ташкилотлари тузиш тавсия этилган. Савдода иқтисодий самарадорликни оширишда товарлар таннархини камайтириш лозимлиги таъкидланган.

**Калитли сўзлар:** савдода иқтисодий самарадорлик, савдо маданияти, товарлар таннархи, савдода нарх-наво, савдо чегирмаси

Жаҳон иқтисодиётида савдо корхоналарининг ўрни ниҳоят даражада каттадир. Статистик рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, “жаҳонда чакана савдо ҳажми 2021 йилдаги 24,2 трлн. АҚШ доллари ҳажмидан 2025 йилга келиб, тахминан 31,7 триллион АҚШ долларини ташкил этиши прогноз қилинган бўлиб, глобаллашув ва бозорлар ҳамда мамлакатлар ўртасидаги турли шартнома ва келишувлар натижасида кўплаб чакана савдо корхоналари бизнес юритиш имкониятига эга бўлиши кутилмоқда”<sup>59</sup>.

Дунёдаги бугунги зиддиятлар, савдодаги чекловлар иқтисодиётда ўз аксини топмай қолмайди. Бундай ҳолатлар айрим турдаги озиқ овқат товарларининг нархи ошиб кетишига олиб келмоқда. Жумладан, бу омиллар озиқ-овқат экспортига салбий таъсир қилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Бу вазиятда энг тўғри йўл – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни кескин ошириш ҳисобига таннархни камайтириш, чуқур қайта ишлашга ва қўшилган қиймат яратишга кўпроқ инвестиция жалб қилиб, экспортни кўпайтиришдир.”

Савдо соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5813-сон «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимида замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 30 сентябрдаги ПФ-6318-сон «Хизматлар соҳасини кўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда ўзбекистон республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 75-сон Қарорлари савдо соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, унинг самарадорлигин ошириш ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш, камғалликни қисқартириш ва бошқа муҳим

<sup>59</sup> <https://www.statista.com/statistics/report-content/statistic/443522>

ижтимоий масаларни ҳал қилиш борасида вазифалар белгилаб берилди.

Соаҳага доир тадқиқотчиларнинг фикрича “Замонавий шароитда чакана савдо хизматларининг ривожланиши иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, истеъмол талабига мувофиқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни фаоллаштиришга, минтақаларо ва давлатларо муносабатларни ривожлантиришга, истеъмол бозорида маҳсулот таклифини шакллантиришга имкон беради ҳамда эҳтиёжларни қондириш орқали аҳоли турмуш сифатини яхшилашга шарт-шароит яратади. Шунга кўра, ҳозирги шароитда чакана савдо хизматлари сифатини баҳолаш масаласи тобора муҳим аҳамият касб этмоқда ва бу борадаги илмий ишланмаларни янада такомиллаштиришга зарурат сезмоқда”<sup>60</sup>

Бугунги кунда савдони ташкил этиш, уни бошқариш, савдо хизматлари сифатини оширишда қандай муаммолар мавжуд? Уларни ҳал қилишни қайси жиҳатларига эътибор қаратиш керак? деган масалаларга тўхталиб ўтайлик.

Биринчидан, савдони ташкил этиш ва адолатли рақобат муҳитини яратиш масаласидир. Савдо ўз ҳолича ривожланмоқда. Унда режалаштириш, эҳтиёжни ўрганиш, савдони харидорларнинг эҳтиёжларига мутонасиб равишда ривожлантириш етарли даражада ҳисобга олинмаяпти. Савдо соҳасидаги хусусий тадбиркорлар томонидан аҳоли эҳтиёжига мос бўлмаган, зурурият бўлмаган товарлар хорижий валюта ҳисобидан олиб келинмоқда. Натижада, савдо корхоналари захираларида ортиқча товарлар, кераксиз товарлар тўпланиб қолинмоқда.

Шаҳардаги савдо билан қишлоқ савдоси ўртасидаги тафовутлар муаммоси. Чекка ва олис қишлоқларда чакана савдо сифати тўғрисида гапириш у ёғда турсин, улар мавжуд эмас, етарли даражада ташкил этилмаган. Аҳоли асосан узоқ бозорлардан савдо қилади. Чакана савдо асосан хусусий тадбиркорлик кўринишида ташкил этилмоқда. Юридик шахс мақомига эга бўлган савдо корхоналари қишлоқ жойларда ташкил этилмаяпти. Натижада қишлоқ аҳолиси кунлик эҳтиёж товарлар учун шаҳар марказлари, катта чакана ва улгуржи бозорларга бориб савдо қилиб келмоқда.

Савдо корхоналарида нарх-навони назорат қилиш йўлга қўйилмаган. Тадбиркорлар таклиф ва талабдан келиб чиқиб нарх белгилаяпти. Айрим товарларда адолатсиз нарх белгилаш ҳолатлари мавжуд. Буларни назорат қиладиган, нарх масаласини мониторинг қиладиган жамоат ташкилотларига эҳтиёж бор. Савдода коррупцияга барҳам бериш керак.

Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш қоидаларига риоя қилиш, муддат ўтган товарларни сотиш ҳоллари юз бермоқдаки, бундан харидорлар зарар кўрмоқда. Сифати паст товарлар сотилмоқда. Харидорларнинг ҳақ- ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг механизмлари тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Савдо маданиятини юксалтириш керак. Савдо маданияти деганда, аввало хушмуаммолалик, нарх навода алдамаслик, харажатларни қоплайдиган

---

<sup>60</sup> Й.М. Ўринов Чакана савдо корхоналарида хизматлар сифатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори PhD диссертацияси автореферати. Самарқанд. 2023 й.

ва маълум меъёрлаги фойдани таъминлайдиган нарх навони шакллантириш, харидорга барча қўлайликлар ва имкониятларни яратиш ҳамда охир натижада харидорнинг олган товаридан рози бўлиши, барокат топиши тушунилади. Кафолат муддатида савдо қилишни ташкил этиш керак. Агарда кафолат муддати ичида товарлар қайтарилса янгисига алмаштириб бериш ёки тулик таъмирлаб бериш хизматларини йўлга қўйиш керак. Ҳеч бир ҳолатда харидор зарар кўрмаслиги лозим.

Савдо ташкилотларида савдо чегирмаларини, нархидан тушушлар, акциялар ўтказишни, доимий харидорларга енгилликлар бериш, кеш бек тизимини йўлга қўйиш, замонавий савдо технологияларини жорий этиш давр талабидир.

Аҳолининг аксарият қисми озиқ-овқатларни бозорлардан савдо қилмоқда. Бозор савдоси муаммолари ўрганилмаган. Ушбу муаммолар албатта савдо хизматлари сифатига таъсир кўрсатади.

Бугунги кунда савдода иқтисодий самарадорлик, жумладан меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, товарлар таннархини камайтириш муҳим иқтисодий масаладир. Бунинг учун эса савдо корхоналарининг товар айланмаларини ошириш, ахборот технологияларини соҳага кенг жорий этиш, сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этиш, четдан олиб келинаётган товарлардан фақат эҳтиёж учун зарарларини қолдириш, қолганларини ўзимизда ишлаб чиқаришини ташкил этиш, савдо маданиятини юксалтириш керак.

Савдо маданиятини юксалтириш инсон ресурслари билан боғлиқ ҳисобланади. Малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш керак. Институтимизда савдо иши ва таваршунослик таълим йўналишларини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Юқоридаги фикрларга асосланиб қуйидагиларни таклиф этамиз;

биринчидан бугунги кунда мамлакатимизда савдо соҳасини тубдан ривожлантиришга қаратилган концепция ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд. Чакана савдо қоидаларини янги таҳрирда ишлаб чиқиш керак;

иккинчидан, савдода савдо маданияти ва товарлар нарх навосини назорат қиладиган давлат инспекцияси ва жамоат ташкилотларини тузиш зарурияти мавжуд. Ушбу жамоат ташкилотлари томонидан нарх наволарн бўйича тадбиркорларга таклифлар ва меъёрлан тақдим қилиниши лозим. Тадбиркорлар ўз фаолиятлари давомида ушбу нарх наволарга амал қилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Учинчидан, савдо соҳасидаги коррупцион элементларга барҳам бериш керак. Булар жумласига ортиқча нарх белгилаш, савдо тушумларини яшириш, сифатсиз товарлар савдосига барҳам бериш, хардорларнинг ҳақ ҳуқуқларини паймол қилиш ва бошқа ҳолатларни киритиш мумкин.

Ушбу хулосаларнинг амалиётга жорий этилиши савдони ривожлантиришга, савдо айланмасини оширишга, савдода самарадорликнинг ошишига, товарлар таннархининг камайишига хизмат қилади.

## Адабиётлар

1. <https://www.statista.com/statistics/report-content/statistic/443522>
2. Ё.М. Ўринов Чакана савдо корхоналарида хизматлар сифатини баҳолаш тизимини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори PhD диссертацияси автореферати. Самарқанд. 2023 й.
3. Абдукаримов Б.А., Комилова Н.А., Абдукаримов Ф.Б. Актуальные вопросы развития торговли в Узбекистане. Монография. – Т., «Иқтисодиёт», 2010;

**ТЎРАБЕКОВ СОҲИБЖОН ШЕРБОЙ ЎҒЛИ**

**Таянч докторант**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

**[sokhibjon.turabekov@gmail.com](mailto:sokhibjon.turabekov@gmail.com)**

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИНИ РИВОЖДАНТИРИШНИНГ АҲОЛИ БАНДЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР**

**Аннотация.** Бугунги замонавий, инновацион иқтисодиёт шароитида туризм хизматлари соҳасининг Ўзбекистон миллий иқтисодиётида тутган ўрни ва унинг меҳнат бозоридаги роли мақолада кенг ёритилган. Ўзбекистон шароитида туризм хизматлари соҳасини жадал ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини таъминлаш муаммолари чуқур таҳлил қилиниб, уларни бартараф қилишда кадрлар кўнимсизлиги ва мавсумийлик муаммоларини ҳал қилишга асосий эътиборни қаратиш зарурлиги бўйича зарур тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар.** Туризм хизматлари, аҳоли бандлиги, кадрлар кўнимсизлиги, мавсумийлик.

**Кириш.** Жамият тараққиётининг бугунги босқичида миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва унинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётга инновацион технологияларни жалб қилиш, чекланган ресурслардан унумли фойдаланиш асосида аҳолининг сифатли товар ва хизматларга бўлган талабини тўла қондириш каби ўта долзарб вазифалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш нуқтаи назаридан ушбу муҳим вазифаларни амалга ошириш бир неча омилларга боғлиқ бўлиб, у катта куч ва ресурсларни сафарбар қилишни, улардан мақсадли ва тежамкорлик билан фойдаланишни тақозо этади. Бироқ, барча омиллар ичида кишиларнинг меҳнатга бўлган муносабати, уларнинг фидойилиги, ижтимоий ишлаб чиқаришдаги фаоллиги алоҳида ўрин тутади. Иқтисодиётда банд бўлганларнинг фаолияти, мақсад ва интилишлари жамият манфаатларига мос келгандагина меҳнатга лаёқатли ҳар бир киши ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол, самара билан, астойдил иштирок этгандагина, жамият олдида қўйилган ҳар қандай мураккаб вазифаларни ҳал этиши мумкин.

Туризм хизматлари соҳасидаги меҳнат бозори тўғрисида гап кетганда унинг ўзига хос хусусиятларини эътироф этиш зарур. Яъни, туризмда меҳнат бозори – меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг шундай ижтимоий-иқтисодий шакли бўлиб, унда ишчи кучи товар сифатида намоён бўлади ҳамда бозор қонунларига мувофиқ сотилади ва сотиб олинади[1]. Бироқ, бу туризм хизматлари соҳасида ўзига хос замонавий ва цивилизациялашган меҳнат бозори шаклланган дегани эмас. Унда ҳам баъзида ишчи кучига нисбатан талаб ва таклифнинг мувозанати бузилиб, бозор қонунларига мувофиқ келмай қолиш ҳолатлари учраб туради. Масалан, Ўзбекистонда ҳам аксарият туризм хизматларини кўрсатувчи субъектлар томонидан туризм мавсумига қараб туроператорлар, тугагент ва гидлар, официант, ошпаз, иш бошқарувчи, махсус ҳайдовчи ва бошқа шу каби туризм соҳасидаги малакали кадрларга эҳтиёж сезилади. Сабаби, соҳадаги мавсумийлик характери иш вақтининг нотекис тақсимланишини ҳамда тўлиқ банд бўлмаган меҳнат ресурсларининг катта қисмини келтириб чиқаради.

Бизнингча, туризм хизматлари соҳасидаги меҳнат ресурсларида меҳнатга қизиқиш ҳиссини уйғотиш бошқарига нисбатан бироз қийин, чунки соҳадаги бандликнинг мавсумийлик характери ишчининг лавозимга кўтарилиш, шахсий карерасини яратиш имкониятларини заифлаштиради. Бу эса ўз навбатида ишчиларни рағбатлантириш масалаларини баъзи ҳолларда ҳал қилиб бўлмайдиган муаммога айлантиради. Ушбу муаммони ўз вақтида ҳал қилиш йўллари топилмаса, туристик компаниялар раҳбарияти доимий равишда янги ходимларни ёллашга мажбур бўлади. Бу бир тарафдан туристик компаниялар учун касбий тайёргарлик харажатларини купайтирса, иккинчи тарафдан соҳада кадрлар қўнимсизлигининг кучайишига сабаб бўлади. Шу боисдан, мамлакатда туризм хизматлари ва унга алоқадор турдош тармоқларни жадал ривожлантириш ҳамда уларнинг фаоллигини ошириш орқали мамлакатда банд бўлган аҳоли сонини ошириш учун энг аввало, соҳадаги мавсумийлик масаласини ҳал қилиш ўта долзарб масалага айланади. Чунки, соҳада мавсумийлик муаммосининг ҳал қилиниши ундаги кадрлар қўнимсизлигининг қисқаришига ва натижада бандлик даражасининг ошишига замин яратади.

Туризм хизматлари соҳасидаги мавсумийлик муаммосини ҳал қилиш бўйича кўплаб иқтисодчи олимлар тадқиқот олиб боришган. Россиялик олимлардан И. Т. Балабанов, А. И. Балабанов[2], А. Ю. Александровлар[3] туризм соҳасидаги мавсумий тебранишларни фаоллар алмашилиши муносабати билан иқтисодий фаоллик даражасининг ва иқтисодий фаолият кўламининг ошиши ёки камайиши сифатида таъриф беришган. Шунингдек, уларнинг фикрича, ушбу мавсумий тебранишлар соҳадаги нафақат бандлик даражасига балки экологик, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, демографик, психологик ва моддий техник жиҳатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Бугунги кунда олимлар томонидан туризм хизматлари соҳасда мавсумийликнинг давомийлигини таъминлашнинг бир қанча таъсирчан усуллари тавсия қилинган бўлиб, унинг ичида энг самаралиси мавсумдан ташқари жозибадорлигини йўқотмайдиган туризмнинг янги шакллари оммалаштириш ҳисобланади. Шундай шаклларида бири бу ишбилармонлик туризмидир. Сабаби, сўнги йилларда минтақалар ва мамлакатлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий ва марифий, ишбилармонлик ва бизнес алоқалар йилдан йилга яқинлашиб, ривожланиб бормоқда. Бундай ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши ўз навбатида мамлакатлар ўртасидаги ишбилармонлик муносабатларини рағбатлантиради. Шунингдек, мамлакат миллий иқтисодиётининг ривожланиши ва жаҳон бозорига интеграциялашувини ҳам бошқа давлатлар билан яқин ишбилармонлик алоқаларини ривожлантирмасдан тасаввур қилиш қийин. Ишбилармонлик алоқалари, технология ва ахборот алмашинуви, янги бозорларни излаш, сармоявий ва қўшма лойиҳалар бўйича ҳамкорларни топиш, ходимларни ўқитиш ва корпоратив маданиятни жорий қилиш - буларнинг барчаси ишбилармонлик туризмидир[4]. Демак, мамлакатлар ўртасидаги ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий, маданий, марифий, ишбилармонлик ва бизнес алоқалари бевосита ишбилармонлик туризми билан боғлиқ.

Бироқ, бугунги кунда кўплаб иқтисодий адабиётларда “ишбилармонлик туризми” тушунчаси билан бирга “MICE туризми” тушунчаси ҳам бирга юритиломқда. Бу икки тушунча ўртасидаги фарқ ва боғлиқлик бўйича олимлар ўртасида турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, Н.А.Сорокина ишбилармонлик туризми таркибида бир нечта сегментлар мавжудлиги ва энг катта сегмент номи инглизча “MICE” қисқартмаси билан юритилишини айтган бўлса[5], Р.Девидсон ““MICE туризми” – бу турли хизматларни ўз ичига олган ва кенг қамровли туризм хизматларини тақдим этадиган конференциялар, анжуманлар ва бошқа ишбилармонлик тадбирларни инновацион ривожлантириш ва ташкил этиш” деб таърифлаб, “ишбилармонлик туризми” ва “MICE туризми” атамалари ўзаро боғлиқ, бироқ бир хил тушунчалар эмас деган хулосага келган[6].

Шунингдек, бир гуруҳ хорижий тадқиқотчилар “MICE туризми”ни “ишбилармонлик туризми”нинг замонавийроқ ва мурраккаброқ варианты сифатида талқин қилган бўлса, бошқа бир гуруҳ тадқиқотчилар “ишбилармонлик туризми”ни 2 сегментдан иборат деб билишади: одатий (классик) хизмат сафари ва “MICE туризми” [7].

Шундай қилиб, “ишбилармонлик туризми”ни кенг маънода вақтинчалик яшаш жойида даромад олишни назарда тутмайдиган ва ишни дам олиш билан бирлаштиришга имкон берадиган расмий ва профессионал мақсадлардаги саёҳат десак, “MICE туризми”ни ушбу соҳадаги фаолиятнинг 4 та асосий йўналишини қамраб олувчи фаолият тури дейиш мумкин. Яъни улар:

- Meetings – хизмат сафарлари пайтидаги музокаралар, тақдимотлар ва учрашувлар;



•Incentives – компания ходимлари учун рағбатлантирувчи, мотивацион, жамоавий саёҳатлар;

•Conferences – конференциялар, конгресслар, форумлар ва семинарлар

•Exhibitions – кўргазмалар, пресс-турлар, фестивал ва концертлар;

Демак, “MICE туризми” ишбилармонлик туризмнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, корпоратив тадбирларни ташкил этиш, ўтказиш ва қўллаб қувватлашни назарда тутлади.

MICE туризм XX асрнинг охирларида жаҳон иқтисодиётида интеграциялашув жараёнларининг жадаллашиши, мамлакатлар ўртасида ўзаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши ортидан маҳаллий ва халқаро савдо битимлари ҳажмининг ортиб бориши натижасида вужудга келиб, ҳозирги даврда жаҳон туризм индустриясида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Масалан, расмий статистик маълумотларга кўра 2019 йил глобал туризмнинг жаҳон ЯИМдаги улуши 10,3 фоизни (9630,0 млрд. АҚШ долл.) ташкил этган бўлса, 2020 йилда COVID-19 пандемияси оқибатида ушбу кўрсаткич 5,3 фоизга (4775,0 млрд. АҚШ долл.) тушиб кетган, аммо 2021 йилда ўсиш суръатлари кузатилган, яъни ушбу кўрсаткич 6,1 фоизни (5812,0 млрд. АҚШ долл.) ташкил этган. MICE туризмнинг жаҳон туризм саноатидаги улуши эса 2019 йилда 1302,0 млрд. АҚШ долларини (21,0 фоиз) ташкил қилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 658,5 млрд АҚШ долларини ташкил этган[8]. Экспертларнинг фикрига кўра, MICE туризмнинг бозор қиймати 2021-2026 йиллар давомида йиллик ўртача 6,1 фоиздан ўсиб бориб, 2026 йилда 1780,0 млрд. АҚШ долларига етади[9].

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам туризмнинг устувор йўналишлари қаторида MICE туризмни жадал ривожлантириш бўйича давлат томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу фикримизга асос сифатида Жаҳон саёҳат ва туризм консуллиги (WTTC) томонидан 2021 йил якунлари бўйича тақдим этилган ҳисоботдаги маълумотларни келтириб ўтишимиз мумкин. Унга кўра, 2019 йилда MICE туризмнинг Ўзбекистон туристик бозоридаги улуши 14 фоизни (342.0 млн. АҚШ долл.) ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб ушбу кўрсаткич 23 фоизга (277.5 млн. АҚШ долл.) етганлиги кўрсатилган.

Юқоридаги рақамлардан шуни англаш мумкинки, 2020 йилдаги глобал пандемия таъсири натижасида, мамлакатимизда умумий туризм ҳажми деярли 2,5 баробарга қисқарган бўлса, бу инқироз бизнес туризмга унчалик катта таъсир қилмаган. Бунга пандемия давридан сўнг жаҳон ва миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг қайтадан жонланиши, халқаро иқтисодий алоқаларнинг тикланиши, мамлакатлар яна туристик оқимларга чегараларини очиб берганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бироқ, тадқиқотлар давомида сўнги йилларда Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий сайёҳларнинг сони ва сафар мақсадлари таҳлил қилинганда мамлакатда туризмнинг ушбу шакли яхши ривожланмаганлиги ҳамда уни жадал ривожлантириш борасида ҳали фойдалинилмаган имкониятлар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, 1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2021 йилда Ўзбекистонга жами 1881,3 минг нафар хорижий сайёҳ

ташриф буюрган бўлса, уларнинг энг катта қисми (85,7%) қариндошларини йўқлаш мақсадида келган, ўқиш (0,3%) ва тижорат (0,7%) мақсадида келганлар эса жуда озчиликни ташқил қилган. Шунингдек, 2016-2021 йилларда мобайнида Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳлар таркибида хизмат, қариндошларни йўлаш, тижорат, дам олиш ва бўш вақтини ўтказиш мақсадида келганлар сони камайиш тенденциясини ифодалаган бўлса, уларда энг юқори камайиш хизмат мақсадида келганларга (59,5%) тўғри келади.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўрганилган даврда Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий сайёҳлар таркибида ишбилармонлик мақсадларида (хизмат сафари) келганлар сони бошқа мақсадда келган сонидан бир неча баробар камлиги ва у камайиш тенденциясини ифодалагани бир тарафдан ушбу соҳадаги ишлар самарадорлиги, ишбилармонлик муҳити ва ишбилармонлик жозибадорлиги жаҳон талабига мос эмаслигини белгилаб берса, бошқа тарафдан мамлакатдаги ташкилот ва муассасаларда иш юзасидан ходимларнинг ҳаракатланиши (хизмат сафари), хизмат юзасидан тадбирларда иштирок этиши, малака ошириш, инспекцион ҳамда тадбиркорлик мақсадларидаги ташрифлар ва ҳоказо каби ишбилармонлик туризмнинг сегментлари ташкилий жиҳатдан яхши йўлга қўйилмаганлигидан ёки улар туристик фаолият билан боғланмаганлигидан далолат беради.

Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳлар таркибида хизмат мақсадида (MICE саёҳатлар) келганлар улушининг пастлиги бир тарафдан ушбу соҳадаги ишлар самарадорлиги жаҳон талабига мос эмаслигини белгилаб берса, бошқа тарафдан келгусида мамлакат туризм жозибадорлигини кучайтириш ва туризм хизматларини ривожлантириш орқали келаётган сайёҳлар оқимини оширишда “MICE туризми”ни ривожлантириш зарурлигини тақозо қилади.

Бизнингча, мамлакат туризм хизматлари соҳасини мавсумдан ташқари даврда фаол ва юқори суръатларда ривожлантириш учун “MICE туризми”га туризмнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида алоҳида аҳамият бериш ҳамда унга туризмни ривожлантиришнинг истикболли йўналишлардан бири сифатида қараш зарур. Чунки “MICE туризми” бир тарафдан мавсумга боғлиқ бўлмаган ва мавсумдан ташқарида ўз жозибадорлигини йўқотмайдиган, ўзига хос хусусиятлар эга янги туризм йўналишларидан бири сифатида намоён бўлса, иккинчи тарафдан унинг юқори суръатларда ривожланиши хорижий сайёҳларнинг мамлакатга йил давомида доимий ташриф буюришига ҳамда туристик инфратузилма иштирокчилари фаолиятининг ривожланишига катта имконият яратади. Фикримизни қуйидагилар билан асосламоқчимиз:

Биринчидан, “MICE туризми” мавсумийликка эга эмас, MICE саёҳатлари ҳар қандай шароитда ва йилнинг исталган вақтида амалга оширилади (ҳаттоки, глобал пандемия шароитида ҳам турли чекловларнинг киритилиши ишбилармонлик ташрифларини тўхтатиб қололмади). Шунингдек, унинг ривожланиши мезбон ҳудуддаги туризм инфратузилма объектларининг (меҳмонхоналар, транспорт компаниялари ва турагентликлар ва ҳ.к.) йил давомида фаол ишлаб туришини таъминлайди.

Иккинчидан, “МІСЕ туризми” мижозлари уларга тақдим этилаётган хизматлар сифати ва тезлигига қараб бошқа йўналишлардаги туристларга қарагандан ўч-тўрт баробар кўпроқ пул тўлайди[10]. Сабаби, ишбилармон саёҳатчиларнинг аксарияти компанияларнинг катта ва ўрта менежерлари бўлганлиги сабабли уларга юқори даражадаги (қиммат) хизматлар кўрсатилади. Бу мезбон ҳудуд учун юқори даромад олиш имконияти демакдир.

Учинчидан, конференция, конгресс ва бошқа мақсадда хизмат сафарига келган МІСЕ туризми саёҳатчилари ўзига хос “элчи” вазифасини бажаради. Улар кўп ҳолларда таниқли, обрўли ёки муҳим аҳамиятга эга одамлар бўлганлиги сабабли, уларнинг фикри ўз ватанларида Ўзбекистон имиджини белгилаб беради. Демак, мамлакатда МІСЕ хизматларининг юқори даражада кўрсатилиши мамлакатнинг ташқи бозордаги имиджини шакллантиришда ҳамда инвестицион жозибадорлигини оширишда катта аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, ишбилармонлик туризмнинг кенг қирралари уларнинг янги сегментларини қамраб олишга имкон беради. Шу билан бирга, ишбилармонлик туризми хизматларининг комплекслиги туризм бозорига янги хизмат турларининг кириб келишига йўл очиб беради. Бу эса ўзи навбатида мамлакатда мавсумдан ташқари даврда ҳам янги иш ўринларини яратиш имкониятини беради.

Демак, Ўзбекистон шароитида туризм хизматлари соҳасини жадал ривожлантириш, унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ролини мустаҳкамлаш, мамлакат меҳнат бозорида банд бўлган аҳоли таркибида туризмнинг ҳиссасини ошириш ва соҳада янги иш ўринларини мунтазам яратишнинг энг муҳим шартларидан бири соҳадаги кадрлар қўнимсизлигига барҳам бериш ва мавсумийлик масаласини ҳал қилишдир. Ушбу ўта муҳим ва долзарб муаммони ҳал қилишнинг энг самарали йўлларида бири бу мамлакатда мавсумийликка боғлиқ бўлмаган туризм шаклларида “МІСЕ туризми”ни жадал ривожлантириш ва уни ташкилий-иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш зарурлиги тадқиқот давомида асосланди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Золотарева Ю.В. Стимулирование потребителей на рынке туризма и гостеприимства. Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований №3, 2017.

2. Балабанов И. Т., Балабанов А. И. Экономика туризма: Учеб. Пособие. М.: Финансы и статистика, 1999. 176 с.

3. Александрова А. Ю. Международный туризм [Учебник]. М.: Аспект Пресс, 2002. 286 с

4. Александрова А.Ю. Экономика и территориальная организация международного туризма. - М., 2000.-399 с

5. Сорокина Н.А. Развитие концептуального подхода к определению делового туризма. // Известия СПбГЭУ. 2015. № 3 (81)..

6. Rob Davidson, Tony Rogers. Marketing Destinations and Venues for Conferences, Conventions and Business Events. 2016.
7. Александрова А. Ю. География туризма: учебник / / Александрова А.Ю., Аигина Е.В., Баюра В.Н. — 2-е изд., испр. и доп. — Москва : КНОРУС, 2018. — 592 с.
8. Travel&Tourism: Economic impact, 2022 edition, Global trends, World Travel&Tourism Council.
9. <https://www.industryarc.com/Research/MICE-Industry-By-Event-Type-Report-Market-Research-507126>.
10. М. А. Морозов, Н. С. Морозова, Г. А. Карпова, Л. В. Хорева Экономика туризма учебник москва 2014. 303с., С. 253

## 5-SHO'BA. INNOVATSION IQTISODIYOT SHAROITIDA MOLIYA, SUG'URTA, SOLIQQA TORTISH, INVESTITSIYA VA BANK SOHALARINI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TASHKIL ETISH VA RIVOJLANTIRISH MASALALARI

Пашаходжаева Дилдора Джабборхоновна  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
доцент  
[phdildora@mail.ru](mailto:phdildora@mail.ru)

### МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ФОЙДА СОЛИҒИ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ МАСАЛАЛАРИ

**Аннотация:** Мақолада МҲХС талаблари асосида фойда солиғи кўрсаткичларини ҳисобини юритиш учун “Фойда солиғи ҳисоб китоби” шаклини такомиллаштириш мақсадида “жами даромадлар”, “харажатлар”, “имтиёзлар”, “ҳисобот даври учун солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган, инвестицияларга йўналтирилган маблағлари суммаси ҳисоб китоби” тўғрисидаги иловаларини киритиш таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** кечиктирилган солиқ активлари, кечиктирилган солиқ мажбуриятлари, молиявий ҳолат тўғрисида, алоҳида умумлашган даромадлар тўғрисидаги маълумот.

**Аннотация:** Для учета налога на прибыль в соответствии с требованиями международных стандартов в статье предлагается совершенствовать формы «Расчет налога на прибыль» включив приложения по «совокупному доходу», «расходам», «льготам», «расчет суммы инвестиционных средств, уменьшающих налогооблагаемую прибыль отчетного периода».

**Ключевые слова:** отложенные налоговые активы, отложенные налоговые обязательства, справка о финансовом состоянии, обособленном обобщенном доходе.

**Abstract:** To account for income tax in accordance with the requirements of international standards order to improve the form “Calculation of income tax”, the article proposes to include annexes on “total income”, “expenses”, “benefits”, “calculation of the amount of investment funds that reduce taxable profit of the reporting period.”

**Key words:** deferred tax assets, deferred tax liabilities, certificate of financial condition, stand-alone generalized income

Мамлакатлар иқтисодиётини глобаллашуви, инвестицияларни бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиб ўтиши, трансмиллий компанияларни вужудга келиши ва ривожланиши шароитида фойда солиғи кўрсаткичлари бухгалтерия ҳисоби услубини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилган. Бу борада олиб борилган илмий изланишлар натижасида фойда солиғи

кўрсаткичлари ҳисоби масалалари, фойда солиғи ҳисоби ҳисоботлари, аудит таҳлилини такомиллаштириш бўйича маълум ютуқларга эришилган. Аммо, фойда солиғи кўрсаткичларини тан олиш, баҳолаш ва уларнинг ҳисобини юритиш, солиқ солинадиган фойдага таъсир қилувчи харажатлар ҳисоби, кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятлари ҳисоби, фойда солиғини ҳисоблашга асос бўлувчи кўрсаткичларнинг аудит таҳлили масалалари ўз ечимини тўлиқ топган эмас. Ушбу масалаларни илмий-амалий ечимини топиш мамлакатлар томонидан иқтисодиётга хорижий инвестицияларни кенг миқёсда жалб этиш шароитида долзарб аҳамиятга эгадир.

Фойда солиғи ҳисобининг методологик масалалари хорижлик олимлар John Graham, Jana Raedy, Douglas Shackelford, В.Я.Кожинов<sup>61</sup> каби олимлар томонидан чоп қилинган дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва илмий мақолаларида ёритилган. Фойда солиғи кўрсаткичлари ҳисобининг айрим назарий ва методологик жиҳатлари, мамлакатимиз олимларидан К.Б.Уразов, Б.И. Исроилов, З.Н.Қурбанов ва бошқа олимлар<sup>62</sup> қаламига мансуб монографиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва илмий мақолаларда ёритилган.

Бироқ, республикада фойда солиғи кўрсаткичлари ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га мувофиқлаштириш ва улар талабларидан келиб чиқиб, фойда солиғига доир ҳисоб-китобларни ҳисоб ва ҳисоботда акс тартибларини такомиллаштириш бўйича махсус тадқиқотлар олиб борилмаган. Чоп этилган ишларда фойда солиғи кўрсаткичларининг яхлит тизими ишлаб чиқилмаган, жумладан улар бўйича ҳисоб ва ҳисоботда ахборотларни тизимли шакллантириш масалалари етарли даражада тадқиқ қилинмагани, илмий-амалий жиҳатдан аҳамиятга моликлиги фойда солиғи кўрсаткичлари ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га мувофиқлаштириш масалаларини чуқур тадқиқ қилишни объектив зарурат қилиб қўймоқда.

«Фойда солиғи ҳисоб-китоби» шаклида «солиқ базасига доимий равишда қўшиладиган фарқлар», «солиқ базасига вақтинчалик қўшиладиган фарқлар» ва «солиқ базасидан вақтинчалик чегириладиган фарқлар» алоҳида қаторларда кўрсатилсада, бироқ уларга тузатилган фойда суммасига тегишли фойда солиғи суммалари алоҳида-алоҳида аниқланмайди. Ушбу кўрсаткичлар асосида фақат бюджетга тўланадиган фойда солиғи суммаси аниқланади ва бу сумма, мос равишда, ҳисобланган фойда солиғи сифатида тан олинади.

---

<sup>61</sup> John Graham, Jana Raedy, Douglas Shackelford. Research in accounting for income taxes Working Paper 15665 <http://www.nber.org/papers/w15665> National bureau of economic research 1050 Massachusetts Avenue Cambridge, MA 02138 January 2010. -p.125; В.Я.Кожинов Бухгалтерский учет и налоговый учет: управления прибылью. - М.: Изд. «Экзамен», 2005;

<sup>62</sup> А.К. Ибрагимов., А.А.Каримов. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби.-Т.:”Ўзбекистон”, 1999. -143 б.; Б.И.Исроилов Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.:Ўзбекистон, 2006; С.Н.Ташназаров Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Дарслик – Т. “Иқтисод-Молия”, 2019; К.Б.Уразов Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлар. Т.: “Фан ва технология, 2019; З.Н.Қурбанов. Солиқлар ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати –Т.: БМА, 2008.

Ҳисобланган ва бюджетга тўланадиган фойда солиқлари ўртасида фарк махсус аниқланмаганлиги туфайли, мос равишда, ҳисоб-китобда «кечиктирилган солиқ активлари» ёки «вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи» ва «фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» кўрсаткичлари фойда солиғи ҳисоб-китобида махсус қаторларда акс эттирилмайди. Айнан шулар ҳисоб ва ҳисоботда ҳам фойда солиғига доир ушбу муҳим кўрсаткичларнинг акс эттирилмаслигига, шунингдек республикамизнинг 21-сон БҲМСда назарда тутилган 0950 «Вақтинчалик фарқлар бўйича узоқ муддатга кечиктирилган фойда солиғи», 3210 «Вақтинчалик фарқлар бўйича қисқа муддатга кечиктирилган фойда солиғи», 7240 “Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятлар”, 6240 “Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича қисқа муддатга кечиктирилган мажбуриятлар” каби счётларни корхоналар амалиётида умуман ишлатилмаслигига олиб келмоқда. Бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида амалдаги фойда солиғи ҳисоб-китоб шаклини халқаро тажрибада қўлланилаётган шаклга мослаштириш, чунончи ушбу ҳисобот шаклига «кечиктирилган солиқ активлари» ёки «вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи» ва «фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» кўрсаткичларини алоҳида қаторлар сифатида киритиш, ҳисоботнинг ушбу қаторлари суммаларини мос равишдаги 0950 счёт ва корхоналар ҳисоб сиёсатида 3212-«кечиктирилган солиқ активлари», 7240 счёт ва корхона ҳисоб сиёсатида 6251-«кечиктирилган солиқ мажбуриятлари» ишчи счётини киритиб, уларнинг маълумотлари асосида тўлдириш тартибларини 21- сон БҲМС ҳамда солиқ ҳисоботларини тўлдириш Қоидаларига киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бундай тартибни қонун ҳужжатлари билан белгиланиши фойда солиғига доир «кечиктирилган солиқ активлари» ёки «вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда солиғи» ва «фойда солиғи бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» кўрсаткичларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузиладиган молиявий ҳисобот шаклига тўғри трансформация қилинишига ҳам имкон беради.

Юқоридаги кўрсаткичларини амалиётда ишлатилишига эришиш учун амалдаги фойда солиғи ҳисоб-китоби такомиллаштириш талаб этилади.

Фикримизча, республикамизда фойда солиғи ҳисоби бўйича халқаро миқёсда тан олинган тартибга ўтиш бўйича қилинган қадамлар охирига етказилиши лозим. Бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мослаштириш бўйича амалга оширилган тадбирлар, чунончи счётлар режасини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) талаблари даражасига мувофиқлаштириш борасида қилинган ишлар натижаси ўлароқ амалдаги фойда солиғи ҳисоб-китоб шаклини халқаро тажрибада қўлланилаётган шаклга мослаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Республикамизнинг амалдаги Солиқ кодекси бунга тўлиқ имкон беради. Унда фойда солиғини ҳисоб-китоб қилишда эътиборга олиш лозим бўлган “жами даромадлар”, “харажатлар” махсус боб ва моддаларда белгиланганлиги,

фикримизча, фойда солиғини ҳисоб-китобини халқаро тажрибада умумтан олинган шаклда амалга оширишда тўлиқ асос бўла олади, деб ҳисоблаймиз. Шундан келиб чиққан ҳолда амалдаги фойда солиғи ҳисоб-китоби такомиллаштиш учун ҳар бир даромад ва харажат моддаларини алоҳида акс эттирадиган “жами даромадлар”, “харажатлар”, “имтиёзлар” ҳамда “ҳисобот даври учун солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган, инвестицияларга йўналтирилган маблағлари суммаси ҳисоб-китоби” тўғрисидаги иловаларини киритишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз (1-жадвал). Мазкур тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши фойда солиғи ҳисоб-китобини халқаро стандартлар ҳамда хорижий инвесторлар талабларига мувофиқлаштириш бўйича республикамизда белгиланган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

1-жадвал<sup>63</sup>

**Фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобларга таклиф этилган иловалар**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Сатр коди</b>
Жами даромадлар (Ҳисоб-китобнинг 1-илоvasи 010-сатри – 110-сатри – 121-сатри)	010
Чегириладиган харажатлар (Ҳисоб-китобнинг 2-илоvasи 010-сатри 3 ва 4 устунлари айирмаси) – (Ҳисоб-китобнинг 5-илоvasи 060-сатри)	020
Имтиёзлар – жами (Ҳисоб-китобнинг 6-илоvasи 030-сатри)	040
Ҳисобот даври учун солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган, инвестицияга йўналтирилган маблағлар суммаси ҳисоб-китоби (4 илова)	

Ушбу тавсия этилган иловаларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланувчилар: солиқ органлари ва инвесторларга фойда солиғини ҳисоблашга асос бўлувчи кўрсаткичлар тўғрисида батафсил ахборот олиш имконияти кенгайтирилади.

Фойда солиғи кўрсаткичлари ҳисобини тадқиқ қилиш натижасида қуйидаги **илмий хулосалар ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Илғор хорижий тажрибаларни тадқиқ қилиш асосида 9811-«фойда солиғи бўйича солиқ базасига қайта қўшиладиган харажатлар», 3212-«кечиктирилган солиқ активлари», 6251-«кечиктирилган солиқ мажбуриятлари» ишчи сўтларнинг ҳисоб сиёсатига киритиш таклиф этилди. Ушбу сўтларни амалда қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Таклиф этилган сўтларнинг амалиётга жорий қилиниши фойда солиғининг аналитик (таҳлилий) ҳисобини такомиллаштириш ҳамда фойда солиғи ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилган;

2. Амалдаги «Фойда солиғи ҳисоб-китоби» номли ҳисобот шакли солиқ базаси ва суммасига таъсир этувчи солиқ кўрсаткичларини ўзида аниқ акс эттирган жами даромадлар, харажатлар, имтиёзлар, “ҳисобот (солиқ) даври

<sup>63</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси



учун солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган, инвестицияга йўналтириладиган маблағлар суммаси ҳисоб-китоби” иловаларини киритиш асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (янги тахрирда). <https://lex.uz/docs/4674902>.
2. John Graham, Jana Raedy, Douglas Shackelford. Research in accounting for income taxes Working Paper 15665 <http://www.nber.org/papers/w15665> National bureau of economic research 1050 Massachusetts Avenue Cambridge, MA 02138 January 2010.-p.125;
3. Кожинов В.Я. Бухгалтерский учет и налоговый учет: управления прибылью. – М.: Изд. «Экзамен», 2005;
4. Ибрагимов А,К., А.А.Каримов А.А. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби.-Т.:”Ўзбекистон”, 1999. -143 б.;
5. Исроилов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.:Ўзбекистон, 2006;
6. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Муаммоли маъруза матни. – Самарқанд, СамИСИ, 2006, 163-бет
7. Уразов К.Б. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлар. Т.: “Фан ва технология, 2019;

**Гаффоров Шухрат Насриевич**  
**Фискал институт мустақил изланувчиси**

### **ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация:** Мақолада мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ ислохатлари натижасида қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини такомиллаштириш масалалари ёритилган. Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини соддалаштириш бўйича таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** солиқ, қўшилган қиймат солиғи, солиқ маъмуриятчилиги, солиқ ставкаси, божхона тўловлари, божхона қиймати.

Жаҳонда мамлакатлар бюджет даромадларини шаклланишида билвосита солиқларнинг ўрни алоҳида. Кўпгина мамлакатларда билвосита солиқларнинг ҳиссаси, хусусан қўшилган қиймат солиғининг (ҚҚС) улуши катта ҳисобланади. Давлат бюджет даромадларини шакллантиришга қаратилган солиқ тизимининг ривожланиш тарихида, қўшилган қиймат солиғини жорий этилиши XX аср иккинчи ярмида ушбу йўналишдаги энг муҳим

кашфиётлардан бири ҳисобланади<sup>64</sup>. Бу эса билвосита солиқлар маъмуриятчилигини такомиллаштиришнинг долзарблигини кўрсатади.

Халқаро амалиётда билвосита солиқлар маъмуриятчилигини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда<sup>65</sup>. Билвосита солиқларни ҳисоблаш механизмини рақамлаштириш, рақамли солиқ, рақамли молиявий активларни қўшилган қиймат солиғига тортиш, ушбу солиқларнинг солиқ наоратини натижавийлигини таҳлил қилиш масалалари бу борада долзарб тадқиқот йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида билвосита солиқлар маъмуриятчилигини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекснинг 158-моддасига киритилган ўзгартиришга мувофиқ, 2023 йил 1 январдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга пасайтириш<sup>66</sup> каби вазифа белгилаб берилган. Мазкур вазифани самарали амалга оширишда билвосита солиқларнинг солиққа тортиш базасини кегайтириш, солиқларни ҳисоблашда солиқ ва бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг ўзаро мос келишини таъминлашга йўналтирилган илмий тадқиқотларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда қўшимча қиймат солиғининг суммаси йилдан йилга ошиб бормоқда. Уч йил давомида маҳаллий маҳсулотларга қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет даромадлари бир ярим баравар ошди – 2020-йилдаги 20,5 триллион сўмдан (2,1 миллиард доллар) 2022-йилда 32,8 триллион сўмгача (3,0 миллиард доллар). Импорт бўйича қўшилган қиймат солиғи шу даврда деярли икки бараварга ўсди – 19,7 триллион сўмдан 38,7 триллион сўмгача. Ўтган йили ҚҚС даромадлари давлат бюджети даромадларининг учдан бир қисмини таъминлади. 2022-йилда йиғилган ҚҚСдан 71,5 триллион сўм белгиланган 53,3 триллион сўмдан сезиларли даражада ошиб кетди. 2023-йилда Ўзбекистон бюджетига 63,8 триллион сўм миқдорида қўшилган қиймат солиғи тушумлари кутилмоқда. ҚҚС тўловчилар сони 2022-йилнинг ўзида 14,4 фоизга ўсди ва декабр ойида 171,9 мингтани ташкил қилди<sup>67</sup>.

Мамлакатимизда қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини соддалаштириш борасида доимий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бунга яққол мисол қилиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш

---

<sup>64</sup> James K. “Exploring the Origin and Global Rise of VAT,” Manash University, Melbourne.2011.

<sup>65</sup> Julia Kagan. Indirect Tax: Definition, Meaning, and Common Examples.Updated April 04, 2022. <https://www.investopedia.com/terms/i/indirecttax.asp>.

<sup>66</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-812-сон Қонуни.

<sup>67</sup> Снижение НДС в Узбекистане поможет увеличить поступления в бюджет и стимулирует бизнес-активность долгосрочно. <file:///C:/Users/Fiscal%20Institut/Desktop.htm>. 22.04.2023.

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-292 сон қарорини келтириш мумкин<sup>68</sup>. Ушбу қарор “Йўл харитаси”нинг V-бўлимида қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини соддалаштириш белгиланган бўлиб, қуйидагилар келтирилган:

қўшилган қиймат солиғининг салбий суммаси ўрнини қоплашда (қайтаришда) солиқ узилиши (tax gap) коэффицентини қўллаш амалиёти тақиқланади;

қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасининг амал қилишини тўхтатиб туриш тартиби бекор қилинади (амалга оширилаётган битимлар (операциялар) харид қилинаётган ва реализация қилинаётган товарлар (хизматлар) номенклатурасига номувофик бўлган ҳолатлар бундан мустасно).

Мамлакатимизда қўшилган қиймат солиғининг ставкаси йилдан йилга пасайиб бормоқ, бу эса тадбиркорларни қўллаб-қувватлашдан далолатдир (1-жадвал).

#### 1-жадвал

### Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиғининг 2018-2023 йиллардаги ўзгариш динамикаси<sup>69</sup>

№	Кўрсаткичлар	Йиллар					
		2018	2019	2020	2021	2022	2023
1	Қўшилган қиймат солиғи ставкаси, фоизда	20	20/15 <sup>70</sup>	15	15	15	12

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармоннига асосан 2019 йилнинг 1 октябрдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-812-сон Қонунига асосан 2023 йил 1-январдан ҚҚС ставкаси 12 фоиз этиб белгиланган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатлар натижасида қўшилган қиймат солиғининг улуши йилдан йилга камайишига қарамадан, ҳали ҳам сезиларли (2-жадвал).

#### 2-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромадлари манбаида 2020-2022 йилларда қўшилган қиймат солиғининг ўсиш динамикаси<sup>71</sup>, млрд. Сўмда

Кўрсаткичлар	2020 йил	жамига нисбатан % да	2021 йил	жамига нисбатан % да	2022 йил	жамига нисбатан % да

<sup>68</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-292 сон қарори.

<sup>69</sup> Жадвал муаллиф томонидан шакллантирилган

<sup>71</sup> Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг очик маълумотлари. [https://old.mf.uz/media/file\\_uz/state-budget/2021/prevd\\_doxodi\\_2021\\_uz.pdf](https://old.mf.uz/media/file_uz/state-budget/2021/prevd_doxodi_2021_uz.pdf)

Давлат бюджети даромадлари	132938	100	164681	100	202 043	100
Билвосита солиқлар – жами	46 428	34,9	56 292	34,2	71 390	35,3
Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)	31 177	23,5	38 439	23,3	52 189	25,8
Акциз солиғи	11 697	8,8	13 088	7,9	13 455	6,7
Божхона божи	3 554	2,7	4 765	2,9	5 746	2,8

2-жадвал маълумотларига таянадиган бўлсак, 2022 йил ҳолатига, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) бўйича тушумлар 2022 йилда 52,2 трлн. Сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 13,8 трлн сўмга ёки 35,8%га ошди. 2022 йилда ҚҚС бўйича давлат бюджетига солиқ органлари томонидан 32,8 трлн сўм (2021 йилга нисбатан 28,3%га кўпроқ), божхона органлари томонидан 38,7 трлн сўм (2021 йилга нисбатан 41,8%га кўпроқ) ундирилди.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва ўндириш механизмидаги муаммолар:

- солиққа тортиш тизимининг мураккаблиги;
- солиққа тортиш базасини аниқлашдаги ноаниқликлар;
- солиқдан қочишдаги муаммолар;
- солиққа тортиш билан боғлиқ маъмуриятчилигидаги юқори босим ва бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги;
- тадбиркорларнинг рақобатбардошлигининг пастлиги ва бошқалар.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ва унинг ечимлари:

- қўшилган қиймат солиғи тизимини соддалаштириш;
- қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашни ва тушунтиришларни унификациялаш;
- қўшилган қиймат солиғини тўлашдан қочиш устидан назоратни кучайтириш ва рақамлаштириш;
- кадрлар малаксини замон талабларига мослаштириш;
- қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва ундириш тизимини соддалаштириш асосида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб қувватлаш.

#### **Хулоса ва таклифлар:**

Солиқ маъмуриятчилигида ўтказилган иқтисодий ислоҳатларга қарамасдан, қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва ундириш тизими мураккаблигича қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-292 сон қарорининг “Йўл харитаси”нинг V-бўлимида қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилигини соддалаштириш бўйича белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш.

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва ўндириш механизмидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар:

- қўшилган қиймат солиғи тизимини соддалаштириш;

- қўшилган қиймат солиғини ҳисоблашни ва тушунтиришларни унификациялаш;
- қўшилган қиймат солиғини тўлашдан қочиш устидан назоратни кучайтириш ва рақамлаштириш;
- кадрлар малаксини замон талабларига мослаштириш;
- қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва ундириш тизимини соддалаштириш асосида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб қувватлаш.

#### **Адабиётлар рўйхати.**

1. Мирзиёев Ш.М. Тадбиркорлик ривожини янада юксак босқичга кўтариш – устувор вазифамиздир. Мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулоқот шаклида ўтказилган учрашувдаги нутқи. 18 август. 2023 йил.

2. James K. “Exploring the Origin and Global Rise of VAT,” Manash University, Melbourne. 2011.

3. Julia Kagan. Indirect Tax: Definition, Meaning, and Common Examples. Updated April 04, 2022. <https://www.investopedia.com/terms/i/indirecttax.asp>.

4. Снижение НДС в Узбекистане поможет увеличить поступления в бюджет и стимулирует бизнес-активность долгосрочно. file:///C:/Users/Fiscal%20Institut/Desktop.htm. 22.04.2023.

**Тохиров Шухрат Ниёз ўғли**  
**Фискал институт таянч докторанти**

## **ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация:** Мақолада мамлакатимизда йирик корхоналарни солиққа тортиш маъмуриятчилиги масалалари ёритилган. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш маълумотларга таянган ҳолда очиб берилган.

**Калит сўзлар:** солиқ тўловчи, йирик солиқ тўловчи, тоифа, инвестиция, инвестиция сиёсати.

Жаҳонда йирик корхоналарни солиққа тортиш ва улар билан боғлиқ солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш бўйича Хитой Халқ Республикасининг тажрибасини алоҳида эътироф этиш зарур. 2008 йилдан бери Хитой ўзининг йирик солиқ тўловчиларини бошқариш учун катта саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Жараён Хитой Давлат солиқ бошқармаси (SAT) йирик бизнес бошқаруви департаментини (LEAD) ташкил этиш билан бошланган<sup>72</sup>. Жаҳонда давлатлар инвестицияларни рағбатлантириш учун турли солиқ имтиёзларидан фойдаланадилар. Инвестицияга солиқ имтиёзлари

<sup>72</sup> Кириенко А.П., Орлова Е.Н., Баженова В.И. Налоговое администрирование крупных налогоплательщиков: мировые тенденции и особенности российского опыта // Вестник УрФУ. Серия экономика и управление. 2019. Т. 18, № 1. С. 104–126. DOI: 10.15826/vestnik.2019.18.1.006.

ва инвестиция солиғи кредитлари тарихан кўплаб мамлакатларда амалга оширилган сиёсат воситаси бўлиб келган, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Канада, Франция ва Италия.<sup>73</sup> Йирик солиқ тўловчилар томонидан киритилаётган инвестицияларни солиқ имтиёзлар орқали рағбатлантири долзарб мавзулардан бўлиб, уни такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Жаҳон амалиётида йирик солиқ тўловчиларга инвестициялар учун берилаётган солиқ имтиёзларининг самарадорлигига баҳо бериш ва уларни аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, солиқ имтиёзларининг самарадорлиги кўрсаткичларини аниқлаш, улар асосида йирик солиқ тўловчиларга берилаётган имтиёзларининг самарасиз эканлиги аниқланганда уларни бекор этиш механизми каби долзарб масалалар борасида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг дастлабки маълумотларига кўра, 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикамизда хорижий капитал иштирокида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 15 801 тани ташкил этган. 2019-2023 йиллар кесимида хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони (1 январь ҳолатига): 2019 йил – 7 560 та, 2020 йил – 10 382 та, 2021 йил – 11 781 та, 2022 йил – 13 289 та, 2023 йил – 15 801 та.<sup>74</sup> Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётига 50 дан ортиқ давлат инвестиция киритмоқда. Асосий инвестор давлатлар бешлигига эса қуйидагилар киради: Хитой — 2,2 млрд доллар, Россия — 2,1 млрд доллар, Туркия — 1,18 млрд доллар, Германия — 800,7 млн доллар, Жанубий Корея — 137,4 млн доллар. 2021 йил якунига кўра, ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 11,1 млрд долларни ташкил этиб, йиллик прогнозга нисбатан 113 фоизга бажарилган. Шу жумладан, асосий капиталга киритилган инвестициялар 9,8 млрд. Долларга етган (2020 йил кўрсаткичларига нисбатан ўсиш суръати 110 фоиз). 2021 йилда Ўзбекистонга 8,6 млрд долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилди.<sup>75</sup> Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики йилдан йилга хорижий инвестициялар ҳажмини ошиши мамлакатимизда инвестицияларни солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантириш натижаси бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектларни тоифаларга ажратиш ва уларни солиққа тортиш масалари бўйича бир қарорга келинмаётган эди. Мамлакатимиз раҳбари бу муаммолар ечими бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-21-сон Фармонида асосан йирик тадбиркорлик

<sup>73</sup> Dimitrios Bermpoglou, Yota Deliz, Sarantis Kalyvitisx. Investment Tax Incentives and Their Big Time-to-Build Fiscal Multiplier. April 10, 2022.

<sup>74</sup> Сўнги 5 йилда хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони қанчага кўпайган? Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг дастлабки маълумотлари.

<sup>75</sup> 2021 йилда Ўзбекистонга энг кўп сармоя киритган давлатлар бешлиги. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/03/11/investor/>


субъектлари — жами даромади календарь йил давомида 100 миллиард сўм ва ундан юқори бўлган тадбиркорлик субъектлари киришлиги белгиланди<sup>76</sup>.

Бюджет даромадлари кўп жиҳатдан йирик солиқ тўловчи корхоналар иқтисодий ҳолатига боғлиқ бўлади ва 2022 йилда уларнинг энг йирикларининг давлат бюджети тушумларидаги улуши куйидагича:

- «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК – 17,82 фоиз;
- «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ – 9,4 фоиз;
- «Ўзтрансгаз» АЖ – 1,89 фоиз;
- «Ўзбекнефтгаз» АЖ – 1,7 фоиз;
- «Ўзбат» АЖ – 1,5 фоиз;
- «Худудгазтаъминот» АЖ – 1,26 фоиз;
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ – 0,6 фоиз.

Йирик солиқ тўловчиларнинг сони эса 1154 тага етган. 2022 йилда энг йирик 10 та солиқ тўловчининг давлат бюджети тушумларидаги улуши қарийб 37 фоиз бўлди.

Йирик солиқ тўловчилар бўйича худудлараро солиқ инспекцияси бўйича 2022 йилда тушумлар 88,3 трлн сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 6,0 трлн сўмга ёки 7,3%га ошди. Йилдан йилга йирик солиқ тўловчиларнинг бюджетга тушумдаги улуши ошиб бормоқда. 2018 йилда унинг улуши 52,0 фоиз бўлган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 63,8 фоизни ташкил қилмоқда (1-расм).



**1-расм. Республика бюджетининг умумий даромадларида ЙСТБИ даромадларининг улуши<sup>77</sup>.**

<sup>76</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-21-сон Фармони.

<sup>77</sup> Давлат солиқ қумитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

### **Хулоса ва таклифлар:**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2020 йил 10 январдаги 3172-1-сон билан рўйхатга олинган “Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисида”ги Низомга<sup>78</sup> асосан юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларига жавоб берадиган хўжалик юритувчи субъектлар йирик солиқ тўловчилар бўлиб ҳисобланади.

Йилдан йилга йирик солиқ тўловчиларнинг бюджетга тушумдаги улуши ошиб бормоқда. 2018 йилда унинг улуши 52,0 фоиз бўлган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 63,8 фоизни ташкил қилган.

Йирик солиқ тўловчиларни солиққа тортишда илғор хориж тажрибасини мамлакатимиз амалиётида қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Кириенко А.П., Орлова Е.Н., Баженова В.И. Налоговое администрирование крупных налогоплательщиков: мировые тенденции и особенности российско го опыта // Вестник УрФУ. Серия экономика и управление. 2019. Т. 18, № 1. С. 104–126. DOI: 10.15826/vestnik.2019.18.1.006.

2. Dimitrios Bermperoglouy, Yota Deliz, Sarantis Kalyvitix. Investment Tax Incentives and Their Big Time-to-Build Fiscal Multiplier. April 10, 2022.

3. Сўнги 5 йилда хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони қанчага кўпайган? Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг дастлабки маълумотлари.

4. 2021 йилда Ўзбекистонга энг кўп сармоя киритган давлатлар бешлиги. <https://www.gazeta.uz/uz/2022/03/11/investor/>

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларини тоифаларга ажратиш мезонлари ҳамда солиқ сиёсати ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-21-сон Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2020 йил 10 январдаги 3172-1-сон билан рўйхатга олинган “Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисида”ги Низом.

**Гулматов Жамолиддин Рахматуллаевич**  
**Фискал институт мустақил изланувчиси**

### **СОЛИҚ МОНИТОРИНГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация:** Мақолада мамлакатимизда солиқ назоратининг самарали шакли бўлган солиқ мониторингини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари баён

---

<sup>78</sup>“Юридик шахсларни йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритишнинг мезонларини белгилаш тўғрисида”ги Низом.2020.



иқилинган. Шунингдек, солиқ мониторингини ташкил этишнинг хориж тажрибаси ёритилган.

**Калит сўзлар:** Солиқ, солиқ назорати, солиқ назорати шакли, солиқ мониторинги.

**Аннотация:** В статье рассмотрены правовые основы организации налогового мониторинга, который является эффективной формой налогового контроля в нашей стране. Также освещается зарубежный опыт организации налогового мониторинга.

**Ключевые слова:** Налог, налоговый контроль, форма налогового контроля, налоговый мониторинг.

**Annotation:** The article discusses the legal framework for organizing tax monitoring, which is an effective form of tax control in our country. It also highlights foreign experience in organizing tax monitoring.

**Keywords:** Tax, tax control, form of tax control, tax monitoring.

Жаҳон амалиётида ҳам, мамлакатимизда ҳам молиявий назоратнинг шаклларида бири бўлиб солиқ назорати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 135-моддасида солиқ назоратига таъриф берилмасда, у қуйидагича эътироф этилган: “Ваколатли органларнинг солиқ тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилишга доир фаолияти солиқ назоратидир”.<sup>79</sup> Ушбу кодекснинг 136-моддасида солиқ назоратини қуйидаги шаклларда солиқ текширувлари; солиқ мониторинги шаклида амалга ошириш кўзда тутилган.<sup>80</sup>

Хўш, солиқ мониторингининг моҳияти нимадан иборат экан? Бунинг учун иқтисодий адабиётларга мурожат қиламиз.

Россия Федерацияси «Правовест Аудит» компаниясининг бош директори Наталья Игушнинг фикрича: “Солиқ мониторинги солиқ назоратининг бир тури бўлиб, унда солиқ инспекцияси томонидан мунтазам текширишлар инспекторларга ахборот тизимлари ва ҳисоботлардан масофадан фойдаланишни таъминлаш орқали онлайн ўзаро ҳамкорликда алмаштирилади. Бошқача айтганда, текшириш ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини ва реал вақт режимида бюджетга тўловларнинг ўз вақтида ўтказилишини назорат қилади»<sup>81</sup>.

Э.Мазурованинг такидлашича солиқ мониторинги: “Солиқ мониторинги бизнес ва солиқ органлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик бўлиб, солиқ текширувларидан озод қилиш эвазига тўлиқ шаффофликни назарда тутди. Солиқ мониторинги давомида сиз ўзингизнинг

<sup>79</sup> Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси. ЎРҚ-599, 2019-йил 30-декабрь.

<sup>80</sup> Шу ерда.

<sup>81</sup> Наталья Игуш. Переход на налоговый мониторинг в 2022 году. Порядок, преимущества и альтернатива. <https://pravovest-audit.ru/nashi-statii-nalogi-i-buhuchet/nalogovyy-monitoring-stoit-li-perekhodit-i-k-chemu-gotovitsya/>. 6.06.2022.

ташаббусингиз билан солиқлар ва йиғимлар тўғри ва ўз вақтида ҳисобланганлигини текшириш учун инспекторларга бухгалтерия ҳужжатларидан доимий фойдаланиш имкониятини тақдим этасиз”.<sup>82</sup>

Н. В Наркевичнинг ёзишича: “Солиқ мониторинги” атамаси солиқ органлари амалиётида солиқ тўловчининг аудитдан олдинги таҳлилини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда қўлланилади. Мониторингнинг асосий мақсади солиқ органлари томонидан назорат қилинадиган солиқ, валюта ва бошқа қонун ҳужжатларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хавfli операцияларига ўз вақтида чора кўриш ва уларнинг олдини олиш орқали солиқ органлари ва йирик солиқ тўловчилар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини яратишдан иборат.<sup>83</sup>

Н.А.Саттарова солиқ мониторинги – бу солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш соҳасида низоли ҳолатларни келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида солиқ органлари ва алоҳида солиқ тўловчилар ўртасида тузиладиган келишувга асосланган ахборот алмашинув усулидир деган фикрни беради.<sup>84</sup>

А.Ю Ильин ва М.А.Моисеенколар солиқ мониторингининг хориж тажрибасини ўрганиш асосида қуйидагиларни ёзишган: Халқаро амалиётда, жаҳоннинг бир қанча иқтисодий ривожланган давлатларида горизонтал мониторинг солиқ назорати амалиётига киритилган. Масалан, 2008 йилда Австралияда, 2009 йилдан бошлаб эса Жанубий Кореяда қўлланиб келинмоқда. МДХ давлатларидан Озарбойжан Республикасида 2013 йилдан буён мазкур солиқ назорати шакли қўлланиб келинаётган бўлса, 2015 йилда Россия Федерацияси солиқ қонунчилигига солиқ мониторинги солиқ назорати шакли сифатида киритилди. Солиқ мониторингида солиқ назорати органлари солиқ тўловчининг розилиги билан унинг молиявий операциялари тўғрисидаги ахборотни беминнат қайта ишлаб чиқади ва келиб чиқиши мумкин бўлган хатарлар ва шубҳали контрагентлар тўғрисида маълумот беради.<sup>85</sup>

Россия Федерацияси Солиқ Кодексининг 105.26.моддасида солиқ мониторингига таъриф берилмасада, унинг предмети қуйидагича баён этилган: “Солиқлар, йиғимлар, суғурта бадалларини тўғри ҳисоблаб чиқилганлиги, тўлиқ ва ўз вақтида тўланганлиги (ўтказилганлиги), ушбу

---

<sup>82</sup> Мазурова Э. Для чего нужен налоговый мониторинг.

[https://buxgalter.uz/publish/doc/text177767\\_dlya\\_chego\\_nujen\\_nalogovyy\\_monitoring.6.06.2022.](https://buxgalter.uz/publish/doc/text177767_dlya_chego_nujen_nalogovyy_monitoring.6.06.2022)

<sup>83</sup> Наркевич Н. В. Налоговый мониторинг как форма налогового контроля Наркевич Н. В. ЖУРНАЛ. Проблемы современной науки и образования.2016.

<sup>84</sup> Саттарова Н.А. Горизонтальный мониторинг как фактор эффективности налогового администрирования // Финансовое право. – №10. – 2014. – С.23.

<sup>85</sup> Ильин А.Ю., Моисеенко М.А. Расширение области применения норма Налогового кодекса Российской Федерации, регулирующих порядок осуществления налогового мониторинга – как формы налогового контроля // Финансовое право. – 2016. – №2. – С.34.

Кодексга мувофиқ солиқ тўловчига юкланган тўлаш (ўтказиш) мажбурияти солиқ мониторингининг предмети ҳисобланади.”<sup>86</sup>

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг “Солиқ мониторинги тўғрисидаги умумий қоидалар” номли 169-моддасида солиқ мониторингни қуйидагича эътироф этилган:”Қуйидагилар солиқ мониторингининг предметиدير: солиқ тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиш, ўзига нисбатан солиқ мониторинги ўтказилаётган юридик шахс томонидан солиқлар ва йиғимларни ҳисоблашнинг тўғрилиги, тўлиқ ва ўз вақтида тўланганлиги (ўтказиб берилганлиги).

Солиқ мониторинги ушбу Кодексга мувофиқ юридик шахс қайси солиқлар ва йиғимларга нисбатан солиқ тўловчи ёки солиқ агенти бўлса, барча шундай солиқлар ва йиғимларни қамраб олади.

...Юридик шахс, агар унинг олдинги йил учун даромадлари йиллик молиявий ҳисобот маълумотларига кўра камида беш миллиард сўмни ташкил этган бўлса, солиқ мониторингини ўтказиш тўғрисидаги ариза билан солиқ органига мурожаат қилишга ҳақли.”<sup>87</sup>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги 736-сон қарори билан тасдиқланган “Солиқ мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги НИЗОМда ҳам солиқ мониторингига таъриф берилмасида, Солиқ органига тақдим этиладиган ва ахборотга доир ҳамкорликни таъминлайдиган ҳужжатларга (ахборотга) қуйидагилар киришлиги белгиланган:

ҳисобварақлар ишчи режасини илова қилган ҳолда солиқ мониторинги ўтказиладиган календарь йилга бухгалтерия ҳисоби мақсади учун ҳисоб сиёсати;

солиқ мониторинги ўтказиладиган календарь йилга солиқ ҳисоби мақсади учун ҳисоб сиёсати;

бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари бўйича айланма — қолдиқ қайдномалари;

бухгалтерия ҳисоби регистрлари, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларидан солиқларни ва бошқа йиғимларни ҳисоблаш билан боғлиқ операцияларнинг (ҳужжатларнинг) номи кўрсатилган батафсил кўчирмалар;

солиқ ҳисобининг таҳлилий регистрлари маълумотлари;

солиқ ҳисобининг регистрлари ва бухгалтерия ҳисоби регистрлари асосида шакллантириладиган солиқ ҳисоботлари (ҳисоб — китоблари) сатр кўрсаткичлари мазмуни;

агар солиқ тўловчи уларни тайёрлаш мажбуриятини олган бўлса, халқаро молиявий ҳисобот стандартлари талабларига мувофиқ тузиладиган молиявий ҳисобот ва консолидациялашган молиявий ҳисобот;

---

<sup>86</sup> "Налоговый кодекс Российской Федерации (часть первая)" от 31.07.1998 N 146-ФЗ (ред. от 28.05.2022) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.06.2022).

<sup>87</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси.2022.

бирламчи ҳисоб ҳужжатлари;  
солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши (ушлаб қолиниши),  
тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши (ўтказиб берилиши) билан боғлиқ бўлган  
бошқа ҳужжатлар (ахборот).<sup>88</sup>

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда ва  
хорижда солиқ мониторингига бўлган эъҳтиёж ошиб бормоқда.

Бунга мисол қилиб Россия Федерацияси маълумотларини келтириб  
ўтамиз. Солиқ мониторинги компания ва солиқ органи ўртасида ҳамкорлик  
алоқаларини ўрнатиш имконини беради. Солиқ мониторинги институти  
доимий равишда ривожланиб бормоқда ва такомиллашмоқда

Ушбу ўзаро ҳамкорлик механизмини танлаган йирик солиқ тўловчилар  
сони 2016-йилдаги етти компаниядан 2021-йилда 209-та ташкилотга кўпайди.  
Жорий йилдан бошлаб мониторингга киришнинг мезонлари  
соддалаштирилгач, унга ўрта бизнес вакиллари ҳам ўтишни бошлади. 2022  
йил учун яна 132 та янги компания солиқ мониторинги учун ариза берди.  
Иштирокчилар сонининг йил сайин ортиб бориши бизнеснинг янги бошқарув  
тизимига ишончи юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек солиқ тизимига янги технологияларни кириб келиши  
асосида солиқ мониторинги солиқ тўловчиларнинг ахборот тизими билан  
интеграциялашиб бормоқда. Бу борада Россия Федерациясида йирик  
лойиҳалар амалга оширилмоқда: Бугунги кунга келиб, Россия Федерал Солиқ  
хизмати ташкилотнинг ахборот тизимини Россия Федерал Солиқ хизмати –  
АИС “Налог-3” ахборот тизими билан интеграциялаш бўйича пилот лойиҳани  
амалга оширмоқда. Тажрибали лойиҳа иштирокчиларининг ахборот  
тизимларини “Налог-3” АИС интеграция сегменти билан тўғридан-тўғри  
улаш 2022 йилга мўлжалланган. “Налог-3” АИС билан 100% интеграцияни  
2024 йилгача яқунлаш режалаштирилган.<sup>89</sup>

Ҳозирги вақтда Россия Федерациясида солиқ мониторингни  
автоматлаштиришда “1С:Налоговый мониторинг. Бухгалтерия КОРП МСФО”  
дастурий маҳсули амалиётда қўлланилмоқда. Бухгалтерия ҳисоби КОРП  
МҲХС” бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоби ва бухгалтерия ҳисобини МҲХСга  
мувофиқ юритиш, шўъба корхоналари бўлмаган корхоналарда солиқ  
мониторинги жараёнида солиқ тўловчи ва солиқ органи ўртасидаги ўзаро  
муносабатларни автоматлаштириш учун мўлжалланган.<sup>90</sup>

Россия Федерациясида солиқ мониторингга ўтиш тажрибасини  
ўрганиш шуни кўрсатдики, солиқ мониторингга ўтиш учун солиқ  
инспекциясига ариза билан мурожат қилади.

<sup>88</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги 736-сон қарори билан тасдиқланган “Солиқ мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги НИЗОМ.

<sup>89</sup> Налоговый мониторинг: интеграция с информационной системой налогоплательщика. <https://xn--80aecbyafnmegecfbdc8a8a7m.xn--p1ai/baza-znaniy/articles/nalogovy-monitring-integratsiya-s-informatsionnoy-sistemoy-nalogoplatelshchika/>. 6.06.2022.

<sup>90</sup> Приказ ФНС России от 23.12.2021 № ЕД-7-23/1142@ «Об утверждении Порядка получения доступа налоговых органов к информационным системам организации».

Солиқ мониторингига ўтиш учун солиқ тўловчининг кўрсаткичлари қуйидаги мезонларга жавоб бериши зарур:

- календар йил учун барча солиқ тўловлари суммаси 100 млн рубдан кам бўлмаслиги;

- календар йил учун йиллик бухгалтерия ( молиявий) ҳисоботга асосан даромадлар суммаси 1 млрд рубдан кам бўлмаслиги;

- календар йил учун йиллик бухгалтерия ( молиявий) ҳисоботга асосан 31 декабрь ҳолатига активлар суммаси 1 млрд рубдан кам бўлмаслиги керак.<sup>91</sup>

Россия Федерацияси Федерал солиқ хизмати солиқ мониторинги бошқармаси бошлиғи Марина Крашенинникованинг такидлашича, 2023 йилда 18 тармоқнинг 112 та компанияси солиқ мониторингига ўтишга ариза берган. 2023 йилда солиқ мониторинги қатнашчилари 33% га ошиб 451 та етади. Бу асосан солиқ тўловчиларнинг солиқ мониторингига ишончини ортиши билан асосланади<sup>92</sup>.

ПАО «Газпром» департаменти бошлиғи Карен Оганяннинг такидлашича, 2019 йилда ПАО «Газпром»га қарашли 1 та компания солиқ мониторингига ўтган бўлса, ҳозир 36 ташкилот, 2025 йилга бориб 100дан ошади. Булар Газпром гуруҳига қарашли солиқ тўловчилар солиғининг 70 % ташкил этади. Бу эса компаниялар солиқ мажбуриятларини тўғри ва аниқ бажараётганлигига ишончи янад ошганлигидан далолатдир.<sup>93</sup>

Бизнинг фикримизча, солиқ мониторингини ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича Россия Федерацияси Федерал Солиқ хизмати тажрибасини янада чуқурроқ ўрганиш асосида мамлакатимиз амалиётига ижобий томонларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимизда солиқ мониторингига жалб қилинаётган йирик солиқ тўловчилар сонини кўпайтириш асосида қўшимча солиқ тушумлари миқдорини ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Солиқ мониторинги қуйдаги даражаларда ташкил этишни таклиф қиламиз: макродаражадаги солиқ мониторинги;

иктисодиёт тармоқлари даражасидаги солиқ мониторинг;

солиқ тўловчи хўжалик субъектлари, яъни макродаражадаги солиқ мониторинги.

<sup>91</sup> п. 3 ст. 105.26 НК РФ в редакции Федерального закона от 29.12.2020 № 470-ФЗ. <https://pravovest-audit.ru/nashi-statii-nalogi-i-buhuchet/nalogovuyu-monitoring-stoit-li-perekhodit-i-k-chemu-gotovitsya/>. 13.09.2022.

<sup>92</sup> Крашенинникова М. Федеральная налоговая служба. информация. Заявления на вступление в налоговый мониторинг с 2023 года принимаются до 1 сентября. [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_423772/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_423772/). 13.09.2022.

<sup>93</sup> Ключевые моменты налогового мониторинга обсудили на Международном юридическом форуме. [https://www.nalog.gov.ru/rn77/news/activities\\_fts/12313169/](https://www.nalog.gov.ru/rn77/news/activities_fts/12313169/). 13.09.2022.



## МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИ

**Аннотация:** Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида молиявий назорат тизими ёритилган.. Мамлакатимизда молиявий назоратни такомиллаштириш борасидаги меъёрий ҳужжатлар таҳлил қилинган. Илғор хориж тажрибаси ўрганилган ва амалий маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** молия, молиявий назорат, самарадорлик аудити, тежамкорлик, самарадорлик, натижадорлик.

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида молиявий назоратнинг назарий масалалари ва ташкил этиш тизимини давр талабларига мослаштиришни талаб этади. Чунки рақамли иқтисодиёт молиявий назоратнинг ташкил этиш шаклларига таъсир этади.

Глобал рақамли трансформация шароитида давлатлар интеллектуал ахборот технологияларининг янги имкониятлари ва технологик ривожланиш салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда замонавий воқеликка мослашиши зарур. Технологик ва ишлаб чиқариш жараёнларини ахборотлаштириш давлат органларининг ҳам эҳтиёжларини қондиришнинг энг самарали воситасига айланмоқда. Ривожланишнинг жадаллашуви ва глобал рақамлаштириш жараёнлари давлат бюджети учун янги имкониятлар яратмоқда. Бинобарин, молиявий назорат қонунчилигини ўзгартириш ва уйғунлаштириш, янги назорат воситаларини жорий этиш масаласи рақамли маконларни яратишнинг замонавий амалиёти билан боғлиқ.

Мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни таъминлашда, ислохотларнинг амалий натижадорлигини оширишда рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва уни амалиётга кенг жорий этиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам миллий иқтисодиётни жадал ривожлантиришда рақамлаштиришнинг иқтисодий моҳиятини қуйидагича белгилаб қўйилган<sup>94</sup>. Рақамли иқтисодиётни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш.

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида молиявий назорат қандай ташкил этилади деган савол долзарб масалалардан ҳисобланади. Чунки, иқтисодиётни рақамлаштириш молиявий назоратга ўзига хос таъсир кўрсатади. Назорат фаолиятини рақамлаштириш молиявий назоратни сифатли амалга ошириш ва барча назорат органларининг самарали ҳамкорлиги учун

---

<sup>94</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони 2022 йил 28 январь.

ҳамда молиявий ва бюджет соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш мақсадида амалга оширилади.

С.А.Дятлов ва О.С.Лобановлар рақамли трансформациянинг молия тизим ва назоратга таъсири энг сезиларли ва чуқур таъсирлардан бири бўлиб, у электрон ҳукуматнинг ривожланиши, электрон тўлов хизматларининг тез тарқалиши, воситачиларсиз кредитлаш, блокчейн ва криптовалюта операцияларига қизиқиш билан боғлиқ. Молия тизимининг келажаги тўртта йўналиш билан белгиланади: ҳисоб-китобларни рақамлаштириш, платформа, алмашиш (шеринг), катта маълумотлар. Давлатнинг вазифаси барча ҳақиқий ва потенциал иштирокчилар учун тушунарли бўлган “ўйин қоидалари” ни шакллантиришдир. Бу жиҳатда, биринчи навбатда, рақамли молиявий маконда умумий ишонч муҳитини яратиш ҳақида гапириш керак<sup>95</sup> деб рақамли иқтисодиётнинг молиявий назоратга таъсирини ёзишган.

Ҳозирги вақтда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан давлат бюджети маблағларини молиялаштиришда ҳар бир босқични назорат қилиш учун барча жараёнлар рақамлаштирилмоқда. Молия тизимидаги барча рақамлаштириш амалиётлари Молия вазирлиги қошидаги Ахборот технологиялари маркази давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилади. Эндиликда ахборот тизимлари орқали Молия вазирлиги томонидан ажратилган маблағларнинг ўз вақтида ва мақсадли сарфланишини кузатиб бориш ҳамда тезкор ахборотга эга бўлиш мумкин. Вазирлик тизимида рақамлаштириш билан боғлиқ «Очиқ-бюджет», «Ижтимоий ҳимоя Ягона реестри», «УзАСБО», «ДМБАТ», «Газна ресурс», «Субсидия», «Э-назорат» ва «ХР.МФ» сингари асосий лойиҳалар амалга оширилди. Булар ичида энг етакчилари «Очиқ-бюджет», «Ижтимоий ҳимоя Ягона реестри» фуқаролар оғирини енгил қилаётган бўлса, «ХР.МФ» ва «УзАСБО» лойиҳалари вазирлик ва идораларнинг бухгалтерия ва кадрлар бўлими ходимлари учун жуда қулайлик яратди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги **“Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”**ги ПҚ-128-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йил 5 августдаги **“Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги давлат молиявий назорати инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги 431-сон қарори билан **“Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси тўғрисида”**ги НИЗОМда молиявий назорат инспекцияси молиявий ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари маблағларининг мақсадли сарфланишини, молиявий назорат объектлари томонидан бюджет қонунчилигига, шунингдек,

---

<sup>95</sup> Дятлов С.А., Лобанов О.С. Электронное правительство в условиях цифровой энейросетевой экономики: монография. СПб.: Изд-во СПбГЭУ, 2017. 163 с.

бюджет ва смета-штат интизомига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи давлат молиявий назорат органи ҳисобланади деб белгилаб қўйилди.

Низомда бюджет ҳисобини юритиш бўйича махсус автоматлаштирилган дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш, масофавий назоратни кенг қўламда қўллаш, замонавий ахборот технологиялари ва маълумотлар базаси воситасида текшириш масалаларига алоҳида урғу берган. Бундан асосий мақсад молиявий назорат жараёнига рақамлаштиришнинг элиментларини босқичма-босқич қўллашдир.

Масофавий назоратни кенг қўламда қўллаш, замонавий ахборот технологиялари ва маълумотлар базаси воситасида текшириш объектлари ва мақсадларини аниқлаш йўли билан кам самарали тафтишларни қисқартириш билан бир вақтда бюджет ташкилотларини текшириш самарадорлигини ошириш мақсадида камерал назоратни амалга оширувчи автоматлаштирилган дастурий таъминотдан фойдаланишга алоҳида эътибор берилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари Б.Турабов аудит жараёнига янги технологияларни татбиқ этиш бўйича қуйидагиларни такидлади: республикамизда барча назорат органлари томонидан ўтказиладиган давлат аудити тадбирларини режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва ҳисобини юритиш автоматлаштирилган “Давлат аудити” дастурий комплекси, шунингдек, текшириш объектларига бормасдан турли идораларнинг ахборот базаларидан маълумот олган ҳолда таҳлил ўтказиш “Камерал назорат” дастурий таъминоти орқали онлайн (масофавий) амалга оширилмоқда<sup>96</sup>.

Ўзбекистон Республикаси 2022 йил 30-декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-812 сон қонуни<sup>97</sup> ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 471-сон қарори<sup>98</sup> қарори қабул қилинди. Давлат бюджетининг 2023 йил учун харажатлари 257 734 млрд сўм ёки ЯИМнинг 24,1% (2022 йилда – 236 579 млрд сўм ёки ЯИМнинг 26,6 %) ҳисобида тасдиқланди.

<sup>96</sup> Турабов Б. Аудит жараёнига янги технологияларни татбиқ этиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг тажрибаси. <https://ach.gov.uz/uz/lists/view/264>. 18.03.2023.

<sup>97</sup> Ўзбекистон Республикаси 2022 йил 30-декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-812 сон қонуни.

<sup>98</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 471-сон қарори.



Мамлакатимизда молиявий назоратни такомиллаштириш мақсадида илғор ва замонавий хориж тажрибасини ўрганиш ва унинг ижобий томонларини иқтисодиётимиз амалиётида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Халқаро амалиётда молиявий назоратнинг асосий функцияларидан бири бўлиб харажатларнинг самарадорлигини ўрганишдир. Бу борада баъзи мамлакатлар тажрибасини келтириб ўтамиз.

Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2019 йил 31 январдаги 117-р-сонли фармойиши билан “2019-2024 йилларда бюджет харажатлари самарадорлигини ошириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Концепцияси тасдиқланди<sup>99</sup>.

Концепциясида Россия Федерациясида кўрсатилаётган ва жорий этилаётган, янада такомиллаштиришга муҳтож бўлган йўналишлар билан бир қаторда, давлат молиясини бошқариш бўйича илғор хорижий тажрибанинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардир:

бюджет харажатларини шарҳлашни жорий этиш ва доимий ўтказиш;

фуқароларнинг бюджет жараёнида иштирок этиши;

бюджет инвестицияларини узоқ муддатли (стратегик) режалаштириш тизимини ишлаб чиқиш;

давлат сектори молиявий ҳисоботининг тўлиқлиги ва сифатини ошириш;

харажатлар самарадорлигининг молиявий назоратини ташкил этиш;

давлат бошқаруви тизими ва бюджет жараёнини рақамлаштириш.

Бюджет қоидаси-бу хомашё экспортдан тушган даромадни қайта тақсимловчи механизмдир. Унинг асосий вазифаси товар нархларининг мамлакат иқтисодиётига таъсирини камайтиришдан иборат. Россияда бу механизм дастлаб бюджетни нефт нархининг ўзгариши таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган эди. Бюджет қоидасининг мақсади давлат бюджети ва рубл курсининг нефт нархининг ўзгаришига боғлиқлигини камайтиришдир.

А.Кудрин: Россия, АҚШ, Канада, Япония, Франция ва Норвегия билан бир қаторда, бюджет қоидалари қўлланила бошлангандан сўнг, харажатларнинг ўсиши иқтисодиётнинг ўсиш суръатларидан ошиб кетган мамлакатлар қаторига кирди. Бюджет қоидаларни қўллаш мамлакатларга бюджет харажатларини барқарорлаштириш ва қарз юкининг кўпаймаслигини кафолатламаслигини таъкидлаган<sup>100</sup>.

Халқаро амалиётда давлат дастурларини амалга оширишга сарфланаётган бюджет маблағларидан фойдаланишга алоҳида эътибор беради. Дастурий бюджетлаштиришни муваффақиятли амалга ошираётган мамлакатларда (масалан, Австралия, Австрия, Франция) парламент томонидан қабул қилинган бюджет қонунчилиги доирасида бюджет харажатларининг дастурий тузилмаси асосий, айрим ҳолларда эса ягона ҳисобланади.

<sup>99</sup> Распоряжение Правительства РФ от 31 января 2019 г. № 117-р “Об утверждении Концепции повышения эффективности бюджетных расходов в 2019-2024 годы”.

<sup>100</sup> Кононова В. Аналитик оценила роль властей России в уходе от норм бюджетного правила. <https://1prime.ru/finance/20230515/840595880>.

Молиявий назоратнинг натижадорлигини ошириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар қилинди ва таклифлар берилди:

1. Иқтисодий рақамлаштириш молиявий назоратга ўзига хос таъсир кўрсатади. Назорат фаолиятини рақамлаштириш молиявий назоратни сифатли амалга ошириш ва барча назорат органларининг самарали ҳамкорлиги учун ҳамда молиявий ва бюджет соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш мақсадида амалга оширилади. Натижада назорат жараёни соддалаштирилади, субъектларнинг жавобгарлигининг самарадорлиги ва аниқлиги ошади, назорат ва назорат фаолиятини амалга ошириш учун маъмурий харажатлар камаёди.

2. Давлат молиявий назорати тафтиш, текшириш (шу жумладан бюджет тўғрисидаги қонунчиликнинг аввалги тафтишда ёки текширишда аниқланган бузилиши ҳолларини бартараф этиш юзасидан назорат тартибидаги текшириш) ва ўрганиш шаклида амалга оширилиши ҳамда давлат молиявий назоратни дастлабки назорат, жорий назорат, якуний назорат турларидан иборатдир.

3. Молиявий назоратнинг мониторинг шаклини амалиётда кенгрок қўллаш мақсадида янги технологиялардан фойдаланган ҳолда UzASBO дастурини такомиллаштириш. Молиявий назоратда рақамли технологиялардан фойдаланиш молия ва бюджет соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни минимизация қилади, давлат бошқаруви тизимининг барқарорлик ва самарадорликни оширишга хизмат қилади.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони 2022 йил 28 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси 2022 йил 30-декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-812 сон қонуни.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 471-сон қарори.

4. Дятлов С.А., Лобанов О.С. Электронное правительство в условиях цифровой энейросетевой экономики: монография. СПб.: Изд-во СПбГЭУ, 2017. 163 с.

5. Турабов Б. Аудит жараёнига янги технологияларни татбиқ этиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг тажрибаси. <https://ach.gov.uz/uz/lists/view/264>. 18.03.2023.

6. Кононова В. Аналитик оценила роль властей России в уходе от норм бюджетного правила. <https://1prime.ru/finance/20230515/840595880>.

## **КОРХОНАЛАРДА КЎЧМАС МУЛКЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА ҚАЙТА БАҲОЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Ўзбекистон республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, инновацион жараёнларини жадаллаштириш ва бозор иқтисодиёти шароитида корхоналар кўчмас мулки қийматини баҳолаш ва қайта баҳолаш тартибини қўллаш ва уларнинг ҳисобда тутган ўрни муҳим ҳисобланади. Уларни қўллашнинг самарадорлиги корхоналар кўчмас мулкининг ҳисоб ва ҳисоботини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш муҳим ҳисобланади. Сабаби, корхоналарнинг кўчмас мулк улуши активлари таркибида салмоқли ҳисобланади.

Миллий иқтисодиётимизнинг ривожланишида ҳам асосий эътиборни корхона кўчмас мулкини баҳолаш ва қайта баҳолашнинг тўғри қўлланилиши ҳамда улардан самарали фойдаланиш, унумсиз сарфларни ҳамда турли хил нобудгарчиликларнинг олдини олиш асосий мақсад ҳисобланади. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга доир «Ҳаракатлар стратегияси»даги “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” бўлимида “Корпоратив бошқарувининг замонавий стандартлар ва усулларни жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш” устувор вазифасининг қўйилиши бошқарувнинг муҳим стандарти сифатида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини кенг жорий этишни тақозо қилмоқда.

Корхона активлари таркибида кўчмас мулкларининг салмоғи катта бўлганлиги ва уларни баҳолаш ва қайта баҳолаш масалалари, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун аввало ҳисобни халқаро стандартларга маслаштириш керак бўлади. Бу эса мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.<sup>101</sup> Фикримизнинг далили сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятлар, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналар бошқарув структурасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, МҲХСларини жорий этиш, сифатли ахборот таъминотини яхшилаш вазифасининг қўйилиши ҳам корхоналарда кўчмас мулкни баҳолаш ва қайта баҳолаш, улар ҳисобини жаҳон андозалари асосида ташкил этишни тақозо этади. Ушбу Қарорига асосан 2021 йил 1

---

<sup>101</sup> «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сони.

январдан бошлаб, МХХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МХХС асосида тайёрланишини белгилаб берди.<sup>102</sup>

Республикамизда рақамли иқтисодиёт ривожланиб бораётган бир шароитда корхоналарда кўчмас мулк ҳисоби ва назоратини ижобий тарзда йўлга қўйишда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларига мослигини ўрганиш ҳар томонлама самарали йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу тадқиқот йўналишида республикамизнинг кўплаб иқтисодчи олимлари илмий тадқиқотлар олиб боришганлиги маълумдир. Жумладан: К.Б.Уразов, С.Н.Ташназаров, И.Исманов, Ф.Абдувахидов, Д.Сотиволдиева, А.Каримов, Ф.Исломов, А.Авлақуловлар мулк ҳисобининг назарий ҳамда амалий жиҳатларини ёритиб берганлар.

Кўчмас мулкнинг бошланғич қиймати, айрибошлаш ёки моҳиятига кўра тижорат хусусиятига эга бўлса икки хил қийматда баҳоланади:

- 1) олинган ва берилган мулкнинг баҳосини ҳаққоний баҳолаш мумкин бўлса, ҳаққоний қийматда баҳоланади
- 2) ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланмаса, берилган кўчмас мулкнинг баланс қиймати бўйича баҳоланади.

Тан олшидан кейинги баҳолаш иккита моделдан бирида олиб борилади:

1. бошланғич қиймат модели;
2. қайта баҳолаш модели

Бошланғич қиймат модели бўйича бошланғич қиймат қуйидагича аниқланади:

**Бошланғич қиймат** = жамғарилган эскириш – қадрсизланишдан жамғарилган зарарлар

Қайта баҳолаш моделида эса:

Қайта баҳоланган қиймат (ҳаққоний қиймат) – кейинги жамғарилган эскириш – кейинги қадрсизланишдан жамғарилган эскириш.

Қайта баҳолаш даврийлиги қайта баҳоланаётган кўчмас мулк объектнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларига боғлиқ ва уларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- ✓ баҳоланаётган мулкнинг ҳаққоний қиймати унинг баланс қийматидан муҳим даражада фарқ қилса, унда кўшимча тарзда қайта баҳолаш талаб этилади;
- ✓ айрим кўчмас мулкларнинг ҳаққоний қийматида аҳамиятли ва ўзгарувчан тебранишлар кузатилиши мумкин ва оқибатда уларни ҳар йили қайта баҳолашдан ўтказиш зарурияти келиб чиқади;
- ✓ ҳаққоний қиймати аҳамиятли бўлмаган ўзгаришларга учрайдиган кўчмас мулк объектлари учун фақат уч ёки беш йилда қайта баҳолаш талаби юзага келиши мумкин.

Кўчмас мулклар қайта баҳоланганда, ушбу актив тегишли бўлган бутун синифи ҳам қайта баҳоланиши лозим.

<sup>102</sup> Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори

Қайта баҳолаш натижасида кўчмас мулкнинг баланс қиймати ошадиган бўлса, унинг ошган қисми, бошқа умумлашган даромадлар таркибида тан олиниши ҳамда хусусий капитал таркибида “Қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсиши” моддасида жамғарилиб борилиши керак.

Агарда қайта баҳолаш натижасида мулкнинг баланс қиймати камаядиган бўлса, олдин қайта баҳолаш бўйича қилинган резервга қадар камайтирилади. Ундан ошган қисми эса, фойда ёки зарарлар таркибида тан олиниши лозим.

Қайта баҳолашга мисол

Ташкилот 2015 йил 1 январда 80 000 минг сумга мулкни сотиб олди

**1-жадвал**

**Кўчмас мулкни қайта баҳолаш улар натижасини ҳисоботларда акс эттириш тартиби**

**Минг сўмда**

Сана	Ҳаққоний қиймати	Ҳаққоний қийматдаги ўзгаришлар	Фойда ёки зарарлар	Бошқа умумлашган даромадлар	Қайта баҳолаш бўйича резерв
01.01.2015	80 000				
31.12.2015	85 000	5000		5000	5000
31.12.2016	88 000	3000		3000	8000
31.12.2017	79 000	9000	(1000)	(8000)	0
31.12.2018	75 000	(4000)	(4000)		
31.12.2019	78 000	3000	3000		
31.12.2020	81 000	3000	2000	1000	1000
31.12.2021	85 000	4000		4000	5000
31.12.2022	82 000	(3000)		(3000)	2000

Юқоридаги 1-жадвал маълумотидан кўришиб турибдики, 31.12.2015 йилда кўчмас мулк қиймати 5000 минг сўмга ошган. Уни бир вақтнинг ўзида бошқа умумлашган даромадлар ҳамда қайта баҳолаш бўйича резервларда 5000 минг сўм акс эттирилганлигини кўриш мумкин. Худди шундай 31.12.2016 йилда ҳам яна 3000 минг сўмга ошган. Аммо 31.12.2017 йилда 9000 минг сўмга камаяган. Ушбу камайган сумманинг (8000) мингини олдинги мулкни баҳолаш бўйича резервдан камайтишга олиб борилганлигини кўриш мумкин. Қолган (1000) минг сўмини эса корхона фойда ва зарарларида акс эттирилганлигини кўриш мумкин. 2018 йилга келиб мулкнинг ҳаққоний қиймати (4000) минг сўмга камайганлиги қайта баҳолаш бўйича резервнинг йўқлиги сабабли тўлиқ (4000) минг сўм фойда ва зарарларда акс эттирилган. Кейинги 2019-2020 йилларда мулкнинг ҳаққоний қиймати ошишига қарамай ўтган йиллар зарари қоплангунча фойда ва зарарларга олиб борилган ва 2020 йилган зарарни қоплагандан ортиқ қисми 1000 минг сўм бошқа даромадлар ҳамда қайта баҳолаш бўйича резервларга олиб борилган.

Юқоридаги хусусий капитал таркибидаги қайта баҳолаш натижасида қиймат ўсишининг жамғарилган суммаси мулкни қайта баҳолаш бўйича

зарарларни қоплашдан ортган қисми тақсимланмаган фойдага олиб борилиши мумкин. Буни 2 усул орқали амалга ошириш мумкин бўлади:

- 1) Мулк ҳисобдан чиқарилганда, қайта баҳолаш натижасида жамғарилган жами суммага;
- 2) Мулкнинг фойдали хизмат муддати давомида, ортиқча ҳисобланган эскириш суммаси, бунда ушбу сумма мулкнинг қайта баҳоланган қийматидан ҳисобланган эскириш суммаси билан мулкнинг бошлагич қиймати бўйича ҳисобланган эскириш суммаси орасидаги фарқиға.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарнинг кўчмас мулк қийматини баҳолаш ва қайта баҳолаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш муҳим саналади. Шу боис ҳам корхоналар кўчмас мулкнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидагича хулоса ва таклифларни маъқул деб топдик.

- ✓ Кўчмас мулк билан боғлиқ операцияларининг миллий валюта ҳамда чет эл валютасида ҳам ҳисобга олиш, яъни жаҳон баҳоларини қўлланилишини бухгалтерия ҳисобини халқаро андозалари асосида ҳисобга олинишини таъминлаш;
- ✓ кўчмас мулклардан олинадиган даромадларини тўғри ва ўз вақтида тегишли счётларда акс эттириш ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мослигини таъминлаш;
- ✓ ҳозирги рақамли иқтисодиёт жадал ривожланиб бораётган бир шароитда корхоналар кўчмас мулкни баҳолаш ва қайта баҳолашда халқаро стандартлар асосида ташкил этиш.
- ✓ Жаҳон интеграциясига кўшилиш мақсадида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини иқтисодиётимиз амалиётида кенгроқ жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.
- ✓ “Бухгалтерия баланси” 1-шаклда ҳам асосий воситалар турларини МҲХС асосида тузиладиган “Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот” даги каби алоҳида сатрларда кўрсатилишини таклиф қиламиз. Бу эса бухгалтерларга кўчмас мулк бўйича мол мулк солиғини тўғри ҳисоблаш ва солиқ органларига эса мол-мулк солиғини назорат қилишни осонлаштиради.

**Эсанов О.М.**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
таянч доктаранти**

## **КОРХОНАЛАР КЎЧМАС МУЛКИНИНГ МОҲИЯТИ, АҲАМИЯТИ ВА УЛАРНИНГ ҲИСОБ ОБЪЕКТЛАРИ СИФАТИДАГИ ТАСНИФИ ВА ТАВСИФИ**

Хорижий адабиётларда кўчмас мулк атамаси фанда кенг қўлланилиб, уни бухгалтерия ҳисобининг муҳим объекти сифатида қаралган. Шунинг учун, мамлакатимизда замонавий ёндашувларга асосланиб кўчмас мулкларнинг концептуал ва методологик асосларини такомиллаштириш зарурияти мавжуд.

Бухгалтерия ҳисобининг негизини унинг концептуал асослари ташкил этади. Бугунги кунда муҳим масалалардан бири бу халқаро концептуал асосларни ўрганиш ва уни амалиётимизга жорий қилиш бўлиб ҳисобланади. Холбуки, ҳисоб ва ҳисобот тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мамлакатимизда инвестицион муҳитни яхшилашнинг энг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Зеро, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “... мамлакатимиз ҳудудларига салмоқли инвестицияларни киритишга доир муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш зарур”<sup>103</sup>.

Корхоналар фаолиятининг асосида кўчмас мулклар муҳим ўрин тутлади. Кўчмас мулклар корхона асосий воситаларининг таркибий қисми ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда кўчмас мулклар ҳисоби, уларнинг корхоналар фаолиятини ривожлантиришдаги тутган ўрни ва асосий вазифаларини мукамал ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришда кўчмас мулкларнинг ҳисоби ва назоратини ижобий йўлга қўйиш ҳамда ташкил этиш, республикаимизда кўчмас мулклардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартларига мос ҳолда уларнинг ҳар бирини фойдаланиш мақсадларига қараб ҳисобини жадал яхшилаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Республикаимиз иқтисодиётини ривожлантиришда йўлга қўйилган давлат дастурлари, хусусан “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони ва **“2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”** нинг таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида, мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантиришдаги асосий мақсадларни амалга ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- Давлатнинг мулкӣ муносабатларга ноқонунӣ аралашувини чеклаш ва корхоналар кўчмас мулкларни турли белгиларига кўра алоҳида таснифлаш;
- Хусусий мулк дахлсизлиги ва ҳимояси кафолатларини кучайтириш ва корхоналар кўчмас мулкларни турли белгиларига кўра алоҳида бухгалтерия сётларида юритиш;
- Мулкӣ, шу жумладан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни сўзсиз таъминлаш;
- Корхоналар кўчмас мулкларни турли белгиларига кўра ҳисоботларда ҳам алоҳида акс эттириш;

---

1. <sup>103</sup> Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. -104 б. 11, 23 ва 30-бетлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Янги молиявий инструментларни жорий этиш ва облигациялар чиқариш орқали, банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш, илғор ахборот технологиялари асосида банк тизимини ривожлантириш зарур”<sup>104</sup> деб таъкидлаганлари, мамлакатимизнинг жаҳон бозорида ўз ўрнини топиш, хорижий инвесторлар учун валюта бозорини эркинлаштириш учун шар-шароитлар яратиб бериш каби вазифалар долзарб эканлигидан далолат беради.

Бундан кўришиб турибдики, хорижий инвесторлар томонидан инвестицияларнинг жалб этилишида бухгалтерия ҳисобида кўчмас мулк ҳисобининг юритилиши, уларни барча ахборот фойдаланувчилар учун ҳисоб ва ҳисоботда аниқ акс эттирилиши муҳим бўлиб ҳисобланади. Ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисобида кўчмас мулклар, жумладан уларнинг таркибий элементлари ҳисоби бўйича алоҳида, аниқ бир услубий тартиб ишлаб чиқилмаган. Илғор хорижий тажриабалар ва халқаро стандартларда ер, ер ва бинолар, иншоатлар(очиқ айвонлар, деворлар, сув миноралари, темир йўл шаҳобчалари, насос станциялари, каналлар, сув ҳавзалари, асфальтланган йўллар ва йўлкалар) ва ерлари, асбоб-ускуна, кемалар, самолет, транспорт воситалари, мебель ва жиҳозлар ва офис асбоб-ускунаси каби бухгалтерия объектлари “асосий воситалар” атамаси билан бирлаштирилган бўлиб, ҳисоб ва ҳисоботларда акс эттирилган. Шу муносабат билан, ҳозирги кунда қўлланилиб келинадиган “асосий воситалар” атамаси ўрнига “кўчмас мулклар” атамасини қўллаш тадқиқот ишида муҳим ҳисобланади.

Кўчмас мулкларнинг концептуал асослари миллий ва халқаро стандартларда аниқ бир қонун-қоидалар мавжуд бўлмаган тақдирда ёки уларни тўғри тушуниш ва қўллаш учун зарур бўлиб ҳисобланади. Кўчмас мулкларнинг концепциясини ишлаб чиқишда унинг иқтисодий моҳияти асос қилиб олинishi зарур. Кўчмас мулкларни тан олиш ва уларни ҳисоботда акс эттириш кенг маънодаги мулкларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш масалалари билан узвий боғлиқдир. Бухгалтерия ҳисоби амалиётида кўчмас мулклар фақатгина корхонага тегишли бўлган асосий воситалари деб қаралган. Ҳозирда кўчмас мулкларнинг таркибига кирадиган бухгалтерия ҳисобининг бошқа объектлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг моҳияти бир-биридан фарқ қилади. Булар жумласига, ер участкалари, бинолар, иншоатлар, қурилиши тугалланмаган объектлар ва кўп йиллик дов-дарахтларни киритиш мумкин. Бу каби корхоналар кўчмас мулклари ўзининг турли хил кўрсаткичлари билан тубдан фарқ қилади. Ушбу жиҳатлар кўчмас мулкларнинг концептуал асосларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Хўш, кўчмас мулкларнинг ўзи нима? Ушбу мулклар таркибига қандай активларни киритиш лозим? Халқаро ҳамда миллий даражада кўчмас мулклар бўйича ҳисоб ва ҳисобот тизимида қандай долзарб масалаларни ҳал қилиш лозим?



Кўчмас мулкларга оид юқорида санаб ўтилган ва бошқа шу каби долзарб саволларга жавоб топиш халқаро ва миллий ҳисоб таълимоти олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан фарқли мавжуд бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда “кўчмас мулклар” атамасига аниқ бир тушунча келтирилмаган, жумладан “асосий воситалар”, “активлар” каби тушунчалар билан кифояланган. Олиб борилган тадқиқотлар бир қатор хорижий ва маҳаллий олимларнинг “кўчмас мулклар” тушунчасига берган таърифларини ўрганиб чиқишни тақозо этди.

Россиялик олим иқтисодчи олими В.Г.Белоліпецкийнинг фикрича, корхона активлари 4 та тоифага бўлинади:

1. Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватига жорий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ активлар.
2. Биринчи тоифадаги активларни турли хил таваккалчиликлардан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган резерв активлар.
3. Бизнесни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган инвестицион активлар.
4. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати билан бевосита алоқадор бўлмаган активлар<sup>105</sup>.


**Кўчмас мулк** – ер участкалари, бинолар, иншоотлар, шу жумладан, қурилиши тугалланмаган объектлар, кўп йиллик дов-дарахтлар ва мулкый комплекс сифатида бутун корхоналар.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарда мавжуд кўчмас мулкларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда уларнинг юқорида санаб ўтилган ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимизда амал қилаётган ҳуқуқий ва маъмурий ҳужжатларда кўчмас мулкларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш учун меъёрий-ҳуқуқий база ижобий ҳолда мавжуд. Корхоналарнинг кўчмас мулкларини турли белгилари бўйича ассосан уч гуруҳга бўлиб, уларни қуйидагича таснифланса мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

**Корхоналар кўчмас мулклари турли белгиларига кўра** ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ва бошқа соҳасидаги кўчмас мулкларга бўлинади(1-чизма).

---

<sup>105</sup> Белоліпецкий В.Г. Финансы фирмы. – М.: «ИНФРА-М», 1999. –С. 298.



### 1-чизма. Кўчмас мулкларнинг турли белгиларига кўра таснифи

**Ишлаб чиқариш соҳасидаги кўчмас мулкларга** бевосита ишлаб чиқаришга доир бўлган Бинолар (цех, омбор, лаборатория, идора, гараж, ўт ўчириш депоси ва шу каби меҳнат шароитини яратиб берувчи, товар-моддий бойликлар бутлигини таъминловчи объектлар), иншоотлар(очиқ айвонлар, деворлар, сув миноралари, темир йўл шаҳобчалари, насос станциялари, каналлар, сув ҳавзалари, асфальтланган йўллар ва йўлкалар) ва ерлари киради.

**Ноишлаб чиқариш соҳасидаги кўчмас мулкларга** бошқарув аппаратига доир, шунингдек корхонанинг ижтимоий-маданий, маиший, соғлиқни сақлаш, коммунал мақсадларда фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар ва ерлари киради.

**Бошқа мақсадларда фойдаланиладиган кўчмас мулкларга** Сотиш учун мўлжалланган(5-сон МҲХС бўйича), Ижара бериш учун(17-сон БҲХС бўйича), Инвестициявий кўчмас мулк(40-сон БҲХС бўйича)ларга бўлиш мумкин. Бу мақсадларда ишлатилиши асосан чет мамлакатларда ривожланган ва кўпроқ аҳамият берилади. Мамлакатимизда бу борада ишларга эътиборсиз қолиб кетганлигини кўриш мумкин.

#### Хулоса ва таклифлар

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарда мавжуд кўчмас мулкларнинг бухгалтерия ҳисоби ва унинг назоратини самарали олиб бориш муҳим саналади. Шу боис ҳам кўчмас мулкларнинг турли белгиларига кўра ва бажарган ишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича қуйидагича хулоса ва таклифларни маъқул деб топдик.

- ✓ кўчмас мулкларнинг қайси мақсадда ишлатилишига қараб ҳисобга олиш;
- ✓ Кўчмас мулкларни тегишли белгиларига қараб уларга мос эскириш счетларларда ҳисобга олиш.
- ✓ кўчмас мулклар қийматини тўғри ва ўз вақтида меъёрий-ҳуқуқий хужжатларга мослигини аниқлаш ва ҳисобга олиш.
- ✓ бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни такомиллаштириш;

- ✓ молиявий активлар ҳисобининг назарий асосларини ислоҳ қилиш ва жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан андоза олиш;
- ✓ Мамалакатимизда амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини МҲҲС билан таққослаш ва уларга ўзгартиришлар киритиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини ишлаб чиқишда бухгалтерлар ва аудиторларнинг жамоат профессионал ташкилотларнинг кенг иштирокини таъминлаш;
- ✓ БҲМСда ахборот фойдалувчиларга осон ва тез тушуниладиган атамаларни қўллаш ва маълумотлар тизими билан таъминлаш;

## MUNDARIJA

<b>I SHO'BA. O'ZBEKISTONDA MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARINI JADAL JORIY QILISH VA TASHKIL ETISH MASALALARI</b>		
<b>KIRISH</b>		4
<b>Ташназаров С.Н.</b>	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишдаги тажрибалар ва жадаллаштириш омиллари	8
<b>Уразов К.Б.</b>	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС)ни илк бор қўллаш босқичлари, уларда ҳал қилиниши лозим бўлган ташкилий ва методологик масалалар	17
<b>Ширинов У.А.</b>	8-сонли МХХС “Операцион сегмент”ни ўзбекистон шароитида қўлланилиши	25
<b>II-SHO'BA. KORXONALARDA AKTIVLAR, MAJBURIYATLAR, XUSUSIY KAPITAL, DAROMADLAR VA XARAJATLARNI MOLIYAVIY HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARI ASOSIDA TAN OLISH VA BAHOLASH HAMDA MOLIYAVIY HISOBOT MASALALARI</b>		
<b>Уразов К. Б. Абдурасулов Ж. А.</b>	Бизнесни қўшиш натижасида вужудга келган янги субъектда активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитал ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш	30
<b>Боронов Б., Ахмедов М.</b>	Корхоналарда молиявий активлар ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш	35
<b>Курбанов . З.Н.</b>	Рақамли молиявий активларнинг бухгалтерия ҳисоби	38
<b>Вахадиров А.К., Сакіжанов О. Ф.</b>	Хо'jalik yurituvchi subyektlarda xalqaro standartlar asosidagi hisob siyosatini takomillashtirish yo'nalishlari	42
<b>Эшпулатова З.Б.</b>	Тиббий хизматларни кўрсатувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби объекти сифатида меъёрий ҳуқуқий асослари	47
<b>Боронов Б. Ф. Абдурасулов Ж. А.</b>	Олинадиган счётлар ҳисобини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш	51
<b>Nematova D. A.</b>	Ways to improve private equipment accounting in our country	56
<b>G'anibayev I. Sh.</b>	Avtomobil transporti korxonalarini xarajatlarini moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida tan olish muammolari	59

<b>Djumayeva G.A.</b>	МНХС асосида иjarани тан олиш	63
<b>Эралиев А.К.</b>	Балиқчилик кластерларида харажатлар хисоби	65
<b>Ne'matova D. A.</b>	Бухгалтерија ҳисобида иjarага оlingан асосий vositalarning о'ziga хос хусусiyati	68
<b>Рахманова Ю. Ш.</b>	Халқаро стандартлар асосида инвестициявий кўчмас мулк кийматини ошиши ва тан олиш коидалари	73
<b>Sayfiyev S.S.</b>	Meва-sabzavotchilik klasterlarida segmentlar hisob va hisoboti va uni takomillashtirish	76
<b>Shamsikulova M.F. Axmedov U. S.</b>	Финансовоy отчетноcти на основе международных стандартов финансовоy отчетноcти	79
<b>Юсупова Ф.З.</b>	Корхона даромадларининг иқтисодий мазмуни, таснифланиши	83
<b>Рафеев Д.Р.</b>	Корхоналар ҳисоб сиёсати: тузиш зарурати, талаблари ва вазифалари	86
<b>Misirov A.</b>	Хо'jalik yurituvchi sub'ektlarda eksport-import operatsiyalari bo'yicha hisoblashuv muomalalari hisobini tashkil etishning me'yoriy huquqiy asoslari	89
<b>Рафеев Д.Р.</b>	Ҳисоб сиёсати: таркибий тузилиши	93
<b>Ахмеджанов А.</b>	Бухгалтерский учет основа повышения достоверности отчетной информации в кластерах	96
<b>Тўраев А.Н., Мисиров Х.М.</b>	Темир йўл корхоналарида мажбуриятлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари	100
<b>Мисиров Х.М.</b>	Темир йўл корхоналарида активлар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари	103
<b>Музрапова Ш.С.</b>	Инвестицион мулкни ҳисобга олишнинг ташкилий-услубий жиҳатлари	109
<b>А.Мисиров</b>	Классификация расчетных операций внешнеэкономической деятельности	113
<b>Eshonqulov A. Q.</b>	Korxonalarda pul mablag'lari hisobini xalqaro standartlar asosida takomillashtirish usullari	115

<b>Ташназарова Д.</b>	Таннарх бухгалтерия ҳисоби таркибий масалалари	118
<b>Nurniyozov F.A.</b>	Электр энергиясини аҳолига етказишнинг мақсад ва вазифалари	122
<b>Nurniyozov F.A.</b>	Электр энергиясини истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш	124
<b>III-SHO'BA. INNOVATSION IQTISODIYOT SHAROITIDA AUDITNI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TASHKIL ETISH VA O'TKAZISHNING METODOLOGIK MASALALARI</b>		
<b>Мухаммадиев З. У.</b>	Рақамли ва яшил иқтисодиётни шакллантириш шароитида корхоналарни модернизациялашни аудиторлик текширувидан ўтказиш масалалари	127
<b>Пўлатов Х. Ў.</b>	Савдо корхоналарида даромадлар аудитни такомиллаштириш	134
<b>Eshpulatova Z.B., Xamidova S.</b>	Xalqaro standartlar asosida tushumlar audit ob'yekti sifatida tavsifi va tasnifi	138
<b>Eshpulatova Z.B.</b>	Xalqaro standartlar asosida tushumlar auditioning me'yoriy huquqiy asoslari	143
<b>O.T.Shirinova</b>	Auditor ishi sifatini baxolashda axborot texnologiyaning roli	148
<b>IV-SHO'BA. RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA XIZMAT KO'RSATISH TARMOQLARI IQTISODIYOTINI RIVOJLANTIRISH HAMDA MARKETING VA MENEJMENTNI TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI</b>		
<b>Пардаев М.Қ., Мамаюнусов Т.О.</b>	Инновацион иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифалари ва такомиллаштириш имкониятлари	151
<b>Пардаев М.Қ., Муфтайдинов Б.Қ.</b>	Инновацион иқтисодиёт шароитида иқтисодий таҳлилнинг корхоналарни бошқаришдаги ўрни	156
<b>Михлиев Ж. М.</b>	Оилавий тадбиркорликнинг мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожигаги ўрни	160
<b>Тўхтамишов А.Қ.</b>	Туристтик кластерлар рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим хусусиятлари	164
<b>Ҳайитбоев Р.</b>	Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришнинг иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларидаги долзарб масалалари	169
<b>Xudayberdiyev U., Xudoyberdiyeva M.U</b>	Raqamli iqtisodiyot sharoitida mehnat resurslaridan samarali foydalanish	173

<b>Xudoyberdiyev U., Qurbonov M.</b>	Raqamli iqtisodiyot sharoitida korxonalaridan samarali foydalanish yo'llari	175
<b>Худойбердиева М.У., Худайбердиев У.</b>	Рақамли иқтисодиёт шaroитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш	177
<b>Rajaboyev Sh. Sh.</b>	Raqamli iqtisodiyot sharoitida buxgalteriya hisobini yuritishda ms excel dasturidan foydalanish	179
<b>Shirinova G.X.</b>	Xizmat ko'rsatish korxonalarida raqamli texnologiyalarni qo'llash imkoniyatlari	182
<b>Тошназарова Н.С.</b>	Савдода иқтисодий самарадорлик масалалари	186
<b>Тўрабеков С.Ш.</b>	Ўзбекистонда туризм хизматлари соҳасини ривожлантиришнинг аҳоли бандлигига таъсирини ошириш бўйича тавсиялар	189
<b>5-SHO'BA. INNOVATSION IQTISODIYOT SHAROITIDA MOLIYA, SUG'URTA, SOLIQQA TORTISH, INVESTITSIYA VA BANK SOHALARINI XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TASHKIL ETISH VA RIVOJLANTIRISH MASALALARI</b>		
<b>Пашаходжаева Д. Д.</b>	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарт талаблари асосида фойда солиғи ҳисобини юритиш масалалари	196
<b>Ғаффоров Ш. Н.</b>	Қўшилган қиймат солиғи механизмини такомиллаштириш масалалари	200
<b>Тохиров Ш.Н.</b>	Йирик солиқ тўловчилар фаолиятини солиққа тортишнинг масалалари	204
<b>Гулматов Ж. Р.</b>	Молиявий назоратнинг замонавий тизими	207
<b>Гулматов Ж. Р.</b>	Молиявий назоратнинг замонавий тизими	213
<b>Эсанов О.М.</b>	Корхоналарда кўчмас мулкларни баҳолаш ва қайта баҳолаш тартибини такомиллаштириш	218
<b>Эсанов О.М.</b>	Корхоналар кўчмас мулкнинг моҳияти, аҳамияти ва уларнинг ҳисоб объектлари сифатидаги таснифи ва тавсифи	221





**“BUXGALTERIYA HISOBINI MOLIYAVIY  
HISOBOTNING XALQARO STANDARTLARI ASOSIDA  
TASHKIL ETISH MASALALARI”**

MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA  
MATERIALLARI TO'PLAMI.

**2023 yil 23-24 noyabr**

**“STAP-SEL” MChJ. nashriyoti  
Samarqand - 2023.**

**ISBN: 978-9910-752-07-0**

Tasdiqnona № 033337 (27.07.2022)  
© “STAP-SEL” MChJ. Nashriyoti.  
Samarqand.

5383



**Qog'oz bichimi A5, 60x84<sup>1/16</sup>, Ofset qog'ozi.  
“Times New Roman” garniturası.  
Nashr bosma tabog'i 14, 5  
Buyurtma № 0100A. Adadi 50 nusxa**

---

**Samarqand iqtisodiyot va servis institutining  
matbaa bo'limida chop etildi.**

**LICENSE № 025316.**

**REESTR № X-119112.**

**Manzil: Samarqand shahar, Shoxrux ko'chasi 60-uy.**

ISBN:978-9910-752-07-0



9 789910 752070